

Б. Х. МАГБОБЕВ
З. З. МАШРАБОВ

АНДИЖОН

ТАРИХИ



33.3167
21-83
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АКАДЕМИК Я.Ғ.ГУЛОМОВ НОМИДАГИ АРХЕОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИ

Б.Х. Матбобоев, З.З. Машрабов

АНДИЖОН ТАРИХИ

(ҚАДИМГИ ДАВРЛАРДАН XX АСР БОШЛАРИГАЧА)



«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАХРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2014

TerDU ARM
№ 397238

УЎК: 94(575.122)
КБК 63.3(5Ў)
М – 33

Масъул мухаррирлар:

ЎЗР ФА академиги **Ю.Ф.Буряков**
Тарих фанлари доктори **М.Х. Исомиддинов**

Тақризчилар:

Урумчи Ижтимоий фанлар институти профессори **Хурматжон Фикрат**
(Хитой Халқ Республикаси)

Тарих фанлари доктори, профессор **Р.Х.Сулаймонов**
Андижон ДУ профессори **С. Жалилов**

М – 33 **Матбобоев Б.Х.**

Андижон тарихи: (қадимги даврлардан XX аср бошларигача) / Б.Х. Матбобоев, З.З. Машрабов; мух. Ю.Ф.Буряков, М.Х. Исомиддинов; Ўзбекистон Республикаси ФА, академик Я.Ғ.Ғуломов номидаги археология институти, З.М. Бобур номидаги халқаро жамоат фонди. – Т.: «Sharq», 2014. – 280 б.

Мазкур китобда археологик ва ёзма манбалар таҳлилининг натижалари асосида Фаргона водийсининг энг йирик ва кўхна шаҳар марказларидан бирининг юзага келиши ва шаклланиши тарихи ўз ифодасини топган, унинг ривожланиш босқичлари белгиланган ҳамда уларнинг ҳар бирига турли манбаларни жалб қилган ҳолда таъриф берилган. Андижон худудида энг қадимги археологик комплекснинг кашф этилиши (эраמידан аввалги VI–III асрлар) шаҳарнинг юзага келиш тарихи, топографияси, сув таъминоти масалаларига янгича ёндашиш имконини беради. Мазкур илмий изланишда археологик материаллар асосида ўрта аср манбаларидаги маълумотлар ҳам илк бор янгича талкин этилади.

Китоб аввало мутахассислар – археологлар, тарихчилар, этнографлар, шарқшунослар ҳамда олий ўқув юртлари ижтимоий-гуманитар факультетларининг талабалари, магистрантлари, шунингдек кенг ўқувчилар оммаси учун мўлжалланган.

ISBN 978-9943-26-056-6

УЎК: 94(575.122)
КБК 63.3(5Ў)

ISBN 978-9943-26-056-6

© «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти, 2014.

Андижон тупроғида неча асрлик маданият ва тараққиёт намуналарини ўз бағрида асраб келаётган Далварзинтепа ва Эйлатон, Мингтепа ва Шўрабашот каби тарихий жойлар, кўҳна ёдгорликларнинг борлиги бу заминнинг юртимиздаги қадимий цивилизация бешиklarидан бири бўлганини кўрсатади.

Ислом Каримов

М У Н Д А Р И Ж А

Мухаррирлардан.....	5
<i>Кириш</i>	7
I БОБ. Фарғона водийсида шаҳарсозлик маданиятининг пайдо бўлиши ва ривожланиши.....	14
II БОБ. Андижон тарихига оид асосий ёзма манбалар.....	27
III БОБ. Андижон шаҳрида олиб борилган археологик тадқиқотлар.....	34
3.1. Археологик тадқиқотлар тарихи.....	34
3.2. Чордонанинг археологик ўрганилиши.....	38
3.3. Сарвонтепанинг археологик тадқиқи.....	54
3.4. Эски шаҳардаги бошқа ёдгорликларнинг ўрганилиши (Арк ичи, Шахристон, Қўштепа ва бошқалар).....	71
IV БОБ. Андижоннинг тарихий топографиясига оид материаллар.....	80
V БОБ. Андижон шаҳрининг пайдо бўлиши ва ривожланишининг асосий босқичлари.....	103
<i>Хотима</i>	115
Краткое содержание работы.....	119
SUMMARY.....	129
ФЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	138
ҚИСҚАРТМАЛАР ИЗОҲИ.....	154
<i>Иловалар</i>	155
Фотосуратлар ва чизмалар иловаси.....	198

МУҲАРРИРЛАРДАН

Ўзбекистон – кўҳна тамаддун ва бой маданиятга эга бўлган мамлакат.

Унинг йирик тарихий-маданий ҳудудлари турфа табиий-географик ва иклимий шароитларда ривожланиб келган. Мўл хомашё заҳирасининг мавжудлиги асосан шаҳарларда юзага келган давлатчиликнинг шаклланиши ва маданий тараққиётнинг ўзига хос йўллари билан белгилаб берди.

Фарғона – Республиканинг энг бепоён тарихий-маданий ҳудуди бўлиб, унда Ўрта Осиёнинг буюк дарёларидан бири бўлмиш «Инжу-дур Яксарт» – Сирдарё сувлари билан суғориладиган серҳосил деҳқончилик воҳалару, чўл ва тоғолди яйловлар мужассамлашган. Водий шимолдан «Осмонўпар тоғлар» – Тиён-Шон тизмаси, жанубдан эса – Олой тоғлари билан қуршаб олинган.

Турли хўжалик юритиш усулларининг ўзаро уйғунлиги шароитида шаҳарлар ҳарбий-маъмурий, иқтисодий ва маданий-маърифий марказлар сифатида юзага кела бошлаганки, ушбу марказлар ривожланиш мобайнида жамият тараққиётини ҳам ифода этиб борган.

Афсуски, Фарғона шаҳарсозлик маданиятига дахлдор, айниқса унинг дастлабки босқичларига оид ёзма маълумотлар жуда кам ва узук-юлук ҳолда учрайди. Аммо шу манбалардаги қисқа маълумотлар ҳам ҳудуднинг салмоқли урбанистик салоҳиятидан дарак беради. Антик манбаларда мазкур ҳудудларда шаҳар маданияти мавжудлиги таъкидланса, хитой солиномаларида бу ерда 70 га яқин катта ва кичик шаҳарлар қад ростлагани эътироф қилинади.

Шундай бўлса-да, шаҳарлар тарихи юзасидан асосий маълумотларни ашёвий, яъни археологик манбалардан олиш мумкин. Ҳозирда аҳолиси ўта зич жойлашган Фарғона водийси шароитида уларни излаб топиш ниҳоятда мураккаб иш. Андижон – Фарғона водийсининг йирик шаҳарларидан бири сифатида маълум. Андижоннинг қадимий тарихини тадқиқ этиш юзасидан сўнгги ўнйилликлар давомида амалга оширилаётган археологик изланишлар Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги халқаро жамоат фонди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Археология институти томонидан ҳамкорликда олиб борилмоқда.

Тадқиқотчиларнинг юкори маҳорати, чуқур илмий ва техникавий билимлари Андижон шаҳрининг юзага келиши ва ривожланиши тарихи тўғрисидаги далилларни мисқоллаб йиғиб, таснифлаш имконини берди. Муаллифлар эрамиздан аввалги VI асрдан то эрамизнинг XV–XVI асрларигача даврга оид ҳозирги шаҳар остида ястаниб ётган мудофаа иншоотлари, уй-жой ва ишлаб чиқариш мажмуалари қолдиқларини ўзида мужассам этган Андижоннинг қадимий ўзагини аниқлашнинг уддасидан чиқдилар.

Республика Президенти И.Каримов 2011 йилдаги вилоятга қилган ташрифи чоғида «Андижон бошқа шаҳарлардан ўзининг шаҳарсозлик анъаналари, ўзининг қиёфаси билан ажралиб туриши зарур»¹, деб таъкидлаган эди.

Муаллифлар томонидан синчковлик билан, муфассал ҳолда тақдим этилган тадқиқотлар натижалари Андижоннинг шаҳарсозлик солномасини ишонarli далиллар билан очиб беради ҳамда шаҳар 2500 йиллик тарихга эга эканлигини илмий асосларда исботлаб тақдим этади.

Ю.Ф.Буряков,

ЎЗР ФА академиги.

М.Х. Исомиддинов,

тарих фанлари доктори.

¹ «Народное слово» газетаси, 2011, 1 октябрь.

К И Р И Ш

Ўзбекистон халқлари тарихи ва маданияти Қадимги Шарқ тамадду-нининг салмокли қисмини ташкил этади. Ўтмишда республикамиз ҳудудида Хоразм, Бактрия, Суғдиёна, Чоч, Уструшона, Фарғона¹ каби йирик тарихий-маданий ўлкалар (вилоятлар) ғуллаб-яшнаган. Улар орасида Фарғона водийси алоҳида ўрин тутади. Айнан шу ерда, Сўх воҳасидаги Селунгур ва Чашма ғорларида ибтидоий одамнинг қадимий, 1 миллион йил илгари қолдирган ашёвий излари топилган. Қадимги тош даврининг мазкур ёдгорликлари Ҳиндистон ва Покистон, Хитой ва Жанубий Африкада кашф этилган палеолит даври (қадимги тош даври) қароргоҳлар қаторидан жой олади. 1988 йили Селунгурдаги қазилмалар жараёнида археологияда ноёб антропологик топилмалар – ибтидоий одам қолдиқлари: бош қобиғининг бир қисми, тишлари ва умуртқа поғонасининг суяклари қазиб олинган. Тишлар 35–40 ёшдаги эркак ва аёлга тегишлилиги, умуртқа поғонаси суяклари эса 10 ёшли боланики эканлиги аниқланган. Мазкур ғорда, шунингдек, қадимий ҳайвонлар, жумладан, от, айиқ, каркидон ва бошқа кемирувчиларнинг суяклари топилган (Исламов У.И., Қрахмаль К.А., 1995). Палеолит даври маконлари, шунингдек, Қайроққум чўлида, Қапчиғайда, Ўш шаҳри яқинида ҳамда Фарғона водийсининг бошқа жойларида ҳам кашф этилган.

Кейинги – мезолит/неолит даври одамнинг ҳаётидан дараклар Ҳайдар-кон шаҳри атрофидаги Обишир ғорида, Тошқўмир шаҳри ёнидаги ғорда ва Марказий Фарғона қумлиқларининг Мингбулоқ атрофидаги очиқ макон-ларида ўрганилган.

Наманган вилоятидаги Хак (Хок) ва Афлотун деган жойлардаги аниқ-ланган топилмалардан ташқари энеолит ва илк бронза даврига оид бошқа маданий қатлами бор ёдгорликлар Фарғона водийсида қайд этилмаган (Сорокин С.С., 1966. 28–32 саҳифалар бундан кейин с. деб белгиланади; Заднепровский Ю.А. 1962. 52–56 с.). Фарғонашунос олимлар водий қадим-ги деҳқончилиги маданияти мажмуасига айнан мос келмаса-да, қисман яқин турувчи археологик мажмуаларни деҳқончилиги узоқ муддат мобайнида ривожланган ҳудудларда учратиш мумкин деган хулосага келганлар

¹ Матнда Фарғона номи билан айнан тарихий-маданий ҳудуд назарда тутилади.

(Заднепровский Ю.А., 1998; Горбунов Н.Г., 1995). Шу боис бронза давридаги қадимги Чуст деҳқончилик маданияти (биринчи топилган археологик ёдгорлик номи билан шундай аталган) анчагина қадимги ҳисобланади. Қадимги Чуст маданиятидан олдинги ёдгорликларнинг шу кунгача қатламлари топилмагани туфайли водий деҳқончилик маданиятини келиб чиқиши масаласини ечишни чигаллаштиради. Аммо баъзи топилмаларни ҳисобга олган ҳолда Фарғона водийсидаги илк деҳқончилик жараёнларини ҳали етарли даражада ўрганилмаган маҳаллий деҳқончилик анъаналарига асосланган ҳолда вужудга келган деб тахмин қилиш ўринли бўлади. Биринчи галда булар қаторига Фарғонанинг шарқий туманларидан топилган айрим осори-атиқаларни, шунингдек, ушбу ҳудудда яқинда тасодифан аниқланган Шағим кўҳна мозори материалларини киритиш мумкин (Аманбаева Б.Э., Рогожинский А.Е., Мэрфи Д., 2006). Яна булар қаторида 2010 йили Андижон вилояти Қорасув шаҳридаги мактаб музейида аниқланган оқ рангли тошдан тайёрланган «тарози тоши» ҳам муҳим аҳамият касб этади. Атрофдаги ҳудудларда бу каби топилмалар аввал ҳам жуда кам бўлса-да учраб турар эди (Кузьмина Е.Е., 2000. 3-б.). Мутахассислар мазкур ашёларни эрамиздан аввалги III–II минг йилликларга тааллуқли эканлигини таъкидлашмоқда (багафсил маълумот учун: Kai Kaniuth, Mike Teufer und Nataliya M. Vinogradova, 2006. S. 94. Abb. 25–26)¹.

Эрамиздан аввалги II минг йиллик ўрталарида шимоли-ғарбий Фарғонанинг Қайроққум маконлари ва водийнинг жанубий қисмидаги кўҳна мозорлар орқали маълум бўлган кўчманчи чорвадорлар маданияти шаклланади. Н.Г. Горбунова маълумотларига кўра ҳозирда водийнинг шимоли-ғарбида жойлашган маконлар гуруҳи ва жанубий қисмида эса чўл-дашт бронза даври маданиятига оид 10 та мозор-қўрғонлар маълум. Мозор-қўрғонлардан Қорамқўл, Чек, Арсиф, Кўчқорчи, Водил (рус адабиётида Вуадиль), Япаги, Дахана, Хўжа Ягона, Дашти Ашт кабиларни айтиб ўтишимиз мумкин. Дафн иншоотлари, кулолчилик идишларида, металлда андроново тарихий жамоалари билан ўхшаш жиҳатлари мавжуд [шунинг учун мазкур комплексни Андроново маданиятининг Фарғона водийсидаги кўриниши деб аташ жоиз (Қайроққум маданияти)]. Фарғона водийсининг дашт-чўл бронзаси маданиятининг келиб чиқиши масаласи бизга маълум эмас, бу ҳақда турли фикрлар мавжуд (Горбунова Н.Г., 1984, 99–107-б; 1995. 13–30-б; Иванов Г.П., 1988).

¹ Топилма З.М. Бобур номли Жамоат фонди қошидаги Андижон шаҳарсозлик тарихи музейида сақланади.

Фанда Чуст маданияти номи билан маълум бўлган бронза даври деҳқончилиги маданияти тўлароқ ўрганилган. Ушбу маданият аҳоли сонининг кескин ортишига олиб келган ўтроқ деҳқончилик хўжалиги ривожланиши билан боғлиқ. Таъкидлаш жоизки, Фарғона водийсида ушбу қадим деҳқончилик маданиятининг 80 дан зиёд ёдгорликлари топилган. Айнан шу даврда водийнинг шарқий қисмида, Андижон вилоятининг Ойим кишлоғидан 2 км шарқда жойлашган Далварзин (Zadneprovsky Y.A., 1995), ундан шимоли-шарқда жойлашган Ашқалтепа ва бошқа шу каби илк шаҳар кўринишидаги ёдгорликлар шакллана бошлаган (Матбобоев Б.Х., 2002. 3–11-б; 2002 Б).

Эрамиздан аввалги VII асрга келиб Чуст маданияти барҳам топади ва ривожланишнинг янги – илк темир асри Эйлатон маданияти (айрим манбаларда Эйлатон-Оқтом маданияти деб аталади) ёдгорликларига ўз ўрнини бўшатиб беради. Ушбу давр материалларида ҳар иккала маданиятларнинг (деҳқончилик ва дашт чорвачилиги) ўзаро уйғунлашиш жараёни яққол кўзга ташланади. Бир тарафдан ушбу мажмуада Чуст деҳқончилик маданияти анъаналари давом этса (эрамиздан аввалги XII–VIII–VII (?) асрлар), бошқа тарафдан водийнинг текислик қисмини қуршаб олган адир, тоғ олди ва тоғ худудларида кўчманчи чорвадорларнинг маълум таъсири сезилади. Кейинги йилларда археологлар томонидан Фарғона водийсининг шимолий, шимоли-ғарбий, шарқий, жануби-ғарбий географик қисмларидаги еттита худудда 40 дан ортиқ (шу жумладан 20 та яшаш маконлари, 20 та мазор-қўрғонлар) ёдгорликлар кашф этилган (Заднепровский Ю.А., 1990. 92 б; 1993. 17–23-б.). Эйлатон шаҳар харобасидан ташқари мазкур маданият ёдгорликлари орасида бир қатламли маконлар мавжуд эмас. Эйлатон комплексининг маълум бўлган барча ёдгорликларида (жумладан, Шўрабашот, Симтепа, Суфон, Қорақўрғон, Тўрақўрғон, Пилолтепа, Қува ва Андижон) мазкур қатламлар анчайин кейинги қалин маданий қатламлар остида жойлашганлиги боис, улардан Эйлатон маданияти қатламларини аниқлаб ўрганиш жуда қийин. Фарғонанинг эрамиздан аввалги VII–VI–III асрлардаги моддий маданияти Эйлатон шаҳар харобаси ёки Шаҳри-Хайбар¹ (Фарғона водийсининг

¹ Маҳаллий аҳоли ўртасида тарқалган афсонага кўра, Эйлатон шаҳридан 4–5 км жануби-шарқда жойлашган Эски Қўрғон (Тўрткўлдаги улуғ қабристон) шаҳрига ишора қилувчи Шаҳри Хайбар ҳам мавжуд бўлиб, олимларимиз фикрича у ўзига хос режа асосида тахминан эрамиздан аввалги II–I асрлар – эрамизнинг биринчи асрларида барпо этилган.

шаркий қисми – Андижон вилоятининг Избоскан туманидаги Эйлатон қишлоғи), Октом, Кунгай, Суфон мазор-кўрғонлари ва бошиқа ёдгорликлар мисолида ўрганилган. Шу билан бирга бу борадаги ёдгорликлар санаси ва уларни маданий мансублилик масалалари ҳали етарлича тадқиқ этилмаган. Бинобарин, Эйлатон маданиятига мансуб бўлган ёдгорликларни топиш ва ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Сўнгги вақтларда Шарқий Фарғонанинг текислик қисмида Эйлатон комплексига дахлдор яна икки янги ёдгорлик қайд этилди. Бу ўрта асрлардаги Кува шахристонининг пастки қатламлари ҳамда ўрта асрлардаги Андижоннинг рабодида жойлашган Сарвонтепа ёдгорликларидир. Кува шахристонининг жанубий қисмида олиб борилган 1- ва 7-қазилмаларда Эйлатон кулолчилик комплексига оид ярим ертўла кўринишидаги уйларнинг қолдиқлари мавжуд маданий қатлам топилган. Қўлда ёпма усулда тайёрланиб сиртига бўёк билан нақш солинган сопол идишларнинг мавжудлиги ва айрим идиш шакллариининг қадимийлигидан келиб чиқиб, муаллифлар Кува комплексининг ёшини эрамиздан аввалги V–IV асрларга тенг деб белгилашди (Матбабаев Б.Х., Грицина А.А., 2000. 84–86-б.). Баъзи тадқиқотчилар эса Эйлатон маданиятининг санаси ундан-да кўхна эканлигини таъкидлайдилар (Baratov S., 2001. P 177, tabl.2). Юқорида баён этилганларга муҳтасар қилиб илк темир даврида водийда икки хил археологик маданият ривож топганлигини таъкид қилишимиз мумкин. Яъни деҳқончилик – Эйлатон маданияти ва дашт чорвачилиги – Октом ёки Кунгай маданияти мавжуд бўлган деган фикрни илк бор олға сурамиз. Ёдгорликлар хариталаштирилганда Октом-Кунгай хилидаги археологик топилмалар тарқалган ҳудуд Қайроққум маданияти топилмалари қайд этилган ҳудудлар билан деярли мос тушишини кўрсатади (Иванов Г.П., 1999. 13-б.).

Ўша даврда, яъни эрамиздан аввалги VI асрда, тарих саҳнасида Ахамонийлар салтанати пайдо бўлади. Унинг таркибига Ўрта Осиё Икки дарё оралиғидаги (Амударё ва Сирдарё) асосий ҳудудлари кирган ҳолда, фақатгина Фарғона ўз мустақиллигини сақлаб қолади.

Фарғона маданияти антик даврда (эрамиздан аввалги IV – эрамизнинг IV асрлари) гуллаб-яшнади. Ёзма манбаларнинг дарак беришича, бу вақтга келиб қадимий Фарғона давлати – Давань (баъзида Довон) подшолиги шаклланади ва ривож топади (Матбабаев Б.Х., 2001). Археологик маълумотларга кўра ушбу даврда Эрши (Мингтепа), Ахсикет, Кува, Поп (Боб), Хўжанд ва шу қаторда Андижон шаҳарлари юзага келади ва ривож топади.

Илк ўрта асрлар, яъни V–VIII асрларда Фарғона тарихи учун улкан сиёсий силсилалар даври бўлди. Дастлаб эфталитлар ва турклар, кейинчалик

эса араблар Ўрта Осиёни, хусусан Фарғона водийсини забт этиш йўлида кураш олиб бордилар. Фарғонанинг араблар томонидан узил-кесил босиб олиниши Наср ибн Сайёр ҳукмдорлик вақтига тўғри келади (738–748 йиллар). Б.Х. Матбобоевнинг ҳулосаларига кўра антик даврга қиёсланганда шаҳарлар аҳолисининг сони ортади. Арабларга тобе ҳудудларда иқтисодий ва маданий ривожланиш жадаллашади (Матбабаев Б.Х., 2009; 2009 а).

IX–XIII асрларда Фарғона водийсида хунармандчилик ишлаб чиқариши ривож топади ва гуллаб-яшнади. Мазкур давр бошида Фарғона сомонийлар ноибни Аҳмад томонидан бошқарилган. Уша даврда Фарғона учта тарихий-маданий ҳудудга бўлинган эди: Сирдарёдан шимолда жойлашган ҳудуд – Ўрта аср манбаларининг Вағизия вилояти, Қорадарё ва Норин оралиғидаги ҳудуд (Миён-и-Рудон), водийнинг жануби ва Туркистон тизмасининг шимолий ёнбағирлари – ўрта аср манбаларининг Несай вилояти (Бартольд В.В., 1963. 220 б.). Хўжанд, Ахсикет, Қуба, Ўзган, Ўш, Андуқон, Марғинон ва бошқалар энг йирик шаҳарлардан бўлган. Айнан шу вақтдан бошлаб Андижон шаҳри тўғрисида илк ёзма маълумотлар пайдо бўлганки, мазкур китобда ушбу шаҳар тарихига батафсил тўхтаб ўтилади.

Юқоридаги шарҳдан кўриниб турганидек, Фарғонада илк шаҳарсозлик маданияти водийнинг шарқий қисмида юзага кела бошлаган (Андижон вилоятининг Ойим қишлоғи четида жойлашган Далварзин шаҳар харобасидир). Шаҳарсозлик маданиятининг кейинги босқичи ривожини ҳам Фарғонанинг айнан шу қисми билан боғлиқ. Водийнинг мазкур қисмида илк урбанистик (шаҳарлашиш жараёни) ҳудудда Эйлтон, Шўрабашот, Мингтепа, Кува сингари йирик шаҳарсозлик маданияти ёдгорликларининг жойлашганлиги ҳам шундан далолат беради. Далварзин шаҳар харобаси ҳамда тадқиқотимиз объекти бўлган Андижон шаҳри айнан мазкур ҳудудда – Қорадарё ўзанида жойлашган¹. Археологик материаллардан келиб чиқиб мазкур ҳудудни Фарғонанинг илк деҳқончилик ва шаҳарсозлик ўчоғи деб ҳисоблаш ўринли бўлади. Айнан шу ерда бронза давридан бошлаб ҳозирга қадар фаол юксалиб келаётган деҳқончилик анъаналари ривож топган (Матбабаев Б.Х., 2008. 135 б.).

Кейинги вақтларда шаҳарлар тарихини ўрганишга кизикиш ортиб бормокда. Сабаби шаҳарлар ёшини аниқлаш муҳим аҳамият касб этмокда, негаки улар Ўзбекистон тамаддуни, давлатчилиги ва шаҳарсозлиги тарихи илдизларининг чуқурлиги тўғрисида тасаввур ҳосил қилади. Шу билан

¹ Уларнинг оралиғидаги масофа 25–30 километрни ташкил этади.

бирга шаҳарсозлик тарихини тадқиқ этиш урбанизация жараёнларининг қонуниятлари ва мазмун-моҳиятининг хусусиятларини очиқ беради. Шаҳар аҳолисининг ҳунармандчилик, ишлаб чиқариш ва маънавий-маданий салоҳияти, шаҳарнинг қишлоқ билан муносабатлари, шунингдек, кўпчи мамлакатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларининг мазмун-моҳиятини белгилайди. Бухоро, Самарқанд, Хива, Термиз, Тошкент каби шаҳарлар тарихи бўйича олиб борилган тадқиқотлар шундан далolat беради.

Фарғона водийси шаҳарсозлиги маданиятининг босқичлари ҳозирга қадар муфассал ўрганилмаганлиги боис ҳам бу мавзу долзарб аҳамият касб этади. Шу сабабли водий шаҳарлари, шу жумладан айрим олинган Андижон шаҳри тарихини тадқиқ этиш ўта муҳим аҳамиятга эга.

Шулардан келиб чиқиб, мазкур илмий изланиш доирасида Фарғона водийси шаҳарларининг шаклланиши ва ривож топиши ўрганилган ҳолда, қадим Андижоннинг ривожланиш босқичларини чуқур тадқиқ этишга алоҳида урғу берилади. Ёзма манбаларнинг етарлича мавжуд эмаслиги боис, асосий мақсад – шаҳар ривожланишининг илк босқичлари билан боғлиқ маданий қатламлар ва моддий қолдиқларни таърифлашга қаратилади. Қадим шаҳарнинг таркибий тузилиши, Андижоннинг тарихий арк, шаҳристони ва рабодининг жойлашувини аниқлашга эътибор қаратилади. Унинг айрим даврлардаги тарихи археологик нуқтаи назардан тадқиқ этилади. Мазкур илмий изланиш натижасида илк бор шаҳар тарихининг моддий маданиятига оид барча маълумотлар жамланган, шу жумладан, меъморий қолдиқлари ва кулолчилик маҳсулотлари, суяк ва тошдан ясалган ашёлар, тангалар ва бошқалар. Китоб муаллифлари ўз олдиларига илмий истеъмолга шу кунга қадар йиғилган қадим Андижон тарихи билан боғлиқ барча археологик маълумотлар ва кузатувларни киритишни мақсад қилганлар. Ушбу маълумотларни ёзма, этнография, топография манбаларидаги маълумотлар, ҳамда архив маълумотлари тўлдиради. Шу тариқа ёзма маълумотларни археологик тадқиқотларнинг ашёвий маълумотлари билан уйғунлашуви таъминланган. Авваллари айрим мўъжаз изланишларда моддий маданият осори-атиқаларига оид, асосан сўнгги ўрта асрлар даврига хос айрим маълумотлар келтирилган бўлса-да, моддий маданият қолдиқлари асосидаги Андижоннинг қадим ва ўрта асрлар тарихига оид махсус изланиш илк бор амалга оширилганини таъкидлаш жоиз. Шу сабабдан мазкур илмий тадқиқотда биз XIV–XX асрлардаги меъморчилик ва суғориш иншоотлари тарихини алоҳида муфассал ўрганишга эътибор қаратмадик. Шу билан бирга биз нашр этилган маълумотлар билангина чекланиб қолмадик. Муаллифлар

билан мунозарага киришар эканмиз, авваллари инобатга олинмай келинган маълумотларни қайд этишга эътиборни қаратдик. Шу жихатдан олганда илмий тадқиқотда қадим ва ўрта асрлардаги Андижоннинг маданияти ва тарихи хусусида янада кенгроқ тасаввур ҳосил қилишга кўмаклашувчи асосан янги маълумотлар келтирилади.

Бундан ташқари чор Россияси ва собиқ шўро даврлари тарихи бўйича Р.Т. Шамсутдинов, Ҳ.Нурмухамедов, А.Шарофуддиновлар ишларини таъкид этамиз.

Мазкур монография – Захириддин Муҳаммад Бобур номидаги халқаро жамоат фонди ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Археология институтининг биргаликда олиб борган изланишлари натижаси эканлигини эътироф этамиз. Зокиржон Машрабовнинг дастлаб шаҳар ижроия кўмитаси раиси (1981–1984), кейинчалик эса жамоат фонди раҳбари (2000–2012 й.й.) сифатидаги ташаббуси ва сайъ-ҳаракатлари туфайли Андижонда археологик қазилмалар олиб борилди ва ҳозирда ҳам давом этмоқда. Унинг натижасида қатта миқдорда археологик материал тўпланди, фонднинг Боғишамолдаги Жамоатчилик маданий марказида Андижон шаҳарсозлик тарихи музейи ташкил этилди. Бу ерда нафақат вилоят маркази, балки ён-атрофдаги ҳудудлар бўйича археологик маълумотлар тўпланди. Фурсаддан фойдаланиб, муаллифлар китобни чоп этишда ёрдам берган жамоат фонди раҳбариятига, археологик изланишларда иштирок этган Б.Абдулгазиева, Г.Иванов, Б.Абдуллаев, Б.Болиев, Ҳ.Ҳошимовларга, шунингдек, Андижон давлат университети тарих факультети жамоасига ва С.Шукуровга мазкур тадқиқотнинг ёзилишига асос бўлиб хизмат қилган материалларни тўплаш, ўрганишдаги беминнат ёрдамлари учун чуқур миннатдорчилик билдирадилар.

Ў БО Ё

ФАРҶОНА ВОДИЙСИДА ШАҲАРСОЗЛИК МАДАНИЯТИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Фарғона водийси нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиёнинг йирик тарихий-маданий минтақаларидан бири. Бактрия, Суғд, Чоч ва бошқа маданий ўлкаларда бўлгани каби қадимда унинг ҳудудида деҳқончилик ва шаҳарсозлик ривож топган, илк давлатчилик тузилмалари пайдо бўлган. Кейинги вақтларда олимларимиз мазкур жараёнларни тадқиқ этишга алоҳида эътибор бермоқдалар.

Эрамиздан аввалги III–II минг йилликларга оид ноёб артефактларнинг айрим топилмалари маълум. Жумладан, водий жануби – Сўхдан топилган тошдан ясалган илоҳий ашё, шимолда кашф этилган Ҳак (Ҳақ, Хок) ва Афлотун ҳазиналари. Мазкур артефактлар қаерда тайёрланганлиги аниқ-равшан исботланмаган бўлса-да, уларнинг айримлари ҳатто Эламдан олиб келинган бўлиши мумкин, деган фаразлар мавжуд (Горбунова Н.Г., 1984. 101-б.). Шубҳасиз, мазкур даврга келиб Фарғонада ҳаёт барқ урган, вақти келиб бу ерлардан ҳозирда қалин сариқ тупроқ қатламлари остида ётган илк деҳқончилик ёдгорликлари топилиши мумкин. Қирғизистон Республикаси Жалолобод вилояти Ўзган шаҳри яқинидаги Шағим қадимги мозори топилмалари (Аманбаева Б.Э., Рогожинский А.Е., Мэрфи Д., 2006. 256–265-б.), Андижон вилояти Қорасув шаҳридан чиққан «тарозу тоши» бундай фараз қилишимиз учун асос бўла олади.

Урбанизация жараёнлари – шаҳарларнинг пайдо бўлиш тарихи, уларнинг жамият ривожланишидаги ўрни ва аҳамиятини тадқиқ этиш тарих фанининг энг долзарб масалалари қаторига киради. Маълумки, шаҳарлар пайдо бўлгандан эътиборан жамият учун алоҳида ўрин эгаллай бошлайдилар. Шаҳарлар таърифисиз инсоният ривожланишининг муҳим босқичларини тасаввур қилиш қийин. Урбанизация деганда: бир тарафдан шаҳарларнинг вужудга келиши ва ривожланиши, иккинчи тарафдан уларнинг жамият ривожланиши таъсири тушунилади. Инсоният тарихи ривожда урбанизация жараёнлари барча жойларда бирдек кечмаган ва

ушбу жараён бир неча босқичдан иборат. Шумер, Элам ва Ҳиндистоннинг илк шаҳарлари эрамиздан аввалги IV–III минг йилликларда, Хитойда эса – эрамиздан аввалги III–II минг йилликларда вужудга келган. Шимоллий Европада ушбу жараёнлар бирмунча кейинроқ – эрамизнинг I минг йиллиги ўрталарида кечган (Асқаров А.А., Ширинов Т.Ш., 1993. 10-б.). Ўрта Осиё илк шаҳарларининг ўзига хос хусусиятларига оид турли нуқтаи назарлар А.А. Асқаров, Ю.Ф. Буряков, Э.В. Ртвеладзе, В.М. Массон Ю.А. Заднепровский Н.Н. Негматов, Т.Ш. Ширинов, А.С. Сагдуллаев ва бошқа олимларнинг илмий изланишларида акс этган. Эрамиздан аввалги IV–II минг йилликлардаги урбанизация жараёнлари ҳар хил тадқиқотларда икки босқичдан саккиз босқич оралиғидаги даврга ажратилган. Хусусан, В.М. Массон ушбу жараёнларни икки босқичга жамлаган – Қадимги Шарқ босқичи (эрамиздан аввалги III минг йиллик охири – I минг йиллик ўрталари) ҳамда антик босқич (эрамиздан аввалги III аср – эрамизнинг IV–V асрлари) (Массон В.М., 1973). Н.Н. Негматов энг қадимги давр (ўтроқ деҳқончилик турмуш тарзи аста-секин ривожланган вақт)дан, то XX асргача бўлган вақтни қамраб олувчи саккиз босқични айтиб ўтади (Негматов Н.Н., 1990. 49–50-б.). Урбанизация жараёнларининг таклиф қилинаётган босқичлари айрим ҳолларда бир-бирига зид келади, шу боис уларни камчиликлардан холи эмас, дейиш мумкин. Буни тушуниш мумкин, зеро юқоридаги хулосалар маҳаллий манбалар негизида яратилган бўлиб, асосан муаллифларнинг шахсий изланишлари натижаларига асосланади. Мазкур қарашларда вақт ва урбанизация босқичларининг сони турлича талқин этилса-да, барчасида бир жиҳат бўйича яқдиллик кузатилади, яъни Марказий Осиё шаҳарлари шаклланиши бошқа ҳудудларга нисбатан анча эрта бошланган.

Шаҳарлар турли даврларда, турли географик шароитларда вужудга келиб, турли функцияларни бажарганлар. Тарихда бутун бир давлат мақомидаги шаҳарлар, аграр шаҳарлар, савдо шаҳарлари кузатилган. «Шаҳар» атамаси турли даврларда турлича талқин этилган (масалан, «антик шаҳар», «Ўрта аср шаҳри» ёки «капиталистик шаҳар»). Тадқиқ этилаётган шаҳарларни даврий жиҳатдан турли вақт босқичларига бўлинишини назарда тутиб, уларни энг қадимги, қадимги ва ўрта аср шаҳарларига тақсимлаш мумкин. Шаҳарлар илк босқичларда аҳоли зич маконлар сифатида шаклланиб, кейинчалик шаҳар белгиларига эга бўлиб борганлар. Археологик материаллар таҳлили асосида В.М.Массон энг қадимги шаҳарларнинг хусусиятларини куйидагича белгилаган:

1. Аҳоли сони камида беш минг киши бўлиши керак.
2. Маълум ижтимоий-сиёсий қарашларни ифода этувчи маҳобатли меъморчиликнинг мавжудлиги (жамоавий ва тоат-ибодат учун мўлжалланган бинолар яъни ибодатхоналар).
3. Мазкур макон савдо ишлаб чиқаришининг, ҳунармандчилик маркази бўлмоғи лозим.

Шундай қилиб, маълум аҳоли пунктини шаҳар мақомини олиши учун бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган ижтимоий-иқтисодий омиллар мавжуд бўлмоғи керак. Биринчидан, шаҳар қишлоққа нисбатан ишлаб чиқариш шакллари билан фарқ қилган. Шаҳар аҳолиси асосан ҳунармандчилик ва савдо-сотик билан машғул бўлганлар. Шаҳар ва қишлоқлар бир-бирини тўлдириб турган – шаҳарга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва хомашё кириб келса, шаҳардан ҳунармандчилик ва саноат маҳсулотлари етакзиб берилган. Иккинчидан, шаҳар қишлоққа нисбатан нафақат асосий ишлаб чиқариш усуллари, балки аҳолининг ижтимоий таркиби билан ҳам ажралиб турган. Одатда шаҳарда ўз ҳукмдори бўлиб, маҳаллий солиқлар белгиланган.

Демак, шаҳарнинг вужудга келиши ва ривожланишида ишлаб чиқариш, сиёсий ва ижтимоий омиллар муҳим аҳамият касб этган. Қолаверса, табиий-географик шароитлар, фойдали қазилмаларнинг мавжудлиги, шаҳарнинг жойлашуви, сув манбаси, ўзга ҳудудлар билан алоқа қилиш учун қулай йўллар талаб этилган (асосий савдо йўлларига яқинлиги). Яъни шаҳар ўз таркибига кўра жамиятнинг тараққий топиши учун зарур бўлган дунёвий, диний, иқтисодий функцияларни ягона организмга мужассам этган. Қадим даврларда инсон истиқомат қилган мавзелардан шаҳарларни ажратиб кўрсатиш учун Т.Ш.Ширинов қуйидаги белгиларни илгари суради:

1. Олий ҳокимият белгилари – ҳукмдорнинг ҳашаматли саройлари.
2. Ҳукмдор ва унинг яқинлари учун мўлжалланган кўрғон, деворлар билан алоҳида мустаҳкамланган яшаш жойи – «арк», баъзида кўхандиз, қаср.
3. Маҳобатли ибодатхоналар меъморчилиги борлиги.
4. Ривожланган, ихтисослашган ҳунармандчиликнинг мавжудлиги.
5. Шаҳарнинг ишлаб чиқариш соҳасига қараб даҳаларга (квартал) бўлиниши (Ширинов Т.Ш., 1993).

Шаҳарларнинг Фарғона водийсида пайдо бўлиши масаласига Марказий Осиёда кечган умумий жараёнлар билан ҳамоҳанг равишда ёндашиш керак. Кўп йиллардан буён водийда олиб борилган археологик изланишлар Фарғона водийсидаги урбанистик жараёнлар чуқур илдизларга

эгалигини кўрсатмоқда. Бу ердаги жараёнларнинг ўзга минтакаларда кечган жараёнлардан айрим фарқи водийнинг табиий-географик шароитлари, ўзига хос моддий маданиятини келтириб чиқарган омиллар мавжудлиги, тоғлар оралиғида жойлашганлиги билан изоҳланади. Шу сабабли шаҳарларнинг юзага келиш жараёни хронологик жиҳатдан фарқ қилади, масалан, Бактрияда кечган жараёнларга нисбатан урбанизация белгилари кечроқ содир бўлган. Қадимги шаҳар маданиятидан дарак берувчи хусусиятларини ҳам бошқа минтакаларда аниқланганларидан кўра камроқ учратиш мумкин.

Эрамиздан аввалги II минг йилликнинг сўнгги чорагида водий худудида Чуст маданиятига оид маконлар кенг тарқалади. Бугунги кунга келиб 80 дан ортиқ шундай ёдгорликлар аниқланган. Улар орасида энг йириклари: Далварзин – 25 гектар, Ашқалтепа – 13 гектар (Андижон вилояти), Чуст – 4 гектар (Наманган вилояти). Айнан шу маданият вакиллари урбанизация жараёнларини вужудга келиши йўлида илк қадамларни қўйганлар, кейинчалик эса дастлабки воҳа давлатчилиги куртакларини парвариш этиб, илк давлатчиликнинг белгиларини ривожлантирадилар. Кейинги йилларда Фарғонада илк шаҳарсозликни ўрганиш борасидаги янги маълумотлар қўлга киритилди. Мазкур маълумотлар Чуст маданияти энг йирик ёдгорликларини ёшини эрамиздан аввалги XII–VII асрларга тенглаштирган ҳолда, Далварзинни қадимий шаҳар, Чуст, Ашқалтепа, Хўжамбоғ ва, эҳтимолки, Дехқон каби ёдгорликларини шаҳармонанд маконлар деб аташга асос беради.

Андижон вилоятининг Жалолқудуқ тумани Ойим қишлоғи ёнида, Қорадарёнинг сўл қирғоғидан 3–4 км масофада жойлашган Далварзин шаҳар харобаси энг қадимий ва муфассал ўрганилган ёдгорликдир. Уни 1952 йилда Ю.А.Заднепровский кашф этиб, 16 йил давомида археологик қазишмалар олиб борган (Заднепровский Ю.А., 1962; 1978). Кўп йиллик қазишмалар дарак беришича, Далварзин деворлар билан ажратилиб ўралган учта қисмдан иборат бўлган. Уларнинг ҳар бири алоҳида вазифани ўтаган: аеосий майдон (18 гектар) яшаш учун мўлжалланган, 2 гектардан иборат алоҳида худуд тадқиқотчилар томонидан «арк-истехком» сифатида таърифланади, 5 гектарли жой эса чорва сақлаш учун ажратилган. Бу ерда очилган салобатли мудофаа деворлари ва алоҳида ажратиб олинган «арк» нафақат Фарғона, балки бутун Ўрта Осиёдаги энг қадимий ёдгорликлар қаторига киради. Дастлаб Далварзин ялангликда жойлашган тураржой мавзеси бўлиб, кейинчалик мудофаа деворлари билан ўралган. Деворлар платформа (тагурси) устига қурилган. Қуйи қисми хом ғишт ва обдан

кориб пишитилган лойдан тикланган. Шунингдек, таъмирлаш ва қайта куриш даврида гуваладан фойдаланилган. Сейсмик тебранишларга турғун бўлишлиги учун деворлар куйи қисмининг энини калинлиги 4–6 метр қилиб урилган. Сақланиб қолган деворларнинг ҳозирги баландлиги 2,5 метрни ташкил этади. Ҳисоб-китобларга кўра, бу каби кўрғонни деворларини бир вақтнинг ўзида тиклаш учун Далварзинда ва унинг атрофида истикомат қилган барча аҳоли ишга жалб этилган бўлиши керак. Курилишда иштирок этган ҳар бир гуруҳ устаси қуйилган ғиштларга ўз белгисини (тамғасини) босган. Бу белгилар сони 20 дан ортқини ташкил қилади. Тарихий ва этнографик манбаларга асосланган ҳисоб-китобларга биноан, бу каби деворлар икки-уч ёки узоғи билан беш йилда тикланган. Шундай маҳобатли мудофааланган Далварзинда қандай кўринишдаги уй-жойлар бўлганлиги масаласи узоқ вақтга қадар тадқиқотчилар учун мавҳумлигича қолиб келган. XX асрнинг 70-йилларига келибгина бу саволга жавоб топилган. Далварзинда уч турдаги уй-жойлар қурилган.

1. Ер устига хом ғишдан тикланган иморатлар.

2. Ярим ертўла шаклидаги тураржойлар.

3. Енгил қора уй (капа) ёки чайла сингари енгил иморатлар (Заднепровский Ю.А., 1978. 12–18-б.).

Уларнинг барчаси жуда ёмон сақланган. Қадимги даврларни тадқиқ этувчи археолог-фарғонашунослар кўп ҳолларда яшаш учун мўлжалланган иморатларнинг деярли сақланиб қолмаслик ҳолатларига дуч келишади. Нима учун ажойиб гулдор кулолчилик маҳсулотлари, бронзадан қилинган бетакрор меҳнат қуроқларини ясай олган далварзинликларнинг (ёки бутун водий бўйича) тураржойлари сақланиб қолган эмас, деган савол мавжуд. Бунинг сабаблари ҳалигача маълум эмас. Балки қурилиш ашёларининг етарлича мустаҳкам бўлмаганлигидадир? Водийда қадимда, айрим ҳолларда ҳозирда ҳам, уйлар ёғочдан тикланган синч оралиғига хом ғишт ёки гувала тўлатилган деворлар ёрдамида қурилган. Вақт ўтиши билан синчдаги ёғоч чириган ва иморатлар аниқлаб бўлмас даражада тўкилиб тушганлиги ҳақиқатга яқин. Ўш шаҳридаги Тахти Сулаймон тоғида қазиб топилган археологик ёдгорлик қолдиқлари фикримизга далил бўла олади. У ердаги Чуст маданиятига оид тураржойларнинг пол қисмида ёғоч устунлар, шу жумладан марказий устун учун мўлжаллаб қовланган кўпплаб режаси юмалоқ чуқурчалар топилган, аммо иморатларнинг деворлари сақланиб қолмаган. Мазкур чуқурчалар деворни ушлаб турган синч устун учун ясалган ва бу нарса ҳозиргача давом этиб келмоқда.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, маҳобатли мудофаа деворлари ва «арк»га эга Чуст маданияти ёдгорлиги бўлмиш Далварзинда тахминан 1900–2700 йил муқаддам шаҳарсозлик маданиятининг дастлабки босқичи шакллана бошлаган.

Қадимги Фарғонанинг кейинги урбанизация босқичи водийнинг Эйлтон маданияти ёдгорликларида намоён бўлади (эрамиздан аввалги VII–VI–III асрлар). Андижоннинг шимоли-ғарбидан 20 километрдан узоқроқда жойлашган мазкур маданиятнинг яқингача ягона бўлиб келган Эйлтон (маҳаллий номланиши Шаҳри Хайбар) ёдгорлиги меъморий қолдиқлари археологик нуқтаи назардан тадқиқ этилган (Латинин Б.А., 1961; Заднепровский Ю.А., 1960; Gorbunova G., 1986. 26–57-б.). Ҳозирда ушбу ёдгорликнинг катта қисми бузилиб кетган. Фақат ички шаҳар мудофаа деворларининг озгина қисми ва ички шаҳардаги бир нечта тепаликлар сақланиб қолган. Ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида эса Б.А.Латинин бошчилигидаги Ленинграддаги Моддий маданият академияси экспедицияси аъзолари томонидан олиб борилган изланишларда икки қатор мудофаа деворлари борлиги аниқланган эди. Ички шаҳар 500х400 метр ўлчамдаги параллелограм шаклига эга. Тадқиқот олиб борилган вақтда ички деворлардан 500 м нарида ташқи деворлар аниқланган. Ўшанда гузилган ёдгорлик режаси ва таърифга кўра ёдгорликнинг шимолий томонида ташқи деворлар 2200 метргача узунликда кузатилган, шарқий қисм девори узунлиги 900 метрни ташкил этган ва у ҳозиргача сақланиб қолган Култепага қадар давом этган эди. Ёдгорликнинг майдони ташқи девор ўраган қисми 200 гектар, ички девор ҳимоялаган қисми 20 гектарни ташкил этади. Кейинги тадқиқотлар натижасида тупроқ марзалари остида баландлиги 4 метргача сақланиб қолган девор қолдиқлари топилган. Ушбу деворлар бўйлаб бир-биридан 50–60 метр масофада кузатув миноралар жойлашган. 1952 йилда Ю.А.Заднепровский бошчилигидаги Помир-Олой экспедициясининг гуруҳи Эйлтоннинг ички шаҳар қисмида археологик қазилмалар олиб борган. Ҳозирда шаҳар ичининг жанубий қисми ботқоққа айланган, чеккаларини эса пахта майдонлари эгаллайди. Айнан шу ердан калин маданий қатламлар аниқланган. Мазкур жой ёдгорликнинг яшаш учун ўзлаштирилган энг қадимий қисми бўлганлиги эҳтимолдан холи эмас. Чунки энг қадимги топилмалар асосан ички шаҳар қисмидан қазиб олинган. Гарчи Эйлтонда арк аниқланмаган бўлса-да, фикримизча мазкур масалага узил-кесил нуқта қўйишга эрта, негаки, Эйлтоннинг ўтган асрда туширилган харитасида арк вазифасини бажариши мумкин бўлган энг баланд нуқта кайд

этилган. Афсуски, бу тепалик XX асрнинг 30–40-йилларида вайрон қилинган. Олиб борилган дастлабки қазишмаларда тураржой сифатидаги иморатлар қолдиғи қайд этилмаган. Фақат 1952 йилда ўтказилган қайта изланишларда унча катта бўлмаган хоналардан иборат уйларнинг харобалари аниқланган. Мазкур иморатларнинг деворлари 80–90 см қалинликдаги пахсадан кўтарилган бўлиб, 50 сантиметргача баландликда сақланиб қолган.

Қазишмалар мобайнида Эйлтондан кўлда ёпма усулда ясалган ва кулолчилик чархида ясалган кулолчилик маҳсулотлари топилган. Эйлтонликларнинг кулолчилик маҳсулотлари ўзига хослиги билан ажралиб туради. Оқ ёки оқиш сариқ ранг берилган асосга қизил ёки жигарранг-қизғиш бўёк билан турли геометрик нақшлар солинган. Бундай услуб аввалги даврларда (эрамиздан аввалги XII–VII асрлар) дехқончилик билан шуғулланиб келган аҳолининг кулолчилик борасидаги анъаналарини давом эттиради. Шу билан бирга Эйлтон даврида сезиларли янгилик киритилади – идишларнинг маълум қисми кулол чархида тайёрлана бошланади. Бундай ўзгариш Эйлтон даврига тааллуқли бўлган бошқа ёдгорликларда ҳам кузатилади. Айнан шу каби идишлар Жанубий Фарғона мозор-кўрғонларидан, хусусан Сўфон, Октепа, Ниёзботир, Валик ва бошқа ёдгорликлардан топилган. Эйлтон ёдгорлиги материалларини Чуст маданияти материаллари билан солиштириш орқали Ю.А.Заднепровский археология фанида алоҳида Эйлтон маданиятини асослаб берди ва уни эрамиздан аввалги VII–IV асрлар билан саналайди (Заднепровский Ю.А. 1962. 167 б.).

Кейинчалик 1960–1963 йилларда Эйлтондаги қазишмаларни давом эттирган Т.Г.Оболдуева мудрофаа девори, минора ҳамда ички шаҳарнинг дарвозабонлар хонаси билан бирга дарвозахонани ва тўғри бурчак шаклидаги кичкина (2x3,7 метр) хонани қовлаб тадқиқ қилади. Режада тўғри тўртбурчак шаклидаги минора (10x10,5 метр) йирик хом ғиштдан тикланган бўлиб, пахса-лой асосига қурилган. Қалинлиги 4 метрдан иборат мудрофаа девори ҳам шу услубда қурилган. Девор ва миноранинг сақланиб қолган қисми баландлиги 3,5 метрга тенг. Бутун периметр бўйлаб қад ростлаган миноранинг дарвоза томонидаги қаърига (мехроб сингари) дарвозабонлар учун мўлжалланган мўъжазгина хона қурилган (3x2 метр) (Оболдуева Т.Г., 1981. 192 б.).

Юқорида қайд этилганидек, Эйлтон икки қатор мудрофаа деворлари билан ўралган (ички ва ташқи). Деворлар ягона лойиҳа асосида хом ғишт ва гуваладан кўтарилган. Деворларнинг қалинлиги 4 метрга тенг бўлиб, сақланиб қолган қисмининг баландлиги 2,5 метр келади. Деворлар ер сатҳи

устига қурилганидан келиб чиқиб, улар мазкур манзилгоҳнинг дастлабки ўзлаштириш давридаёқ барпо этилганини тахмин қилса бўлади. Миноралар деярли квадрат кўринишга эга бўлиб (10,5x10 метр), девор чизиғидан бўртиб чиққан. Бу эса шаҳар деворига яқинлашиб келаётган душман ҳамласини ахши кўришга ва уни барча йўналишлар бўйича бартараф этиш имконини берарди. Шаҳар дарвозаси кўриқчилари учун мўлжалланган хона бевосита пойдевор устига лой ва гуваладан қурилган эди. Айтилишига қараганда аралаштириб ясалган хом ғиштдан ҳам фойдаланилган. Қазималар даврида қорувулхона деворларининг баландлиги 3,5 метрга тенг бўлганлиги инобатга олинса, уларнинг асл баландлиги камида 4,5–5 метрга етганлигини тасаввур қилиш мумкин.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, деворлар бир неча қурилиш усулларида фойдаланиб тикланган. Айрим жойларда муодофаа деворларига кўчдеворлар бунёд этилган бўлиб, бу билан бутун истехком тизимидан фойдаланиш муддати узайтирилиб мустаҳкамлиги ҳам орттирилган. Иншоот қурилишининг турли босқичларига тааллуқли фарқлар ва сувоқ катларидаги бир-бирдан ажралиб туривчи услуб таъмирлаш ишлари олиб борилганидан далолат беради. Мазкур деворларни барпо этишда қанча аҳоли қатнашганлиги мавҳумлигича қолса-да, Эйлтоннинг муодофаа кўрғонлари пишиқ-пухта бунёд қилингани ва бу истехком ўз даври меъморчилигининг илғор намунаси эканлигини ишонч билан таъкидлаш мумкин. Қолаверса, Эйлтон ён-атрофда истиқомат қилган барча аҳоли учун душмандан жон сақлайдиган ишончли макон бўлган. Ички ва ташқи девор ўртасидаги камида 180 гектарли майдон шу мақсадларда қолдирилган эди. Бу ҳудуд мустаҳкам деворлар билан муҳофазаланган эди. Шуларни назарда тутиб, Эйлтон деворларини барпо этишда бутун аҳоли иштирок этган ва қурилиш ишлари йил давомида (балким бундан ҳам кўпроқ) тўхтовсиз олиб борилган, дейиш мумкин. Муодофаа деворлари эрамиздан аввалги III асрга қадар, шаҳардаги ҳаёт номаълум сабабларга кўра тўхтаб қолган давргача сақланиб қолган. Тахминан 2200 йил аввал Эйлтон бизга номаълум сабабларга кўра ташландиқ, ўлик шаҳарга айланган. Шу даврларда Эйлтондан узок бўлмаган ерда Тўрткўл (шу ном остида ҳозирда мавжуд бўлган қишлоқда) шаҳар-қалъаси бунёд этилган.

Унинг майдони 9 гектар бўлиб, режага асосан думалоқ шаклга эга. Ёдгорликнинг шимоли-ғарбий бурчагида қадимий арк сақланиб қолган. Мўъжазгина қалъа-шаҳарни бакуват муодофаа деворлари ва кузатув миноралари ҳимоя қилиб турган. Энг қизиқ жиҳати шуки, мазкур миноралар

Эйлатон ёдгорликларидан фаркли равишда бир вақтнинг ўзида ҳам кузатув, ҳам тураржой маскани вазифасини ўтаган. Афтидан миноралар икки каватли қилиб қурилган. Юқори кавати ён-атрофни кузатиш имконини берган бўлса, пастки каватда уйларда бўлгани каби озиқ-овқат маҳсулотлари сақланган. Бу каби услубда барпо этилган иншоотларни тарихда учратиш мумкин. Тўрткўлтёпанинг мудофаа кўрғони бўйлаб олд томондан қўшимча равишда ҳандақлар қазилганки, бу душманнинг деворга яқинлашишини янада қийинлаштирган. Қалъа-шаҳар ён-атрофдаги аҳолига хавф-хатар туғилган пайтларда жон сақлаши учун ишончли истехкомга айланиб, Эйлатон ўрнини эгаллаган. Афтидан, мазкур босқич қадимги Фарғонанинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида муҳим аҳамият касб этган. Айнан Эйлатон босқичининг шундай илғор услублари туфайли антик даврдан бошлаб шаҳарсозлик маданияти янги юқорироқ даражага кўтарилган, шаҳарлар сони ортган (Матбабаев Б.Х., 2001. 34–36-б).

Эйлатон шаҳар харобаси тарихини босқичи юзасидан тадқиқотчиларда айрим тортишувлар мавжуд бўлса-да, унинг улкан майдони ва қудратли мудофаа истехкомлари милоддан аввалги I минг йиллик ўрталарида Фарғона водийсида йирик ва энг қадимий шаҳарларидан бири мавжуд бўлганлигидан далолат беради.

Хулоса қиладиган бўлсак, сўнгги йилларда олиб борилган кенг кўламли археологик қазишмалар натижасида деҳқончилик билан машғул бўлган қадимги аҳолининг бой моддий маданиятидан дарак берадиган ноёб топилмалар олинди. Қашф этилган ва тадқиқ қилинган археологик комплекслар Фарғона қадимги деҳқончилик маданиятининг сўнгги бронза ва илк темир даврларидаги ижтимоий-сиёсий ҳаётида қуйидаги тарихий ўзгаришлар содир бўлганлигидан далолат беради:

1. Милоддан аввалги XII–VII асрларда Фарғона водийсида қадимги деҳқончилик Чуст маданияти кенг тарқалади. Ушбу маданият соҳиблари асосий унумдор ҳудудларда гуруҳ-гуруҳ бўлиб жойлашган 80 дан ортиқ аҳоли истикомат жойларида кун кечирганлар.

2. Фарғонанинг қадимий шаҳарлари ўз ривожланишида икки босқичдан ўтганлар. Биринчи босқичда (милоддан аввалги IX–IV асрлар) Далварзин, Чуст (Буонамозор) ва Эйлатон каби шаҳарлар вужудга келиб ривож топган. Иккинчи антик босқичда (милоддан аввалги IV – милоднинг IV асрлари) шаҳарсозлик маданияти янада юқори даражага кўтарилади. Шўрабашот, Мингтепа, Кува ва бошқалар каби шаҳарлар пайдо бўлади ва тараққий этади.

3. Қадимги шаҳарларнинг вужудга келиши ва ривожланиши илк давлатчиликнинг пайдо бўлиш тарихи билан бевосита ва узвий боғлиқ. Айтиш жоизки, Чуст маданияти ёдгорликларидаги мураккаб бўлмаган суғориш иншоотлари ва алоҳида қилиб қурилган арк, ривожланган мудофаа истехкомлари тизими, шунингдек, хунармандчилик ишлаб чиқаришининг шаклланиши (маълум маънода бозор учун кўп сонли товар ишлаб чиқариш) давлатчиликнинг пайдо бўлишидан дарак беради. Шулардан келиб чиқиб, урбанизациянинг биринчи даврида водийда илк давлатчиликнинг дастлабки белгилари юзага келдики, буни воҳа давлатчилиги¹ сифатида таърифлаш мумкин. Бундай бунёдкорлик жараёнларини фақат давлат мақомига эга бўлган ташкилотгина (уюшма?) амалга оширишга қодир эди. Келтирилган маълумотларга таяниб ҳамда Фарғона археологик комплексларини Хоразм, Бактрия, Суғдиёна билан таққослаган ҳолда мазкур ҳудудда ҳам илк давлатчилик мавжуд бўлганлигини эътироф этишимиз мумкин. Айнан шу даврда Ўрта Осиёда давлат мақомига эга шаҳарлар юзага келганлигини, улар асосида эса кейинчалик милоддан аввалги VIII–VI асрларда нисбатан йирик ижтимоий-сиёсий тузилмалар пайдо бўлганини таъкидлаш ўринли бўлади. Шу каби жараёнларни Фарғона водийсида ҳам кузатиш мумкин. Юқоридагилар Далварзинда қалъа-шаҳар, деҳқончилик воҳалари ва уларнинг маданий ва иқтисодий марказлар сифатидаги йирик ёдгорликларнинг мавжудлиги дастлабки давлат бирлашмаси бўлганлигидан далолат беради. Баён этилганларга яқин ясаб таъкидлаш мумкинки, милоддан аввалги VIII–VII асрларда Фарғона водийсида воҳа давлатчилиги мавжуд бўлган (Матбобоев Б., 2002. 78 б.).

Манбаларнинг далолат беришича, антик даврдаёқ бу ҳудудда юқори тараққий топган шаҳар маданияти гуллаб-яшнаган. Хитой солномасида айтилишича: «Даванда (Фарғонада) 70 тага яқин йирик ва кичик шаҳарлар бор; уларда бир неча юз минглаб аҳоли истиқомат қилади» (Бичурин Н.Я., 1950. 149 б.) Антик даврда ёки милоддан аввалги IV асрдан то милоднинг IV асрларида водий шаҳарсозлик маданиятида катта ўзгаришлар кечди.

¹ Фарғона водийси ёдгорликларининг сўнгги бронза ва илк темир давридаги тарқалиш воҳа тизимини биринчи марта Ю.А.Заднепровский ишлаб чиққан (Заднепровский Ю.А., 1981. 23–28-б.). Сўнгги вақтларда Т.Ш. Ширинов томонидан Ўрта Осиёда воҳа давлатчилиги мавжуд бўлганлиги тўғрисида фараз илгари сурилган (Асқаров А.А., Ширинов Т.Ш., 1993. 143 б.). Б.Х. Матбобоев ҳам бу борада салмоқли ишларни амалга оширмоқда.

Бу далил ёзма манбалар, хусусан хитой солномаларида ўз аксини топган. Бу орада Шўрабашот (70 гектар), Қорадарё (10 гектар), ҚайнавоТ (15 гектар), Мингтепа – Эрши (38 гектар), Баландтепа – Поп (9 гектар), Учқўрғон 1 (24 гектар), Ҳаққулободдаги Оқтепа (12 гектар), Тўрткўлтепа (13 гектар) каби ва бошқа йирик шаҳарлар тарих саҳнасига чиқадилар. Уларнинг майдонлари йирик кўринишга эга бўлиши билан бирга кучли мудофаа истехкомлари мавжуд эди.

Келтирилган барча маълумотлар Фарғона водийсида, айниқса Қорадарёнинг юқори ва ўрта ўзанида урбанизация жараёнлари жадал тараққий этиб борганлигидан далолат беради (2-расм). Айнан шу сабабли мазкур худудда илк шаҳар Далварзин (милоддан аввалги IX–VII асрлар) ва бир оз кейин Эйлтон (милоддан аввалги VI–III асрлар), Кува (милоддан аввалги IV–III – мил. XII–XIII асрлари), Мингтепа (милоддан аввалги III–II – мил. III–IV асрлари) шаклланади.

Шундай килиб, Андижон Фарғона водийсида вужудга келган илк шаҳарлар худудида пайдо бўлади. Бу хулоса археологик маълумотларда исботини топади. Милоддан аввалги X–IX асрларда Андижон жойлашган Қорадарё қайирида маълум урбанизация муҳити шаклланган. Бу минтақани биз шартли равишда «Шарқий Фарғона урбанизация худуди» деб атаймиз.

Шаҳарсозлик маданияти ривожининг кейинги босқичи V–VIII асрларга тўғри келади. Бу вақтга келиб антик давр шаҳарлари сақланиб қолса-да, улардаги ҳаёт мудофаа деворлари билан ўралган кўрғонлардан ташқарига чиқа бошлайди. Шаҳарлар яқинидаги қишлоқлар янада ривожланади. Шаҳар аҳолиси таркибига атроф қишлоқлардагилар ҳам киритилади. Косон, Кува, Ахсикет, Поп, Хўжанд, Андижон, Ўш каби шаҳарлар тарихида мазкур давр гуллаб-яшнаш даври бўлган. Айнан шу шаҳарлар энг аввало Чоч, Суғд, Уструшона каби қўшни давлатлар билан яқин алоқалар ўрнатганлар ҳамда ўтроқ аҳоли ва кўчманчи чорвадорлар ўртасидаги муносабатларга хизмат қилувчи транзит марказлар вазифасини ўтаганлар.

VIII аср бошида ва иккинчи ярмидаги шаҳарлар тараққиётида араб истилосининг таъсири яққол намоён бўлади. Араб босқинининг илк йилларида ушбу даврга қадар шаклланиб улгурган феодал муносабатлар жамият ҳаётига катта таъсир ўтказганки, бу омилни араблар инобатга олишга мажбур бўлганлар. VIII–IX асрларга келиб ягона марказлашган араб халифалиги таркибига Ўрта Осиё худудларининг қўшилиши туфайли иқтисодий ва маданий ривожланиш жараёнлари фаоллашади.

IX асрлардан эътиборан шаҳар иктисодиётининг юксалиши, фан ва маданиятнинг ривож топиши бошланади. Ўз таракқиётида IX–XII асрларда кўтарилишга юз бурган шаҳарлар каторида Андижон (Андукон), Қува (Қубо), Ўзган (Узген, Узженд), Ахсикет, Поп (Боб), Хўжанд (Хужанд), Ўш, Насробод, Косон, Риштон, Хваканд (Хувакент), Эски Навкат (Наукад), Марғилон (Марғинон) ва бошқаларни тилга олиш мумкин. Уларнинг аксарияти мазкур даврга келиб ўз тангаларини зарб этганлар. Фарғона шаҳарлари бутун Марказий Осиёда кузатилган ривожланиш йўлидан борганлар. Ўз таркибига кўра улар учга бўлинган:

1. Ҳукмдор саройи ва маъмурий бинолар жойлашган арк ёки кўхандиз.
2. Шаҳристон ёки мадина (шаҳарнинг ўзи).
3. Шаҳар атрофидаги рабод – хунармандчилик-савдо худуди.

Ўрта асрлар шаҳарларининг кўпчилиги янада қадимий шаҳарлар негида ривож топган. Айримлари улар атрофида юзага келиб, бизнинг давргача етиб келган. Арабларнинг ҳукмронлиги даврида аркларда ҳаёт қайнаган. Бирмунча кейин ҳаёт шаҳристонга кўчади, айримларида рабод шаҳристонга кўшилиб кетади. Бу каби ҳолат Марказий Осиёни Россия томонидан истило этилишига қадар кузатилган. Ундан сўнг эса аксарият шаҳарлар «янги» ва «эски» қисмларга бўлинган. Шу каби бўлинишни Андижон, Хўжанд, Ўзган, Косон ва бошқа шаҳарлар мисолида кўриш мумкин. Ўрта асрларда ушбу шаҳарлар турли сабабларга кўра ўз аҳамиятини йўқотганлар ва майдонлари қисқариб борган. Айримларида ҳаёт тўхтаган, баъзилари эса ханузгача сақланиб қолганлар.

Юқоридаги фикрларга қайтиб, тадқиқ этилаётган Фарғона водийси археологик ёдгорликларига хос шаҳар белгиларини ажратиш ўтиш мумкин:

1. Ёдгорлик ўлчамлари йирик бўлиши керак.
2. Мудофаа иншоотларининг мавжудлиги.
3. Албатта арк (ҳукмдор қасри) қурилган бўлиши керак.
4. Ёдгорликнинг топографик жиҳатдан воҳа ёки дехқончилик мавзеининг марказида жойлашуви.
5. Шаҳар хунармандчилик ва савдо маркази эканлигидан далолат берувчи ашёлар билан изоҳланиши (Заднепровский Ю.А. 1973. 17–20-б; Заднепровский Ю.Ф. 1989. 50–53-б.).

Материалларнинг дарак беришича, Фарғона шаҳарлари ўзларининг узок 2700–2900 йиллик тарихида қуйидагиларни камраб олувчи босқичларни босиб ўтганлар:

1. Шаҳар кўринишидаги аҳоли истикомат қилиш жойлари ва шаҳармонанд маконлар – протошаҳарлар (милодан аввалги IX–VII асрлар). Далварзин шаҳар харобаси ва Чуст, Ашқолтепа, Дехкон каби шаҳармонанд маконлар.

2. Архаик давр шаҳарлари (милоддан аввалги VI–IV асрлар). Эйлтон, Қува ва Андижон ёдгорликлари.

3. Антик давр шаҳарлари (милоддан аввалги IV – милодий IV асрлар). Мазкур шаҳарлар даврий жиҳатдан икки босқичга бўлинади. Биринчи босқич – милоддан аввалги IV–II асрлар – Шўрабашот, Қорадарё, Қайнаво, Мингтепа, Мунчоқтепа (Тўрақўрғон тумани) ва бошқалар. Иккинчи босқич – милоддан аввалги I аср – милоднинг биринчи асрлари – Ахсикет, Баландтепа – Поп, Учқўрғон I, Ҳаккулобод ёнидаги Октепа, Тўрткўл шаҳар харобалари ва бошқалар.

4. Илк ўрта аср шаҳарлари (V–VIII асрлар).

5. Ўрта аср шаҳарлари (IX–XV асрлар).

6. Сўнгги ўрта аср шаҳарлари (XVI–XVIII асрлар).

7. Янги давр шаҳарлари (XIX–XX асрлар).

Демак, Фарғона водийсининг тарихий шаҳарлари ўз тараққиёти мобайнида Марказий Осиё урбанизация марказларига хос бўлган тадрижий йўлни босиб ўтдилар.

П Б О Б

АНДИЖОН ТАРИХИГА ОИД АСОСИЙ ЁЗМА МАНБАЛАР

Андижон Фарғона водийсининг жануби-шарқий қисмида. Андижонсой дарёси қирғоғида жойлашган (1–2-расмлар). Шаҳар тарихига кўплаб илмий изланишлар бағишланган (Андижон тарихи, 1980; Сафаров Р., Мухитдинов М., Жалолов Д., 1973; Нурмухаммедов Х., 1979; 1979; Нурмухаммедов Х., Жалилов С., Хамидов Ю., 1984; Жалилов С., Шокаримов С., 1993). Аммо уларнинг аксариятида Андижон тарихининг XIX–XX асрларга оид маълумотлари жамланган. Маълумотларнинг етишмаслиги, ёзма манбаларнинг камлиги боис шаҳарнинг қадимги давр тарихига оид боблари кўп ҳолларда асотирлар ва ривоятларга асосланилади¹. Жумладан, буни Ибратнинг (1862–1937) «Фарғона тарихи»да келтирилган «Андижон шаҳри тарихи»да ҳам кузатиш мумкин. Яъни у китобда келтирилишича Андижон шаҳри бундан тўрт минг йил олдин пайдо бўлган эмиш (Ибрат, 1991. 323–325-б.).

«Андижон» топонимидан бошласак. Унинг келиб чиқиши ҳанузгача аниқланмаган. Бу хусусда кўплаб афсона, фараз ва тахминлар мавжуд (Тургунов А. 1987). Бизнингча улар орасида энг мақбули С.Жалилов ва А.Мухаммаджонов томонидан илгари сурилган хулосалардир. Узоқ йиллар мазкур масаланинг тадқиқоти билан шуғулланган С.Жалилов фикрига кўра шаҳарнинг номи «адоқ» атамаси билан боғлиқ. Тарихчи-олим «Луғати Чигатоийи ва турки усмони»да келтирилган «Адоқ – Андижоннинг қадимий номи» эканлиги тўғрисидаги маълумотга асосланади. Айтиш жоизки, Маҳмуд Қошғарий ўзининг «Девону луғатит турк» асарида ҳам «Азғиш» (Адғиш) жой номини англатишини таъкидлаган (Маҳмуд Қошғарий, 1960. 122 б.). Барча келтирилган атамаларнинг ўзаги бир, яъни «ад» бўлиб, бу ўзақ сўз 92 уруғнинг бири саналувчи «адоқ», «адғиш» уруғининг қадимий туркча номланишидир (Жалилов С., 1993. 13–15-б.). Афтидан, «ад» ўзагига кейин-

¹ Маҳаллий аҳоли ўртасида тарқалган шаҳар номининг келиб чиқишига оид айрим ривоятларни ўз изланишида А.К.Писарчик ҳам келтиради (Писарчик А.К. 1956, 99-б.)

чалик «н» кўшилган ва фонетик ўзгаришлар оқибатида ушбу сўз «А(н)дгон» ёки «А(н)дигон» шаклини олган. Бу каби ўзгаришлар топонимикада учраб туради. Масалан, Шош–Чоч–Тошкент, Кеш–Шахрисабз, Рўшидон–Риштон, Боб–Поб–Поп ва хоказо. Аммо юқорида тилга олинган ўзбек уруғлари орасида Андижон топонимига яқин келувчи ном учрамайди (Султонов Т.И., 1972. 165–176-б.; шунингдек, қаранг: Заки Валидий, 1992. 110–113-б.). А.Р.Мухаммаджонов хулосасига кўра, Андижон топонимикасининг биринчи қисми «анди (анду, анда) – андиёҳи анда» эҳтимол кўҳна турк атамаси бўлиб, «яқин», «олис бўлмаган» маъносини беради. Шу ўринда ҳозирда ҳам истемолда учрайдиган «яқин қариндош бўлмоқ» маъносини англатувчи «куда-анда»¹ иборасини келтириш мумкин. Атаманинг иккинчи қисми – «гон», «кон», «жон» гидроним ҳисобланиб, «сой», «дарё»ни англатувчи маъно юкламасидир. Демак, шаҳар номи «дарё (сой)даги ёки «сув (дарё-сой)га яқин манзилни ифодалайди (Мухаммаджонов А.Р., 2002. 157–163; 2004-б.). Бизнингча, сўнги тахмин энг асосли вариант бўлиб, ҳақиқатга яқин.

Афтидан, «Андгон» ёки «Андигон» шаклидаги атама илк бор араб географларининг ёзма манбаларида қўлланилган. Умуман олганда ёзма манбаларда Андижон тўғрисидаги маълумотлар жуда кам учрайди. Уларни асосан Х асрнинг ўрталаридан бошлаб «**Андуқон**» (**Андукан**), «**Андугон**» (**Андуган**), «**Андикон**» (**Андикан**), «**Андигон**» (**Андиган**), «**Андагон**», «**Андиджон**» ва «**Андижон**» кўринишида учратишимиз мумкин (1-иловага қаранг). «Андуқон» атамаси қайд этилган илк манба ал-Истахрининг 930–933 йилларда ёзилган «Китаб масолик ал-мамолик» асари ҳисобланади. Мазкур ном Фарғонанинг Қуйи Нисья вилояти шаҳарларининг номлари қаторида келтирилади: «Фарғона вилоятлари қуйидагилардир: Қуйи Нисья, Юқори Нисья, Асбара, Некад, Миан-Рудан, Жидгиль, Урест, Бесафар, Ашт. Юқори Нисья эса Фарғонанинг биринчи шаҳридир, негаки Хўжандга йўл олаётиб ундан ўтилади: мазкур вилоятнинг шаҳарлари: Ванкет, Сох, Хоқанд, Риштон. Қуйи Нисья шаҳарлари: Марғинон, Зендерамш, Нежренг, Устикан, Андукан. Ва бу ерларда тоғли ҳамда дашт ҳудудлар мавжуд» (МИКК., 1973. 31 б.; Бетгер Е.К.га қаранг 1957. 26 б.). Ёқут ал-Ҳамави (1179–1229) ва ал-Идриси (1100–1165 й.й.)да эса «Андуқон» шакли учрайди (Материалы., 1988. 59, 84 б.; Бўриев О., Ваҳобова Б., 1998. 46 б.). «Андугон» шаклидаги шаҳар то-

¹ Анда – қадим туркий халқларида ўғай ака-укалар (Ўзбек тилининг изоҳли луғати., 2006. 84-б.). Биродарлашиш иттифоқи, умумий қурултойда қайд этиладиган қадимий турк урф-одати (Абдуманнопов Р., 2008).

ноними Низомиддин Шомий (МИКК., 1973. 132-б.), Муин ад-Дин Натанзи ва Абд-ар-Раззоқ Самаркандий (816/1413–14-887/1462–63 йиллар)да учрайди (МИКК., 1973. 116, 153 б.). Шарафиддин Али Яздий (Материалы., 1988. 153 б.) ва Жамол ал-Қарший (628/1230–1231-702/1302–1303 йиллар) асарларида «Андигон» топоними аниқланган (Джамал ал-Қарши., 2005 ва 2006). Қолаверса, «Андигон» ёзуви Андижон зарбхонасида чиқарилган Чигатой пул бирликларида ҳам учрайди (Давидович Е.А., 1972. 157 б. 4-, 6–9-жадваллар, 10а, 10б, 11, 19 ва 3-жадвал.; Бурнашева Р.З., Смагулов Е.А., Туакбаев М.К., 2006. 37–41-б., 1-каталог, №17 ва №267 тангалар; Чагатайдские., 2008. 15–32 б.; Шунингдек, №006QTT0090.3 танга//Mongolian., 2010).

Манбаларда қайд этилган ва ўз номини ҳозирга қадар ўзгаришсиз сақлаб келаётган қуйидаги шаҳарларнинг жойлашуви аниқ исботини топган: Риштон, Марғинон (Марғилон), Куба (Кува) ва Андукон–Андигон (Андижон). Айтиш мумкинки, мазкур шаҳарлар бир жойнинг ўзида вужудга келиб, ривожланган (ҳозирда уларнинг эски шаҳар худудлари сақланиб қолган). Қолган ёдгорликлар ва хусусан шаҳар харобалари мавжуд археологик ёдгорликлар билан у ёки бу жиҳатдан таққосланадилар (Горбунова Н.Г., 1981. 85–89-б.; Ширинов Т.Ш., Матбобоев Б.Х., Иванов Г.П., 1998). Айтиш жоизки, Ўрта Осиё шаҳарлари тарихида ўзига хос «кўчиб юрувчи» шаҳарлар ҳам қайд этилган. Бунинг боиси, шаҳар дастлаб бир жойда пайдо бўлади, кейинчалик эса, маълум сабабларга кўра бошқа бир жойга кўчирилади. Масалан, Самарқанд дастлаб ҳозирги Афросиёб худудида вужудга келган, кейин эса жанубий рабодга кўчган. Сугднинг бошқа бир шаҳри Узунқир-Китоб-Кеш-Шаҳрисабз ҳам шу каби йўлни босиб ўтган (Эшов Б., 2002. 67–69-б.).

Қорахонийлар даврида (XI–XIII асрлар) Фарғона водийси ўзининг иқтисодий ва сиёсий мавқеини сақлаб қолди. XI аср – XIII асрнинг бошларида Ўзган Қорахонийларнинг Фарғона улуси пойтахти бўлган. Пойтахт (Ўзган)га яқинлиги ва хунармандчиликнинг юқори даражада тараққий топгани Андижон тарихида муҳим аҳамият касб этган. Ушбу даврда шаҳар аҳолисининг сони ортади, маданият ва хунармандчилик гуллаб-яшнади. Бир қатор масжид ва мадрасалар қурилгани ҳам бундан далолат беради, жумладан, Ўзганнинг Шимолий (1152 й), Жанубий (1187 й) ва Ўрта (XI аср) мақбаралари (Бернштам А.Н., 1951; шу муаллиф. 1952; Имонқулов Д., 2005. 64–99). Афсуски, Фарғонанинг сомонийлар-қорахонийлар даври тарихи хали етарлича ўрганилмаган. Фақат Кува ва Ахсикетдаги изланишлар (ўтган асрнинг 90-йилларидан буён олиб борилмоқда) мобайнида ушбу даврга оид ишонарли материаллар олинган. Андижон тарихида қорахонийлар даврига

«... кенгайтирдилар (қайта курдилар)» (Жалилов С., 1993. 10 б.). Ҳақиқатан ҳам Дувахон даврида Андижонда сезиларли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Дувахон (ҳукмдорлик йиллари 1305–1307) Андижонга Ўрта Осиёни Хитой билан боғловчи халқаро савдо йўлида жойлашган стратегик қамбиятга эга шаҳар сифатида қарарди. Муин ад-дин Натанзининг «Искандар аноними»да Дувахонга куйидагича таъриф берилади: «Жуда ақлли, савватли, қудратли, фаросатли ва кўп фазилатларга эга ҳукмдор эди... у бир кунча йирик шаҳарларни, жумладан, «Қуббот-ул исломи Андижон»ни барқарор этди» (Қуббат-ул-ислом-муаллифлар изоҳи). (МИКК., 1973 115–116-б.). Дувахон даврида шаҳарда кўплаб масжид ва мадрасалар қурилди. Эски шаҳарлик оқсоқолларнинг эслашларича Андижонда Дувахон масжиди харобалари яқин вақтгача мавжуд бўлган (Жалилов С., 1993. 18-б.).

Бу даврда Андижонга айрим мўғул уруғлари кўчириб келинади: хусусан Абд ар-Раззоқ Самарқандий ўз асарида Андижонга мўғулларнинг қадак уруғига мансуб минглаб вакиллари келганликлари тўғрисида маълумот беради (МИКК., 1973. 153-б.). Натижада шаҳарда ушбу уруғларнинг кўплаб маҳалла ва даҳалари пайдо бўлади. Бу хусусда ҳозирги Андижон ҳудудида мавжуд бўлган айрим маҳалла ва қишлоқларнинг номлари ҳам далолат беради: Қирлик, Чувалачи (Жубалачи), Кўнжи (Кунжи), Бўгра, Сарой, Найман (Жалилов С., 1993. 18-б.).

Темурийлар даври шаҳар ҳаётида янги саҳифа очиб берди. 1377 йилда Андижонда мўғуллар ҳукмронлигига чек қўйилади. Манбаларда қайд этилишича, Андижон «Темурийлар даврида ва ундан кейин ҳукмдор ёки Фарғона вилоятининг қароргоҳи бўлган...» (Бартольд В.В., 1965. 326-б.) Амир Темур Андижон ва Ўзганни атроф ерлари билан бирга ўғли Умаршайхга топширади. Амир Темур тарихи билан боғлиқ маълумотларга кўра Соҳибқирон қадами Андижонга ҳам теккан. Яъни 1376 йили баҳорида Амир Темур Ўзганга келди ва Бурхониддин Қилич¹ ҳазратларини қабрларини зиёрат қилади. Сўнгра Андижон орқали Марғилонга, ундан Хўжандга ва Самарқандга йўл олади. Шаҳарни тутган ўрни ва салоҳиятига кўра Соҳибқирон Андижонда ҳам тўхтаган бўлиши керак (Жалилов С., 2013. 154-б.) Кейинчалик бу ерларни унинг фарзандлари амирзода Искандар ва Мирак Аҳмад бошқарадилар. Абд ар-Раззоқ Самарқандийнинг «Матла ас-садайн ва маджма ал-бахрайн» асарида келтирилишича, Умаршайх даврида 1377–1378 йилларда Андижон атро-

¹ Саййид Бурхониддин Қилич жаноби Расулulloҳ (с.а.в.)нинг Фарғона водийсига келиб қолган авлодларидан бўлиб, Ўзган шаҳрида қорахонийлар даврида яшаган.

фини ўраб турувчи девор қайта қурилган. «Аввалроқ Ўзганд вилоятига йўл олган амирзода Умаршайх Андугон атрофини девор билан ўратиб, вилоятни гуллаб-яшнатди» (МИКК., 1973. 153 б.). Аввалроқ мазкур деворни элшунос А.К. Писарчик қайд этган. Сўнгра Б.Абдулғозиева афтидан аркнинг айнан шу деворини тадқиқ этган (Абдулғозиева Б., 1993. 6–7 б.). Бу бизларнинг 2002 йилда олиб борган изланишларимиз давомида ҳам ушбу шаҳар девори ўз тасдиғини топган. 1939 йилда Катта Фарғона канали қурилиши мобайнида М.Е. Массон ҳам мазкур даврнинг моддий маданияти намуналарини топган. Унинг қайд этишича, XIX асрнинг Жомеъ масжиди ва минораси ҳудудида XII аср охири – XIV аср бошларига мансуб ўйма ғиштлар билан қопланган бино мавжуд бўлган (Массон М.Е., 1940. 53 б.).

1399 йилга келиб Андижон ҳукмдор қароргоҳи вазифасини бажарган. Амирак (Мирак) Аҳмад даврида Мирзо Улуғбек билан бўлган муносабат мураккаблашади ҳамда Андижон бир неча бор қўлдан қўлга ўтади. 1414 йили Катта куч билан Фарғонага юриш қилган Улуғбекка бас кела олмаслигига кўзи етган Амирак Аҳмад Андижон ва Аҳси мудофаасини ўзбекларига топшириб Ўш-Олой орқали Қашғарга қочиб кетади. Кейинроқ Қашғар ҳам Мирзо Улуғбек қўл остига ўтади ва 1449 йилгача унинг ҳукмронлиги остида бўлди.

Мирзо Улуғбекнинг фожиали ўлимидан сўнг темурийлар ўртасида авж олган низолар вақтида мўғулларнинг Фарғонага талончилик ҳужумлари янада кучаяди. Абу Саид Мирзони Ҳиротда эканидан фойдаланган Вайсхон ўғли Эсон Буға бошчилигидаги мўғуллар Андижонга ҳужум уюштирадilar. Мўғуллар шунчалик кўп бўладики, улар Андижонни уч маротаба ўраб оладилар. Андижон ҳокими Мирзо Али Кучук таслим бўлади, кўплаб асирлар билан мўғуллар қайтиб кетадилар (Абдулаҳатов Н., 1996. 41–43-б.).

Самарқанд тахтига ўтиргач Абу Саид Мирзо (1451–1468) Фарғона мулкани ўзининг ўғли Умар Шайх Мирзо Султон Абу Саидга (Мирза Муҳаммад Ҳайдар, 1996. 117–118-б.) тақдим этади. Бу вақтга келиб Аҳси бир муддат Фарғонанинг пойтахтига айланади, аммо Етгисувдан хавф солингач, пойтахт яна Андижонга кўчирилади (Абдулаҳатов Н., 1996. 31–59-б.). Шаҳарнинг пойтахт мақоми яна бир манбаа – «Тарихи Рашидий»да ҳам тилга олинади. (Машрабов З., Раҳмонов В., 2008; Мирза Муҳаммад Ҳайдар, 1996. 190-б.; Муҳаммад Ҳайдар Мирзо, 2010. 228-б.).

Бобур даврида Андижон йирик шаҳар сифатидаги мақомини нафақат сақлаб қолади, балки мустаҳкамлайди. Бу борада машҳур «Бобурнома»да кўплаб муҳим маълумотлар келтирилган. Бобур шу шаҳарда туғилиб

Ўстанлиги боис ўз қайдларида кўплаб қизиқарли маълумотлар беради, шу тусан, Андижон қалъаси ва шаҳар дарвозаси таърифланади.

XVI асрда Андижонни Шайбонихон бошчилигидаги ўзбек кабилалари қамрайди. В.В. Бартольд хабар беришича, XVII асрда бош шаҳар «Андижон» номи билан нафақат шаҳарнинг ўзи, балки бутун вилоят юритила бошланди («Фарғона» сўзидан фақат китобларда фойдаланилган») (Бартольд В.В., 1965. 215 б.). Бу факт Маҳмуд ибн Валининг асарида ҳам эътироф этилганини «Ҳозирда Андижон сифатида маълум бўлган Фарғона» жумласи билан тасдиқланиши мумкин (Хуршид Э., 1998. 5-б.).

XVII асрнинг охири – XVIII асрнинг бошларида Аштархонийлар давлатида беқарор сиёсий вазият ҳукм суради. Узоқ давом этган низолар, қарама-қаршиликлар оқибатида XVIII асрда пойтахти Қўқон бўлмиш мустақил давлат – Қўқон хонлиги (1709–1876) вужудга келади¹. Шундай қилиб, Фарғонанинг қадимий давлатчилиги яна тикланади. Бу давлат 1876 йилга қадар, чор Россияси томонидан забт этилгунча давр суради.

Демак, Андижон тўғрисида қисқа ахборотга эга ёзма манбалар X асрдан сўнг пайдо бўлади. Батафсил маълумотлар эса сўнгги ўрта аср манбаларида келтирилади.

¹ Манбаларда келтирилишича, биринчи хон Шохрухбий ўғли Абдурахимбий (1722–1733) Қўқондан уч фарсах (6–8 км) жанубдаги Деҳқон тўда қишлоғидан туриб бошқарган. Шу даврда 1730-йиллари Қўқон шаҳри қурила бошлаган (Ҳошимов Б., 1996. 66 б.).

Ш Б О Б

АНДИЖОН ШАҲРИДА ОЛИБ БОРИЛГАН АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

3.1. Археологик тадқиқотлар тарихи

Андижон шаҳри моддий маданияти тарихини ўрганиш шартли равишда XIX аср охирида бошланган. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, бу жараён 1890 йилда ер-ўлпон комиссияси аъзолари шаҳар худудига оид дастлабки маълумотларни тўплашга киришганларидан ибтидо топган. 1893¹ йилда мазкур комиссиянинг Фарғона бошқаруви томонидан Андижон шаҳри харитаси қайта тузилган. Ушбу ҳужжатда Чордона (Чардана), Сарвонтепа (Сарвантепа), Култтепа (Кюльттепа-Культепа), Қўштепа, Яланғоч Кўрғон, Қора Кўрғон ва Эски Кўрғон² каби археологик ёдгорликлар илк бор шаҳар харитасига туширилган. Қора Кўрғон ва Яланғоч Кўрғондан ташқари санаб ўтилган барча ёдгорликлардан кейинчалик турли даражада сақланиб қолган ва улардаги маданий қатламлар имкон даражасида аниқланиб ўрганилган³.

1939 йилда Катта Фарғона канали қурилишида М. Е. Массон бошчилигида археологик назорат экспедицияси ташкил қилинади. М.Е.Массон Андижонга келганида таниқли устазода сулоласининг вакили Юсуп Али Муҳаммад (Юсуф Али Мусаев) унга шаҳар худудидан топилган ва XIII аср охири – XIV аср бошларига оид қолиплаган «терракот плитка»ларини

¹ А.К.Писарчик томонидан 1939 йилда айтиб ўтилган ва шаҳар коммунал хўжалиги бўлими архивида сақланиб келинган харита, афтидан йўқотилган. Аммо андижонлик тарихчилар С.Жалилов ва Р.Т.Шамсутдиновларнинг шахсий архивида Андижоннинг турли даврлардаги схематик режа-хариталари сақланмоқда.

² 1893 ва 1913 йилларда Андижон уезди танобчиси А.Стариков томонидан тайёрланган харитадан В.Колодовкин томонидан олинган нусхага қаранг.

³ Ганчтепада (Уграёр) Б.Абдулғозиева томонидан олиб борилган археологик изла-нишлар Андижонсой қирғоғида бошқа, янада қадимий даврга оид ёдгорликлар бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Бу ерда милoddан аввалги III–II асрларга оид материаллар аниқланган.

қадим этади (Массон М.Е., 1979. 150-б.). Мазкур экспедиция иккинчи ярмиданинг раҳбари В.Д.Жуков ҳам Андижон шаҳар ёдгорликлари билан боғлиқ равишда, X–XI аср археологик материалларини қайд этади (Жуков В.Д., 1951. 74-б.).

Андижонни ўрганишга этнограф А.К.Писарчик ҳам катта ҳисса қўшган. Дастлаб у 1938 йилда Узкомстарис (Ўзбекистон қадим ёдгорликлари ва таърих намуналарини қўриқлаш қўмитаси) топшириғига биноан, кейинчалик эса 1944–1947 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих ва археология институти йўлланмаси билан Фарғона водийси халқ меъморчилигини тадқиқ этади. Хусусан, Марғилон, Андижон, Қўқон ва Наманган шаҳарларини кўздан кечириб, сўров ўтказиш ва меъморий ёдгорликларни қайд этиш йўли билан батафсил ўрганади (Писарчик А.К., 1956. 145–194-б.). Ушбу олима изланишлари туфайли Андижоннинг сўнгги ўрта аср арки ва шаҳристонни тўғрисидаги батафсил маълумотларга эгамиз. Айниқса шаҳар деворлари, қадимий биноларининг қолдиқлари ҳақидаги маълумотлар катта аҳамият касб этади (Писарчик А.К., 1954. 220-б.). А.К.Писарчик томонидан арк ва шаҳристон кўрсатилган ҳолда чизилган Андижон шаҳри режаси асосида кейинчалик Ғ.Дадабоев, Б.Абдулғозиева, Б.Матбобоевлар археологик изланишлар олиб бордилар. С.Жалилов ва Б.Абдулғозиева арк ва шаҳристонни батафсил тадқиқ этиб, шаҳарнинг бутун қолган деворларини А.К.Писарчик маълумотлари билан таққослаш орқали ўрта аср арки ва шаҳристоннинг майдони ва чегараларини аниқлашга муваффақ бўлганлар (Жалилов С., 1989; 1993). 1975 йилда Ўзбекистон ФА Археология институти ходими Ғ.Дадабоев эски шаҳарнинг айрим жойларига назорат шурфларини солади (Дадабоев Ғ., 1975. 22–23-б.). 1-шурф ҳозирги Арк ичи Ҳақиқат кўчасидаги 10-уй ховлисида мудофаа девори ўрнида солинди (*101-расм*). Текширишлар натижасида деворнинг сақланиб қолган қисми шарқ-ғарб йўналишида 500 метр узунликка чўзилгани маълум бўлди. Ғ.Дадабоевнинг ёзишича, бу ерда деворлар туташган жой топилган. Деворнинг бир қисми Трактор кўчаси ҳудудида сақланиб қолган бўлиб, ҳозирги баландлиги 2–4 метрга тенг. Деворнинг юқори қисми қаттиқ пахса блоклардан иборат, пастки қисми таркибига майда шағал қўшилган лой блокларидан ташкил топган. Ернинг ҳозирги сатҳидан 1,20 метр чуқурликда девор остки қисми 60–70 сантиметрга кенгайди. 1,50 метр чуқурликда дарё шағали ва қумидан иборат материк қатлами қайд этилди (С.Жалилов., 1989. 63–65-б.). Қазималар муаллифи Ғ.Дадабоев моддий маданият ашёлари топилмаганини таъкидласа-да, С.Жалилов маълумотларига кўра очилган

шурф ёнидаги ҳовлилардан XII–XIII асрларга тааллуқли кулолчилик буюмлари парчалари йиғиб олинган (Жалилов С., 1989. 63-б.).

Шахарни ўрганиш борасида Андижон вилояти ўлкашунослик музейи ходими, кейинчалик Ўзбекистон Фанлар Академияси Археология институти илмий ходими Б.Абдулгазиева ҳам самарали фоалият олиб борди. Ўтган асрнинг 60–70-йилларидан бошлаб у шаҳарда археологик кузатувлар ўтказди ва Андижон тарихига оид маълумотлар тўплади. Вилоят музейи ва Педагогика институти ҳамкорлигида Сарвонтепада шурф солинди, аммо шурф материк қатламига қадар етказилмаса-да, I–II асрларга оид материаллар олинади (Жалилов С., 1989. 62-б.). 1981 йилдан эса Б.Абдулгазиева бошчилигида Андижон шаҳар ижроия кўмитасининг молиявий кўмагида шаҳар ҳудудида махсус археология қазилмалари ташкил қилинди. Изланишлар 1981–84, 1986–87-йилларда Арк ичи (Арк ичи маҳалласи)да, Чордона ва шахристонда ўтказилди (Абдулғазиева Б., 1990 а). Чордона ва шахристонда режа асосида кўп йиллик қазилмалар олиб борилди. Чордонанинг XII–XIII асрларга тааллуқли бўлган юқори қатлами тўлиқ казиб очилди, шимолий қисмида VII–VIII асрларга тўғри келадиган остки қатлам ҳамда улар оралиғида жойлашган ва XIII–XIV асрларга оид қабрлар қовлаб очилди (Абдулгазиева Б., 1999. 90б; шунингдек, Б.Абдулгазиеванинг 1982–1983, 1987 йиллардаги ҳисоботларини қаранг). 1981–1983 йилларда эски шаҳар ҳуудида – арқда шаҳар стратиграфиясини ўрганиш мақсадида бир қанча шурфлар солинди, қазилмалар қилинади. Бундан ташқари қалъа деворларини қурилиши, улардан фойдаланиш тарихи тўғрисидаги маълумотлар тўплаш режалаштирилади. Натижада аркнинг жанубий девори 40 метрга қазиб очилди (Абдулгазиева Б., 1993. 5б.; Мащрабов З., Жалилов С., 1983) ҳамда сўнгги ўрта аср даврига оид қурилиш қолдиқлари аниқланади: XV–XVI аср ўрталарига тааллуқли қуйи қисми ва XVI–XVIII асрларга тааллуқли бўлган юқори қисмининг қолдиқлари. Андижон мудофаа деворлари барпо этилиши санасининг аниқланиши Б.Абдулгазиева археологик экспедицияси ишларининг муҳим натижаларидан бири бўлди. Ушбу девор XIV асрда, яъни Темурийлар ҳукмронлик қилган вақтда бунёд этилганлиги ўз исботини топди. Девор XVI–XVII асрларда ҳам ўз вазифасини бажариб келган. Қазилмалар муаллифининг фикрига кўра, қалъа қорахонийлар даврида ўзлаштирилган ҳудудда барпо этилган (Абдулгазиева Б., 1993. 7 б).

1987 йилда шахристоннинг шимоли-шарқий қисмида, Арк ичидан шимолроқда жойлашган мадрасанинг ҳовлисида 4x8 метр ўлчамдаги шурф

инди. Олинган маълумотлар мазкур жойда XV–XVI асрларда бунёд қилинган маҳобатли меъморчилик иншооти мавжуд бўлганлигини кўрсатди (92–93-расмлар). Бинони безаб турган майолика (сирланган гулдор сопол) қишлоқкалари ҳам буни исботлайди (Абдулгазиева Б., 1987. 11-б.). Шундай қилиб, 1981–1983, 1987 йилларда олиб борилган археологик изланишлар шу ҳудудда антик асрдан сўнгги ўрта асрга қадар бўлган даврга оид маданий қатламлар мавжудлигини тасдиқлади. Шундай бўлса-да, шаҳар тарихининг илк босқичлари етарлича ўрганилмаганлигича қолаверарди.

Шу сабабли 2000 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Археология институти ва З.М.Бобур номидаги Халқаро жамоат фонди томонидан махсус ташкил этилган Андижон археология отряди (раҳбари Б.Х. Матбобоев) археологик изланишларни яна йўлга қўйди. Отряднинг бош мақсади шундаки шаҳарга асос солинган санани ҳамда унинг ривожланиш босқичларини аниқлаш қилиб белгиланди. Тадқиқотлар 2000–2012 йиллар мобайнида ўтказилди ва ҳозирда ҳам давом эттирилмоқда. Дастлаб шаҳарнинг тарихий қисмида сақланиб қолган барча ёдгорликлар ҳисоби қилинди ва батафсил археологик текширишлар ўтказиш учун объектлар танланди. Асосий эътибор 1893 ва 1913 йиллардаги тарихий-топография хариталарида келтирилган маълумотларни жалб этган ҳолда ҳозирда қисман сақланиб қолган ёдгорликларнинг жойлашув топографиясига қаратилди ҳамда сақланиб қолган ёдгорликлар ёзма манбаларда келтирилган маълумотлар билан таққосланди. Тизимли ҳар томонлама таҳлил асосида XX аср бошидаги шаҳар хариталарида 8 та меъморий-археологик объектлар, 11 шаҳар қабристонлари, 39 та масжид қайд этилди. Мазкур ёдгорликлар шартли равишда қуйидаги гуруҳларга киритилди:

1. Археологик жиҳатдан қайд этилган маданий қатламга эга ёдгорликлар: Чордона, Сарвонтепа, Қўштепа I, Қўштепа II, Яккатепа, Ганчтепа–Уграёр (Ҳисозлик комбинати худуди), Култeпа¹, ўрта аср арки ва шаҳристон² худуди;

¹ Култeпа ўлкашунослик музейининг собиқ биноси ўрнида жойлашган ҳамда XVII–XVIII асрларда вайрон бўлган. Мазкур ҳудудда қорахонийлар давридан аввалги даврларга қарашли материаллар аниқланмаган. Бироқ унга яқин ҳудуд – вилоят ҳокимлиги бинолари кўчасида бир оз кўхнароқ топилмалар ҳам учраб туради.

² Шаҳардаги яна бир археологик ёдгорлик – Навоий шохқўчасидаги сағана (I–IV аср) Б.Абдулгазиева томонидан аниқланиб, қазиб олинган. Бу ерда катакомба кўринишидаги қабр очилган (Абдулгазиева Б., 1980. 444-б.).

2. Гарчи археологик қазилмалар олиб борилмаган бўлса-да, турли даврлар кулолчилиги маҳсулотлари топилган ёдгорликлар: Қоракўрғон (вилоят халқ таълими бошқармаси базасининг ўрни), Афғон боғи, Оқкўр (Н.Ҳақимов кўчаси), Мушктепа, Ўразонтепа (Меҳнат кўчаси, 156-уй);

3. Маҳаллий аҳолидан олинган маълумотларга кўра маълум бўлган ёдгорликлар: Шодмонбува мазори, Бобо Саъдин, Шигоусун ота ўрта аср қабристонлари (Абдуллаев Б., Иванов Г.П., Матбабаев Б.Х., 2001. 18–25-б; Абдулгазиева Б., Абдуллаев Б., Матбабаев Б.Х., 2002 4–12-б.).

Куйидаги биринчи гуруҳга мансуб ёдгорликларда археологик изланишлар олиб борилди: Чордона (Т.Келдиев кўчаси), Сарвонтепа (Сужоат кўчаси чорраҳаси, 19-уй, Тутзор кўчасидаги 29–33-уйлар оралиғи ва Иттифок кўчаси), Яккатепа (Далварзин кўчасидаги 67- ва 69-уйлар оралиғи), Кўштепа I (Шаҳрихон кўчасининг жуфт сонли уйлар томонидан бошланиши), Арк ичи (Ташкилот кўчасидаги 41- ва 42-уйлар оралиғи), Шаҳристон (шурф Ҳақиқат кўчасидаги 13-уй ҳовлисида қовланган). Асосан Андижоннинг Эски шаҳар ва унга туташ бўлиб, 1881 йилги режа-харитада кўрсатилган ҳамда шаҳар ташқи деворининг ички томонида жойлашган ҳудудлар ўрганилди. Қазилмалар юқорида таъкид этганимиздек Чордона, Сарвонтепа, Арк ичида амалга оширилди. Яна тахминан 20 та жойда (арк, шаҳристон, рабодда) шурфлар солинди (10-расм). 2000–2012 йилларда Андижонда куйидаги археологик изланишлар олиб борилди:

1. Чордонадаги археологик қазилмалар (2000–2003).
2. Сарвонтепадаги тадқиқотлар (2001–2003, 2007).
3. Арк ичи, шаҳристондаги археологик изланишлар (2001–2002, 2006).
4. Шаҳристон деворининг (жанубий ва гарбий) ташқарисида, яъни рабодда шурфлар ёрдамида олиб борилган кидирув ишлари (2007–2012).

3.2. Чордонанинг археологик ўрганилиши

2000 йилги археологик тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Археология институти отряди томонидан З.М.Бобур номидаги Халқаро жамоат фонди ва «Мадор» хусусий корхонаси кўмагида олиб борилди. Андижон шаҳри ҳудудида амалга оширилган мазкур археологик изланишларнинг асосий мақсади шаҳарга асос солинган санани аниқлашдан иборат эди.

Юқорида қайд этилганидек, Андижонда археологик ва меъморий ёдгорликлар деярли йўқ бўлиб кетган эди. Мавжуд узук-юлук кўринишдаги

сонли моддий ва бошқа манбалар эса ахборотга ниҳоятда камбағал Маданий қатламларнинг хусусиятларига қараб, ҳар бир ёдгорлик учун услуб қўлланилди. Чордонада қатламлаб, қурилиш горизонтлари кўнрақча қовлаш услубидан фойдаланиб, топилмалар ҳам шу тарика ҳисобга олинди. Сарвонтепада эса маданий ётқизикларни қатламма-қатлам очиш услубидан фойдаланилди.

2000 йилда қазилмалар Чордонанинг фақат энг тўлиқ сақланиб қолган қисмида олиб борилди. Қазилмалар ҳозирги шаҳарнинг шимоли-ғарбий қисмида, ўрта аср Аркининг шимоли-ғарбида, Далварзин ариғи қирғоғида Тўхтасин Келдиев номидаги маҳаллада амалга оширилди. Тепаликда ёзилганлиги 10 метрли мўъжазгина ер қолган бўлиб, бу жойдан ҳозирда таъриҳий ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланилади. Топография режа-сини ўрганиш ва объектни тадқиқ этиш орқали унинг дастлабки майдони анчагина йирик бўлганлиги аниқланди. Маҳаллий аҳоли вакиллари-нинг таъкидлашича, ҳозирги мавзедан шимолроқда жойлашган учбурчаксимон жой майдони тўлалигича тепаликдаи иборат бўлган.

Шурф-1. Чордона мавзеси пастки қатламларининг стратиграфияси ва санасини аниқлаш учун ҳозирги мавзенинг экскаватор билан қовлаш услубида ҳосил бўлган қиялик қирғоғидан шимоли-шарққа томон 3 метр чуқурликда майдони 3 x 5 метрли 1-шурф солинди.

Дастлабки икки ярус чуқурлигида (репердан XVI ва XVII яруслар) шурфнинг бутун майдони бўйлаб қоришиб кетган замонавий чиқиндилар, қишлоқ ва тепалик қисмининг вайроналаридан иборат қатлам қузатилди. Ўрта асрларнинг (XIII асрдан илгари) турли даврлари ва ҳозирги замонга мансуб пишиқ ғишт ҳамда қуллоқчилик буюмларининг бўлаклари аралашган ҳолда топилди. Қазилма диагонали бўйлаб репердан 850 см чуқурликда, шарқий бурчакда эни 130 см бўлган ғишт девори қолдиқларининг юқори қисми аниқланди. Юқори намлик ва босим сабабли девор ичидаги ғиштлар ўз шаклини анчагина йўқотган эди. Шундай бўлса-да, қирғок бўйлаб қилинган қирқим (разрез) ғиштларнинг ўлчамларини аниқлаш имконини берди – 42 x 26 x 10 см. Девор репер нуктасидан 970 см чуқурликка қадар қузатилди. Ундан шимол ва жанубга қараб кетган зич жойлашган хом ғишт уюми очилди. Айни вақтда шимолий бурчакда, 850 см чуқурликдан бошлаб 1000 см га қадар шимолий йўналишда кескин пасайиб боровчи ғишт уюми қилигининг ўрта даражагача пасайиши қайд этилди. Шурфнинг жанубий қисмида зич уюмнинг остида катта миқдорда куйган ёғочнинг қўмир бўлаклари, қул ва қуллоқчилик буюмларининг парчалари қоришиб кетган

юмшоқ сариқ тупрок қатлами (қалинлиги 70 см.гача) топилди. Унинг остида эса ўрта даражадаги зичликка эга уюм жойлашганлиги маълум бўлди. 1070 см. чуқурликка етгач (XXII ярус) ер ости сувларининг сизиб чиқиши натижасида қазилмалар тўхтатилди.

Ёдгорликни юқори майдончасидаги қазилмалар. Айни вақтнинг ўзида ёдгорликнинг юқори майдончасида ҳам қазилмалар олиб борилди. Аввалги изланишларни бу ерда Б.Абдулғозиева олиб борган бўлиб, тадқиқотчи илк ўрта асрлар ва қорахонийлар даврига тааллуқли қатламларни очишга муваффақ бўлган эди (Абдулғозиева Б., 1991. 132–137-б.). Бу галги уринишдан мақсад эса аниқланган даврларга қадар бўлган маданий горизонтларнинг стратиграфиясига ойдинлик киритиш эди.

Ёдгорликнинг аввалги сафар очилган горизонтларининг жанубий қисмида жануби-ғарб – шимоли-шарқ чизиғи бўйлаб йўналтирилган, репердан 140–150 см сатҳда бошланган 8x4 метр ўлчамли қазилма қовланди. Емирилган юқори қатлам остидан ғиштли уюм очилиб, унда кўп миқдорда кул, ёниб кетган ёғоч конструкциялар ва куйинди тупрок мавжудлиги аниқланди. Ушбу қатлам остидан эса сатҳи жанубдан шимолга қадар пасайиб борувчи (160 см дан 245 см гача) зичлаб қотирилган пол топилди. Биринчи полнинг остидан ҳеч қандай меъморий иншоот қолдиғи аниқланмади. Қовланган қазилманинг марказий қисмидаги полдан шакли думалоқ, диаметри 100 см бўлган бадраб¹ топилиб, у қазилманинг юқори сатҳидан 250 см чуқурлик қазилган эди. Бадраб қадимий қурилиш чиқиндилари билан тўлган. Полда учта синган идиш қолдиқлари. Бири – кулол чархида тайёрланган тувак бўлиб, ўлчамларига кўра хумчага мос келарди. Бадрабдан ғарбда, афтидан, дастгоҳда тайёрланган кўза парчаси, шимолда эса ҳалқасимон сопли бутун кўзача топилди. Шу полнинг ўзида, қазилманинг ғарбий четида, унинг жанубий бурчагидан 4 метр нарида темирдан ясалган ханжар парчасига дуч келинди. Пол остида хом ғишдан урилган ва перпендикуляр кесишган икки девор қолдиқлари аниқланди. Биринчисининг қалинлиги 50–60 см бўлиб, шарқий четдан ғарбий четгача чўзилган ҳолда, жанубий четдан 300 см узокликда жойлашган эди. Қалинлиги 100 см ли иккинчи девор ғарбий чеккадан 90 см нарида биринчи деворга перпендикуляр ҳолда туташган бўлиб, жануби-ғарбий бурчақдан жанубий чекка томон 120 см га йўналган эди. Деворларга иккинчи пол ҳам яқин келган эди. Поллар ўртасида бир

¹ Бадраб олатда юмалоқ қилиб чуқур қазилган ва унга маиший чиқиндилар ташланган, ахлатхона дейиш мумкин.

снча юпка қатламларни тозалаб очишга муваффақ бўлиндики, бу қатламлар мазкур ерда турли даражада ва турли муддатларда хаёт кечирилганидан қуллолат берарди. Иккинчи пол сатҳи остида, қазилманинг марказий қисмида текис ғиштли уюм очилди. Қазилма 270–300 см гача етказилди ҳамда дала мавсуми яқунланганлиги сабабли тўхтатилди.

Устки қатламларни очиш натижасида учта хона қолдиклари топилган. Қайд этилган материаллардан келиб чиқиб хоналарнинг юқори сатҳини V–VIII асрлар, иккинчи, яъни остки сатҳини V–VI асрларга тааллуқли, деб ялтироф этиш мумкин.

Топилмалар. Юқори майдончада олиб борилган тадқиқотлар натижасида ҳамда 1-шурфдан олинган археологик материаллар милоддан аввалги биринчи асрлар – милодий асрлар бошидан тортиб, VII–VIII асрларга қадар бўлган даврни қамраб олади. Ҳандақ, бадрабларга тўлиб қолган ашёлар, казиб олинган материаллар орасида ўрта асрларга оид комплексларнинг булаклари, хусусан юқорида тилга олинган темир ханжар парчаси учрайдики, булар кейинги даврга тўғри келади (XII–XIII асрлар). Қўлга киритилган материаллар асосан кулолчилик буюмлари намуналари, тош ва темир маҳсулотлари, ҳайвон суяклари қолдиқларидан иборат. Топилмаларнинг аксарияти сопол идишлар ва бошқа кулолчилик маҳсулотларидан иборат. Улар хронологик тарзда қуйидаги катта гуруҳларга тақсимланади:

I давр. Милодий аср бўсағасига қадар бўлган даврга оид кулолчилик маҳсулотлари унчалик кўп эмас ва асосан ғишт ёки лой қоришмаси таркибидан топилган. Сопол идишлар юпка, жарангдор, яхши тоблаб пиширилган, икки томонига куюқ қизил, баъзан эса ялтироқ ангоб берилган. Асосан коса, товоқ, хурма, кўза каби идиш хиллари учрайди. Ҳозирги коса ва ликобчаларга ўхшаб кетадиган кулолчилик буюмлари ҳам кўплаб учрайди.

Ушбу кулолчилик маҳсулотлари комплекси Шўрабашот, Симтепа, Ғайраттепа ёдгорликларидан топилган идишларга яқин туради ва Н.Г.Горбунова томонидан таснифланган Ф/II комплексига мос келади ҳамда санаси милоддан аввалги биринчи асрларга тақалади (Горбунова Н.Г., 1979. 137–138-б.).

II давр. Милодий биринчи асрлар кулолчилиги кўплаб ашёвий манбалар билан ифода этилган. Идиш-товоқлар усти қизил, қорамтир, жигарранг ангоб билан қопланган. Аксарият ҳолларда ангоб ташки тарафига суртилган бўлса-да, икки тарафлама ангобланган идишлар ҳам учрайди. Зувала қилишга мўлжалланган лой яхшилаб қорилган, аммо хумдонда бир маромда пишитилмаган. Мазкур комплексда идиш сиртига тирнаб

безак берилган кулолчилик маҳсулотлари илк бор аниқланди. Жумладан кулолчилик чархида тайёрланган коса шундай услубда ишланган ҳамда икки тарафига тўқ жигаррангли ангоб берилган ҳолда пардозлаш, ялтиратиш излари мавжуд. Яна бир коса ташқи тарафидан қора ангоб билан қопланган бўлиб, ички томонига ангоб чизиқлар тортилган. Мазкур идишлар гуруҳи қазишмада энг кўп қайд этилганлар сирасига киради ва «қизил ангобланган кулолчилик маҳсулотлари даври»га тааллуқлидир. Бу каби комплекслар идишлари жарангдорлиги ва сопол идиш деворларининг юпқалиги билан хусусиятланади (Горбунова Н.Г., 1979; Заднепровский Ю.А., 1985. 304–317 б; Козенкова В.И., 1964; Заднепровский Ю.А., Матбобоев Б.Х., 1991, 62–72 б; Қудратов С., 1992).

III давр. III–IV асрлар кулолчилиги ундан аввалги комплексдан деярли фарқ қилмайди. Уни алоҳида ажратиш анчагина мушкул бўлса-да, бу даврга тааллуқли кулолчилик маҳсулотлари энг кўп миқдорли гуруҳни ташкил этади. Идишларнинг усти қизил, ғишт рангидаги, қорамтир, жигарранг тусда ангобланган. Одатда ангоб ташқи тарафигагина суртилса-да, икки тарафлама ангобланган идишлар ҳам учрайди. Айрим идишларда ангоб излари ўчганлигини кўриш мумкин. Лойи яхшилаб корилган ҳамда бир текисда қиздириб пишитилган. Мазкур комплексда тирнаб гул солинган кулолчилик маҳсулотлари ҳам қайд этилган. Мазкур безак идиш хумдонда пишитилгач, идиш сиртига ўткир асбоб билан ишланган. Одатда безакка геометрик, баъзан эса антропо-зооморф шакллар берилган. Кулолчилик идишлари орасида шакли-шамойили турли хил бўлган ликобчалар, хурмалар ажралиб туради. Тирнаб ишланган безакли тувакни алоҳида қайд этиш жоиз. Сопол идишнинг ўткир асбоб билан йўнилган жимжимадор дастаси диққатга сазовор. Бу – қизил ангобланган кулолчилик идиши юзасига Фарғонача ишлов беришнинг қадимий услуби аломатларидан саналади (Заднепровский Ю.А., 1960а 24–25 б., 9-рasm; Горбунова Н.Г., 1970. 119 б. 1-рasm). Иккинчи гуруҳ каби кулолчиликнинг учинчи гуруҳи ҳам «қизил ангобланган кулолчилик маҳсулотлари даври» сирасига киради. Бу каби идишлар жарангдорлиги ва деворларининг юпқалиги билан ажралиб туради. Мазкур давр қизил ангобланган идишлар кулолчилигининг гуркираб яшнаган даври ҳисобланади ҳамда айрим маълумотларга кўра ушбу даврга тааллуқли бўлган Фарғона ёдгорликларининг сони 1000 га яқин, бошқа хулосаларга кўра 600 тага етади. Шу ўринда II–III даврлардаги Чордона археология комплексини Мингтепа, Ғайраттепа, Керкидон, Қуюктепа, Култепа ва бошқа ёдгорликлар билан таққослаш мумкин (Горбунова Н.Г., 1979; Заднепровский

Ю.А., 1985. 304–317 б; Козенкова В.И., 1964; Исамиддинов М.Х., Матбабаев Б.Х., Қучқаров Т., 1983; Қудратов С., 1992).

IV давр. V–VI асрлар кулолчилиги ҳам етарлича микдорда аниқланган. У асосан юқори қазилманинг иккинчи полида қайд этилган. Қизил ангоб билан қопланган идишлар билан бир қаторда ангобсиз ёки жигарранг ангобли идишлар учрайди. Сопол идишлардан хурма, ликоб, коса, хумларни кўрсатиб ўтамиз. Кўза бўғзининг ташқи тарафидан учлари пастга қаратилган учбурчак шаклида галма-гал такрорланувчи тирнаб ишланган безаклар олинган. Гултувак кўринишли идишнинг бўғзи остига тирнаб ишланган безак туширилган. Шунга ўхшаш, аммо безаксиз идиш учрайди. Топилмалар орасида анчагина дағал ишланган қозонларни кўриш мумкин. Улар афтидан секин айланадиган кулол чарҳида тайёрланган. Ягона нусхада йирик хум топилган, унинг таг қисми ҳам мавжуд. Тирнаб ишланган безакли косача барчасини ҳам айтиб ўтиш лозим. Бу комплексда турли идишларнинг таг қисми кўплаб учрайди.

Маълумки, V–VI асрлар комплекси Косондаги Мунгтепадан, шунингдек, Қуюктепа II, Култепадаги Г комплекси, Ғайраттепа II/4дан топилган идишларга айнан ўхшайди ва бир давр билан саналанади. Аммо Чордонадаги шурф материаллари орасида ангоб ҳошияли идишлар ва дастали кўзалар учрамайди (V–VI асрлар комплекси тўғрисида батафсил маълумотлар: Матбабаев Б.Х., 1999).

V давр. VII–VIII асрлар кулолчилиги 2000 йилги қазилманинг юқори полидан олинган¹. Идишлар сиртига айрим ҳолларда оч рангли ангоб берилган, баъзи жойларда ангоб ўчиб кетган. Топилмалар орасида кўза, қозон, тувак хиллари учрайди. Ҳалқасимон дастали кўзача, саёзроқ манкалдонлар киради. Комплекسدан, шунингдек, илк ўрта асрларга хос бўлган кўзанинг япагисимон бурнили кўза ҳам қайд этилган. Деворлари ичкарига енгилгина қайриб ишланган коса топилган. Айрим жиҳатлари бўйича янада олдинги даврларга хос иккита сопол идиш учрайди. Уларнинг бири кулол чарҳида хумчага ўхшаш шакл берилган катта тувак бўлса, иккинчиси дастгоҳда ишланган сирти нотекис йирик кўза.

Булардан ташқари юқори қатламлардан сурматош ва икки тиғли темир ханжар бўлаги топилган. Ханжар дастасида ёғоч қолдиқлари аниқланган. Дамининг шакли ва топилма жойидан келиб чиқиб, мазкур ханжарни бир оз

¹ Мазкур кулолчилик намуналари гуруҳи Б.Абдулғозиева томонидан ҳам топилган эди (Абдулғозиева Б., 1991. 132–137-б).

кечки даврга, эхтимолки, XII–XIII асрларга тааллуқли эканлигини тахмин қилиш ўринли бўлади, негаки топилма ёнидан мазкур маданий қатламга кейинги даврларда қўйилган мазор вайроналари қайд этилган. Ханжар, афтидан, шу мазорга тааллуқли бўлган.

Хулоса қиладиган бўлсак, Чордонадаги изланишлар натижасида VII–VIII асрга тааллуқли материаллар топилди ҳамда илк бор I–IV асрлар қатламини аниқлашга муваффақ бўлинди. Янада қадимийроқ қатламларнинг мавжудлигини ҳам инкор этиб бўлмайди, чунки қоришма ва хом ғишт орасидан эраמידан аввалги асрларга хос қўплаб ашёвий парчалар топилган. Аммо бу қатламларни синчиклаб текширишга 1070 сантиметр сатҳдан бошлаб сизиб чикувчи ер ости сувлари йўл бермайди.

2001 йилги археологик изланишлар. 2000 йилги қазилма шарқий томонга 4 метрга ва жанубий томонга 6 метрга кенгайтирилди. Қазилма майдони 8x14 метрни ташкил этди. Бундан ташқари қазилманинг ғарбий қисми (А-4 квадратининг ғарбида) маданий чўкиндиларни аниқлаш мақсадида 1,5 метрли қўшимча қирқиб кўрилди (*38-расм*).

Б.Абдулғазиева томонидан дастлаб олиб борилган изланишлар натижасида иккита қурилиш горизонти хона қолдиқлари билан бирга аниқланган эди. Улар VII–VIII ва XIV–XVI асрларга тўғри келарди. Муаллиф илк қатламлар эраמידнинг дастлабки асрларига тааллуқли бўлган деб ҳисоблаб, иморат VIII аср бошида вайрон бўлган, XIII–XIV асрларга келиб ушбу худуддан қабристон сифатида фойдаланилган, XIV–XV асрларда эса янги иморат қад ростлаган деган хулосага келган (Абдулғазиева Б., 1991. 132–137-б.; Абдулғазиева Б., 1999. 99–101-б.) Ўша қозишмаларни инобатга олган ҳолда биз устки қатламларни тозалаб бўлгач, III қурилиш горизонтини очишга киришдик¹.

Қозишмалар давомида иккита қурилиш горизонти аниқланди. Аввалги мавсумда ҳам иккита қурилиш горизонти очилган эди (I–II босқичлар). Ушбу мавсумда эса III қурилиш горизонтида кўрғон деворининг бир қисмини очишга муваффақ бўлинди. Бунда деворлар оралиғидаги коридор-йўлакча (галерея) топилган. Галерея 1,8 метр чуқурликка қадар кузатилиб, давоми борлиги маълум бўлди. Унинг ташқи қирраси озгина қийтиқ ҳолатда бўлиб, деярли тик тушган. Девор эни 2–2,2 метр, пахсадан кўтарилган. Деворлар оралиғидаги коридорнинг эни 1,3 метрга тенг бўлган ҳолда тўрт сатҳли

¹ Чордонадаги янги қурилиш горизонтларини очишда уларнинг рақамланиши аввалгиларининг давоми сифатида юритилди.

эсли мавжуд. Полнинг тўртинчи сатҳи 1,3 метр чуқурликда жойлашган. Поллар оралиғи хом ғишт ҳамда кам миқдордаги сопол бўлаклари билан янги тўлатилган. Деворлар оралиғидаги коридордан III ва IV қурилиш горизонтлари даврида фойдаланилгани аниқланди. Кейинчалик II қурилиш горизонти даврига келиб эса ҳарсанг тошлар билан тўлдириб юборилган, шу боис девор қалинлиги 5 метргача кенгайган. Тураржой мавзесининг қазиб олинган қисмидан ички девор бўйлаб жойлашган айвонли ҳовли очилган. Айвоннинг сақланган эни 1,2 метр. Афтидан ясси том ёғоч устунларга жойлаштирилган (учта устун излари топилган).

Айвонда озиқ-овқат захиралари сақланган бўлиб, бу ерда турли хўжалик буюмлари бажарилганлигидан аниқланган топилмалар далолат бериб турибди. Айвоннинг ғарбий қисмида деворнинг кулаши оқибатида синиб, парчаланган хум турган. Шу ернинг ўзида қўл тегиримон тоши жойлашган. Улардан сал нарида йирик сопол кўза ва тувакча топилган.

III ва IV қурилиш горизонтлари оралиғида бир муддат ташландик давр ҳукм сурган дейиш мумкин, негаки бу ораликда сопол буюмлар ва ҳайвонларнинг суяқларидан иборат қалин кул қатламлари жойлашган. Кейинги IV қурилиш горизонтида қазилманинг жанубий қисмида саҳна кўринишидаги кенг майдонча қазиб олинди. Майдончанинг узунлиги 8 метр, эни 5,4 метр, баландлиги эса 0,4 метрдан иборат. Бу иншоот хом ғиштан қурилиб, пастки қисми бўлақлардан, юқори қисми эса текис терилган қаторлардан ташкил топган ҳамда қалин қилиб лой сувоқ қилинган. Ғиштларнинг ўлчамлари илк ўрта асрларга хос: 45x26x9; 40x30x8; 39x26x8; 46x26x9; 41x25x9; 40x25x8; 40x28x9 см. Ғиштнинг бу каби ўлчамлари V–VI асрларга хос бўлган. Устунлар учун мўлжалланган чуқурча-уяларнинг мавжудлиги том ясси кўринишга эгаллигидан далолат беради. Қазилманинг ғарбий қисмида битта устун излари сақланиб қолган. Айвоннинг шимолий четида диаметри 50 сантиметрли чуқур кўринишидаги ўчоқ турган. Ўчоқ катта қозонга мўлжалланганлиги аниқ. Ҳовли ҳудудида яна бошқа ўчоқлар ҳам мавжуд бўлган. Улардан бири қазилманинг ғарбий қисмида жойлашган бўлиб, бевосита полга қурилган ҳамда юқоридан тўғри бурчак шаклига эга. Ўчоқ ичида оқ рангдаги кул излари қолган.

Қазилманинг шимолий-шарқий секторида кул ва кўп миқдордаги кулолчилик буюмларидан иборат маданий қатламлари очилди. Мазкур қатламлар 4,2 метр чуқурликка қадар кузатилади. Шунингдек, яна бир – V қурилиш горизонти очилди. Қатламлар шарқий ва ғарбий томондан кескин пастлаб борганлиги боис дастлаб ахлат хандақ мавжудлиги тахмин қилинган

эди. Аммо кейинги изланишлар бу фараз нотўғрилигини тасдиқлади. Аслида эса шарк-ғарб йўналиши бўйлаб жойлашган қалин пахса девор очилди. Девор 4 метр узунликда кузатилган ҳолда (қазилманинг шимоли-шарқий бурчагидан ҳисоблаб), 1,7 метр чуқурликкача боради ҳамда янада чуқурлашиб кетади. Бу изланишдан қасрга ўхшаш маҳобатли иншоотнинг қолдиқлари топилгандай таассурот қоларди. Иншоот вайрон бўлгач, бу жойга хўжалик чиқиндилари ташланганлигини сезиш осон.

Афтидан, IV ва V қурилиш горизонтлари ўртасида яна бир горизонт мавжуд эди. Ҳар ҳолда улар оралиғида ётган қатламлар бунга ишора қилмоқда. Қолаверса, шу сатҳда жойлашган бу каби қатламлар ва пол қазилманинг жанубий қисмида ҳам қайд этилган. Кейинчалик пахса девордан фойдаланилмай қўйилганда унинг юқори қисми қирқиб ташланиб, атроф майдон текисланган. Девор бўйлаб, 2,5 метр чуқурликда пол сатҳи кузатилади. Пол куйинди қатлам билан қопланган. Куйинди қатлам устида эса 30–40 сантиметр қалинликдаги девор вайроналари жойлашган. У эса ўз навбатида 2 метр чуқурликда текисланган қалинлиги 10 см яшил кулранг қатлам билан қопланган. Ушбу қатлам хом ғишт бўлақларидан иборат 30 сантиметр қалинликдаги уюм билан қопланган. Яъни IV ва V қурилиш горизонтларини умумий қалинлиги 80 сантиметрга тенг қатламлар ажратиб туради.

Қурилиш горизонтларининг санасини аниқлашда сопол идишлар муҳим аҳамият касб этади. Қазилманинг шимоли-шарқий сектори бу каби топилмаларга ниҳоятда бойлиги маълум бўлди. Таъкидлаш керакки, горизонтлар бўйлаб олиб қаралганда, сопол буюмларни тайёрлаш услуби ва технологиясида кескин фарқ йўқ. Бу эса қурилиш горизонтлари оралиғида узок муддатли хронологик узилишлар бўлмаганидан далолат беради. Шу сабабли улар яхлит ҳолатда тадқиқ этилади.

Барча сопол буюмлар ёпма қўлда тайёрланган ва кулолчилик маҳсулотларига тоифалананиди. Бунда аксариятини кулолчилик маҳсулотлари ташкил этса, ёпма қўлда тайёрланган буюмлар асосан қозон, ҳум ва кўзалардан иборат. Кулолчилик маҳсулотлари хилма-хиллиги билан ажралиб туради: улар коса, паймона, ёғлоғи, тувак, тоғора, кўзалар билан ифодаланган. Бир қисми қизил, қора, жигарранг ангоб билан қопланган. Ангоб баъзан нурсиз, оч, сифатсиз берилган бўлса, айримлари сифати яхши. Паймона ва косалар тўлиқ ангобланган ҳолда, бошқа идишларнинг фақат ташқи томонигагина ангоб берилган. Одатда идиш сиртига хошия сифатида ангоб бериш, йирик ва майда тарам-тарам ботиқ чизиклар тортиш орқали

безак берилган. Ботиқ чизиклар тортиш (рифление) идишни кулол чархида плантириб амалга оширилган.

Идишларнинг барча турларига батафсил тўхталмасдан, топилма нарасини аниқлаш учун муҳим бўлган айримларигагина эътибор қаратамиз. Хусусан, барча горизонтлар учун хос бўлган сферасимон ишланган кўзалар қизил ангоб билан копланган. Гардиши воронкасимон кенгайиб боради, жўмраги қувурга ўхшаш, воронкасимон танаси эса икки карама-карши томондан хиёлгина япалокланган. Мазкур кўзаларнинг дасталари ҳам ўзига хослиги билан ажралиб туради. Яъни улар ёйсимон бўлиб, юқори қисми билан гардишга маҳкамланган ҳолда гардиш устидан озгина бўртиб туради. Дасталар пластинкасимон кўринишга эга, кесмада энсиз, кесмада тўғри дўртбурчак шаклга эга дасталар ҳам учрайди. Мутахассислар фикрича мазкур кўзалар III–V асрларда пайдо бўла бошлаган (Литвинский Б.А., 1973. 120-б.). Бу каби кўзалар Поп туманидаги Мунчоктепа сағанасидан (Матбабаев Б., 1999. 6-, 29–30 расмлар) ҳамда Андижон вилояти Балиқчи туманидаги 2-тепанинг V–VI асрлар қатламидан (Абдулгазиева Б., 1987. 69 б. 1-, 8-расмлар), Фарғона водийси ғарбидаги Тўдай-Калон ёдгорлигидан топилган. Бу жойда III–IV асрларга тааллуқли комплекс аниқланган (Салтовская Е.Д., 1964. 18, 49. 50-б. 2-расм). Кўзаларнинг бу каби тури VI–VIII асрларда (Литвинский Б.А., 1973. 120, 121-б. 35,3-жадвал) Ўрта Осиёда, шу жумладан, Фарғонада кенг тарқалган бўлган ҳолда япаки бурун жўмрак идиш гардишига мустаҳкамлана бошланади ва дастасига ҳам маълум ўзгаришлар киритилади. Япаки бурун жўмрак нафақат кўзаларда, балки тувакларда ҳам учрайди. Паймона ва қадахлар ҳам катта кизиқиш уйғотади, улар остки қисмларида фарқ қилиш мумкин (49-расм, 10–14). Цилиндрик шаклдаги юқорига қараб кенгайиб борувчи қадахларнинг ости текис ишланган; шунингдек, идишга бир неча бор такрорланувчи тенгёнли учбурчак белги туширилган. Айтиш жоизки, ости ўткир асбоб билан киркиб олинган турли идишлар II–V асрларда Фарғонада кўплаб учрайди (Абдулгазиева Б., 1987. 67-б. 1, 16, 18, 19, 21 расмлар). Юқоридагилардан келиб чиқиб, ковлаб очилган қурилиш горизонтларини V–VI асрлар билан изоҳлаш мумкин. III ва V қурилиш босқичлари планиграфияларининг ўхшашлиги, яъни ҳар иккаласида ҳам айвонларнинг мавжудлиги, иккала даврда ички коридорлардан фойдаланиб келинганлиги, уларнинг хронологик жиҳатдан яқинлигини исботлайди. Айни вақтда V горизонтдан сўнг эса узок муддат ташландиқ ҳолат ҳукм сурганлиги боис бу қурилиш горизонтини юқоридагиларга ўхшаш деб бўлмайди.

2002 йилги археологик изланишлар ёдгорликнинг икки жойида олиб борилди: юкори майдончадаги қазилма (Р-2 қазилма кенгайтирилган) ва шимоли-шарқ/жануби-ғарб чизиғи бўйлаб қирқим (узунлиги 28,5 метр) (38-39-расм). Қазилмалар майдонининг кенгайиши туфайли топилмалар жойи горизонтларнинг очиб борилишига қараб қайд этилди. Қурилиш горизонтлари юкоридан бошлаб рақамланди. Биз III, IV, V ва қисман VI қурилиш горизонтларини очишга муваффақ бўлдик.

Мазкур ерга кейинчалик қўйилган қабрлар (XIII-XIV асрлардаги) сабабли III қурилиш горизонти қисман сақланган холос. Қазилманинг шарқий қисмидан майдони 5-6 кв метр бўлган пол аниқланди. Унинг қолдиқлари шимолий ва жанубий мудофаа қўрғонлари ёнида ҳам қайд этилган. Қазилманинг шарқий қисмида ўша даврга тааллуқли ғарб-шарқ чизиғи бўйлаб йўналган, қалинлиги 80-85 сантиметр, баландлиги 20-30 сантиметр ва узунлиги 3 метр атрофидаги пахса девор вайроналари қайд этилди. Шарқий қисмда девор жанубга қайрилиб, 1 метргача давом этган. Мазкур сатҳда IV қурилиш горизонтига оид ғиштли тўшамага ўйиб ўрнатилган №2 ўчоқ қайд этилди. Ўчоқ режаси тўғри бурчак шаклида бўлиб, бурчаклари думалокланган (60x45 см.), унинг жанубий қисмида кул учун мўлжалланган кичкина чуқурча (хандак) мавжуд (20x20 см.). Ўчоқ деворлари олов изларидан нишона беради, унинг ичида эса кул ва сўнган чўғ қолдиқлари мавжуд. III қурилиш горизонти билан пахсадан тикланган жанубий ва шимолий мудофаа деворлари боғланган.

Кучли куйган қатлам сифатидаги IV қурилиш горизонти бутун қазилма бўйлаб кузатилади. Ушбу горизонтда 2001 йилда ғиштли тўшама топилган бўлиб (Абдулгазиева Б., Абдуллаев Б., Матбабаев Б., 2002. 5-б.), у 40 кв метрни ташкил этади. Қазилма олиб борилган мазкур мавсумда тўшама 80 кв метрда аниқланди, афтидан у горизонтнинг жанубий қисмини эгаллаган холда жанубий мудофаа деворига қадар етиб борган. Тўшаманинг тўғри бурчакли хом ғиштли 38-44x26-28x8-9 сантиметр ўлчамга эга. Бу ерда аниқланган иккита чуқурча (айвон томини ушлаб турувчи ёғоч устунларники) тўшаманинг айвон учун асос бўлиб хизмат қилганлигидан далолат беради. Биринчи чуқурчанинг диаметри 25-30 см ва у 15 смга қазилган. Иккинчиси эса мос равишда 15 ва 10 см ўлчамларга эга. 2001 йилда бу каби чуқурчадан учта топилган холда улар қирқимда тўғри бурчак шаклига эга. Қазилманинг жануби-шарқий томонида тўшама билан боғланган шимоли-шарқ/жануби-ғарб йўналишидаги девор қолдиқлари аниқланди. Мазкур девор 170 сантиметр узунликдагина сақланиб қолган.

Эни 85 сантиметр, баландлиги – 80 сантиметрга тенг бўлган ҳолда 36x26–8 сантиметр ўлчамдаги хом ғиштлар билан тикланган. Қазилманинг шимолий қисмида, айниқса, шимоли-шарқий қисмда зичланган пол этилди. Пол сатҳидан кул, сопол парчалари ва ҳайвонлар суяклари таралган гумус қатлами чиқди.

V қурилиш қатлами қазилманинг шимоли-шарқий ва жануби-шарқий тарафидан очилди. Мазкур горизонтда девор қолдиқлари, пол ва №1 ўчоқ қайд этилди. Деворнинг шимоли-шарқий қисми қирқимда аниқланди. У пахсадан тикланган ҳамда шимолий мудофаа деворига параллель равишда йўналтирилган ҳолда ундан 60–65 сантиметр нарида ўтган. Бу эса икки девор турли даврларда барпо этилганини тасдиқлайди. Деворнинг асоси 100 сантиметр, тепа қисми эни эса 60 сантиметрга тенг, сақланиб қолган баландлиги 65 сантиметр. Жануби-шарқий девор шимоли-шарқ/жануби-ғарб чизиги бўйлаб кетган, хом ғиштда тикланган бўлиб, сувоқланган. Деворнинг бақувватлигидан у кўтариб турувчи вазифани бажарган, дейиш мумкин. Эни 130 сантиметр, сақланиб қолган узунлиги 225 сантиметр ҳамда баландлиги 80 сантиметр. Деворнинг сувоғи қизил бўлгани сабабли у қаттиқ ёнғинга учраган, деб тахмин қилиш тўғри бўлади, полда эса куйган дарахт бўлақлари (афтидан тўсинлар) топилди.

№1 ўчоқ юқорида айтиб ўтилган IV горизонт тўшамасининг шимоли-шарқий четига қайд этилди. У 45x62 сантиметр ўлчамли (қаттиқ емирилган) тўғри бурчак шаклига эга. Ўчоқнинг шимоли-ғарбий қисмида кул учун мўлжалланган 15x22 сантиметрли чуқурча (ҳандак) мавжуд. Ўчоқ деворлари кизгиш-олов рангида.

Қазилма ғарбий қисмида V қурилиш горизонтининг тураржой сифатида фойдаланилган поли очилди. Мазкур даврнинг ташқи деворлари хусусида материаллар топилмаган, негаки кейинчалик (IV қурилиш горизонти даврида) ёдгорликнинг ташқи четлари асосигача қирқиб олинди, унинг ўрнида бақувват яхлит пахса мудофаа деворлари тикланган.

VI қурилиш горизонти қазилманинг шимолий қисмидаги иморатнинг жанубий бўлаги билангина ифодаланган. Ҳозирда бу ерда жанубий деворнинг ички тарафи тўлигича (узунлиги 3 метр), шунингдек, шимолий қирғоққа йўналган шарқий (узунлиги 1 метр) ва ғарбий (узунлиги 80 см) деворлар аниқланди.

Қазилманинг шимоли-шарқий қисмининг (Р–2) юқори қатламларида кейинги даврларга оид тўртта қабр қайд этилди. Уларнинг учтаси очилиб, биттаси ўз ҳолича қолдирилди.

1-қабр, ёрма гўрлар хилига киради, деярли бузилиб кетган, фақат тўғри бурчак шаклидаги шимол-жануб чизиғи бўйлаб 185x40–45 сантиметрга чўзилган дафн хонаси сақланиб қолган. Унда биргина бош суяги мавжуд эканлиги сабабли тана жойлашувини аниқлаш имкони бўлмади. Мархум билан бирга бошқа бирон-бир жиҳоз дафн этилмаган.

2-қабр, ёрма гўрлар хилига киради. У кириш ўраси ва ёрмадан иборат (60-расм). Кириш ўраси тўрт бурчак шаклда бўлиб (40x45–50), чуқурлиги 35 сантиметрга тенг. Кириш ўрасининг ғарбий деворида узунлиги 210, эни 100–120, баландлиги 120 сантиметрли ёрма мавжуд. Маййит чириб, кукун ҳолатига келиб қолган ёғоч тобутда дафн этилган. Тобут тўғри бурчак шаклда (170x65x40 см). Тобут тахталари 10–12 сантиметрли ўн олти та темир мих билан маҳкамланган, ҳар бир бурчагига тўрттадан мих қоқилган (63-расм). Сўл панжа ёнидаги парчадан бошқа тобутнинг туби сақланиб қолмаган. Тобутда 40–45 ёшлардаги эркак жинсига мансуб мурда боши билан жанубга қараб, шарққа озгина оған ҳолда чалқанча ётқизилган. Сўл елка суяги ёнида боши олдида вазифаси номаълум бўлган бронза предмети ва ўчиб кетувчи бўёқ билан безатилган қўш дастали сопол кўзаси топилди. Ўнг қўли ёнида уч қиррали камон ўқининг учи, боши остида эса Чиғатой тангалар зарбига хос, XIII аср сўнги чораги – XIV аср бошига оид (тангашунос А Отахўжаев аниқлаган) иккита кумуш танга топилган.

3-қабр – ёрма гўр (61-расм). Кириш ўраси шу қадар нураб кетганки, унинг ўлчами ва шаклини аниқлаш имкони йўқ. Ёрма – кириш ўрасининг ғарбий деворидан очилган: узунлиги 245 сантиметр, ўрта қисмдаги кенглиги 125 сантиметрга боради, боши олдида – 90 сантиметр, оёғи ёнида эса – 80 сантиметр. Ёрма пиллапоясимон, узунаси бўйлаб эни 40 сантиметр, баландлиги 10 сантиметрли «супа» қўйиб кетилган. Маййит ёғоч тобутда дафн этилган. Тобут «супа»га қадаб қўйилган. Унинг ўлчамлари қуйидагича: узунлиги 195 сантиметр, боши олдидаги эни 60 сантиметр, оёғи ёнидаги эни эса 30 сантиметр, баландлиги 50 сантиметр. 30–40 ёшлардаги эркак жинсига мансуб кимса дафн этилган. Тана қисмининг жойлашуви 2-қабрдагига ўхшаш. Маййит боши остида Чиғатой пул бирлиги зарбига хос (XIII аср сўнги чораги – XIV аср бошига оид) иккита кумуш танга топилган. Мархум билан бирга бошқа бирон-бир бошқа буюм қўйилмаган.

Умумлаштириб айтганда, 2002 йилда очилган мазорлар Б.Абдулгазиева томонидан Чордонадаги олдинги қазилмалар натижасида тўпланган маълумотларни тўлдиради. Бизгача жами 30 дан ортиқ қабрлар очилган бўлиб, 26 таси мусулмон урф-одатларига кўра, 5 таси бутпарастлик

Маъналари бўйича мархум ёнига турли буюмлар билан бирга дафн этилган. Мархумларнинг барчаси асосан боши билан шимоли-ғарбга йўналтирилган. Шу билан бирга Б. Абдулгазиева томонидан 26-қабр алоҳида ажратиб кўрсатилган. Бунга маййит туби йўқ ёғоч тобутга жойлаштирилган бўлиб, боши билан жануби-шарққа йўналтирилган (Абдулгазиева Б., 1999. 99–101-б.). Афсуски, бу мазорга тааллуқли дала ҳужжатлари чоп этилмагани сабабли 26-мазор тўғрисида маълумотлар мавжуд эмас. Бироқ қандай этиб туби йўқ тобутга маййит қўйилгани муаллиф фикрига нисбатан бизларда шубҳа уйғотади. Бизлар ўрганган 3 та қабрдан 2 таси (2002 й.) кўп шихатларига кўра Б. Абдулгазиева ўрганган 26-қабрга мос келади. Аммо 2002 йилдаги маълумотларда қабрнинг шакли аниқ белгиланган (ёрма гўр) бўлиб, биринчи бор тангалар (4 дона), сопол идиш ва ёғочдан ясалган тобут қайд этилган. Шунга қарамай, 26-қабр (1983–1984 й.) ҳамда 2- ва 3-қабрлар (2002 й.) афтидан ўтроқ ҳаёт тарзига ўтган, аммо ҳали ислом динини қабул қилмаган кўчманчи аҳолига тааллуқли бўлган деган фикрни айтиш мумкин.

Чордонанинг жанубий қисмидаги археологик тозалаш ишлари. Ёдгорликнинг икки томонида қалъани шимоли-шарқ ва жануби-ғарбдан ҳимоя қилиб турувчи бақувват деворлар аниқ кузатилади (33-расм; 40-расм). Аммо уч мавсум давомида олиб борилган ишларга қарамай, деворларнинг ёдгорлик қурилиш горизонтларига алоқадорлиги масаласи аниқланмай келаётган эди. Қатламларнинг стратиграфиясини аниқлаш учун ёдгорликнинг шимоли-шарқий ва жануби-ғарбий томонидан девор асосини қовлаб очган ҳолда тозалов ишлари олиб борилди. Шимоли-шарқдан жануби-ғарбга томон кесим (разрез) узунлиги 30 метрни ташкил қилди, маданий қатламлар қалинлиги эса 8 метрга тенглиги маълум бўлди. Қатламларнинг кетма-кетлиги қуйидагиларга ойдинлик киритиш имконини берди (40-расм).

Мудофаа деворлари. Ҳар икки девор бир вақтнинг ўзида бир хил услубда қурилган. Деворлар горизонтал пахса бўлаклари ёрдамида тикланган. Пахса бўлаклари обдон пишитиб қорилган лойдан иборат бўлиб, бўлақларнинг узунлиги турлича: 16 дан 30 сантиметргача. Деворлар юзасида таъмирлаш ишлари олиб борилганлиги ёки қўшимча қурилмалар тикланганлигидан далолат берувчи аломатлар мавжуд эмас. Ҳар иккала деворларнинг ташқи тарафи вақт ўтиши билан табиий ҳодисалар таъсирида нураб борган.

Шимоли-шарқий мудофаа девори. Шимоли-шарқий деворнинг сақланиб қолган баландлиги 5,75 метрга тенг. Унинг юқори қисмидаги эни

2,05 метрга тенг бўлган холда, асос қисмининг эни 3 метрдан иборат. Қатламларнинг кетма-кетлигидан равшанки, девор V–VI қурилиш горизонтлари сатҳига қурилган. Бунинг учун эса бўлажак мудофаа деворларининг ўрнидаги қурилиш қолдиқлари текисланган. Айни вақтда аввалги даврнинг платформаси (тагкурси) кесиб ўтилган. Платформа ва қурилиш қолдиқлари текисланиб, маданий қатламларнинг устида шимоли-шарқий девор барпо этилган. Аввалги бинонинг кесилган девори тахминан VI қурилиш горизонтига тааллуқли. Деворнинг баландлиги 2,80 метр, ғиштларнинг ўлчами 24–28 x 40–43 x 8–9 см, ғишт қаторлари орасидаги лойнинг қалинлиги эса 3–4 см. Ушбу ва шимоли-шарқий девор учун ягона платформа ҳозирланган бўлиб, унинг қалинлиги 1 метр атрофида. Платформа ғиштларининг ўлчамлари бино девори ғиштларининг ўлчамлари билан деярли бир хил (27–30 x 41–43 x 6–8 см, лой қалинлиги – 4 см гача). Платформа ғиштларининг эни йирикроқ бўлган холда (27–30 см), қалинлик борасида турлича (6–8 см). Платформа асосининг пастроғидан кулолчилик маҳсулотларининг парчалари билан аралашган ўртача зичликдаги оч жигаранг тупроқ қатлами кузатилади. Мазкур қатлам орасидан кул қатлами ўтган (қалинлиги 3–7 сантиметр). Мазкур жойда маданий қатламлар пастга қараб чуқурлашиб боради.

Жануби-ғарбий мудофаа девори. Жануби-ғарбий деворнинг сақланиб қолган баландлиги 4,60 метрга тенг. Унинг юқори қисмидаги эни 1,75 метрга тенг бўлган холда, асос қисмининг эни 3,25 метрдан иборат. Деворни тиклаш услуги шимоли-шарқий девордан деярли фарқ қилмайди. Аммо деворлар асоси (платформаси)да айрим фарқланиш мавжуд. Мазкур қисмининг платформаси анча бақувват бўлиб, мураккаб кўринишга эга. У кетма-кет келувчи 3 қаватдан ташкил топган. **Энг қуйи қават** ўртача зичликдаги кулолчилик маҳсулотлари парчалари аралашган тўқ кулранг тупроқдан иборат бўлган қатлам устига қурилган. Мазкур қават пахса ва хом ғиштан (31–32x37x5–6 см) тикланган. Ғишт қатламлари орасидаги пахсанинг қалинлиги 9–16 см. Энг қуйи қават қалинлиги 50 см. Мазкур қаватни платформанинг асоси деб ҳисоблаш мумкин. **Ўрта қават** 25–26x40–44x7–9 см ўлчамли ғиштан тикланган. Ғиштар орасидаги қоришма қалинлиги 3–4 см. Платформанинг мазкур қисми 75–90 см қалинликка эга. Платформанинг 25–60 см қалинликдаги юқори қавати ўз таркибига кўра аввалги икки қаватдан фарқ қилади. У майда, гоҳо эса бутун ғиштар ва пахса бўлаклари билан қаттиқ зичланган. Девор асоси юқори қисмининг бу каби услубда бунёд

этилиши фақат бинонинг жануби-шарқий томонида кузатилади. Бу нима билан боғлиқ эканлигини ҳозирча изоҳлаш мушкул. Буни ёки девор асосини мустаҳкамлашнинг бир усули ёки девор асосини текислаш (нивелирлаш) дейиш мумкин. Дастанбки платформадан анча кейинги давр деворларини бунёд этишда фойдаланилганлиги ҳам эҳтимолдан йироқ эмас. Шимоли-шарқий девор бевосита ғиштли платформанинг устига қурилганлигини ёқорида айтиб ўтган эдик. Демак, жануби-ғарбий девор ҳам шимоли-шарқий девор каби IV қурилиш горизонти мавжуд бўлган даврнинг бошида барпо этилган. Платформанинг умумий қалинлиги 2 метрга тенг. Мазкур деворлар (шимоли-шарқий ва жануби-ғарбий) унча катта бўлмаган қасрни химоя қилиш учун қурилган. Улар маданий қатламлар тарқалган худудни инobatга оладиган бўлсак, майдони 1 гектардан зиёдрок жойни эгалловчи мазкур комплексга нисбатан анча кейин қурилган. Маълум даврда, хавф туғилиши билан бинонинг марказий қисми мустаҳкамланган ҳамда иншоот қасрга айлантирилган, деб тахмин қилиш ўринлидир. Бунинг учун дастанбки иншоотдан фойдаланилган. Унинг тўрт томони кесилиб, кудратли мудофаа деворлари кўтарилган. Бу ҳақда деворларнинг конструкцияси далолат беради. Ҳар икки девор ҳам бино ичига қараб қияланган. Қиялик бурчаги юқори нуқтадан то асосга қадар шимоли-ғарбий деворда 9 даражани, жануби-ғарбий деворда эса – 14 даражани ташкил қилади. Қатламларнинг стратиграфияси деворлар анча кейин бунёд этилганидан далолат беради. Негаки илк даврининг I–III қурилиш горизонтлари полларини ушбу девор қирқиб ўтган. Мазкур деворлар билан алоқадор бўлиб тураржой учун мўлжалланган пол фақатгина IV қурилиш горизонтида қайд этилган. Археологик материалларга кўра деворлар VII аср охирида бунёд этилган бўлиши керак. Айнан V горизонт даврида қаттиқ ёнғин излари учрайди. Бу Фаргонага араб босқини уюштирилган вақтга тўғри келади. Афтидан шу ҳодисадан сўнг бинонинг мудофаа салоҳияти мустаҳкамланган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, 2000–2002 йилларда Чордонада III, IV, V ҳамда қисман VI қурилиш горизонтларининг қолдиқлари очилган. Қазилмалар натижасида олинган маълумотларга асосланиб, ёдгорликнинг қуйи қатламлари эрамиздан аввалги сўнгги асрлар – эрамизнинг дастанбки асрларига тўғри келади, юқори қатламлари эса эрамизнинг VII–VIII ва XIII–XIV асрларига тааллуқли, деб айтиш мумкин.

3.3. Сарвонтепанинг археологик тадқиқи

2001 йилги тадқиқотлар. Сарвонтепа ёдгорлиги Андижон Эски шаҳарининг шимоли-ғарбий қисмида, Тутзор (собик Тельман) ва Сарвонтепа (собик Сужоат) кўчаларининг кесишмаси ёнида жойлашган. Сарвонтепа юқорида номлари келтирилган кўчаларнинг қурилиши даврида қирқилган ва хусусий уйларнинг қурилиши вақтида қаттиқ шикастланган. Унинг катта қисми якка тартибдаги иморатлар остида қолиб кетган.

Ёдгорликдан сақланиб қолган қолдиқларининг асоси трапециясимон кўринишдаги тепалик бўлиб, унинг юқори қисми эса тўғрибурчак шаклга эга. Шарқ, ғарб, шимол ва жануб томонларга юзланган тепанинг асоси 30x20 метр ўлчамга эга бўлиб, баландлиги 6 метрни ташкил этади.

Ёдгорликнинг юқори қатламлари 1976 йилда Б. Абдулгазиева томонидан тадқиқ этилган ҳамда I–II асрлар ва илк ўрта асрларга оид материаллар қайд этилган (материаллар эълон қилинмаган, Андижон вилоят ўлкашунослик музейида сақланади). Ёдгорликнинг муҳимлигини инобатга олиб, шурф солинди.

1-шурф. Қатламларни ўрганиш мақсадида ёдгорликнинг шарқий поёнида стратиграфик шурф солинди. Сақланиб қолган асоснинг энг юқори қисми репер нуқтаси сифатида олинди. Шурфнинг бошланиши XV ярусга тўғри келади. Шурфнинг чуқурлиги 6 метрдан зиёд. Шурфда турли қалинлик ва таркибга эга бўлган 21 та қатлам аниқланди. 2–4 метр чуқурликда (XVII–XX яруслар) афтидан платформа қолдиқлари қайд этилди. У (яъни платформа) ғишт рангидаги зич тупроқ кўринишига эга. XVIII ярус остида жойлашган маданий қатламлар (6–19-қатламлар)да Андижон воҳасининг тарихи учун муҳим бўлган материаллар қайд этилди. Улар остида эса 7–10 сантиметрли қора, айрим жойларда эса қулранг тусдаги қатлам ётади. Бу қатламларда шакли ва тайёрлаш услуби билан бошқалардан ажралиб турувчи сопол буюмлар топилган. Алоҳида хусусиятлари бўйича фарқланувчи идишларнинг қисқача таърифини келтириб ўтамиз (маълумот I иловадаги **Шурф–1/2001** да келтирилган).

Икки томонига ангоб берилган ярим сфера шаклидаги ёпма қўлда тайёрланган коса (23,14-расмлар). Топиниш-сиғиниш билан боғлиқ ёпма қўлда тайёрланган, тўрт оёқли идиш (?). Овал (ясси) шаклдаги идиш, ички деворларида қурум излари бор (23,17-расмлар). Қуллол чархида тайёрланган, ангоб берилмаган ярим сфера шаклидаги коса. Таг қисми ясси, тана қисми

дмалок, юкорига қараб торайган, сополаги синган жойида кизил рангли. Лойи сифатли ва пишитилиши яхши (23,7-расмлар). Тагранги оч ёпма қўлда тайёрланган қадах, унинг ўрта қисми думалоқ шаклга эга, гардиши энгилгина қайрилган. Оқиш фонда қорамтир-жигар ранг билан учбурчак кўринишда безак ишланган (23, 13-расмлар). Мазкур комплексдаги топилмалар ёпма қўлда тайёрланган сопол буюмларидан иборат бўлиб, аксарият холларда бу кулолчилик маҳсулотларига икки тарафлама кизил, кизил-жигар ранг, сарғиш ангоб берилган. Қоришмаси ўртача зичликда, сопол синдирилганда икки хил рангда, бир маромда пишитилган. Бу ердан топилган кулолчилик буюмлари Эйлатон комплексидагиларга ўхшашлик насб этади (эрамиздан аввалги VI–III асрлар). Ёпма қўлда тайёрланган ярим сфера шаклидаги гулдор товоқлар, косалар, туваклар асосан Эйлатон шаҳар харобасида, Кунгай, Октом (Горбунова, 1961. 11-расм; Gorbunova, 1986. P1. V–VII) мозорларидаги қабрларда учрайди. Ёдгорликнинг куйи даврий санаси эрамиздан аввалги VI–V асрлар билан белгиланади.

2002 йилги тадқиқотлар. Ўтган археологик мавсумда қайд этилган Эйлатон комплексининг ҳудудий сарҳадини аниқлаш учун ёдгорлик атрофида 40–50 метр радиусда тўртта шурф солинди.

2-шурф (25-расм) (5x2 м) ёдгорликнинг ғарбий томонида, 1-шурфдан 30 метр узокликда солинди. Репер нуктасидан ҳисоблаганда шурфнинг боши XVI ярус бошига тўғри келади (батафсил маълумот: 1-илова **шурф 2/2002** да келтирилган). Шурф 5,5 метр чуқурликкача, сизот сувларига қадар етказилди. XIX ярусда Эйлатон маданиятига мансуб бўёқ билан гул солинган ёпма қўлда тайёрланган коса бўлаги топилди. Унга ромб шаклидаги катак-катак кизил рангли нақшлар битилган бўлиб, гардишининг четига икки йўллик хошия тортилган (25,1-расм).

3-шурф (3x2 метр) 1-шурфдан 30 метр шимолда солинди. Репер нуктасидан ҳисобланганда шурфнинг боши XVIII яруснинг охирига тўғри келди. Шурф материкнинг 3,5 метр чуқурлигига қадар етказилди (батафсил маълумот: 1-илова, 3/2002 **шурф**). Шурф ёрдамида сўнги ўрта асрларга оид унча кўп бўлмаган миқдордаги сопол буюмлар олинди.

Мудофаа деворидаги археологик тозалов ишлари ва 4-шурф. Ёдгорликнинг шимолий этагидаги майдонни шурф бурғалаш учун тайёрлаш вақтида бу ерда мудофаа девори мавжудлиги маълум бўлди. Шу сабабли дастлаб ғарб/шарқ йўналиши бўйлаб тозалов ишларини ўтказишга қарор қилинди (17-, 18-расмлар). Сўнгра эса деворлар фундаменти ҳамда қадимий қатламлар таркибини аниқлаш мақсадида 4-шурф солинди. (Батафсил

маълумот 1-илова – **шурф 4/2002** да келтирилган). Тутзор кўчасини ўтказишда ёдгорлик шимолий томонининг бир қисми кесиб ташланган бўлиб, тозалов ўтказилаётган жойда шимолдан ғарб томон кўндаланг (17-расм: I, II, III) ва узунасига ўтган маҳобатли (17, 4-расмлар) деворлар колдиклари аниқланди. Кўндаланг девор уч даврда бунёд этилган.

I босқич девор пахсадан тикланган. Асос қисмидаги қалинлиги 215 см., юқори қисмининг қалинлиги 105 см ни ташкил этиб, 3 метр баландликда сақланиб қолган. Деворнинг ички (шарқий) тарафи суйри, ташқи (ғарбий) томони эса вертикал кўринишга эга. Унинг ғарбий томонидан 3 босқичда қурилган II девор ўтган.

Баландлиги 3 метрдан иборат I босқич девор асосининг қалинлиги 120 см бўлган ҳолда, ушбу қалинлик юқори қисмигача деярли ўзгармайди. II босқич деворнинг қалинлиги I босқич девор юқори қисми эвазига кенгайтирилган ҳолда 225 см га етказилган. Айни пайтда унинг умумий қалинлиги юқорига қараб қисқариб боради ва 100 см ни ташкил этади. Деворларнинг умумий асосдаги қалинлиги 3,35 м бўлган ҳолда деворнинг баландлиги 4,7 м га тенг. Ўзининг таркибига кўра II босқич девор турли усулда тикланган: 120 см га қадар 42–45х26–28х8–9 см ўлчамидаги хом ғишт билан тикланган, ундан сўнг 70 см.ли икки қатор пахса (35 см.дан) урилган. Сўнгра яна 33х?х9–10 см ўлчамидаги хом ғишт билан девор 110 см баландликка қадар кўтарилган. Ниҳоят йирик (26–35х?х18–20 см ўлчамдаги) хом ғишт билан деворнинг 170 см қисми бунёд этилган. Агар II босқич деворнинг дастлабки икки қисми қурилишида аниқ тизим кузатилган бўлса, кейинги икки қисмида бундай равшанлик йўқолади. Афтидан, қурилиш жараёни шошилинич равишда кечган.

III босқич девор II босқич деворнинг ташқи (ғарбий) томонига улаб қурилган. Сақланиб қолган қисмининг баландлиги 3,5 метрга тенг, асос қисмининг қалинлиги эса 235 см ни ташкил этади. Деворнинг қалинлиги юқорига қараб торайиб боради. Қалинлиги 18–19 см дан иборат пилтали пахсадан қуйма усулда кўтарилган. Юқоридагилардан келиб чиқиб, III босқич деворнинг қурилиши билан асоснинг умумий қалинлиги 5,7 метрга етказилган. III босқич деворнинг ғарбидан узунасига шимолий девор уланган бўлиб, пахсаларнинг қалинлиги 30–40 см ни ташкил этади. Шимолий девор 135 см баландликка қадар сақланиб қолган (17,4-расмлар). Ушбу бўйлама (узунасига) деворнинг ғарбий қисми аниқ бир тартиб асосида бунёд этилган эмас. Афтидан, бу девордаги бирон-бир туйнукни ёпиш учун қурилган.

Деворларнинг асоси бир чизикда, текис – XIX яруснинг 45 сантиметр бўйлаб ўтган. Деворлар хом ғиштдан (юқори қисми) – 5-катлам ва шлов берилган пахса (пастки қисм) – 6-катламдан иборат платформа устига қурилган. Платформа учун майдонча сифатли текисланмагани билан ёки майда кесаклар билан тўлатилганлиги сабабли унинг остки қисми аниқ кузатилмайди. Платформанинг юқори қисми бир неча қатли хом ғишт (33–39х?х9 см)дан қўтарилган бўлиб, ғиштлар орасига 5–7 см қалинликдаги лой босилган. Платформанинг умумий қалинлиги 90–100 см га тенг. Платформа маданий қатлам устига қурилган, 4-шурф қирқимида кул ва кўмир қолдиқларидан иборат юпқа (1–2 см) қатлам қузилади (7-катлам). Мазкур юпқа қатлам шурфнинг шарқий қисмида икки параллел чизикларга бўлиниб, қора-кулранг қатлам ҳосил қилади (8-катлам). Қатламларнинг қалинлиги 8–15–20 см 7 ҳамда 8 қатламлар остида кулранг – жигарранг тусдаги (9-катлам) нам тупроқ қузилади. Унинг қалинлиги 15–30 см. Навбатдаги аниқланган нам тупроқ ва кумдан иборат 10-қатламнинг қалинлиги 115–125 см га тенг. 4-шурфни тозалаш ва очиш натижасида девор мудофаа вазифасини ўтаганлиги ҳамда 3 қурилиш даврида барпо этилганлиги аниқланди. Мазкур девор шахристон ташқарисида жойлашган антик ёки ўрта асрларга мансуб қасрни ўраб турган, деб тахмин қилиш мумкин.

5-шурф (2х2 м) 1-шурфдан жануби-ғарб томон 52 метр узокликда солинди ҳамда 4 метр чуқурликка, сизот сувларига қадар етказилди. Қазишма натижасида тўртта қатлам аниқланди: дастлабки икки қатлам – замонавий, учинчи қатлам эса (120–170 см) ўрта аср даврига тааллуқли бўлиб, ушбу қатламда сўнгги ўрта асрлар даврига хос кулолчилик буюмлари парчалари топилган (батафсил маълумот 1-иловадаги Шурф–5/2002 да келтирилган).

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, сўнгги икки йил давомида Сарвонтепадан олинган маълумотлар қадимий қатламлар аввалги тадқиқотчилар (Жалилов С., 1993) тахмин қилганларидек, шаҳарнинг жанубий қисмида эмас, балки ғарбий ва жануби-ғарбий қисмларида мавжуд бўлганлигидан далолат беради. Сарвонтепадаги топилмалар яна бир муаммони, яъни қадимий тураржой мавзесининг сув таъминоти масаласига ойдинлик киритишни тақозо этади. Бу борада Андижонсой эрамиздан аввалги I минг йилликнинг ўрталарида сунъий канал сифатида қазилган деб тахмин қилувчи тадқиқотчилар (Заднепровский Ю. А., 1991. 194–195-б.) ҳақиқатга яқин эканликларини эътироф этиш жоиз. Бу ерда архаик даврга оид анчагина йирик комплекснинг қайд этилиши Андижонсойнинг ёши анча улуғлиги

ва Қорадарё водийсидаги хосилдор ерлар анча қадимдан шаҳарлашганини тасдиқлайди. Хулоса қиладиган бўлсак, Андижонда, олиб борилган, айниқса кейинги уч йилдаги (2000–2002) археологик изланишлар жуда ажойиб археологик маълумотларни тақдим этиб, айрим комплексларни янгича ўрганиш учун етарлича асос берди. Яқин-яқинларга қадар шаҳар ҳудудида илк ўрта асрларга оид айрим топилмаларгина энг қадимий ашёлар сифатида қайд этиб келинар эди. Сарвонтепада кулолчилик буюмлари комплексининг топилиши ҳақиқий шов-шувга айланди. Мазкур комплекснинг ёши эрамиздан аввалги VI–III асрларга бориб тақалади (икки даврий гуруҳга бўлинади: 1. Эрамиздан аввалги VI–V асрлар, 2. Эрамиздан аввалги IV–III асрлар). Ҳеч шак-шубҳа йўқки Сарвонтепа Эйлтон маданиятига оид илк темир даври ёдгорликлари сирасига киради ва бу топилмалар водий ахеологияси учун янгилик эди.

2003 йилги тадқиқотлар. Бу галги тадқиқотлар Сарвонтепанинг юқори горизонтларидаги архитектура қолдиқларини ўрганишга ва илк деворнинг қурилиши жараёнини аниқлашга қаратилган эди. 2002 йилда ёдгорликнинг шимолий томонидаги шурф ва қирқим натижасида бир метрли платформага кўндаланг ва узунасига қурилган деворлар аниқланган бўлиб, у уч даврда бунёд этилганини айтиб ўтган эдик. Ёдгорликнинг шарқий томонидаги юқори горизонтлар баландлиги 7 метр, ғарбий томондагиси эса – баландлиги 4 метр баландликда сақланиб қолган. Шу сабабли янги солинган қазишманинг шарқий томондан эни 6 метр, ғарбий томондан эни 3,5 метрни ташкил этди (15-расм).

Юқори горизонтлардаги иморатларнинг планировкасини аниқлаш учун қазилма ишлари ёдгорликнинг шарқий томонидан бошланди. Репердан 30–35 см чуқурликда шимоли-шарқий бурчақда полнинг биринчи сатҳи аниқланди. Унинг ўлчамлари 1x1,5 метр эди. Пол хом ғишт ва кулолчилик маҳсулотлари қолдиқларидан тозаланди. Пол остидан олинган топилмалар асосан гулдор ўйма нақшли (64-расм) ва кўк ранг билан сирланган буюмлар парчаларидан иборат. Кулолчилик маҳсулотлари эса қизил ангобланган косалар, оч ранг берилиб, айрим ҳолларда юқори қисмида қора чизик тортилган сопол буюмлари билан ифода этилган. Полга хом ғишт бўлақлари терилган. Полнинг остида 29 x 14 x 7 см ўлчамдаги хом ғишт (асосан унинг бўлақлари)дан кўтарилиб, ички қисми эса 12 x ? x 4–5 см ўлчамдаги пишиқ ғишт тўлатилган хона деворларининг контури қайд этилди. 1-хонанинг шимолий ва ғарбий девор қолдиқлари аниқланди. Ғарбий деворнинг жанубий томони қазилманинг четига қадар бориб тақалади. Шимолий томони эса, 1,7 метр узунликда қузатилган ҳолда, шарқий қисми нураб тугаган.

1-хонанинг девори пишиқ ғишт бўлақларидан 15 қатор қилиб терилган, юқоридаги 5 қатори эса хом ғишт бўлақларидан ташкил топган. Ички тарафдан девор батартиб ҳолда кўтарилган эса, ташки томонидан эгиборсизлик билан қилинган. Кейинчалик 1-хона ҳарсанг тошлар билан қўлдириб юборилган. Деворлар 1,6–1,7 метр баландликда сақланиб қолган ҳолда 2-полга 40–45 см чуқурликда ўрнатилган. 1-хона деворларининг эни 2-пол сатҳига қадар 55 см ни ташкил этса, 2-пол сатҳидан бошлаб 80 см га етказилган. Шу боис деворнинг энида маълум тавофут мавжуд. 1-хонада қуйидаги ашёлар қайд этилди: сирланган идиш; кўза; оч фонда жигарранг безаклар солинган тувак; ангобланган, оч ранг сопол намуналар.

2-полнинг майдони тахминан 5 квадрат метрга тенг ўлчамда очилди. У хом ғишт бўлақларидан тикланиб, лой билан сувалган ҳамда ғарб-шарқ йўналиши бўйлаб шимоли-шарқий бурчакдаги девор қолдиқларига туташган. Ярим ғиштдан бир қатор қилиб урилган девор 210 см узунликда сақланиб қолган (хом ғиштнинг ўлчамлари: 42–45 x 31–32 x 12–14 см). Ушбу полнинг устидаги уюмларда қизил ангобланган ва оч сопол керамика парчалари қайд этилди.

2-пол сатҳидан 30–35 см чуқурликда 1-хона поли даражасида 3-пол очилди. 3-пол устидаги уюмлардан қизил ангобланган ва оч ранг сопол парчалари ҳамда пешток ёки мехроб нақши бўлақлари қазиб олинди (64-расм).

3-полга хом ғишт бўлақлари билан қоришган лойсувоқ ётқизилган. Бу лойсувоқдан пахсадан тикланган аввалги иморатларнинг қолдиқларини текислаш учун фойдаланилган. Мазкур пол тахминан 8 квадрат метр майдонда сақланиб қолган.

1-хона деворлари ҳамда 3-пол остида шимол-жануб йўналиши бўйлаб қурилган девор очилган. У 40–45 см бўйига, 1,8 метр энига ва қазималар ётказилган жойда 2,3 метр узунликка эга (15, 4-расм). Девор 42–45x31–32x12–11 см ўлчамдаги хом ғишт ёрдамида тикланган. Деворга 4-пол туташган. Унга ҳам худди 3-полдаги каби хом ғишт бўлақлари билан қоришган лойсувоқ ётқизилган.

Девор ва 4-пол остида ғарб-шарқ йўналиши бўйлаб тикланган 2 параллел пахса деворлари қайд этилди (15, 3-расм). Деворларнинг ҳар бири 6 метр узунликда сақланиб қолган. Жанубий деворнинг эни 1,1 метр бўлган ҳолда 1 метр баландликка қадар сақланган. Шимолий деворнинг ташки тарафи нураб тутаган, шу боис унинг энини аниқлашнинг имкони бўлмади. Сақланиб қолган баландлиги эса 60–65 см ни ташкил этади.

Деворнинг ички ва жанубий томонлари кониқарли ҳолатда. Шимолий ва жанубий деворларнинг оралиғи 1,2 метрга тенг эканлиги сўнгги антик ва илк ўрта асрлар даври бунёдкорлигига хос бўлган «тароқсимон» кўринишда лойихаланган йўлакларнинг энига мос келади (Брыкина Г.А., Горбунова Н.Г., 1999. 98–99-б., Негматов Н.Н., Хмельницкий С.Г., 1966. 107-б., Нильсен В.А., 1966. 185–187-б.). Йўлакнинг жанубий девори жануб томондан туртиб чиққан бўлиб, унинг эни 75 см ва узунлиги 80 см га тенг. Афтидан, бу бўртма жой йўлакнинг жанубий томонидан икки хонани ажратиб турувчи девор қолдиқлари бўлган. Мазкур йўлак ва «икки хона» VIII ярусга қадар бўш тупроқ уюмлари билан тўлатилган. Йўлак деворларига қалинлиги 10 см бўлган лойсувоқ қилинган 5-пол туташган.

Қазишмалар жараёнида 5-пол остидан йўлакнинг шимолий девори давом этмагани, жанубий девор эса яна 15–20 см га кузатилганлиги аниқланди. 5-пол ва йўлакнинг ғарбий қисқа томони остида паҳса девор қолдиқлари қайд этилди (15, 2-расм). Мазкур девор шимол-жануб йўналиши бўйлаб кетган. Унинг эни 1,1 метр, сақланиб қолган узунлиги 3 метр ва баландлиги 40 см. Деворга 6-пол туташган. У эса ўз навбатида 2 қаторли тақасимон 1-ўчоққа уланган. Шарқий томондан 6,5 метр узокликда жойлашган ўчоқ яхши сақланиб қолмаган. Ўчоқ деворга қадаб, шимол ва жанубга йўналтирилган ҳолда жойлаштирилган. Шу ердан девор ғарб томонга 70 см узунликка чўзилган. Жанубий йўналиш бўйлаб эса четга бориб тақалади, шимолий йўналиш бўйича давоми йўқ. Ғарбда 6-пол ўтган мавсумда аниқланган илк қалъа деворларига қадар етказилган (15, 1-расм). Қадимий қалъа деворининг шарқий томони маълум нишаб остида қурилган ҳамда унча зарар кўрмаган. Ушбу деворнинг шарқий тарафида қурилиш горизонтларининг мавжудлигини аниқлаш мақсадида девор асосининг шимолий четидан мўъжазгина (1,5x1 м) ўлчамда шурф қовланди.

XI ярус остида меъморий қолдиқларнинг зич уюми аниқланди, аммо вақт танқислиги сабабли уларни очиш имкони бўлмади. Ушбу қисмдан қизил ангобланган кулолчилик маҳсулотлари ва дастали қозон топилди. Қадимий девор қандай терилганини аниқлаш мақсадида ғарбий йўналишда узунлиги 7 ва эни 6–3,5 метрда қазишма давом эттирилди. Мазкур жой юқори қатламида қуриб қолган ҳозирги замон қурилиш тупрогининг қоришмаси билан тўлатилган эди. X–XII ярусларда деворнинг ғиштли қаторлари аниқланди. Ғиштларнинг ўлчамлари 44–48 x 28–32 x 10–12 см бўлган ҳолда қаторлар орасидаги қоришманинг қалинлиги 6–7 см ни ташкил қилади. Деворнинг ғарб томондаги олд қисми қаттиқ нураган, унинг

сакланиб колган баландлиги 2,5–3 метрдан иборат. Ғарбий олд томонининг арка асос қисмида (XIII ярус) хом ғишт ва пахса бўлақларидан иборат зич қатлам мавжуд. Унинг остида эса кул ва органик қолдиқлардан иборат маданий қатлам қайд этилди. Маданий қатламда қизил ангобланган кулолчилик маҳсулотларининг парчалари учрайди. Мазкур босқичда қазишма ишлари тўхтатилди.

Хулоса қиладиган бўлсак, Сарвонтепанинг остки қатламларида топилган қадимий маҳобатли қалъа деворлари мазкур ёдгорлик Андижон воҳасини шимоли-ғарбий тарафдан мудофаа қилиб турганлигидан далолат беради. Олиб борилган қазишмалар натижасида Сарвонтепадаги қадимий қалъа деворлари вайрон бўлгач, бу ерда 6 та қурилиш горизонтлари мавжуд бўлганлиги аниқланди.

Қурилиш горизонтлари ва кулолчилик маҳсулотларининг дастлабки таҳлилига кўра пастки уч горизонт эрамиздан аввалги II–V асрларга, юқори уч горизонт эса сўнги ўрта асрлар – XVII–XIX асрларга тааллуқли эканлиги аниқланди. Ёдгорликнинг тадқиқ этилган қисми антик ва илк ўрта асрлар бошларида яшаш учун ўзлаштирилган. Энг дастлабки маданий қатламлар эрамиздан аввалги VI–III асрларга тўғри келади. Мазкур маданий қатламларда биринчи бор қалъа деворлари барпо этилган.

2007 йилги археологик тадқиқотлар. Ушбу мавсумда Андижон шаҳрида¹ режалаштирилган изланишлар давом эттирилди. Аввалги мавсумлар натижасига кўра мазкур ҳудудда илк бор Эйлтон деҳқончилик маданиятига мансуб маълумотлар аниқланди. Бу галги изланишлар мақсади пастки қатламларда қурилиш горизонтларини аниқлаш, эрамиздан аввалги VI–III асрларга оид кулолчилик маҳсулотлари комплексини қайд этиш, ўрта аср арки ва шахристонии деворлари қурилишининг айрим хусусиятларига ойдинлик киритишга қаратилган эди. Айтиш жоизки, Сарвонтепа ва унга туташ ҳудудларда бўш майдонларнинг чекланганлиги боис археологик изланишларни фақат йўл четлари ва хусусий ҳовлилар ҳудудида олиб боришга имкон бўлди. Шу сабабли кўзланган мақсадга эришиш учун тепалик атрофида 50 метрдан 250 метргача радиусдаги Сужоат, Тутзор, Иттифок кўчаларида 5 та шурф солинди (6–10-шурфлар). Тадқиқотлар ўтказилган йиллар мобайнида мазкур ёдгорликда жами 10 дан ортиқ шурф солинди.

¹ Қазишмалардан ташқари археологик тадқиқотлар қатнашчилари Андижон шаҳри яқинида жойлашган ҳудудларни ҳам кўздан кечириб, маълумотлар тўплашди. Энг диққатга сазовор ашёлар Бўтакора ва Ҳакандан топилди.

6-шурф (2 x 5м) ёдгорликнинг шаркий поёнида, бевосита 1-шурф ёнида ва ундан жануброқда солинди. Кейинчалик шурфнинг узунлиги жануб томон 6 метрга узайтирилди. Шурфнинг жанубий қисмида маданий қатламлар яхши сақланиб қолган, айни вақтда унинг шаркий қисмида репердан 9–9,5 метр чуқурликда ёдгорлик маиший чиқиндилар ахлатхонаси ва ўтган асрнинг 50-йилларида фаолият кўрсатган оҳақ ишлаб чиқариши корхонаси билан вайрон этилган. Шурфда турли калинлик ва таркибга эга бўлган 20 та қатламлар аниқланган (батафсил маълумот 1-иловадаги **Шурф–6/2007** да келтирилган).

Юқори қатламлар (1–2–2а-қатламлар)да турли кулолчилик буюмлари, ҳайвонларнинг суяклари ҳамда қайта дафн этилган маййит қолдиқлари қоришмаси қайд этилди.

3-қатлам зич жойлашган жигарранг тусдаги, пахса ҳамда сомон қўшилган хом ғиштдан ташкил топган уюмдан иборат. Бу қатламда 46 бўлақдан иборат сопол парчаларидан ашёвий далиллар қайд этилган.

4-, 6-қатламлар – бу жануби-шарқдан шимолий-ғарбга йўналтирилган пахса девор кўринишига эга. Бу ҳам юқорида қайд этилган деворнинг «платформаси» каби шурфнинг ғарбий бурчагидан топилган (5-, 6-қатламлар). Таркиб жиҳатдан девор икки қисмдан, яъни остки қисми – яхлит пахса ва юқори қисми – йирик бўлим-бўлим ҳолатдаги пахсадан иборат.

7–9-қатламлар ёниб битган ўтин қолдиқлари билан бир-биридан ажратилган кулранг-қора кўмир ранг қатламларидан иборат.

10-қатлам қизил рангдаги куйик тупроқдан иборат. Ушбу қатламда кулолчилик буюмлари ва ҳайвонларнинг суяқ қолдиқлари учрайди.

11-қатламда ҳам кулолчилик буюмлари ва ҳайвонларнинг суяқ қолдиқлари аралашган жигаррангдаги зич тупроқ мавжуд. Топилмалар орасида қиздириб пишитилган лойдан ясалган пирамидасимон кўринишга эга буюмлар ажралиб туради (22-расм). Уларнинг бирига думалоқ ёки саккиз рақами шаклидаги тамға босилган. Ушбу буюмлардан қандай мақсадларда фойдаланилганлиги юзасидан аниқ маълумотлар йўқ. Бироқ айрим маълумотларга кўра улардан суворийлар ҳужумидан ҳимояланиш вақтида фойдаланилган. Отлиқлар келиши кузатишган майдонга улар ташлаб қўйилган. От катта тезликда келганда, улар қирраси билан туёғи орасига кирган ва от қулаган.

Оч жигаррангли 12-қатламда пахса ва гувала бўлақлари қоришиб кетган. Афтидан бу ер ҳам 11-қатламга яқин бўлган давр оралиғида яшаш учун

ўзлаштирилган. Ёпма қўлда тайёрланган идишлар парчалари ички томонида мато излари сакланган.

Кулранг-жигарранг тусдаги зичланган 13-қатламда майда кум аралашган юпқа қатламлар бўлиб, унда гуваладан терилган девор бўлаги очилган (шурфнинг шимоли-шарқий бурчагида икки қатор). Бу ерда 11-қатламда қайд этилгани каби пирамида шаклидаги сопол буюмлар топилган.

14-қатлам эса кулрангидаги куйик тупроқдан иборат бўлиб, унда ёниб битган ўтин қолдиқлари ва кулолчилик буюмлари парчалари қайд этилди. Жигаррангдаги 14-а қатлам ўртача зичликка эга. Мазкур қатламда асосан ёпма қўлда тайёрланган услубда ишланган ҳамда 2 дона кулол чархида тайёрланган идишларнинг парчалари топилган. Ушбуларнинг аксарияти қозон, коса, манқалдон каби буюм парчалари кўринишида. Кўп ҳолларда косаларнинг икки тарафига, тувакларнинг эса ташқи тарафига қизил ангоб берилган. «Нўхатчалар» шаклида безак берилган қозон парчаси ҳам мавжуд.

15-қатламда тураржой сифатида фойдаланилган хонанинг пол қисми очилган. Ундаги юпқа қатламларнинг айрим жойларида куйик аломатлари кузатилади (афтидан, ўчоқ излари). Мазкур қатламни яшаш учун илк бор ўзлаштирилган даврларга оид, дейишимиз мумкин.

Озроқ миқдордаги кум аралашган кўнғир кулранг тупроқдан иборат 16-қатламда ҳеч қандай топилмалар қайд этилмаган.

17-қатламда қорамтир кўринишдаги дарё куми мавжудлиги боис сизот сувлари қалқиб чиқади.

18-қатлам – сизот сувлари сатҳи. Шу босқичда қазилма ишлари тўхтатилди.

Шундай қилиб, мазкур шурфда аввалгиларидаги каби камида уч даврга, яъни илк давр (эрамиздан аввалги VI–V асрлар), антик (эрамиздан аввалги биринчи асрлар – эрамизнинг биринчи асрлари), илк ўрта асрларга оид муттасил маданий қатламлар ва археологик материаллар аниқланди. 6-шурфда қайд этилган илк давр (I қурилиш горизонти) вайрон этилган ўчоқ ва девор билан боғлиқ. Бу ерда тахмин қилинаётган тураржой иморатининг ғарбий, афтидан, ички қисми ҳамда 20–30 см ли маданий қатлам ва пол очилган.

7-шурф (2x2 м) қурилиши битказилмаган замонавий меҳмонхона ҳовлисида солинди ва тупроқнинг ҳозирги сатҳидан 4,2 метр чуқурликка қадар етказилди. Шурфда 5 та маданий қатламлар аниқланди (батафсил маълумот 1-иловадаги **Шурф–7/2007** да келтирилган). 4,2 метр чуқурликда сизот сувлари қалқиб чикса ҳам маданий қатламлар янада чуқурлашиб борган.

Шурфда кулолчилик буюмларининг ўнлаб жуда майда қисмлари ҳамда шакл берувчи санокли парчалар қайд этилди. Жумладан, думалок тувак. У ўзига хос гардиш билан безатилган бўлиб, тувакнинг ички юқори қисмига қопқок тиргагич ишланган. Ташқи тарафидан қизил ангоб берилган, гардишнинг ички тарафига эса ангоб хошия тортилган. Остки қатлам (4–5-қатламлар)дан топилган кулолчилик буюмлари нозик ишланганлиги, ялтироқ пардози, куйиқ ангоб берилганлиги билан хусусиятлидир. Ушбу буюмлар эрамиздан аввалги сўнгги асрларга оид.

8-шурф (2x4 м) Сарвонтепа ўзагидан 20 метр ғарброқда (Иттифоқ тор кўчаси), яъни Тутзор кўчасидаги 33-уйнинг орқа тарафида солинди. Шурф репер нуктасидан 7,39 метр чуқурликда бошланиб, сизот сувларига қадар – 4,6 метр чуқурликка етказилди. Унда 6 та маданий қатлам очилди (батафсил маълумот 1-иловадаги **Шурф-8/2007** да келтирилган). Нураб, вайрон бўлганлиги оқибатида юқори қатламларда бир-бирига қоришиб кетган топилмалар аниқланди, 3–4-қатламларда эса сўнгги ўрта асрларга тааллуқли сирланган кулолчилик буюмлари қайд этилди. Уларга йўл-йўлсимон ва геометрик чизиқлар кўринишидаги нақш солинган. Асоси оқ ва оч ҳаворангда берилган бўлиб, чизиқлар кўк ва жигаррангда ишланган. 5-қатламда антик даврга оид (эрамизнинг сўнгги асрлари – ўрта асрлар) қизил ангобланган керамиканинг майда қисмлари кузатилади.

9-шурф (2x3 м) Сарвонтепа ўзагидан 50 метр ғарброқда, Тутзор кўчасиданинг ўнг томонидаги 34-уй олдида солинди. Шурф репер нуктасидан 10 метр чуқурликда бошланади. Бу ерда ҳам 6 та маданий қатлам очилди (батафсил маълумот 1-иловадаги **Шурф-9/2007** да келтирилган). 12,6 метр чуқурликка бориб, сизот сувлари қайд этилганлиги туфайли қазишма ишлари тўхтатилди. Олинган ашёвий маълумотлар эрамизнинг биринчи асрлари ҳамда ўрта асрларга тааллуқли.

10-шурф (2x3 м) Сарвонтепадан жануброқда, Сужоат кўчасидаги 26-уйнинг чорбоғида солинди. Шурфнинг бошланиши репер нуктасидан 7,29 метрга тўғри келади. Шурф материк (соф тупроқ) қатламига қадар етказилди. 5 та муттасил маданий қатлам очилди (батафсил маълумот 1-иловадаги **Шурф-10/2007** да келтирилган). Топилмалар у қадар кўп эмас, асосан, кулолчилик буюмлари парчаларидан иборат. Улар эрамиздан аввалги сўнгги асрлар – эрамизнинг дастлабки асрларига оид.

Шурфлар (6–10/2007) ёрдамида олинган ашёвий далиллар Сарвонтепанинг яшаш жой сифатида ўзлаштирилиши узоқ давом этган тарихий давр мобайнида кечганлигини исботлайди. Бу давр Эйлатон маданияти (эра-

қиздан аввалги VI–III асрлар)дан бошланиб, илк ўрта асрларга қадар давом этган, X–XII асрларда эса мазкур ёдгорликнинг шимолий ва шарқий қудудлари (Матбобоев Б.Х., 2006) ўзлаштирилган (14-расм). Барча шурфларда (6–10/2007) ёдгорликнинг илк даврларига тааллуқли бўлган кулолчилик буюмларининг парчалари қайд этилган, мазкур қатламлар эса 6-, 7-, 10-шурфларда аниқланган. Илк кулолчилик буюмлари эса 8-, 9-шурфларда ўрта аср қатламлари комплекси таркибида топилган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Сарвонтепада олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида мазкур ҳудуд учун мутлақо янги комплекслар кашф этилди. Ушбу материалларнинг Фарғона учун муҳим аҳамият касб этишини инобатга олиб, юқоридаги комплексга таъриф бериб ўтамиз, зеро бу таъриф мазкур масалага оид мунозарали баҳсларга ойдинлик киритади. Архаик кўринишдаги кулолчилик буюмлари мавжуд бўлган қатламлар тупроқнинг ҳозирги сатҳидан 150–280 см чуқурликда қайд этилди. Муаммони муфассал тадқиқ этиш баробарида тегишли маданий қатламлардан 2 та – илк ва қадимги археологик комплексни ажратиб олишга муваффақ бўлинди.

Илк археологик комплекс тупроқнинг ҳозирги сатҳидан 240–250 см чуқурликда аниқланди. Унга оид қатламларнинг қалинлиги 120 дан 150 смгача (XX–XXIII яруслар) (16-расм, 13–18). Асосан кул қолдиқларидан иборат бўлиб, айрим жойларда оч жигарранг тусдаги тупроқ сифатида намоён бўладиган қатламларда ҳайвонларнинг суяк қолдиқлари ҳамда кулолчилик буюмларининг парчалари учрайди (остеологик ашёлар палеозоолог А. Р. Ботировга тақдим қилинган). Ёпма қўлда тайёрланган ва кулолчилик маҳсулотларидан иборат кулолчилик комплекси алоҳида диққатга сазовор. Улар орасида коса, тувак, товоқ ва хумчалар кўринишидаги ёпма қўлда тайёрланган буюмлари кўпроқ (85%) учрайди (23-расм). Ёпма қўлда тайёрланган косаларнинг иккала томони қизил ангоб билан қопланган (23-расм; 4, 14). Ёпма қўлда тайёрланган товоқларнинг ҳам бир ёки икки томонига қизил ангоб берилган (23-расм; 5, 6, 8). Хумча ва хумлар дастали қилиб ишланган (23-расм; 9–11). Туваксимон идишларга ҳам қизил ангоб берилган (23-расм; 18–20). Ёпма қўлда тайёрланган буюмлари орасида афтидан сиғиниш-топиниш мақсадларида фойдаланилган тўрт оёқли новли идишни айтиб ўтиш зарур. Унинг ташқи тарафида курум ва қизғиш ангоб излари мавжуд. Ясси шаклдаги мазкур идишнинг оёқлари цилиндрик кўринишга эга (23-расм; 17). Бўёқ билан гул солинган буюмлар косалар мисолида гавдаланади (23-расм; 13, 15, 16). Жумладан, гулдор гардиши қайрилган ёпма қўлда тайёрланган коса. Безаклар жигаррангга тўрсимон шаклда учбур-

чак хошияли қилиб ишланган (23-расм, 13). **Кулол чархида тайёрланган** буюмлар эса топилмаларнинг 15% ини ташкил қилади. Хусусан, ярим сфера шаклидаги ангоб берилмаган коса. Унинг туб қисми текис, гардиши бир оз қиррали, хиёл ўткирланган (23-расм, 7). Тувакларнинг бири ташқи тарафдан қизил ангобланган, гардиши бир оз қайрилган (23-расм, 3), бошқа тувакларнинг эса гардиши қайрилган ва қиррали ишланган, икки томонидан қизил ангоб билан қопланган (23-расм, 1, 2).

Кейинги археологик комплекс тупрокнинг hozirги сатхидан 150–180 см чуқурликда аниқланди. Унга оид қатламларнинг қалинлиги 80 дан 105 см (16-расм, 6–12). Аввалги комплексда бўлгани каби, бунда қайд этилган кулолчилик буюмлари ҳам икки гуруҳга бўлинади: ёпма қўлда тайёрланган сопол буюмлари (79%) ва **кулолчилик чархида тайёрланган** сопол буюмлар (21%). **Ёпма қўлда тайёрланганлик буюмлари** «ғуррасимон» дастали идишлар, коса, товоқ, хумлар (?) билан ифодаланади. Қўзаларнинг бўғзи ингичка, гардиши эса қайрилган ва ангобсиз (24-расм, 3, 14). Юқори қисмига қараб деворлари торайиб борган мўъжазгина тувак балким қадах (24-расм, 16). Мазкур комплексда турли ҳажмдаги, асосан ташқи томонидан ангоб берилган товоқлар кўп учрайди. Шу билан бирга икки томонидан ангоб қопланган товоқлар ҳам қайд этилган (24-расм, 15, 17–21). Бу ерда илк бор «ғуррасимон» дасталари ёпиштириб ясалган, думалоқ шаклдаги қизил ангоб қопланган идишлар учрайди (24-расм, 22, 23). Булар жумласига ёпма қўлда тайёрланган думалоқ, гардиши кескин қайрилган (афтидан, у шунингдек дастак вазифасини ҳам бажарган), юқори қисми торайиб борувчи қозонни айтиб ўтиш мумкин (24-расм, 24). **Кулол чархида тайёрланган** идишлар каторига турли тувакларни киритиш жоиз (24-расм, 1, 4, 5, 7, 8, 10). Эйлтон II комплексида, шунингдек, гардиши қайрилган, бўғзи ингичка қўзалар қайд этилган (24-расм, 2, 6). Кулол чархида тайёрланган мўъжазгина товоқни ҳам шулар жумласига киритиш мумкин. Кейинги (иккинчи) комплексдан топилган аксарият идишларнинг туб қисми ясси бўлиб, турли тусдаги қизил ангоб билан қопланган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, стратиграфик кузатувлар асосида Андижонда илк бор Эйлатон маданиятига оид икки комплекс – Эйлатон I ва Эйлатон II кашф этилди. Кулолчилик комплекси ёпма қўлда тайёрланган ва кулол чархида тайёрланган идишлардан иборат. Умумий топилмаларнинг 82,2% и ёпма қўлда тайёрланган идишлар бўлса, 17,8% и кулол чархида тайёрланган буюмларни ташкил этади. Ёпма қўлда тайёрланган сопол буюмлари лойга кум ва шамот қоришмасидан кўшиб ясалган, сополаги зич,

қилинганда икки хил рангда, бир маромда пишитилган. Ички томонида қўқоқ излари мавжуд идишлар ҳам учрайди (21-расм). Уларга кизил, жигарранг ва оч ангоб қопланган. Остки қатламлар (Эйлатон I) дан топилган ашёлар орасида Чуст маданияти кулолчилигидаги каби сирти олачипор рангларда этилган (Заднепровский Ю. А., 1962. 25-б). Кулол чархида тайёрланган идишлар обдан қорилган лойдан ишланган, бир маромда пишитилган, сифатли юқори. Уларга оч ёки сарик-жигарранг ангоб берилган.

Сарвонтепада олиб борилган қазиишмалар натижаларига таяниб, қуйидаги қўқоқларни илгари суриш мумкин:

1. Илк комплекс (ёки Эйлатон I). Унда қайд этилган топилмалар қаторида маълум хусусиятларга эга. Жумладан, топилмаларнинг аксариятини ёпма қўқоқда тайёрланган кулолчилик маҳсулотлари ташкил этиши, бўёқ билан рангнингдор ва бўялган идишларнинг мавжудлиги; солинган нақшлар турли рангларда ишланганлиги, идишларнинг ички томонида мато изларининг мавжудлиги ҳамда айрим шакллари билан Чуст маданиятига ўхшашлиги қўқоқлар. Илгари Эйлатон маданияти комплексларида мавжуд бўлмаган «турсимон» дастали идишлар (23-расм, 9–11) ва туваксимон шаклдаги буюмлар (23-расм, 16, 18) топилган бўлиб, улар кўпроқ Чуст маданиятига тегишли (Заднепровский Ю. А., 1962. XI, 4, 13, 16; XII, 16–19-жадваллар). Муаллифларнинг таъкидлашича, мазкур кўринишдаги шакллар унча кўп эмас ва афтидан бундай шакллар Далварзин ва Чуст маданиятининг сўнгги босқинчида пайдо бўлади (Заднепровский Ю. А., 1962. 28-б). Бу ҳол Чуст маданияти кулолчилиги анъаналарининг узвий давоми эканлигини тасдиқловчи муҳим далил ҳисобланади. Шундайлар қаторига илк комплексдан топилган «сўнгиниш-топиниш» мақсадларида фойдаланилган идишни келтириш мумкин (23-расм, 17). Безатиш услуби ва нақшнинг шаклидан келиб чиқиб, гулдор буюмлар комплекси Эйлатон даврининг илк даврига тўғри келади. Масалан, «чурчак» шакл ичига тўрсимон безак солиш (23-расм, 13, 15, 16). Эйлатон комплекси топилмалари орасида илк бор кулолчилик чархи туваклари ҳам қайд этилгани баробарида (23-расм, 1–3), дастлабки икки идишнинг шакли жиҳатидан Далварзиндан олинган шакллар бўлиши мумкин (Заднепровский Ю. А., 1962. XV, 26–28-жадвал) ҳамда Далварзинда 2003–2004 йиллардаги қазиишмаларни юқори қатламларда қайд этилган ашёлар билан ўхшашлик хусусиятлари бор. Шунингдек, мазкур комплексда топилган илк ашёлар орасида кулол чархида ишланган косани ҳам айтиб ўтиш жоиз. Бу каби косалар Кунгай (Горбунова Н. Г., 1961. 7, 6, 9-расмлар) ва Озгор II (Заднепровский Ю. А., 1990, 2-расм) сағаналарида ҳам учрайди. Кунгай сағанасининг Эй-

латон маданияти илк ёдгорликлари қаторига киришини инобатга оладиган бўлсак (Gorbunova N. G., 1986, P. 256), Эйлатон I комплекси санасини эрамиздан аввалги VI–V асрларга тааллуқли, дейишимиз мумкин.

2. Кейинги комплекс (ёки Эйлатон II). Ушбу босқичда кулолчилик комплексида айрим ўзгаришлар кузатилади. Жумладан, кулол чархида тайёрланган маҳсулотларнинг сони ортади. Идишлар туби аксарият ҳолларда ясси ишланган (24-расм, 11–13, 25). Кўзалар (24-расм, 2, 6), туваклар, «гуррасимон» дастали идишларнинг янги шакллари пайдо бўлади. Сўнги комплексда қайд этилган ашёларни С. Қудратов томонидан Эйлатон шаҳар харобасида олинганлар билан қиёслаш мумкин. Булар хусусан, туваклар, товоқлар, кўзалардир (Қудратов С., 1991. 71–78-расмлар). Шу билан бирга бизнинг комплексдан топилган айрим кулолчилик буюмлари архаик кўринишга эга. Эйлатонда гардиши ажратилган (24-расм, 24) идиш қайд этилди (Заднепровский Ю. А. 1962. XXXVIII, 14–15-жадваллар). Ю. А. Заднепровский томонидан олинган топилмалар орасида бўялган ва нақш берилган идишлар мавжудлиги боис мазкур кулолчилик комплексини эрамиздан аввалги V–IV асрлар билан изоҳлаш мумкин. С. Қудратов томонидан 1990 йилда Эйлатонда очилган кулолчилик хумдонида эса нақш ишланган бирорта сопол буюмнинг парчаси ҳам топилмаган. Мазкур хумдондан фойдаланиш учун тўлдирилганлиги ёки у ташландиқ ҳолда қолдирилганлиги тўғрисидаги масалага ҳам ойдинлик киритилмаган. Хумдон кейинги даврларга оид кулолчилик буюмлари парчалари билан тўлиб қолган, деб фараз қилиш ҳақиқатга яқинроқ бўлади. Зеро, хумдоннинг мудофаа девори устига қурилганлиги девор истеҳком сифатидаги ўз вазифасини ўтаб бўлганлигидан далолат беради. Демак, кулолчилик хумдон ва ундаги кулолчилик буюмлари кейинги даврларга оид бўлган. Эйлатон ички шаҳарини ичида анча аввалги даврларга хос ашёлар (Эйлатон I комплексининг гулли сопол намуналари) учрайдиган ҳудудлар мавжуд бўлиб, буларни бизнинг Эйлатон I комплексимиз билан қиёслаш мумкин. Шу сабабли бутун Эйлатон ёдгорлигининг санасини эрамиздан аввалги III–II асрлар билан белгилаш ҳақиқатга тўғри келмайди. Андижондан олинган ашёвий далилларни назарда тутиб ва уларни Эйлатон маданиятининг ҳозирга қадар маълум бўлган комплексларига таққослаган ҳолда иккинчи (кейинги) комплекснинг ёшини эрамиздан аввалги IV–III асрлар билан белгилашни таклиф этамиз (Матбобоев Б. Х., Грицина А. А., 2000. 85–86-б).

Мазкур китоб нашрга тайёрлаб қўйилганда Абдулҳамид Анорбоевнинг рус тилидаги «Ахсикет – столица древней Ферганы» (Ташкент,

2013) номли китоби босмадан чиқди. Ниҳоят, кўп йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси ФА Археология институтининг энг катта ўрганиш объектларидан бири бўлиб келган ва қазишмаларида кўплаб археологлар катнашган ёдгорлик – Ахсикет харобаларидан олинган натижалар камида 20 йил кеч бўлса ҳам эълон қилинди. Бу қувонарли ҳолат!

Китобнинг батафсил таҳлилига – сўзсиз ижобий ва салбий томонларига берилмай, унда Андижон шаҳрини ёши билан боғлиқ бўлган икки хайратомуз ўрнишларга китобхонларни диққатини тортамыз. Шу кунгача А.Анорбоев топ этган мақолалар кўпроқ ўрта асрларга оид бўлганлиги ва унинг ўзи ҳам ўрта асрлар бўйича мутахассис бўлгани учун қадимги даврларга оид материаллардан юзаки хабардорлигини кўпчиликка билдириб қўйган.

А. Анорбоев Андижондаги Эйлатон I комплекси билан Ахсикетдаги АК-1–2, Эйлатон II билан АК-3–4 ларни солиштирилиши масаласида бир неча замчиликларга йўл қўйган. Авваламбор, китобда Ахсикет материаллари (АК-1–4) милoddан аввалги II – милодий II асрлар билан саналаниши яхши асосланмаган. Баъзи топилмалар – сопол буюмлар жадвалларда аралашиб кетган, улар жуда майда парчалардан иборат ва даврий саналаш учун етарли эмас [сўнгги маълумотларга кўра, Ахсикет қадимги комплекси (АК-1–4) ҳатто бундан ҳам кейинроқ давр санаси билан аниқланади]. Бу ҳолат Н.Г.Горбунованинг фикрича, кейинги давр белгиларидан, яъни эрамиз биринчи асрларида кузатилади (Горбунова Н.Г., 1985. С.66). Фарғонанинг қадимги даври, хусусан, Эйлатон маданияти материалларидан хабардор тадқиқотчи Андижоннинг қуйи қатламларини Ахсикетнинг қуйи қатламлари билан солиштирмаган бўларди. Буни ҳар қандай археолог Ахсикет тўғрисидаги янги китобнинг 371-саҳифасидан бошланган **Табл. I–XII билан Б.Х. Матбабаев ва З.З. Машрабовларнинг «Древний и средневековый Андижан» китобининг 23–26-расм ёки 28–29-расмларни** А. Анорбоев томонидан солиштирилиши канчалар нотўғрилигини киёслаб амин бўлиши мумкин. Яъни, Андижонни Эски шаҳар қисми қуйи қатламларида аниқланган Эйлатон маданияти комплекси Ахсикетда умуман йўқ, йўқ нарса тўғрисида қандай фикр юритиш мумкин, буни тан олиш вақти келмадимикан? Археология аниқликни хуш кўрадиган фан бўлиб, фактлардан юз ўгириб бўлмайди.

Андижоннинг Эски шаҳар қисмининг қуйи қатламларидан олинган археологик комплексларнинг санаси таниқли археологлар – академиклар А.Аскарров, Ю.Ф.Буряков, профессорлар Т.Ш.Ширинов, М.Х.Исомиддинов, фарғонашунослар Г.П.Иванов, С.Р.Баратов ва Б.Абдулгазиевалар томонидан аллақачон тан олинган. Қолаверса, бизда, Андижондаги энг қуйи қатламлар

хар бир комплексда энг кадимги ва кадимги боскичларга ажратилган, бунга расмлар жадвалида ҳам риоя этилган (яъни дастлаб кадимгилар ва сўнг бир оз кейингилари берилган). Энг мухими кўлда ёпма усулда (лепная) ва улар устига бўёк билан накш солинган (лепная расписная) идишларни Ахсикетда учрамаслигидир (Андижонда 79% идиш кўлда ёпма усулда тайёрланган). Бу ҳолат Кувадаги 1998 йилги ишларимизда ҳам кузатилган, материаллар эълон этилганича йўқ.

А.Анарбоев келтирган яна бир иддао – қизил ангоб билан бўялган идишларни водийда милоддан аввалги III асрдан олдин учрамаслиги ҳақидаги Н.Г.Горбунованинг хулосасига қўшилишидир (А.Анарбоевнинг келтирилган китоби., 384-б.). Бу ҳам асоссиз, чунки у эскирган фикр. Г.П.Иванов (Н.Г. Горбунованинг ягона шогирди ва узоқ йиллар бирга ишлаган), номзодлик диссертациясида «қизил бўёққа ёки қизил ангобга бўялган идишлар» масаласига аниқлик киритган. Яъни, диссертантнинг сопол таркибини ва технологиясини ўрганиш бўйича танилган мутахассис Н.С.Гражданкинага асосланиб айтган фикрича, қизил ангоб анча қадимги даврдан, яъни Намозгоҳ II давридан кенг истеъмолда бўлган. Таъкид жоизки, мазкур сопол идишларни, жумладан, чархда ясалганларини бундан олдин учраши мумкинлиги Эйлтон (мил. авв. VI–III асрлар) ва Шўрабашот (мил. авв. IV – милоднинг IV асрлари) маданиятлари мисолида бундан 15 йил олдин исботини топган (Иванов Г.П., 1999). Афсуски, бундан А. Анарбоев беҳабар кўринади.

А.Анарбоев ишларининг кейинги пайтлардаги яққол кўзга ташланадиган яна бир ҳолати, айрим ёдгорликларни Фарғона водийси тарихидаги ролини бўрттириб кўрсатишидир. Масалан, Ахсикет шаҳар харобаси ўрнида деярли 1500 йил давомида (мил. аввалги III асрдан то милоднинг XII асрларида) пойтахт шаҳар бўлгани ҳақидаги ишониш қийин фикрни келтириш мумкин. Яъни, Эрши → Гуйшуань → Сигянь → Фарғана = Ахсикет бўлган эмиш. Марказий Осиё шаҳарлари ичида биронта ҳам шаҳар бунчалик номини кўп ўзгартирмаган бўлса керак. Бундай асоссиз ва шошма-шошарлик билан тушунилмай айтилган фикрлар, ҳатто хорижлик олимлар томонидан ҳам танқид остига олинмоқда¹.

Демак, А.Анарбоевнинг Эйлтон комплекси санаси ҳақидаги шошилиб айтилган асоссиз талқини уни шахсий фикри, Андижон шаҳрининг 2500 йиллик санаси ҳақидаги жамоавий хулосаларимизга таъсир эта олмайди.

¹ Ташбаева К. О столице Давани // www.centrasia.ru 2013. Яна: Ташбаева Х.И. К проблеме локализации городов государства Давань// Цивилизации скотоводов и земледельцев Центральной Азии. Самарканд-Бишкек. 2005.

3.4. Эски шаҳардаги бошқа ёдгорликларнинг ўрганилиши

(Арк ичи, Шаҳристон, Қўштепа ва бошқалар)

2001 йилги тадқиқотлар. Маданий қатламларнинг хусусиятлари (қўламаи, таркиби, жойлашуви) ва Андижоннинг тарихий қисми тўғрисида маълумотлар олиш мақсадида 2001–2002 йиллари Эски шаҳар ҳудудида бир нечта шурф солинди ва қазилма ишлари олиб борилди. Биздан аввалги тадқиқотчилар томонидан мазкур ҳудудда шурфлар бурғуланиб, асосан ўрта асрлар (V–VIII, X–XII ва XV–XIX асрлар) га оид маълумотлар олинган эди. Биз 2002 йили Арк ичида қазилма ишларини амалга ошириб, шурфлар Шаҳристон ва Яккатепа (Далварзин кўчаси) ҳамда Қўштепа (Шаҳрихон кўчаси) да солинди.

Арк ичидаги қазилма ишлари.

А.К. Писарчик (1956), В. Д. Жуков (1951), С. Жалилов (1981), Г. Дадабоев (1975) ва Б. Абдулгазиева (1981) каби тадқиқотчилар томонидан арк деворлари тўғрисида муҳим маълумотлар тўпланган эди. Хусусан, Б. Абдулгазиева томонидан Ташкилот кўчасидаги 39-, 41-, 49-уйлар ва Трактор кўчаси, 15-уй оралиғидаги деворнинг жанубий қисми очилиб, тадқиқ этилган. Деворнинг эни 4, баландлиги эса 3 метр бўлган. Унинг қурилиши ва фаолият кўрсатиши XIV–XVII асрлар билан белгиланган (Абдулгазиева Б., 1981. 33–45-б). Биз 2002 йилда ўрта асрлар арки деворини ўрганишни давом эттирдик¹.

Бу ерда олиб борилган изланишлар мақсади – арк мудофаа деворлари тўғрисида янги маълумотлар олишдан иборат эди. Шундан келиб чиқиб, Ташкилот кўчасидаги 41- ва Арк ичи кўчасидаги 42-уйлар (81- ва 99-расмлар) оралиғида археологик қазилма қилинди (10x2м). Тозалов ишлари олиб борилгач, кўҳна деворнинг юқори қисми очилди. У жуда каттик пахса бўлакларидан иборат эди. Пахса таркибига йирик донали кум қўшилган. Тозалов ишлари девор бўйлаб пастга томон олиб борилди. Деворнинг эни юқори қисмида 5,30 метрни ташкил этди. Деворнинг ташқи четида кейинчалик ҳосил бўлган пасткам жойлар очилди. Унинг ички қирраси нисбатан яхши сақланиб қолган. Деворнинг баландлиги 2,20 метрни ташкил этади.

¹ Ёдгорликнинг ўрта асрларга оид қисмидаги кальанинг номи, яъни Арк ичи ҳозир ҳам шундай деб аталади (арkning ички қисмида бугунги кунда Бобур номи маҳалла жойлашган (Абдулгазиева Б., 1990 а. 72-б).

Асосининг эни 5,75 метрга тенг. Девор 8–13 см калинликдаги лентасимон пахсадан тиклангани ҳолда, асосидаги пахсанинг қалинлиги 30 см.га етади. Ташқи тарафдан девор 280 см чуқурликка қадар очилди. Девор асосининг остида 4–5 см калинликдаги қум ва кулдан иборат юпқа қатлам ва зичланган тупроқ аниқланди. Ички томондан эса девор 260 см чуқурликка қадар тозаланди.

Деворни очиш ва тозалаш жараёнида унинг ҳар иккала тарафида мусулмон урф-одатлари бўйича қўйилган икки қабр аниқланди. Қабрлар конструкциясини тиклаш имконияти бўлмади. Ҳар икки қабр шимоли-ғарб йўналиши бўйлаб жойлашган (маййит қолдиқлари чалқанча ҳолатда, боши шимоли-ғарбга йўналтирилган). Биринчи қабр деворнинг ички томонида, 2,20 метр чуқурликда, иккинчи қабр эса деворнинг ташқи томонида 1,95 метр чуқурликда топилди.

Деворнинг ташқи томони тупроқ қоришмаси билан тўлатилиб, текисланган эди. Шу сабабли ундаги топилмалар қатламлар стратиграфиясини аниқлашга имкон бермайди. Деворнинг ички томони нисбатан яхши сақланиб қолган бўлса-да, унда сўнги ўрта асрларда кулол чархида тайёрланган идиш парчалари оз миқдорда қайд этилди. Парчаларнинг айримлари мовий ва яшил рангда сирланган. Демак, Арк ичидаги қазилмалар натижа-сида олинган ашёларни XIV–XVI асрлар билан белгилаш мумкин.

Ўрта аср шахристонидаги Шурф–1/2002 (Ҳақиқат кўчаси). Ўрта аср шахристонининг қадимий қатламларини тадқиқ этиш мақсадида 2002 йилда Ҳақиқат кўчасидаги 13-уй «Тасвирий ойина» бадий ишлаб чиқариш бирлашмаси Андижон бўлими худудида 3x2м ўлчамдаги шимол/жануб йўналиши бўйича шурф солинди. Шурф материкка қадар, яъни, 4,3 м чуқурликка етказилди. Натижада 14 та маданий қатлам очишга муваффақ бўлинди. Улар орасида 5-қатлам остида зичланган тупроқдан иборат полни қайд этиб ўтиш лозим. Энг остки қатламларда қуйидагилар аниқланди. 10-қатлам остида қора рангдаги йирик донали дарё қуми, 10–12 см калинликда (11-қатлам): Унинг остида эса 8–10 см ли балчиқ қатлами (12-қатлам), шундан сўнг яна 8–10 см калинликдаги қора рангдаги йирик донали дарё қумидан иборат қатлам (13-қатлам): унинг остида шагал қатлами (14-қатлам). IX ярусдан 30 см чуқурликда шурф тўхтатилди.

2002 йилда шахристондан олинган археологик манбалар XIV–XVIII асрлар билан белгиланади. Андижоннинг ўрта асрлардаги рабоди моддий маданияти тўғрисида маълумот йиғиш мақсадида ҳозирда ҳам фойдаланиб келинаётган қабристон (Кўштепа ва Яккатепа)ларда назорат шурфи солин-

ин (батафсил маълумот ўрта аср шахристонидаги **Шурф-1/2002**-иловаларда келтирилган).

Қўштепадаги 1/2002 шурфи (Шахрихон кўчаси).

Ёдгорлик шаҳарнинг ғарбий қисмида жойлашган бўлиб, максимал диаметри 50 метрга, баландлиги эса 4–5 метрга тенг овал шаклидаги тепалиқдан ibорат. Қўштепа Шахрихон кўчасининг сўл (жануби-ғарб) томонида, 334- ва 332-уйлар оралиғида жойлашган. Ҳозирда бу ерда қабристон мавжуд. Қабрлар ўта зич жойлашганлиги сабабли шурф қабристоннинг ташқи тарафида, ёдгорликнинг асоси ёнида солинди (12-расм). У 2,5 метр чуқурликка қадар етказилди. Шурф ёрдамида очилган қатламларнинг юқори қисми вайрон бўлган ва қоришиб кетган. Бу ерда қизил ангобланган кулол чархидан тайёрланган ва ёпма қўлда тайёрланган буюмлар қолдиқлари қайд этилди. Пастроқда эса оч жигарранг қатламлар жойлашган бўлиб, уларда каминдордаги кулолчилик маҳсулотлари қовлаб олинди. Ёпма қўлда тайёрланган идишлар остида икки дона қосанинг ҳамда қозоннинг гардиши топилди. Яна ҳам чуқурроқда эса қизил жигарранг қатлам очилди, шу ерда тупроқ қатлиги ортиб кетди. V ярусга келиб сизот сувлари қайд этилганлиги боис қазилма ишлари якунланди. Гарчи Қўштепадан олинган ашёвий далиллар кўп бўлмаса-да, улар ёдгорлик ёшини аниқлашга ёрдам беради (57-расм). Уни эрамыздан аввалги IV–III асрлар – эрамызнинг I асрларига тааллуқли, дейиш мумкин (батафсил маълумот **Қўштепадаги Шурф-1/2002** I иловада келтирилган).

Яккатепадаги 1/2002 шурфи (Далварзин кўчаси).

Мазкур ёдгорлик ўлчамлари 48x43 метр, баландлиги 6 метрга тенг тўрт бурчак кўринишидаги тепалиқ шаклида бўлиб, у дунё томонларига юзлатилган (13-расм). Шурф тепанинг этак қисмида солинди. Дастлабки уч ярус (1.50 м) ўрта зичликдаги қовланган тупроқ кўринишига эга, унда қабрлар тез-тез учрайди. Кейинги 2 метр чуқурликка қадар бўлган қисмда бузилмаган қатлам ётади. Энг остки қатламлар оч жигарранг тусдаги тупроқдан ibорат. V қатламнинг бошида қизғиш қора рангдаги нам тупроқ қайд этилган. Ундан сизот сувлари чиқа бошлаганлиги сабабли қазилмалар ниҳоясига етказилди. Қурилиш қолдиқлари қайд этилмади, аммо кулолчилик буюмлари парчалари (57-расм) нинг таҳлили асосида Яккатепанинг ёшини эрамыздан аввалги сўнгги асрларга тенг, дейиш мумкин (батафсил маълумот **Яккатепадаги Шурф-1/2002** I иловада келтирилган).

2008 йилги тадқиқотлар. Ушбу мавсумда Андижоннинг тарихий ҳудудидаги турли даврларга оид моддий маданият қолдиқларини аниқлаш

ва ўрганиш ишлари давом эттирилди. Бунинг учун учта шурф солинди. Биринчиси – XIX аср сўнггида қурилган қалъа ичида; иккинчиси – Жоме мадрасаси ва масжиди ҳовлисида; учинчиси – Тиббиёт институти қошидаги академик лицей ҳовлиси ичида.

Қалъадаги шурф (Ўш кўчаси) қалъанинг жануби-ғарбий бурчагида, мудофаа деворидан 14 метр шимолроқда ва XIX аср Русия казармасидан 9 метр ғарбда, 3x1,5 метр ўлчамда солинди (шимол/жануб йўналишида) ва материкка қадар 1,9 метр чуқурликка етказилди. Шурф ёрдамида олинган кичик микдордаги ашёларга асосланиб, бу ердаги маданий қатлам XIX аср охири билан яқун топади, деб таъкидлаш мумкин. Қалъа эски Андижонни шимолдан чеклаб турувчи адирларнинг энг юқори нуктасида бунёд этилгани аниқланди.

Шурф–1/2008 Жоме масжиди ва мадрасасининг ҳовлисида солинди (Фитрат кўчаси). Жоме масжиди ҳовлисида солинган шурф энг самарали бўлди (65; 71; 73а; 74; 75; 80-расмлар). солинган шурф (4x3м) пештоқдан 12 метр шарқда жойлашган бўлиб, шимолдан жануб томон йўналтирилган. У материкка қадар 3,2 метр чуқурликка етказилди. 8 та маданий қатлам очилди (батафсил маълумот Жоме масжиди ва мадрасасининг ҳовлисидаги **Шурф–1/2008 I** иловада келтирилган).

1 ва 2-қатламлар қоришиб кетган, уларда турли вақтда тайёрланган сўнгги ўрта аср ва янги давр кулолчилиги маҳсулотларининг бўлаклари қайд этилган.

3-қатламнинг бир метрдан зиёдроқ чуқурлигида 20–25x10–15x8–12 см ўлчамдаги майда тош ётқизилган (73а, 3-расм). Бу шағал тўшамаси ғарбдан лой девор билан чегараланган ва шарқдан ғарбга томон 3–5 см га нишабли қилиб қалинлиги 20–25 см га (4-қатлам) тенг лойсувоқли пол сатҳидаги майин тоза кум устига терилган. Мазкур пол шағал тўшамаси учун текисланган (нивелирланган) қатлам вазифасини бажаради.

5-қатлам (73а, 5-расм) қалинлиги 30–60 см бўлган кулранг-жигарранг тупроқдан иборат. Унда сўнгги ўрта асрлар даврига оид сирланган ва сирланмаган кулолчилик буюмлари ҳамда сирланган кулолчилик маҳсулотларини ўтда пишириш учун мўлжалланган сепоялар топилган. Ушбу сатҳда диаметри 1,6 метрга тенг бадраб қайд этилди ва у 6-қатлам сифатида белгиланди. Бадрабнинг шарқий томонида жанубга қараб йўналтирилган қиялик аниқланди. Мазкур қатламда XV–XVI асрларга оид кулолчилик маҳсулотлари комплекси очилди. Шунга ўхшаш комплекс Б. Абдулгазиева томонидан илгари ҳам қайд этилган эди. Хусусан, Арк ичи комплексидаги

кулолчилик буюмлари XV–XVI асрлар билан изоҳланган (Абдулгазиева Б. 1990. 91–96-б). Шу каби ашёвий маълумотлар Арк ичида биз томондан олиб борилган изланишларда ҳам топилган (Матбобоев Б. Х., Абдуллаев Б., Рахимов К., Машрабов З., 2003).

Калинлиги 30–70 см га тенг бўлган 7-қатламда (73а-расм; 7) XIII–XIV асрларга оид сирланган ва сирланмаган кулолчилик буюмлари, шунингдек, калинлиги 0,7 метрга тенг, ўлчамлари 28–32x8–10см ли хом ғиштдан қурилган хона деворларининг харобалари мавжуд. Бу, афтидан хона ғарбий деворларининг қолдиқлари бўлиши мумкин. Унинг шарқий томонида кул ва кетта миқдордаги кулолчилик буюмлари қолдиқлари қоришмасидан иборат бўш тупроқ қайд этилди. Деворнинг ғарбий томони эса майда тошлар билан сувалган. Бу деворни намликдан сақлаш учун амалга оширилган, дейиш мантикка тўғри келади. Топилмалар орасида сепоянинг мавжудлиги бу ерда кулолчилик ишлаб чиқариши йўлга қўйилганидан далолат беради.

8-қатлам (73а-расм; 8) сариқ рангдаги материк тупроғидан иборат.

Хулоса қиладиган бўлсак, Жоме масжиди ва мадрасасининг ҳовлисида бурғаланган шурф ёрдамида аниқланган маданий қатламлар XIII–XVII асрларга тааллуқли, дейиш мумкин. Тўпланган маълумотлар аксарият тадқиқотчиларнинг хулосаларига ҳам мос тушади. Улар хусусан қуйидаги фикрларни илгари суришган эдилар: «Андижонда, шаҳарнинг марказида жойлашган XIX аср масжиди ва миiorаси ўрнида сирланмаган ғиштлар билан қопланган XIII аср охири – XIV аср бошларига тааллуқли маҳобатли бинолар мавжуд бўлган, яъни уларнинг барпо этилиши Хайдў ва Дувахон буйруғига биноан шаҳар қайта қурилган даврга тўғри келади» (Массон М. Е., 1940. 52-б., мазкур масала бўйича шунингдек, Бартольд В. В., 1963. 262-б.га қаранг).

Шурф–1/2008 академик лицей ҳовлисида солинди (Навоий шоҳкўчаси). У баскетбол майдонининг шимоли-шарқий четида жойлаштирилди (63а; 65; 67–70; 72–73; 78–79-расмлар). 5x2 метр ўлчамдаги шурф жанубдан шимол йўналишида солинди. У 4,9 метр чуқурликка, сизот сувлари пайдо бўлгунга қадар бурғаланиб, сўнгра тўхтатилди. Натижада, 9 та маданий қатлам очилди.

1–3-қатламлар – юқори қатламлар бўлиб, кейинги даврларга оид кўплаб топилмалар қоришиб кетган тупроқдан иборат.

4-қатлам кум аралашган кулранг сариқ намли тупроқдан ташкил топган (63а, 4-расм). Қуввати 06–09 метрга тенг мазкур қатламдан ўрта аср дав-

рига оид сирланган ва сирланмаган кулолчилик буюмларининг қолдиқлари топилган.

Шурфнинг жанубий қисмида, 4-катлам остида дарё кумидан иборат қора юпка қатлам қайд этилган бўлиб, у 4а-катлам, деб юритилди (63а-расм; 4а). Шурфнинг шимолий қисмида 2,3–2,6 метр чуқурликдаги 5-катламда (63а-расм; 5-расм) кулолчилик буюмлари қолдиқларидан иборат уюм очилди. Бу уюм ғарбга ва қисман шимолга томон чуқурлашиб боради. Мазкур қатламда занг рангидаги қум кўплаб учрайди. Тоғорасимон чуқурлик ва кумнинг мавжудлигига асосланиб, айтиш мумкинки, ўрта асрларда кулоллар мазкур табиий ўрага ишлаб чиқариш чиқиндилари ва синган буюмларни ташлаганлар. Қатламдаги кулолчилик буюмларидан иборат уюм орасидан XI–XIII комплексларга оид материаллар топилган. Сопол идишлари, сирланган ва сирланмаган буюм парчалари (72-расм) ва нақшинкор сирланмаган сопол плита (70, 5-расм), кулол сопол михлари ва сепоя (70-расм) ҳамда шиша идишлар (73-расм) шулар жумласидан. Мазкур қатламда, 2,3–2,6 метр чуқурликда, шурфнинг шимолий қисмида 40–42 миллиметр диаметрдаги 6 дона йирик ва 21–22 миллиметрли 2 дона майда мис тангалари топилди. 22–24 миллиметрли (VI иловага қаранг) битта мис танга шурфнинг жануби-ғарбий қисмида, 2,6 метр чуқурликда қайд этилди. Шу ерга етганда қидирув ишлари мураккаблашиб кетганлиги сабабли, тадқиқотлар шурфнинг шимоли-ғарбий бурчагида 1х1 метр ўлчамдаги зондаж қилиш орқали давом эттирилди.

0,6–0,7 метр қалинликдаги 6-катлам бир оз қум, пишиқ ғишт ва кулолчилик буюмлари парчалари аралашган жигарранг тусдаги намли тупроқ кўринишига эга (63а-расм; 6). Ушбу қатламда шунингдек, Қорахонийлар сулоласи давридаги мис-кўрғошдан тайёрланган дирҳам топилган (А.Отахўжаев таърифи). Дирҳам XI асрнинг иккинчи ярмида зарб этилган (VI илова, № 9 танга).

0,6–0,65 метр қалинликдаги 7-катлам бир оз кулолчилик буюмлари парчалари аралашган кўнғир тусдаги нам тупроқ кўринишига эга (63а, 7-расм). Қуйидаги сопол идишлар учрайди: бўғзи ингичка ётиқ чизик бўйича рифелланган гулдор кўза, қопқоғи учун бўртма (гардишининг ички тарафи бўйлаб) ли қозон.

8-катлам қорахонийлар даврига оид идишлар бўлақларидан иборат қорамтир нам тупроқ сифатида намоён бўлади. Маданий қатламнинг қалинлиги 17–18 см (63а-расм; 8).

9-катлам яшил рангдаги қалинлиги 19–20 см нам тупроқдан иборат бўлиб, бунда кулолчилик буюмлари қайд этилмаган (63а-расм; 9). Ушбу вақтга етганда, ер ости сизот сувлари пайдо бўлганлиги сабабли қазилма ишлари тўхтатилди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, қазилмалар натижалари аввалги даврларда олиб борилган тадқиқотлар хулосаларини тасдиқлайди, яъни мазкур ҳудудда ўрта асрлар – қорахонийлар ва хоразмшоҳлар (XI–XIII асрлар) даврида кулолчилар мавзеи фаолият кўрсатган. «Андижонда Тиббиёт институти ённосининг қурилиши вақтида кулолчилар даҳаси топилди. Бу ердан кулолчиларнинг думалоқ шаклдаги хумдони топилиб, унинг тўлиқ кўринишини аниқлаш имкони бўлмади. Кулолчилик хумдони ёнида ёқилғи захираси, сепоя ва кулол сопол михлари уюб қўйилган» (Брыкина Г. А. 1974. 104–б.). Биз олиб борган изланишлар натижасида юқоридаги кулолчилик мавзеининг яна бир қисми очилди. Қўлга киритилган ашёвий далилларга таяниб таъкидлаш мумкинки, ўрта асрлардаги Андижон анчагина ривожланган ишлаб чиқариш маркази бўлган. Сопол идишларнинг бетўхтов равишда ишлаб чиқарилиши, хумдон учун зарур бўлган ёқилғи захирасининг мавжудлиги ҳамда ярқисиз деб топилган кулолчилик маҳсулотлари (брак) қолдиқлари, шунингдек, зарб этилган тангаларнинг учраши кулолчилик маркази бозор учун маҳсулот ишлаб чиқарганлигидан далолат беради. Фарғона водийсида XII–XIV асрларга хос бу каби кулолчилик марказларининг фаолият кўрсатганлиги тўғрисидаги маълумот ҳозирга қадар учрамаган эди. Эндиги вазифа – ўрта асрлардаги Андижон кулолчилиги мавзеининг чегараларини аниқлашдан иборат.

2009–2010 йиллардаги археологик тадқиқотлар. Эски шаҳар ҳудудидан янги маълумотлар олиш мақсадида Ўзбекистон (собик Қизил Юлдуз, кейинчалик К. Яшин кўчалари) кўчасидаги қурилиш котлованларида қисман тозалаш ҳамда археологик қузатув ишлари олиб борилди. Мазкур қурилиш ишлари Арк ичидан шимоли-ғарб томонда, шаҳристон ва рабод ҳудудларида амалга оширилмоқда. Биз жами 5 та котлован (1, 2, 3, 3а, 4) ни кўздан кечирдик. Барча котлованларда вайрон бўлган, турли даврларга хос топилмалар қоришиб кетган маданий қатламлар қайд этилди. Даврлаштирадиган бўлсак, уларнинг дастлабкиси XII–XIV асрларга, сўнггиси эса XVIII–XIX асрларга тааллуқли. Раҳимов Парпивойнинг уйи ўрнидаги (Ўзбекистон кўчаси, 160-уй) 30x16 метр ўлчамга эга 4-котлованни алоҳида таъкид-

¹ Мазкур материаллар Андижон вилояти ўлкашунослик музейи фондларида сақланади.

лаш зарур. Курувчилар котлованни 4,10 метр чукурликка қадар қазишган. Котлованнинг жанубий қисмидан тегишли топилмаларга бой қатламлар очилган. Топилмалар орасида XVIII–XIX асрларга тааллуқли коса, пиёла, кўзалар (ўрта ва кичик ўлчамдаги) учрайди.

Олиб борилган ишлар натижаларига яқун ясайдиган бўлсак, қайд этиш жоизки, аҳоли жуда зич жойлашган Андижоннинг Эски шаҳар қисмида қазишма ишларини амалга ошириш ниҳоятда мушкул ва кўп меҳнат талаб этади. Биринчидан, ёдгорликлар қаттиқ шикастланган, иккинчидан, замонавий иморатлар ёдгорликларга жуда яқин қурилган, учинчидан, қазиб олинган тупроқни ташиб олиб чиқиш муаммоси мавжуд. Бу қийинчиликларга қарамай, Андижонда сўнгги йилларда олиб борилган археологик изланишлар натижасида маълум муваффақиятларга эришилди. Бир неча мавсум давомида тўпланган салмоқли археологик материаллар Андижон 2400–2600 йил давомида бетўхтов ривожланиб келганлигидан далолат беради. Қалъа девори ва рабоднинг шимоли-ғарбий қисмини тадқиқ этиш борасида янги маълумотлар қўлга киритилди. Шаҳарнинг тарихий қисмида Эйлатон комплексининг кашф этилиши Андижондаги урбанистик жараёнларнинг бошланиши тарихини янгидан идрок этишга имкон яратди.

Сўнгги 10 йил мобайнида нафақат Андижонда, балки Қорадарё ўзанидаги бошқа худудларда олиб борилган археологик тадқиқотлар қуйидаги натижаларни берди:

* Қорадарё ҳавзасида қадимий деҳқончилик маданияти муттасил ривожланиб келганлиги тўғрисидаги маълумотлар олинди (сўнгги бронза даври моддий маданиятининг пайдо бўлиши ва тараккий топиши, илк темир асри ёдгорликларининг ривожланиши).

* Фарғона водийсининг шарқида суғориш тизимларини бунёд этиш даврига оид янги маълумотлар аниқланди¹. Шарқий Фарғонадаги Андижонсой (узунлиги 76 км), Ўзганариқ (37 км), Шаҳрихонсой (100 км), Мирзаариқ (17 км) ва бошқа суғориш иншоотлари сунъий каналлар ҳисобланиб, улар эраמידан аввалги I минг йиллик ўрталарида бунёд этилган (Заднепровский Ю.А., 1991. 192–195-б; Берналиев О.Б., 1975. 148–158-б.). Канал қирғокларида ёки уларнинг тармоқлари бўйида аҳоли мавзелари юзага келган. Масалан, Сарвонтена ва Ганчтепа аҳолиси Андижонсой, Қорадарё

¹ XXI аср бошланишига қадар ирригация тарихида мазкур суғориш иншоотлари XIX асрда бунёд этилганлиги тўғрисидаги янгилик фикрлар ҳукм сураб эди (Бартольд В. В., 1963. 216-б.).

шаҳар харобаси аҳолиси – Ўзганарик, Султонобод мавзеси эса Шаҳрихонсой сувидан фойдаланиб келган ва ҳоказо. Мазкур ёдгорликлар албатта маълум давр манбасидан фойдаланган. Бу ёдгорликлардан археологлар аниқлаётган қисимталар уларнинг санасини берувчи ягона асос ҳисобланади.

* Тадқиқ этилаётган Қорадарё ўзанидаги ҳудудларда кечган қадимий шаҳарлашув жараёнларининг ривожланишида узвий боғлиқликлар мавжудлиги тўғрисида янги маълумотлар қўлга киритилди: Далварзин ва Ашқалтепа (эрамиздан аввалги IX–VII асрлар), Эйлтон ва Сарвонтепа (эрамиздан аввалги VI–III асрлар), Шўрабошот (эрамиздан аввалги IV–I асрлар) шаҳар харобалари ва бошқалар шулар жумласидандир. Бу эса «Шарқий Фарғона ёни Қорадарё шаҳарлашув (урбанлашув) ҳудуди» тўғрисидаги ғояни илгари қўриш имконини беради.

* Андижоннинг жанубий қисми бўсағасида муҳофаа тизими аниқланди (Яккатепа, Қўштепа I, II).

* Сарвонтепа ўрнида шаҳарнинг қадимий ўзаги (15–20 га) қайд этилди. Шаҳарнинг мазкур қисми қолганларига нисбатан аввалроқ яшаш учун қайта қурилган.

* Ўрта асрлардаги Андижон сўнгги пайтларда олинган археологик манбаларга кўра янги жойда, яъни Сарвонтепа ва Чордонадан шимоли-шарқроқда вужудга келганлиги аниқланди. Қорахонийлар давридан сўнг ва Темурийлар давридаги арк, шаҳристон ва рабоднинг жойлашувига ойдинлик киритилди.

* Қорахонийлар давридаги Андижон кулолчилар мавзеи тўғрисида янги маълумотлар олинди.

IV БОБ

АНДИЖОННИНГ ТАРИХИЙ ТОПОГРАФИЯСИГА ОИД МАТЕРИАЛЛАР

Минг йилликлар давомида Андижон нафакат Фарғона водийсининг, балки бутун Ўрта Осиёнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётида муҳим ўрин тутган ва шундай бўлиб келмоқда. Шаҳар бир жойда қарор топганлиги сабабли унинг тарихий топографиясини тадқиқ этиш мураккаб иш. Илк арkning ёки ички шаҳарнинг, кўча тармоқларининг режалаштирилиши ва бунёд этилиши каби шаҳарни ташкил этувчи кўплаб омиллар ҳозирга қадар сақланиб қолмаган. Қолаверса, ёзма маълумотлар ҳам бизгача етиб келмаган. Шаҳарнинг тарихий топографиясини ўрганиш XIX аср охирида, рус танобчи-муҳандислари томонидан Андижоннинг илк харитаси тузилган вақтдан эътиборан бошланган, деб ҳисоблаймиз. Гарчи мазкур харита тўлиқ бўлмаса-да, у шаҳарнинг XIX аср сўнгидаги топографиясини акс эттирган (11-расм). Фақат XX асрнинг 30–40-йилларига келиб Андижоннинг тарихий археологик тадқиқоти бошланган. Бунинг натижасида шаҳарнинг шаклланиши хусусидаги маълумотларга ойдинлик киритилиб, улар тўлдириб борилган.

Андижоннинг жойлашувига X асрдан буён истеъмолда бўлган унинг номи туфайлигина ойдинлик киритилган. Шу билан бирга шаҳар топографиясини ўрганишда маълум муаммолар мавжуд. Улар қуйидагилардан иборат: шаҳарнинг қадимий қисми (шу жумладан, арк)нинг жойлашувини, ўрта асрлардаги арк, шахристон, рабод ва ҳоказоларнинг майдони ва чегараларини аниқлаш. Масаланинг мураккаблиги шундаки, моддий маданият қолдиқлари, шу жумладан, археологик ва архитектура ёдгорликлари вайрон этилган ёки ҳозирда мавжуд турли тураржой иншоотлари остида жойлашганлиги боис муфассал тадқиқотлар олиб бориш учун имкон бермайди. Боз устига қатор кучли ер силкинишлари сабабли аксарият архитектура ва археологик ёдгорликларига шикаст етган. Ёзма манбаларга кўра, Фарғона водийсида ҳозирга қадар бир қанча кучли zilzilalar рўй берган. Жумладан, бундай табиий офатлар 1620–1621 йилларда (Ахсикет zilzilasi), 1822–1823 йилларда

Кўкон зилзиласи), 1902 йилда (Андижон зилзиласи) содир бўлган (Писарчик А. К., 1956. 158-б; Жалилов С., 1989. 78-б., 1-илова). Шуларга карамай, тақлиб қолган археологик ёдгорликлар ва уларни дала шароитида тадқиқ қилиш шахар тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади ҳамда сўнгги 20 йил давомида мазкур ишлар фаол олиб борилмоқда. Ҳозирда археолог-тарихчиларда қуйидаги маълумотлар тўпланди.

Қадимги давр. Яқин-яқинларга қадар Андижоннинг қадимий қисми жойлашуви хусусида турли фараз ва тахминлар илгари сурилиб, аксарият тадқиқотчиларнинг фикрига кўра уни Ўрта аср арки ёки Шаҳристон ўрнидан излаш лозимлиги таъкидланар эди. Гарчи мазкур ҳудудда XI–XV асрлардан илгариги даврларга оид археологик материаллар қайд этилмаган бўлса-да, А. К.Писарчик, С. Жалилов, Г. Дадабоев ва бошқалар юқоридаги фикрни қўллаб-қувватлардилар. Шуларни инобатга олиб, асосий мақсад сифатида Андижонда қадимий маданий қатламларни аниқлаш вазифасини белгилаб олдик. Бунда антик даврнинг маданий қатламларини қаердан излаш керак, деган савол пайдо бўлади. Мавжуд арк ва Шаҳристондан жануброқда антик ва илк ўрта асрларга оид археологик материалларнинг мавжудлиги ҳамда маданий қатламларни назарда тутиб, ўз изланишларимизни айнан шу ерда олиб боришга қарор қилдик. Мазкур ҳудуддаги маданий қатламларни Ўрта аср арки ва Шаҳристонда жойлашган ҳудуднинг маданий қатламлари билан таққослайдиган бўлсак, қуйидагилар маълум бўлади: арк ва Шаҳристон, айниқса, унинг шарқий ва шимоли-шарқий қисмидаги қатламларнинг қалинлиги 1,80–2,30 метрга тенг. Ҳозирда Ўрта аср аркидан жануброқда қадимий даврга оид бир қанча археологик ёдгорликлар аниқланди. Булар қаторига Сарвонтепа, ундан ғарб ва жануби-ғарбда ўтган асрнинг 50–70-йилларида вайрон бўлган бир гуруҳ тепаликлар, шунингдек, Чордона, Қўштепа, Яккатепа ва бошқалар киради. Уларнинг қуйи қатламлари антик давр билан белгиланади. Сарвонтепа ҳудудида маданий қатламининг қалинлиги 5 метрга етади. Сарвонтепадан олинган ашъвий маълумотларнинг хронологияси янада қадимий даврга, эрамиздан аввалги VI–III асрларга бориб тақалади. Бу эса айнан мазкур ҳудуд антик даврдаёқ яшаш учун тўлиқ ўзлаштирилганлигидан далолат беради. Сарвонтепанинг (Тутзор кўчаси томонидан) шимолий қисмида қайд этилган қадимий мудофаа девори антик Андижоннинг фортификация тизимида кирганлиги эҳтимолдан холи эмас. Эслатиб ўтиш жоизки, қадимий девор юқори қисмининг қалинлиги 4 метр, асосининг қалинлиги эса 6 метрни ташкил этади. Бу ўлчамлар антик давр ёдгорликларида аниқланган мудофаа деворлари учун характерлидир.

Жумладан қадимги Фарғона давлатининг пойтахти Мингтепа (Эрши) ички шаҳар мудофаа деворлари шунга жудаям ўхшаш.

Сарвонтепа ва унинг атрофидаги ҳудуд маданий қатламларини бурғалаш (шурфлаш) оркали Эйлтон даврига оид қатламларнинг майдони 15–20 гектар эканлиги аниқланди. Эйлтон даврига оид Сарвонтепа худудининг деярли барчаси ҳозирда мавжуд бўлган хусусий уйлар ва иншоотлар остида, 2–5 метр чуқурликда қолиб кетган. Демак, шаҳар худудидagi энг қадимий археологик материаллар Сарвонтепа ўрнида ўрта асрлардаги арк ва шаҳристон ташқарисидa қайд этилди. Шаҳарнинг мазкур худуди аҳоли томонидан бошқа жойларга нисбатан эртароқ ўзлаштирилган, дейиш учун асос бор. Эрамиздан аввалги VI–III асрларга оид маданий қатламлар қалинлиги ва тарқалиш худудидан келиб чиқиб, шаҳарнинг қадимий ўзаги айнан шу ерда жойлашганлигини тахмин қилиш имконини беради. Кейинги даврлардаги шаҳарлашув жараёнлари Сарвонтепа атрофидаги худудларда аниқланди. Олиб борилган изланишларимиз натижасида Чордона (Т. Келдиев кўчаси), Яккатепа (Далварзин кўчаси), Қўштепа I ва II (Шаҳрихон кўчаси)нинг остки қатламларида эрамиздан аввалги сўнгги асрлар ва эрамизнинг дастлабки асрларига ҳамда эрамизнинг V–VIII асрларига оид материаллар қайд этилди. Илк материаллар шунингдек, номсиз тепада ҳам мавжуд бўлганлиги тўғрисида фараз бор. Чунончи, вилоят ҳокимлиги ва театр биноларининг ўрнида бажарилган хўжалик ишлари мобайнида антик кулолчилик буюмларининг парчалари топилган.

Сарвонтепа ва унинг атрофидаги худудларда олиб борилган археологик изланишлар давомида олинган маълумотларга асосланиб, таъкидлашимиз мумкинки, антик Андижон ўрта аср арки ва шаҳристонидан ғарбда, Сарвонтепа, Тутзор, Иттифок, Ўзбекистон (собик К. Яшин) кўчалари худудида жойлашган (10-расм). 2000–2012 йилларда эски шаҳарнинг мазкур худудида олиб борилган қазилма ишлари натижасига кўра эрамиздан аввалги VI асрдан бошлаб милодий VIII–IX асрларга қадар маданий қатламларда изчиллик кузатилади. Ундан сўнгги даврларга келиб ушбу худуд ташлаб кетилган кўринади. Бармоқ билан санокли топилмалар (асосан Сарвонтепа юқори қисмидан олинган) бу худуд XVI–XVIII асрларга келибгина қайтадан обод бўлганлигидан далолат беради. Бунинг исботи сифатида Иттифок кўчасидан 80–120 см чуқурликда аниқланган тош йўл қолдиғини келтириш мумкин.

Ўрта асрлар даври. Илк ўрта асрларга оид археологик материаллар эски шаҳар худуди бўйлаб қайд этилди. Улар айниқса, Чордона (ўрта аср аркидан шимоли-ғарбда) ва Сарвонтепа (ўрта аср шаҳристонидан жануби-ғарбда) ёд-

қолдиклари оралиғида кўпроқ учрайди. Ҳар иккала ёдгорликда, аввало Чор-
 ақда баланд платформага қурилган қаср қолдиклари кузатилади. Қўштепа
 1. И. Яккатепа каби илк ўрта аср қатламлари қайд этилган айрим ёдгорлик-
 лар бир вақтлари мавжуд бўлган кўшк қасрларининг қолдиклари эканлиги
 эҳтимолдан холи эмас. Юқорида тилга олинган Тутзор кўчасидаги девор-
 лар илк ўрта асрда ҳам фойдаланиб келинган. V–VIII асрларга тааллуқли
 мазкур маълумотлардан келиб чиқиб, кейинчалик шаҳар атрофида йирик
 ер эгалари – дехконлар¹ учун қурилган қасрлар ҳисобига шаҳар худуди кен-
 тайган. Бу тўғрида шаҳарнинг шимоли-ғарб ва шимоли-шарқ худудларидаги
 жасан кулолчилик ишлаб чиқариши маҳсулотларидан иборат бўлган илк
 ўрта аср комплекслари далолат беради. Улар хронологик жиҳатдан икки
 босқичга бўлинган: V–VI ва VII–VIII асрларга бўлинади. Топилмалар ора-
 лиғида қадимги турк тамғаси ифода этилган сопол идишни қайд этиш лозим
 (50-расм, 8; 53-расм). Бу каби буюмлар Андижонда аввал ҳам қайд этилган.
 Ўз даврида академик Я. Ғуломов томонидан қадимги турк руник ёзувли со-
 пол буюм парчаси топилган (Булатова В. А., 1972. 62-б.). Бу топилмалар
 ўша даврда Андижонда туркий қавмлар истиқомат қилганидан дарак беради.
 Айтиш жоизки, шундай қилиб, антик шаҳардан илк ўрта асрлардаги Анди-
 жон шаклланган. Куба, Ахсикет ва Ўш қабилар билан бир қаторда у вилоят-
 нинг йирик шаҳри ҳисобланган (Брыкина Г. А., Горбунова Н. Г., 1999. 64-б.,
 5-харитага қаранг).

X асрдан кейинги ўрта аср манбаларида Андижон шаҳри тўғрисидаги
 маълумотлар қисқалиги билан ажралиб туради (ал-Истахрий, ал-Ҳамавий
 ва бошқалар). Арк, шаҳристон ёки рабод тўғрисида бирон-бир маълумот-
 лар учрамайди. Фақатгина сўнги ўрта асрлар даврининг ёзма манбалари-
 да шаҳар тўғрисида муфассал маълумотлар берилади. Шу сабабли археоло-
 гик маълумотлар Андижоннинг тарихий топографиясига оид асосий манба
 бўлиб хизмат қилади.

Яқин-яқинларга қадар шаҳар худудида IX–XI асрларга оид маданий
 қатламлар қайд этилмаган эди (Матбабаев Б., Машрабов З., 2007. 42-б).
 Шу билан бирга Катта Фарғона канали қурилиши даврида В. Д. Жуков
 бошчилигидаги археологлар гуруҳи шаҳар деворининг қуйи қисмидан
 йиғиб олган кулолчилик буюмларига асосланиб, шаҳарнинг мазкур қисмида
 X–XI асрларга тааллуқли бўлган йирик объект мавжудлиги тўғрисидаги тах-
 мин илгари сурилган эди (Жуков В. Д., 1951. 74-б). Топилган кулолчилик

¹ Тарихий адабиётдан мазкур атама билан йирик ер эгалари изоҳланади.

буюмларига мувофиқ, шаҳар ўша даврда сўнгги ўрта асрдаги Андижонга нисбатан жануб ёки жануби-ғарбда мавжуд бўлган. Ҳозирга таккослайдиган бўлсак, бу Олтинқўл, Кизил Шарқ, Ташкилот кўчалари худудига тўғри келади. Буни 2009 йилда Андижоннинг эски шаҳар қисмидан олинган археологик материаллар ҳам тасдиқлайди. Хусусан, Трактор кўчасидаги шахристон худудида кунлик сатҳдан 1,20–1,70 см чуқурлик даражасида иккита сирланмаган кўза аниқланган. Кўзаларнинг бўғзи ажратилган. Улардан биринчиси – иккита қолипда қуйилган қисмлардан ясалган кўза алоҳида аҳамият касб этади (65-расм, 1; 66-расм). Кўза дисксимон асосга эга бўлиб, юқорига қараб бир оз чўзилган ва ярим сфера шаклига эга. Бўғзи тор қилиб ажратилган ва дастали. Идишнинг остки қисмига думалоқ ва ромбсимон нақшлар солинган. Юқори қисмига эса арксимон шаклда орасига қушлар сурати солинган безак берилган. Ингичка бўғзи чўзинчоқ шаклда бўлиб, дастаги қирқимда учбурчаксимон кўринишда. Умуман олганда, Ўрта Осиёда бу каби кўзалар ўрта асрларга оид ашёвий маълумотлар орасида кўп учрайди ва улар шубҳасиз X аср билан белгиланади (Ильясова С., Мирзааҳмедов Д., Адылов Ш., 2000).

Кўзанинг бошқа бир бўлаги бўйига қисқароқ бўлиб, деворлари ва туб қисми қалин қилиб ишланган (65-расм, 1; 66-расм). Туб қисми япалоқ, ўртаси цилиндрсимон, бўғзи ажратилган. Кесик конусли елкаларига икки қатор қилиб такрорланувчи тўпбаргтул шаклидаги ботиқ безак ишланган. Қазиб олинган кўза бўлагиде дастак ва бўғизнинг асоси кўзга ташланмасида, аслида бу каби чўзинчоқ бўғизли кўзачаларнинг дасталари мавжуд бўлган. Юқорида таърифланган намуна каби мазкур кўза сополагининг ранги қизғиш, кулранг тусдаги ангоб қопланган ва қўшни худудларда бўлгани каби ушбу топилма ҳам IX–X асрлар билан белгиланади (Мирзааҳмедов Д. К., Матбабаев Б. Х., Султанова М. Н., 2010. 73–85-б.). Тилга олинган топилмалар таърифланаётган худудда тадқиқ этилаётган даврга оид моддий маданиятнинг қолдиқлари замонавий тураржой бинолари остида қолиб кетганлигини кўрсатади. Бу эса ўз навбатида археологик изланишларни олиб боришда қийинчилик туғдиради. Афтидан, айнан шу шаҳар – Андукон тўғрисидаги маълумотлар ёзма манбаларда (ал-Истаҳрий) хабарлар мавжуд (III иловага қаранг).

Арк ва шахристон ўрнида XI–XII асрларга оид археологик материаллар кўплаб учрайди. Б. Абдулгазиева томонидан бу ерда, замонавий шаҳар худудида симоб кўзача ишлаб чиқарилган бир қанча устахоналар қайд этилган. Мазкур устахоналарнинг мавжудлиги рангли металлургия, заргарлик

фармацевтиканинг ривож топганидан далолат беради, дейиш мумкин (Абдулгазиева Б., 2002. 39-б; Жалилов С., 1989. 7-б.). Тиббиёт институти шаҳридаги академик лицейнинг ўқув корпуси ўрнида ўтган асрнинг 50–60-йилларида олиб борилган қурилиш ишлари жараёнида юқорида тилга олинган кулоллар мавзеси таърифланади. «Бу ерда умумий кўриниши думалок шаклдаги кулолчилик хумдонлари қайд этилиб, уларнинг конструкциясини тўла-тўқис аниқлашга муваффақ бўлинмади» (Брыкина Г. А., 1974. 104-б.). Андижондан топилган ва ҳозирда вилоят ўлкашунослик музейида сақланаётган шиша идишлар ҳам XI–XII асрларга тааллуқлидир (Брыкина Г. А., 1974. 82-б.).

Шу даврга оид топилмаларнинг яна бир гуруҳи Тиббиёт институти қошидаги академик лицей худудидаги шурфнинг 5-қатламида 2008 йилда қайд этилган учта кўза мисолида намоён бўлади. Уларнинг иккитаси бир хил кўринишга эга бўлиб, кулранг лой тупроқдан тайёрланган, ўртача ўлчамда, археологик жиҳатдан бутун (65-расм; 3–4, 67-расм). Ярим сфера шаклида, уч оёқли қилиб ясалган. Воронкасимон кенг бўғзи кўзанинг қорнига лентасимон шаклли даста ёрдамида бирлаштирилган. Дастанинг юқори қисми металл қопламаси учун мўлжаллаб кирраланган. Кўзанинг ўрта қисми ва бўғзига қўйма ва ботик ҳолда ишланган геометрик композициялар берилган. Улар s – шаклидаги думалок, қавс, ингичка чизиклардан иборат. Топилмаларнинг шакли, ўлчамлари, лойнинг таркиби ва солинган безаклардаги ўхшашлиги мазкур кўзалар битта уста томонидан ишланганлигини англатади. Бошқа кулолчилик марказлари билан таққослайдиган бўлсак, юқоридаги кўзалардан ҳам XII асрда оммавий равишда фойдаланилган (Мирзалиев Г., 1986, 1-расм). Сопол буюмлар парчаларидан иборат уюм қатлаמידан олинган учинчи кўзасимон идишнинг парчаси мурғоби (қовға) шаклида (65-расм, 5; 68-расм). Ҳалқасимон тасмали дастанинг бир учи идишнинг бўғзига, иккинчиси эса жўмракнинг асосига уланган. Идиш бўғзининг асоси воронкасимон, кичкина тешикли жўмрак эса «буқа» калласига ўхшаб ишланган. Сополагига йирик қум қўшилган. Ташқи томонига кулранг ангоб берилган бўлиб, унинг устига қизил рангда содда чизиклар тортилган, чизиклар қирғоғида қора хошияси бор. Адабиётлардаги маълумотларга кўра, бу каби идишлар бутун Марказий Осиё бўйлаб учрайди ва XI аср – XIII аср бошлари билан белгиланади. (Заднепровский Ю. А., 1969. 45-б; Брыкина Г. А., 1974. 49-б.; Грицина А. А., 1998, 4-расм; Усмонова З. И., 1984, 4-расм; Бернштам А. Н., 1952. 255–261-б.). Тоғли Тожикистонда асосан аёлларнинг майда хунармандчилигида учрайдиган этногеографик ўхшашликларга асосла-

ниб, айрим тадқиқотчилар бу идишлардан сув ташиш ва истеъмол қилиш мақсадида фойдаланилган, деб фараз қиладилар (Пещерева Е. М., 1959. 56–57-б). Бошқа бир гуруҳ тадқиқотчилар эса айрим ижтимоий-иқтисодий хусусиятларга ишора қилган ҳолда кулолчилик буюмларининг анъанавий шакллари ва ишлаб чиқариш услуби X–XII асрларда кишлоқ аҳолисининг шаҳарга кўчиши туфайли юзага келганлигини таъкидлайдилар (Литвинский Б. А., 1954. 62-б). Нақшинкор кулолчилик маҳсулотлари XI–XIII асрларда Ўрта Осиё минтақасида урф бўлган вақт ва тарқалиш ареалидан келиб чиқиб, бу жараён кўчманчи турк аҳолиси таъсири остида юзага келган, деб тахмин қилувчи тадқиқотчилар нуқтаи назари ҳақиқатга яқин, деб ҳисоблаймиз (Заднепровский Ю. А., 1969. 45-б.).

Мазкур комплексга оид сўнгги топилма – ясси тубли тувак. У бочкасимон цилиндрик шаклда бўлиб, гардиши ташқарига қайрилган, бўғзи ажратилган. Идишга ташқи ва ички тарафдан оқиш анғоб берилган, ички тарафдан сариқ рангда, ташқи тарафдан эса яшил рангда сирланган (65-расм, б; 69-расм). Идишнинг сирли сифатсиз, юпка, майда тангасимон қопламаси қатқат бўлиб кўчган. Шакли, сирининг ранги, қоплаш сифати ва бошқа хусусиятларидан келиб чиқиб, у ҳам аввалги топилмалар сингари XII аср иккинчи ярми – XIII аср боши билан изоҳланади.

Халқ меъмори Юсуф-Али Мусаев томонидан топилган ва археолог М.Е. Массонга тақдим қилинган терракот қопламалари ҳам XII–XIII асрларга оид. Улар минора ёки кўҳна аввалги Жомеъ масжиди безагига тааллуқли (Писарчик А. К., 1956. 168-б.). Эҳтимолдан холи эмаски, келиб чиқиши Византияга оид бўлган тилла аппликация ҳам айнан шу қатламга ёки анча кейинги даврга тааллуқли бўлиши мумкин (Козенкова В. И., 1967. 266–270-б.; Баратов С.Р., Баратова Л.С., 1990. 35–38-б.). Арк деворлари остидан топилган Қорахонийлар даврига оид хона харобалари ҳам афтидан шу даврга тўғри келади (Абдулгазиева Б., 1993. 7-б.). Демак, археологик материалларга асосан X асрдан сўнг шаҳар янги жойга кўчиб ўтади ва Темурийлар даврида (балким бундан олдин) бу ерда арк, шахристон ва рабод ташкил топади.

Даврий жиҳатдан навбатдаги археологик комплекс 2008 йилда Жомеъ масжиди ва мадрасаси ҳовлисида бурғуланган шурф ёрдамида аниқланди. Кундузги сатҳдан 1,2–1,4 метр чуқурликда пол қолдиқлари ва XIII–XIV асрларга оид сирланган кулолчилик маҳсулотлари комплекси қайд этилди. Мазкур даврга оид қатламларнинг замонавий шаҳарсозлик иншоотлари остида қолиб кетганлиги боис, аксарият ҳолларда уларни комплекс тадқиқ қилиш имконияти йўқ. Шу сабабли унинг моддий маданияти етарли даражада

созилмаган. Юкоридагиларни инобатга олиб, таъкидлаш лозимки, Жоме комплексидан олинган кулолчилик буюмлари нафакат Андижон ва Фарғона вилоятлари маданиятининг тарихини ўрганиш учун, балки кўшни хуудларда ҳам кўпроқда фойдаланилган идиш-товоқнинг шакл-шамойили жихатдан ривожланиш динамикасини кузатиш учун ҳам катта аҳамият касб этади. Комплекс асосан коса ва пиёлалардан иборат. Барча нусхаларнинг сополаги кизғиш – рангиди, оқ юпка ангоб берилган. Оқ ва мовий тусда ишқорланган сирли идиш деворларида мустаҳкам сақланмаган, у ташқи тарафининг катта қисмини қоплайди. Косалар шакли бўйича икки гуруҳга бўлинади. Бир нусхада олинган косанинг туби сақланиб қолмаган (74-расм, 1). Мазкур идиш XII–XIII асрлар комплексларидаги косалар шаклини эслатади. Ички қисмига бўй чўзаётган куртаклар ва новдалар кўринишидаги такрорланувчи нақш туширилган. Солинган мовий ранг четига тўқ жигаррангдаги ҳошия тортилган, ангобланган. Ишқорланган, кўрғошин аралашмали шаффоф сир берилган. Идишнинг бирикма ҳосил бўлган жойларидаги сирлари кўчган.

Косаларнинг иккинчи гуруҳи билинар-билинемас халқасимон тагдон қисми ва ярим сфера ёки унга яқин шаклга эга бўлиб, идиш деворлари юкорига қараб бирмунча чўзилган (74-расм, 2–5). Гардиши бир оз киррали, ичкарига ҳиёл эгилган, чеккаларига қора чизик тортилган. Нақш солиш композицияси марказлашган хусусиятга эга. Жумладан, тагдон қисмидан хочасимон ва ёйсимон тарқалувчи ўсимликлар тасвири (ислимиё) туширилган нақшлардан иборат. Доира ичига олинган туб қисмидаги композиция косанинг фақат биринчи нусхасида сақланиб қолган (74-расм, 1). Сир тортиш ва ташқи тарафини безашдаги маълум фарқларга қарамай, буюмларнинг ўхшаш ўлчамлари ва шакли, нақшлар ва уларни солиш техникасидаги яқинлик бу косаларни битта уста тайёрлаганлигини исботлайди.

Бир нусхада топилган пиёла унча катта бўлмаган дисксимон асосга эга. Ярим сфера кўринишидаги деворлари ҳам бир оз ичкарига қайрилган (65-расм, 7). Деворларнинг ташқи тарафи ярмигача юпка оқиш ангоб берилган, мовийликка мойил бўлган кулранг сир берилган.

Андижоннинг эски шаҳар хуудидан хурмача ҳам топилган (74-расм, 6; 76-расм). Хурмача тадқиқ этилаётган комплексга тааллуқли бўлмаса-да, уни шакли ва рангининг туси бўйича мазкур даврга оид, дейиш мумкин (Самашев З., Кузнецова О., Плахов В., 2008. 192-б). Ташқи ва ички тарафидан идиш деворлари асосига қадар мовий шаффоф юпка сир тортилган. Унинг устига эса вертикал тарзда юкоридан пастга ингичкалашиб борувчи қорамтир чизиклар тортилган. Рангларнинг туси, ангоб ва сир бериш

хусусиятлари, «нилуфар барглари»ни эслатувчи вертикал чизиклар тортиш каби жиҳатлари бўйича хурмача комплексдан топилган юқоридаги косаларга ўхшашлик касб этади.

Бадиий безак борасида эса қўшни худудлардан олинган материаллар билан яқинлиги бор. Бу яқинлик аввало хочсимон, нурсимон, баргсимон нақшларнинг марказга интилувчи ёки марказдан бошланувчи жиҳатларида намоён бўлади. Андижондан топилган кулолчилик ашёларидаги безакларнинг ўзига хос хусусияти қаторида гардишининг қирғоғи бўйлаб қўнғир тусдаги яхлит чизикни айтиб ўтиш жоиз. Бу борада қўшни марказлардан топилган буюмларда эса нуқтасимон хошия бериш урф бўлган (Тасмагамбетов И., Самашев З., 2001, 114, 120, 127, 128-расмлар).

Сўзсиз, юқорида таърифланган косалар XIII–XIV асрлар материалларига тааллуқли бўлса-да, айрим жиҳатлари бўйича, хусусан, ҳалқасимон тублари, кесик конусли деворлари, тирналган нақш солишдан фойдаланиш кабилар бўйича улар мўғул олди даври (предмонгольская эпоха) билан яқинлик касб этади. Андижоннинг эски шаҳар худудидан топилган хурмачада ҳам юқоридаги хусусиятларни кузатамиз. Унинг шакли, ишқорланган сири, рангининг туси, идишнинг ташқи томонига «нилуфар барглари» услубида ишланган нақшлар бўйича хурмача XIII–XIV асрларга тўғри келади, шу билан бирга тантанавор юпқа ёпиштира безакларнинг йўқлиги, ҳамда эпиграфик ёки орнитоморф безакларнинг мавжуд эмаслиги маҳсулот хали мумтоз шаклига етказилмаганлигидан далолат беради. Шулардан келиб чиқиб, комплексдан олинган материаллар ўтиш даврининг (оралиқ) маҳсулотлари, дейишимиз учун асос беради. Зеро XII аср – XIII аср бошларининг рўзғор буюмларига хос айрим жиҳатларини сақлаб қолган ҳолда бу буюмларни Чигатой даврига оид сирланган кулолчилик маҳсулотларини тайёрлашдаги янги йўналиш шаклланишининг дастлабки босқичига киритиш мумкин. Унинг даврий санаси XIII асрнинг ўрталари – XIV асрнинг бошлари билан изоҳланади. Негаки, мўғил истилосидан сўнг Мовароуннахрнинг Буюк ипак йўли билан боғлиқ шаҳар ва кишлоқлари қисман тиклана бошлади.

Темурийлар давридаги Андижон топографиясига оид етарлича ёзма манбалар мавжуд. Шаҳарнинг таърифи «Бобурнома»да батафсил келтирилади ва унинг қалъа сифатидаги хусусияти алоҳида таъкидланади: «Мовароуннахрда Самарқанд ва Кешдан сўнг Андижондан йирикроқ бошқа қалъа мавжуд эмас. Шаҳарнинг учта дарвозаси бўлиб, Андижон арки жанубда

жойлашган. Сув (шаҳарга) тўққиз ариқ орқали келади; (энг) кизикарлиси, у (кейин) бирон жойдан ҳам қайтиб чикмайди («Бобурнома»; 1993. 29–30-б., шунингдек, қаранг: Бартольд В. В., 1965. 213-б.). Ҳозирги кунда С. Жалиловнинг саъй-ҳаракатлари туфайли Бобур томонидан тилга олинган тўққиз ариқнинг (Хакан ариқ, Бурхон шайх ариғи, Хўтан ариқ, Жўйибозор ариғи, Буғра ариғи, Далварзин ариқ, Оқрабод ариғи, Тўқмоқ ариқ, Ушштегирмон ариғи) номи ва оқиб ўтиш ҳудуди (Жалилов С., 1989. 27-б.) аниқланган. Шунга қарамай, ариқларнинг жойлашув харитаси тузилмаган. Мавжуд маълумотлардан фойдаланган (меъмор Б.Зияев ишланмалари) ҳолда асосий сув манбаларининг тахминий жойлашув схемасини ишлаб чиқиш мумкин (90-расм). Уларнинг топографияси ва олинган археологик материаллар қадимда ва ўрта асрларда, то XIX асрга қадар шаҳар Андижонсойдан сунъий ариқлар/каналлар ёрдамида ҳам сув билан таъминлаб келинганлиги тўғрисидаги бизнинг хулосаларимизни тасдиқлайди. Ушбу сунъий ариқлар сойнинг сўл қирғоғидан шарқдан ғарбга қараб зарур нишаб естида қазилган¹. Бу фикрни сойнинг энг баланд нукталари ҳам тасдиқлайди: «Комсомол кўли»² ҳудудида – денгиз сатҳидан 108 метр баланд, Сарвонтепа этагида эса 90,50 метр, яъни, фарқ 17 метрдан зиёдни ташкил этади. Мазкур суғориш тармоғи эрамиздан аввалги биринчи минг йиллик ўрталарида бунёд этилганини Сарвонтепанинг қуйи қатламларидан олинган топилмалар ва ушбу ҳудудда турли даврларга оид кам бўлса-да археологик ёдгорликлар (Уграёр, Сарвонтепа) ва маданий қатламларнинг мавжуд бўлгани ҳам тасдиқлайди. Бу эса Сарвонтепа ва Андижонсой оралиғида қадимги даврларга оид бошқа ёдгорликлар ҳам мавжуд бўлган, деб тахмин қилиш учун асос яратади ва бу асоснинг ҳақиқатга яқинлигини айрим археологик топилмалар тасдиқлайди (Абдулгазиева Б., 1993. 11, 13-б.).

¹ Б. Абдулгазиева ва С.Жалилов фикрига кўра, шаҳардан оқиб ўтувчи барча ариқлар «Тўққизарик» маҳалласи ҳудудидан сув олганлар (Абдулгазиева Б., 1994. 155-б.; Жалилов С., 1993. 82-б.). Бизнингча, амалий ирригация нуктаи назаридан барча тўққиз ариқнинг бир жойдан бошланиши мақсадга мувофиқ эмас. Биз Бобур давридаги ариқларнинг Андижонсойнинг бошқа қулай жойларидан олиши мумкинлигини тасдиқловчи маълумотларни келтириб ўтган эдик.

² Университет шаҳарчаси ёнида.

А.К. Писарчик ва С. Жалилов фикрига кўра ўрта асрлар **арки**¹ шахристоннинг жануби ғарбий бурчагида жойлашган (Писарчик А. К., 1956. 62-б; 5-рasm; Жалилов С., 1993., 71-бетдаги расм, шунингдек, 72–77-бетлардаги маълумотларга қараиғ). А. К. Писарчик режаси асосида С. Жалилов аркнинг чегаралари ва майдонини аниқлаган. Хусусан, арк деворлари ҳозирги Пойтуғ, Қизил Шарк, Трактор, Ташкилот (барчаси «Арк ичи» маҳалласига қарайди) кўчалари теграсидан ўтган. Аркнинг шимолий девори Пойтуғ кўчаси, 3-уйдан бошланиб, Трактор 1-боши берк кўчасининг охирига қадар давом этади ва жанубга қайрилади. Шимолий девор 23-уйдан бошланиб. Қизил шарк кўчаси, 5-уй олдида тугайди ва шарққа қайрилади. Жанубий девор Қизил шарк кўчаси, 5-уйдан бошланиб, Пойтуғ кўчаси, 21-уйга қадар шимолга томон давом этади; ва ниҳоят аркнинг шарқий девори Пойтуғ кўчасига параллел равишда жойлашган бўлиб, у 21-уйдан бошланиб 3-уйда яқунланади. Қайд этилган кўчалар ҳудуди бўйлаб узунлик: шимол-жануб йўналишида = 215–220 метр; ғарб-шарк йўналишида = 450–460 метр. Умумий майдон тахминан 10 гектарга тенг.

С. Жалилов фикрига кўра, **аркнинг дарвозаси** унинг шимоли-шарқий бурчагида жойлашган. Бу ҳозирги Трактор кўчасининг Ҳақиқат 1-тор кўчаси туташган жойига тўғри келади. Буни оддий кўз билан ҳам пайқаш мумкин – пандус (биноларга кираверишда юқорига чиқиш ёки пастга тушиш учун имкон берадиган қия сирт, нишаб йўлка) Трактор кўчаси остида қолган. Яқин-яқинларга қадар бу ерда – Тўқлик кўчасининг бошида катта ховуз мавжуд бўлган (Писарчик А. К., 1956. 163-б.). Халқ орасида «Афросиёб ховузи» деб аталган. Биз ва биздан олдинги тадқиқотчилар томонидан яхши сақланиб қолган қалъа деворларининг айрим қисмлари очилган ва уларнинг эни ҳамда баландлиги аниқланган. Г. Дадабоев эса аркнинг муодофаа деворини қайд этган. Деворнинг узунлиги 500 метрдан ортиқ бўлиб, шарқдан ғарбга томон йўналтирилган. Шу ерда шурф бурғаланиб, 1,50 метр чуқурликка – дарё шағали ва кум сифатидаги материкка қадар туширилган. 1,20 метр чуқурликда деворнинг асос қисми мустаҳкамликни таъминлаш

¹ Ўрта аср шаҳарларида ўрда мавжуд бўлган. «Ўрда» атамаси қадим туркий тилида «қароргоҳ, хон саройи, қаср» маъноларини беради. (ДТС., 1969. 370-б.). Маҳмуд Қошғарий таърифи бўйича «ўрда» – хон қароргоҳи ёки марказ (Маҳмуд Қошғарий, 1963. 145-б.). Бу таърифга А.К. Писарчик қўшимча изоҳ беради: «Ўрда – хон оиласининг макони, олий зодагонларнинг оилалари яшайдиган манзил» (Писарчик А.К., 1956. 149-б., 6-изоҳ). Миноралар билан мустаҳкамланган ўзига хос қалъа – ўрдада маъмурий бинолар ҳамда қаср жойлашган (ЎЗМЭ. 2005. 512-б.).

ўзун 60–70 см га қадар махсус кенгайтирилган. Девор пахса блокларидан тартиб тартирилган ҳолда пахса таркибига майда шағал қўшилган (Дадабоев Г., 1975. 22–23.) истехкомларни барпо этишда турли усуллардан фойдаланилган. Бу хусусда Б. Абдулгазиева қуйидагича ёзади: «Андижон аркининг ички томонида эни 4 метр, баландлиги 0,7 метр (5 метр узунликка қадар қўзиллади) дан иборат майдонча мавжуд бўлиб, у девор билан яхлит ҳолда қўрилган ва, афтидан, қалъанинг мудофаасида муҳим аҳамият касб этган – майдончада жанг вақтида қалъа ҳимоячилари ва тўплар жойлаштирилган. Бундан ташқари, қалинлиги 40–75 см, эни 8–9 метрга тенг қалъа девори бўйлаб давом этувчи ҳамда шимол томон торайиб борувчи шағал тўшамаси тикизилган» (Абдулгазиева Б., 1998. 42-б.). Мудофаа деворлари айрим қисмларининг археологик тадқиқоти натижасида мазкур деворлар XIV асрда қўйдилган, кейинчалик бир неча бор таъмирланганлиги тасдиқланди. Шу билан бирга, «қадимий қалъа девори»нинг қуйи қисмидан топилган юпка сирланган ва сирланмаган кулолчилик маҳсулотларининг қайд этилганлигига за М.Е. Массоннинг «тахминий хулосаси»га асосланиб, этнограф А.К. Писарчик арк девори XII–XIII асрларга тааллуқли, деб ҳисоблайди (Писарчик А.К., 1956. 163-б.). Маданий қатламлар стратиграфиясига оид янги маълумотлар (Абдулгазиева Б., 1993. 7-б.) ва бошқа манбаларга таянган ҳолда мазкур деворларнинг қурилишини янада олдингироқ давр билан изоҳлаш мумкин.

Маргарет Румер Годен (Румер Годен, 2007) ўз китобида келтирган ўрта аср миниатюрасида қалъа истехкоми, хон қароргоҳи ёки касри тасвирланган (102-расм), деб бемалол айтишимиз мумкин. Тадқиқотчи фикрига кўра, мазкур миниатюрада шаҳарнинг шимолида жойлашган Мирзо Бобур бувисининг (Эсон Давлат бегим) чорбоғи акс эттирилган. Миниатюрада баландликда жойлашган, уч қисмдан иборат бўлган қалъа ёки ўрда сурати ишланган. Ташқи дарвозаларига пандус (биноларга кираверишда юқорига чиқиш ёки пастга тушиш учун имкон берадиган қия сирт, нишаб йўлка) орқали чиқилган. У эса ўз навбатида тўрт қатор қилиб қурилган зинага бориб тақалган. Ички қисмида яна иккита дарвоза бўлган. Ўнг томонда жойлашган биринчи дарвоза миниатюрада ярмигача тасвирланган. Тасвирга кўра, афтидан, айнан шу жойда икки қаватли, ясси томли, маҳобатли бинолар жойлашган. Иккинчи дарвоза (миниатюрада марказда жойлашган) Бобур ва унинг бувиси суҳбат қуриб ўтирган айвон шаклидаги иморатни ажратиб турибди (Румер Годен, 2007). Айтиш жоизки, миниатюрадаги қалъа «Бобурнома»да тасвирланган миниатюрага (Бобур томонидан Бенгалия

элчисининг қабул қилиниши) жуда ўхшаб кетади (Захириддин Муҳаммад Бобур., 2002). Юқоридагилардан келиб чиқиб, М. Румер Годен томонидан нашр этилган миниатюрада чорбоғ эмас, балки маҳобатли биноларга эга қалъа ифодаланган, деб тахмин қилишимиз мумкин.

Маълумки, 1504 йилнинг баҳорида Фарғона водийси Шайбонийхон кўшинлари томонидан забт этилган (История., 1967. 515-б.). Ўшанда Андижон арки вайрон этилган эди. Шайбонийлар ҳукмдорлари учун шаҳарнинг шарқий қисмида «Ўрда» бунёд этилган. Ҳозирда Андижоннинг айнан шу қисмида «Ўрда» номли маҳалланинг мавжудлиги юқоридаги фикрни тасдиқлайди (Жалилов С., 1993. 72-б.). Андижонга ташриф буюрган америкалик дипломат Юджин Скайлер қолдирган эсдалик ёзувларига кўра XIX аср охирида бошқа бир қалъа – «Янги ўрда» фаолият кўрсатган (Филанович М. И., 2004. 120-б.). Аммо у қаерда жойлашганлиги номаълумлигича қолмоқда. Бобур ўрдаси хусусидаги қизиқарли кузатувларни А.К. Писарчикнинг юқорида тилга олинган китобида ҳам учратамиз. Унга кўра ўрда Хакан (Хакян) қишлоғининг четида жойлашган. Бизнингча, ўрда М. Қаландаров (собик Хакан кўчаси) кўчасининг шарқий тарафидан жой эгаллаган. «Бу ўз (Бобур – муаллифлар изоҳи) ёзувларида қайд этган ўша шаҳар четидаги боғ бўлиши мумкин» (Писарчик А. К., 1956. 170-б.). Бобур давридаги ўрда шу ҳудудда жойлашган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Негаки, А. К. Писарчик тахмин қилинаётган ўрда ҳудудидан (собик Н.Крупская, кейинчалик Й. Охунбобоев кўчалари) кейинчалик Андижоннинг Чоргузар ва Чўнтак (Узумбозор ва Орзикулбек гузарлари) масжидларига кўчириб ўтилган пойустунларни¹ ҳам таърифлайди. Аҳамиятга молик яна бир факт: аввалда шу жой яқинида (собик Энгельс ва Крупская номли кўчалар оралиғидаги ҳудуд) катта қабристон мавжуд бўлиб, ривоятларга кўра, у Бобур номи билан боғлиқ. Мазкур қабристонда А. К. Писарчик томонидан «қабр усти қурилмаси (сағана)» қайд этилган (Писарчик А.К., 1956. 170-б.).

Бу даврдан маълумот берувчи яна бир муҳим манба – Жамол ал-Қаршининг «Мулҳакат ас-Сурах» («Ас-сурах» луғатига кўшимча») асари мавжуд. Унда IX–XIII асрларда рўй берган ҳодисалар акс эттирилган бўлиб, В. В. Бартольд тадқиқотларида мазкур асардан кўплаб иқтибослар

¹ Пойустунларнинг бири бизгача етиб келган. Биз уни Чоргузар масжиди ёнидан топдик. Ҳозирда пой устун Бобур номли халқаро жамоат фонди қошидаги Андижон шаҳарсозлик тарихи музейида сақланмоқда (84-расм).

тиради. Манбада Андижон тарихига бевосита алоқадор бўлган иккита гувоҳлик келтирилади. Биринчиси – машҳур шайх ал- Марвазий Андугонда килганлиги ва Рушнобий масжиди ёнида дафн этилганлиги тўғрисида. Иккинчиси – Андижонда¹ жойлашган шайх Жамол ад-дин ал-Хиравий ал-Иламиший истикомат килган Иламиш зиёратгоҳи хусусида боради (Джамал ал-Карши., 2006. 34-84-б.). Иламиш² зиёратгоҳининг манзили ҳозирча маълум эмас. Иламиш сўзига оҳангдош ягона мавзе бу, «Оламушук» бўлиб, Андижон ёнида жойлашган. Бизнинг назаримизда, мазкур масалада Жамол ал-Карший тахминлари ҳақиқатга яқинрок. Унга кўра, Иламиш Андижон атрофида мавжуд бўлган (Бартольд В. В., 1963. 215-б.). Рушнобий масжиди борасида эса, тадқиқотчилар (С. Жалилов, З. Машрабов)нинг хулосаларини инобатга олиб, мазкур масжид аркнинг шимоли шарқий девори ташқарисида бунёд этилган дейиш мумкин. Тадқиқотчиларнинг ёзишича: «масжид ва (афтидан), Рушнобий мадрасаси арк ичи ҳудудида жойлашган. Мусулмон одатига кўра, аксарият ҳолларда янги масжид эскисининг ўрнида бунёд этилган» (Жалилов С., Машрабов З., 1983). Бунга қўшимча сифатида шуни айтиш жоизки, XX аср бошида арк ичи атрофида Рустам-қози мадрасасининг қурилиши мобайнида ер остида ғиштдан қурилган сағананинг қолдиқлари ва инсон суяклари топилган (Писарчик А. К., 1956. 163-б.). Бу эса мазкур жойда ўрта асрларда кабристон³ бўлганлигини ифодалайди. Агар тахминимиз ҳақиқатга яқин бўлса, машҳур шайх ал-Марвазий шаҳарнинг шу ҳудудига дафн этилган. Археологик, этнографик ва ёзма манбаларга кўра, ўша даврнинг асосий сиғиниш-топиниш иншоотлари Андижоннинг Жомеъ⁴ масжиди ва мадрасаси ичида, Шаҳристон ҳудудида жойлашган. Бу хусусда Жомеъ мадрасаси ҳовлисида бурғаланган шурф материаллари ва собиқ Трактор кўчаси атрофидан хўжалик ишлари бажарилаётган вақтда топилган

¹ Шаҳарнинг бу каби – «Andidjan» кўринишида номланиши тангаларда ҳам учрайди (von Zambaur E., 1967. S. 53).

² В. В. Бартольд фикрига кўра, Иламиш Андижон уездининг шимолий қисмида жойлашган бўлган (Бартольд В. В. 1963. 215-б.). Бошқа тадқиқотчилар эса уни Андижон ва Талас оралиғида бўлган, деб таъкидлайдилар (Воҳидов Ш., Аминов Б., 2004. 160-б.).

³ Ўрта Осиёнинг турли ҳудудларида бу каби кабристон ва масжид (намозгоҳ)лар ёнма-ён жойлашган (Кочнев Б. Д., 1976. 12–13-б.). «Бобурнома»да Қорадарё Иламиш дарёси деб аталади (Жалилов С., 1993. 65-б.).

⁴ Маҳаллий аҳоли сўзларига кўра, Жомеъ атамаси хужра ва мадрасаси мавжуд бўлган масжидларга берилган (Писарчик А. К., 1956. 167-б.).

бутун ҳолатдаги сомонийлар даврига (IX–X асрлар)¹ оид идишлар далолат беради (66-расм). Калининги 2 метрдан иборат маданий қатламлар ва шурфдаги археологик комплекслар камида тўрт марта қайта қуриш ишлари олиб борганлигини кўрсатади. Топилган кулолчилик маҳсулотлари ва бошқа материалларга кўра илк мачит X–XI асрларда қурилган. Энг қадимий Намозгоҳ² (маҳаллий номи Намозго) Трактор ва Тўқлик кўчалари кесишган жойда ёки Дувахон масжиди ўрнида бунёд этилган. У X асрга қадар қурилган. Мазкур хулоса иккита билвосита фактга асосланади. Биринчидан, фақат 960 йилга келиб, ислом Қорахонийлар (942–1137) давлатининг расмий дини сифатида эълон қилинади. Хонликка қарашли ерларнинг пойтахти сифатида Ўзган қайд этилади (История Киргизской, 1984. 710-б.). Иккинчидан, манбаларда ёзилишича, яқин атрофдаги Ўш шаҳри фақат X асрдан эътиборан йирик жума масжидига эга бўлиб (Чоротегин Т. К., 2000, 480-б.), у «бозорлар орасида жойлашган» (Бартольд В. В., 1963. 212-б.). Кувадаги илк мусулмон қабрлари ҳам айнан шу даврга (IX аср охири – XI аср боши) тўғри келади. (Булатова В. А., 1965. 144-б.). Кейинчалик эса мўғил хони Дувахон (Тувахон) томонидан масжид қурдирилган. С. Жалилов фикрига кўра, бу Намозгоҳ (Жалилов С., 2006) масжиди бўлган, гарчи одатга кўра, Ўрта Осиёда бу каби масжидлар шаҳар ташқарисида қуриларди. Шу билан бирга айрим ҳолларда, айниқса VIII–XIII асрларда мусалла-Намозгоҳлар шаҳар ичида бунёд этиб келинган (Кочнев Б. Д., 1971; шу муаллиф, 1976. 8–33-б.). С. Жалилов хулосасига кўра, яқин-яқинларга қадар Дувахон масжиди (мадрасаси) қолдиқлари «Хунармандчилик» марказидаги темирчилар растасининг сўл томонида сақланган эди (Жалилов С., 2006). Мазкур масжид 609-70/1291–1306 йиллари оралиғида қурилган бўлиши керак. Бошқа бир Намозгоҳ масжиди (Катта мадраса) анчагина йирик – 5–6,5 га майдонни эгаллаган (Кочнев Б. Д., 1971. 17-б.; Жалилов С., 1989. 54-б.). Археологик манбаларга кўра, мазкур иншоот XIII–XVIII асрлар билан изоҳланади. XIX аср бошида, зилзила оқибатида масжид вайрон бўлган. Кейинчалик эса, XIX асрда бу жойда Фарғона водийсидаги энг йирик мадраса ва энг баланд минора қурилган, яъни Жоме] масжиди (Азимов И., 1982. 51–54-бб.).

¹ 874–999-йилларда Фарғона Сомонийлар давлати таркибида бўлган.

² Намозгоҳ – ибодат қилиш жойи, шаҳардан ташқаридаги йирик майдон (Захириддин Муҳаммад Бобур, 2008. Изоҳлар. 223-б.).

Навбатдаги Намозгоҳ «Бобурнома»да тилга олинади. Берилган таърифга кўра, у кўрғон ташқарисида жойлашган («Бобурнома», 1993. 40, 42-б.). А.К.Писарчик фикрига кўра, Бобур давридаги Жомеъ масжиди Андижоннинг шимолий қисмида бўлган, кўпчиликка маълум Бобо Таваккал¹ мазорининг шимолида ўрнашган бўлиши керак (Писарчик А.К., 1956. 164-б.). Урта асрларнинг шаҳар четидаги сиғиниш-топинишга оид ёдгорликларини² таҳқиқ қилган Б.Д. Кочнев эса ушбу хулосани янглиш ҳисоблайди. Бобур томонидан тилга олинган «Андижоннинг XV аср Намозгоҳи, шундан, шаҳар деворларининг ташқарисида жойлашган, шаҳардан шарқ ёки жануби шарқ томонда, негаки чорбоғдан қайтаётиб [(маҳаллий аҳоли чорбоғини Андижоннинг жанубида жойлашганлигини таъкидлайди (собик Хазкан қишлоғи ҳудуди – муаллифлар изоҳи)], Бобур шаҳар дарвозасига етмай, Андижондан шарқда жойлашган Ўзган томонга йўл олган ва кума намози ўқиладиган жойдан ўтган. Бу тахминни қуйидаги факт ҳам тасдиқлайди, яъни, жануби ғарбдан, Қува томонидан йўл олган душман кўшинининг чопари Бобур вакили билан айнан Намозгоҳ ёнида учрашади» (Кочнев Б. Д., 1976. 36–37-б.).

А.К. Писарчик **шаҳристоннинг** жойлашувини шаҳар деворлари харобалари асосида аниқлайди. Кейинчалик олиб борилган археологик изланишлар ушбу олиманинг хулосаларини тасдиқлади (Абдулгазиева Б., 1993. 5–6-б; Матбабаев Б., Мащрабов З., 2007). Шаҳар мудофаа деворларининг айрим қисмларини археологик жиҳатдан ўрганиш мазкур деворлар XIV асрда³

¹ Бобо Таваккал билан боғлиқ исм «Бобурнома»да қайд этилган: «Кичик хон Бобо Таваккул лангари ёнидан жой олди» (Захириддин Муҳаммад Бобур, 2008. 68-б.). Лангар – мукаддас қадамжо ёки дарвеш макони («Бобурнома», 1993. 122-б. ва 284-бетдаги изоҳ). Ҳозирда Сойгузар даҳасининг «Майдон маҳалласида Бобо Таваккал Азиз деб номланувчи катта қабристон мавжуд. Ривоятларга кўра, Бобо Таваккал (гоҳи Бобо Таваккаль) Андижонда яшаган, Махдуми Аъзам авлодига мансуб бўлиб, Нақшбандия таълимотининг йирик тарғиботчиси ҳисобланган (Жалилов С., 2005. 35-б.). Бу фикрни нотўғри деб ҳисобловчилар ҳам бор, Шамсутдинов Р., Исоков Ф., 2013. 519-б.

² Кейинчалик, ушбу муаллифнинг хулосасига кўра, ақсарият мусалла (намозгоҳ)лар шаҳар ичида жойлашган (Кочнев Б. Д., 1998. 76-б.).

³ Шаҳристон ҳудудида IX–XI асрларга оид артефактлар бир неча бор қайд этилган. (Жуков В. Д., 1951. 74-б.). 2008 йилда «Арк ичи» маҳалла аҳолиси томонидан икки дона кулполчилик буюми топиб олинган. Уларнинг бири – кулранг лойдан ясалган кўза бўлиб, унга кушларнинг ноёб тасвири туширилган. Аҳоли сўзларига кўра, кўза Трактор кўчасидаги уйларнинг биридан топилган. Мазкур топилмаларни бизга Санъат музейининг директори Т. Қўлдошев тухфа қилди. Кўзалар IX–X асрларга тааллуқли бўлганлиги сабабли деворлар бундан-да аввалги даврда қурилган, деб тахмин қилишимиз мумкин.

курулганлигини ва кейинчалик бир неча бор таъмирланганлигини билдирди. Шу билан бирга, мутахассислар Шахристон деворлари кўрсатилган даврдан илгарироқ бунёд этилганлигини ҳам инкор этмайдилар. Хамидуллох Казвинининг маълумотларига таяниб, С. Жалилов мўғуллар истилоси даврида вайрон этилган Андижон арки ва шахристонининг мудофаа деворлари XIV асрда қайта тикланганлигини эътироф этади (Жалилов С., 1993. 69, 76, 79-б.). Шахристоннинг ғарбдан шарқ томон ўтган шимолий девори Т. Келдиев кўчасидан Қорабура маҳаллисигача давом этиб, жанубга бурилган. Шарқий девор эса Чўлпон шоҳкўчаси бўйлаб (Пойабзал фабрикасидан А. Навоий номли боғга қадар) оқ мачит худудида жанубий девор билан туташади. Жанубий девор шарқдан ғарбга томон бўй чўзиб. Ташкилот ва Қизил Шарқ кўчаларининг кесишмасига бориб етади ва у ерда ғарбий девор билан туташган ҳолда аркнинг жанубий қисмини қамраб олади (10; 82 ва 83-расмлар). Ғарбий девор Умарбек гузари (Олтинкўл кўчаси)ни кесиб ўтиб, дарвоза олди маҳалласида шимолий девор билан туташади, яъни, ҳозирги шаҳарнинг юқорида номлари тилга олинган кўчалари сарҳадлари бўйлаб жойлашган шахристон 100 га майдонни эгаллаган (10-; 83-расмлар). А.К. Писарчик шахристоннинг харитасини сақлаиб қолган девор қисмларини тадқиқ этиш ва аҳоли орасида сўров ўтказиш орқали тиклайди. Кейинчалик олиб борилган тадқиқотлар мудофаа деворларининг айрим қисмларига ойдинлик киритиб, шахристоннинг мудофаа иншоотлари хусусиятларини аниқлашга ёрдам берди. Деворнинг ташки томонидан ҳандак қазилган, унинг четидан эса шағал тўшамали йўл очилган. «Қалъанинг теварак-атрофи – ҳандак. Унинг ташқариси – тош тўкилган катта кўчадир. Қалъанинг атроф-айланаси тамоман маҳаллалар билан қуршалган. Бу маҳаллалар билан қалъа оралиги ҳандак ёқасидаги катта кўчадир» (Захириддин Муҳаммад Бобур., 2008. 29-б.) Айрим ариқлар шаҳарнинг сувга бўлган эҳтиёжини кондирибгина қолмай, айрим мудофаа вазифаларини ўтаган. Масалан, Далварзин ариқ шимолий девор остидан оқиб ўтган, Хакан ариқ маълум маънода шаҳарнинг жанубий қисмини мудофаа қилган (Жалилов С., 2005). Тадқиқотчилар хулосаларига кўра, Хакан ариқ шаҳардан тахминан 2 км нарида оқиб ўтган (Абдулгазиева Б., 1994. 156-б.), у чуқур ва тезоқар бўлган. «Хакан ариғининг суви мўл, туби чуқур. Уни тўғри келган жойдан кечиб ўтишнинг имкони йўқ, шундай бўлса-да, Яратганнинг ёрдами билан тўппа-тўғри ариқнинг кечув жойига чиқиб олдик» («Бобурнома», 1993. 122-б; Бартольд В. В., 1965. 213-б.). Бундан кўриниб турибдики, Андижон мудофаасида чуқур ўйланган ва турли (мудофаа) тизимларидан фойдаланилган.

Андижон рабоди, хусусан унинг майдони ва мудофаа деворлари тўғрисида ҳозирча бирон-бир маълумотга эга эмасмиз. Албатта, таркибий қихатдан шаҳар ўз ичига рабодни ҳам олади. Бугунги кунга келиб, рабод сақланиб қолмаган бўлса-да, унинг майдонини аниқлаш имконияти мавжуд. А.К. Писарчик сўзларига кўра, энли тупроқ уюмлари кўринишидаги шаҳар деворлари (афтидан, рабод)нинг колдиклари Бобосаъддин ва Шиғоусун-ота қабристонларининг четида кузатилади. Мазкур деворнинг жойлашувини аниқлаш мушкул эмас, негаки, ушбу деворга яқин жойлашган ҳудудлар ҳозирга қадар «кўрғон таги» деб аталади (Писарчик А. К. 1956. 159-б.). С. Жалилов хулосасига кўра, XVI–XVII асрларда шаҳар ҳудуди шарққа томон тахминан 500 метрга кенгайтирилган ва янги девор барпо этилган (Жалилов С., 1989. 54-б.). А.К. Писарчик томонидан юқорида келтирилган таъриф шу деворга тааллуқли бўлганлигини тахмин қилиш мумкин. Археологик изланишлар давомида (2008 й.) биз эски шаҳар ҳудудидаги Бобосаъддин (Бувасадин¹) қабристонини кўздан кечирдик. Дарҳақиқат, бош дарвозадан кираверишда ўнг томонда узунлиги 20–30 метрли девор колдиклари (?) кузатилади. Қабрлар оралиғидаги ернинг чекланганлиги ва атроф майдоннинг қаттиқ нураши сабабли қазिशма ишлари олиб боришнинг имконияти бўлмади. Маҳаллий аҳоли сўзларига кўра, қабристонда баъзан кулолчилик маҳсулотларининг парчалари, пишиқ ғишт, пахса бўлаклари учрайди. Қабристонни кўздан кечириш мобайнида гардиши қайрилган, ранг ва ангоб берилмаган (80, 12?-расм) кўза парчасини қўлга киритдик. Кўза XIV–XV асрларга қадар ишланган, деб тахмин қилишимиз мумкин. Буни шу ерда қабр қазिश жараёнида очилган, Ўрта Осиёнинг XV асрга оид энг йирик тангалар хазинаси ҳам тасдиқлайди. Сопол идиш ичидан уч мингдан зиёд танга топилган, уларнинг 2933 донаси вилоят ўлкашунослик музейида сақланмоқда. Тангалар аксарияти 832/1428–29 йили зарб этилган ва асосан Бухоро зарбхонасига тааллуқлидир. Мазкур тангалар устига бошқа шаҳарлар зарбхоналари (надчекан) туширилган. Булар Қарши, Ҳисор, Шохрухия, Термиз, Хуттал қабилардир. Хазина ичида Андигон, Самарканд, Қарши, Термиз, Шохрухия зарбхоналари тангалари ҳам учрайди. Хазина бирон савдо қарвонига тегишли бўлиши керак. Чунки Андижон шу даврда Темур ва Темурийлар Фарғона ҳокимлиги маркази эди ва йирик хунармандчилик

¹ *Бобо Саъддин* (Бобо Саъдиддин) – тарихий шахс. У сўфийлик таълимотининг йирик намояндаси Садди Қошғарий номи билан боғлиқ, гарчи Садди Қошғарий Хиротда яшаган бўлса ҳам (Жалилов С., 2005. 36-б.).

савдо маркази эди (Абдулгазиева Б., 2002. 12–13-б.). Чордонада Б. Абдулгазиева томонидан XIV–XV асрларга оид 7 хонадан иборат бино қолдиқлари очилган. Унинг асосига тўртбурчак пишиқ ғишт ётқизилган (Абдулгазиева Б., 1989. 15-б.).

Андижон дарвозалари хақида. Юкорида қайд этганимиздек, «Бобурнома»да урта дарвоза тилга олинади, аммо биргинасининг номи келтирилади, яъни, **Хакан дарвозаси**. Сиёсий ходисаларни тасвирлаш баробарида яна бир дарвоза – **Мирза дарвозанинг**¹ ҳам номи тилга олинади. Хакан² дарвозаси шаҳарнинг жанубий қисмида, «Айш» ёки «Пуштайи Айш» тепалиги ва «Работ-и Рузек»³ қишлоғи ёнида жойлашган («Бобурнома», 1993. 121-б.). Таъкидлаш лозимки, Хакан дарвозаси «Тарихи Қашғар» манбасида (XVI–XVII асрлар) тилга олинади. Унда қуйидаги мисраларни ўқишимиз мумкин: «Чалба лақабли Мирза Шаҳид Чурас Оқсув ҳукмдори бўлган. Хакан дарвозаси ёнидаги Кул-Тева (мавзеси) ни эгаллаб олгач, у (ўша ерда) хон чодирини тикди. Шохбозбек Қашғарда ҳам ҳукмдор бўлган, Йўлбарсхон (эса) амирларнинг амири эди. Улар шиддатли ҳужум билан шаҳар дарвозаларини забт этиб, Андижон қалъасини таладилар» (МИКК., 1973. 221-б.). Бизнинг тахминимизга кўра, мазкур дарвозалар жанубий деворнинг ўрта қисмида жойлашган. Шимолий қисмида эса афтидан, Аҳси томонга юзланган дарвоза бўлган. Бу дарвоза «**Мирза дарвоза**» бўлиши мумкин. Тадқиқотчилар фикрига кўра, бу дарвоза Бобурнинг отаси Умаршайх Мирзо⁴ шарафига қўйилган. Ҳозирга қадар мазкур жой аҳоли ўртасида «Дарвоза оғзи» деб юритилади. У Эски Чувама ва Т. Келдиев кўчаларининг бурчагида темурийлар давридаги қалъа шимолий деворининг шимоли-ғарбида жойлашган (Жалилов С., 1989. 53-б.; Жалилов С., 1993. 66–67-б.; Абдулгазиева Б., 1994, 155–156-б.). **Учинчи дарвоза** хусусида

¹ Мирза дарвозаси яна бир манбада ҳам қайд этилган (Аъзамова Г., 2007. 97-б.).

² «Хакан» атамаси «Бобурнома»да тилга олинади (Хакан ариқ, Хакан дарвозаси). Қайд этиш жоизки, мазкур атама ундан ҳам олдин учрайди ва IX асрда Бағдодда яшаган Фарғона ҳукмдорларининг авлодидан бўлган Хакан исмли шахс билан боғлиқ. Ушбу шахс Миср ва Суриядаги Аббосий халифалар ва Ихшидийлар ҳузурдаги мартабали амалдорлар, йирик ҳарбий қўмондонлар ҳамда вазирлар сифатида фаолият олиб борган Хаканлар сулоласининг асосчиси ҳисобланади (бошқа фарғоналиклар хусусида тўлароқ маълумот: Шамсиддин Камолiddин, 2008. 18–19-бетлар).

³ Ҳозирда Хакан қишлоғида Работ маҳалласи мавжуд (Жалилов С., 1993. 55-б.).

⁴ «...Андижонга келгач, Умаршайх шаҳарга шу, шимолий дарвоза орқали кириб келган» (Азимжонова С. А., 1957. 33-б.).

қўлади деган бўлса, унинг жойлашуви ҳозирга қадар номаълум бўлиб келмоқда. Тахминларга кўра, мазкур дарвоза шаҳарнинг ғарбий қисмида, ўрта асрларда бу ҳудуд ботқоқликдан иборат бўлиб, яшаш учун қайташтирилмаган бўлса-да, айнан шу ерда ҳозирги Ок равоат маҳалласи қўйлашган. Айтиш жоизки, ўрта аср даврида, бизга номаълум чорбоғларга кўра шаҳар шарққа томон силжиган. Шу боис Андижоннинг қадимчи дарвозаси шахристоннинг **шарқида** жойлашганлигини ҳам инкор қилиб бўлмайди (Жалилов С., 1993. 67-б.). Бизнинг назаримизда, келтирилган тахмин тахмин ҳақиқатга яқин. Гап шундаки, Шарқий Туркистондан Андижон томон йўл олган савдо қарвонлари шаҳарнинг шарқий дарвозасидан ўтган. Мазкур йўл анчагина қиска ва қулай бўлган. Хулоса қилиб айтганда, ўрта асрларда Андижоннинг учта дарвозаси мавжуд бўлиб, шаҳарнинг шимолий, жанубий ва шарқий қисмида жойлашган. Бу фаразга манбаларга ҳам тўғри келади. Қўшни Ўшда ҳам учта дарвоза фаолият қўйсаган: 1) Тоғли дарвоза, 2) Дарё дарвозаси, 3) Муғқада дарвозаси (яъни, оташпарастрлар ибодатхонасининг дарвозаси). Шаҳар дарвозаси кетехкомланган эди. «Шаҳар атрофида йирик робот бўлган...» (Бартольд В. В., 1963. 212-б.; Бетгер Е. К., 1957. 26-б.). Ўзганда тўртта (Бартольд В. В., 1963. 213-б.), Қувада эса – учта дарвоза мавжуд бўлган (Жуков В. Д., 1957. 55-б.).

Чорбоғлар. Ўрта Осиё шаҳарларининг тарихида чуқур тарихий илдишларга эга бўлган боғ яратиш санъати алоҳида ўрин тутди. Мавжуд маълумотларга кўра, боғ хўжаликлари IX–X асрлардан буён маълум (Юсупова М. А., 2000, 247-б.).¹ Уларнинг орасида «чорбоғ» – «тўрт бўлакдан иборат боғ» ажралиб туради. Ўрта аср жамиятининг муҳим унсурларидан бири бўлган чорбоғлар муҳим сиёсий-маъмурий вазифаларни бажарган. Улар қадимки, XIV–XV асрларда кенг тарқалган. Темурийлар давридаги намунали «чорбоғ» XVI асрда Хиротда ёзилган «Иршад-аз-Зиръа» асарининг «Кўчатлар, гуллар, дарахтлар, хушбўй майсалар экиш. Чорбоғ барпо этиш ва уни изчил парваришлаш боби»да тасвирланган. Г.А. Пугаченкова томонидан чорбоғ харитасининг реставрация чизмаси ишлаб чиқилган (103-расм) ҳамда унинг хусусиятли жиҳатларига таъриф берилган: «Тавсия этилаётган чорбоғ меъморий жиҳатдан пухта ташкил этилган тўртбурчакли, девор

¹ Чорбоғ – том маънода «тўртта боғ», яъни тоқзор, мевали боғ, истироҳат боғи ва полиз (баштан); бу ўринда чорбоғ – шаҳардан ташқари боғли қаср (Захириддин Муҳаммад Бобур., 2008. 223-б.). Чорбоғлар хақида яна қаранг: Уралов А.С., Садыкова С.И., 2012.

билан ўралган дунё томонларига тўғри йўналтирилган боғ кўринишига эга. Унда кенг қилиб ишланган асосий маркази ва ирмоқлари кўзда тутилиб, бино(иморат)лар қурилган, асосий қисмлар «чор-чаманларга» (яъни, тўртта тўртбурчак шаклидаги майсазор) бўлинган, тўғри териб экилган терак қаторлари девор сифатида ўралган, турли манзарали ва мевали дарахт ва гуллар батартиб экилган ҳудуд» (Пугаченкова Г.А., 1951. 152-б.). Темурийлар, Бобурийлар давридаги ҳамда кейинги XVI–XVIII асрларда мавжуд бўлган чорбоғ ва боғлар тўғрисида маълумотлар кўп эмас (Пугаченкова Г.А., 1951; Алимов У., 1984; Тохтаходжаева М.С., 1989; Юсупова М.А., 2000). Бу каби богнинг ягона тасвирини «Бобурнома»даги миниатюрада учратамиз. Бу – Адинапурдаги Боғи Вафо боғи (Заҳириддин Муҳаммад Бобур; 2008. Иллюстрация; Пугаченкова Г.А., 1951. 157-б.). Бобурнинг Кобулдаги чорбоғи тўғрисида айрим (билвосита) маълумотлар мавжуд. У ҳам бошқа боғлар каби темурийлар давридаги намунали чорбоғ асосида бунёд этилган¹ (Пугаченкова Г.А., 1951. 149–155-б.; Тохтаходжаева М.С., 1989. 171-б.). Андижон чорбоғлари тўғрисидаги айрим маълумотлар С. Жалилов ва Б. Абдулгазиева асарларида ҳам учрайди. Хусусан, Б.Абдулгазиева Темурийлар давридаги бир неча чорбоғни таърифлайди. Илк чорбоғ Амир Темурнинг ўғли Умаршайх томонидан ташкил этилган Пушти боғ бўлиб, у XIV асрда бунёд этилган (Абдулгазиева Б., 1994). Фарғона водийсидаги ўрта асрлар чорбоғлари археологик жиҳатдан тадқиқ этилмаган. Айрим муаллифлар томонидан келтирилган маълумотлар эса фараз ва тахминларга асосланган. «Бобурнома»да учта чорбоғ тилга олинади: **Қўштегирмон, Ҳафизбек ва Чилдухтарон**. Биринчи чорбоғ хусусида куйидагиларни ўқишимиз мумкин: «Хоннинг катта ўғли курук² олдида, менинг бувим Эсон Давлат Бегимнинг Қўштегирмон деб номланувчи боғда тўхтади» («Бобурнома», 1993. 122-б.) С. Жалилов тахминларига кўра мазкур боғ Андижоннинг шимолий қисмида жойлашган. Б. Абдулгазиева фикрича, бу шаҳарнинг шимоли-шарқий қисмида, Тўққизарик маҳалласининг ғарбидаги ҳозирги Қўштегирмон маҳалласига тўғри келади (Абдулгазиева Б., 1994. 155-б.). С. Жалиловнинг таъкидлашича,

¹ Фарғона водийсидаги чорбоғ қурилишида темурийлар анъаналаридан фойдаланилган бўлиши керак.

² Курук (куруг), қўриқхона – 1. Ўзгалар учун тақиқланган, хон ва унинг оила аъзолари учун мўлжалланган жой («Бобурнома», 1993. 380-б.). 2. Хонларнинг ёзги қўнимгоҳи учун жой банд этиш (Заҳириддин Муҳаммад Бобур., 2008. 224-б.).

Бобур чорбоғ шаҳарнинг шимоли-ғарбий қисмида, Қўшарик маҳалласининг ўртасида жойлашган. Бошқача қилиб айтганда, Бобур ва унинг буvisи ўртасида бўлиб ўтган суҳбат тасвирланган миниатюрадаги чорбоғнинг жойлашуvi хозирга қадар археологик жиҳатдан аниқланмаган. Чорбоғ ўртасида ҳеч қандай моддий ашёлар ёки бошқа маълумотлар мавжуд эмас. С. Жалиловнинг таъкидлаши бўйича, ўтган асрнинг 70-йилларида у Қўшарик маҳалласидаги ўзлаштирилмаган жойдан меъморчилик ва кулолчилик буюмлари қолдиқларини топган, аммо улар қайд этилмаган ва ҳозиргача аниқланиб қолмаган.

Иккинчи чорбоғ – **Ҳафизбек боғи**. Бобур отасининг амирларидан бири бўлган Ҳафиз Муҳаммадбек Дулдай эшик оғаси¹ лавозимини эгаллаб, Андижонни бошқарган. «Бобурнома»да келтирилган маълумотларга кўра, мазкур чорбоғ Андижондан Ўшга томон жануби-шарқда жойлашганлиги маълум, «Бобурнома»да мазкур чорбоғ ҳақида қуйидагича ёзилади: «Худодан умид қилиб, мен муҳаррам ойининг 18-санасида Ҳафизбек боғига отландим. Ушбу боғда бир неча кун тўхтаб ва қолган қўлаҳ ва захираларни ғамлашни яқунлаб, ўнг қанот, сўл қанот, марказ, авангард, сипоҳи ва отлик аскарларни белгиланган тартибда жойлаштириб, Ўшга томон, душман истиқболига чорландик» («Бобурнома», 1993. 88-б.). Ҳафизбек боғига оид бундан бошқа маълумотларга эга эмасмиз. «Бобурнома»да тасвирланган ходисалардан келиб чиқувчи юқоридаги фактларни инобатга олиб, Б. Абдулгазиева фикрига кўшилган ҳолда, Ҳафизбек боғини Андижоннинг жануби-шарқида жойлашганлигини биз ҳам эътироф этамиз («Бобурнома», 1993. 88-б.).

«Бобурнома»да яна бир чорбоғ – **Чил-духтарон** тилга олинади (Азимджанова С. А., 1957. 27-б.). «...биз Ўшдан йўлга чиқиб, ярим тунда Андижондан бериқоқда жойлашган Чил-Духтарон қаршисидаги қўнимгоҳга (Бурўҳга) келдик» («Бобурнома», 1993. 120-б.). Афтидан, у Ўш ва Андижон ўртасида шу номдаги тоғлар ва қалъа ҳудудида жойлашган (Абдуллаев М.Г., 2004. 196-б.). Таъкидлашимиз жоизки, чорбоғларнинг жойлашувини аниқлаш жуда мураккаб масала. Бу археологик қазилмалар, ҳеч бўлмаганда археологик қидирув йўли билан амалга оширилади. Чорбоғларнинг моддий қолдиқларини тенглаштириш (идентификациялаш) мураккаб иш, негаки, тарихий ҳудудда шунингдек, рабод ташқарисидаги майдонларда олиб

¹ Эшик оға – (қаср) дарвозаларнинг ҳукмдори, камергер; Темурийлар саройидаги энг юқори мансаблардан бири (Захириддин Муҳаммад Бобур., 2008. 223-б.).

борилган хўжалик ишлари натижасида Темурийлар ва Бобурийлар даврига оид меъморий безаклар ва бошқа далилий ашёлар (артефактлар) кўплаб қайд этилади. Бунга Чордона ва Сарвонтепанинг юқори катламларидан топилган маҳобатли бино қолдиқлари мисол бўла олади. Хусусан, бу ерда пишик ғиштан бунёд этилган маҳобатли бинолар аниқланган. Улар Андижондаги чорбоғларда тикланган иморатларга тааллуқли бўлиши эҳтимолга яқин. З. М. Бобур шаҳарнинг жанубий қисмида яна бир канча боғларни тилга олади¹. Аммо уларнинг тавсифи ва номлари «Бобурнома»да келтирилмаган (Абдулгазиева Б., 1994. 156-б.).

Юқорида баён этилганлардан хулоса қиладиган бўлсак, бир ерда – Андижонсой бўйида шаклланиб, ривож топган Андижон, 2,5 минг йиллик тараккиёт йўлини босиб ўтди. Дастлаб деҳкон ва ҳунармандлар истиқомат қилган жой кўринишидаги ҳудуд, кейинчалик шаҳар шаклланиши учун муҳим асос вазифасини ўтаган. Эрамиздан аввалги I минг йилликнинг ўрталаридан IX аср бошига қадар шаҳар бир жойда – Сарвонтепа ва унга яқин ҳудудда юзага келган. Шундан сўнг у ҳозирги эски шаҳарнинг шарқий қисмига кўчган ва айнан шу ерда ўрта асрларнинг Андукон-Андугон ёки Андигон-Андикон шаҳри шаклланган.

¹ Шаҳарнинг мазкур қисмида ҳозирга қадар ёши бир неча асрларга тенг дарахтлар сақланиб қолган. Биз 2009 йилда шаҳарнинг жанубий четидаги Шўрбулоқ даҳасида (Муҳиддинов кўчаси проф. Р.Шамсутдинов хонадони) диаметри 2 метр ва ундан катта чинорларни қайд этдик.

V БОБ

АНДИЖОН ШАҲРИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИ

Аввалги археологик изланишлар ва янги тадқиқотлар натижасида олинган материалларга асосланиб, Андижон шаҳрининг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихини куйидаги даврларга ажратиш мумкин.

I давр. Эйлтон маданияти археологик комплексларининг илк даврига оид материаллари Сарвонтепанинг куйи катламларидан олинди. Қалинлиги бир метрдан зиёд бўлган мазкур катлам ҳозирги сатҳдан 4 метр чуқурликда очилди. Уни биз Сарвонтепа комплекси деб номладик ва икки босқичга – Эйлатон I ва II га ажратдик. Илк босқич асосан ёпма қўлда тайёрланган, баъзан нақшли, камдан-кам ҳолларда эса кулол чархида тайёрланган буюмлар билан ифодаланади. Янги комплекс эрамиздан аввалги VI–V асрлар билан белгиланади. Иккинчи босқичда (Эйлатон II) ёпма қўлда тайёрланган сопол буюмлари сақланиб қолган ҳолда бўёқ билан гул солинган сопол идишлар учрамайди, айтилиши вақтда кулол чархида тайёрланган идишларнинг сони ортади. Ушбу топилмалар эрамиздан аввалги IV–III асрларга тааллуқли. Маданий қатламларни археологик кузатувларга кўра, Сарвонтепа комплекси 15–20 гектар жойни эгаллайди. Бу каби қадимги маданий қатламлар водийдаги ҳеч бир тарихий шаҳарнинг остида ҳозирга қадар қайд этилмаган. Андижонда эрамиздан аввалги VI–III асрларга оид археологик комплекснинг топилиши шаҳарни ўрганишда учта муҳим хулоса қилиш учун имкон беради:

Биринчидан, Сарвонтепа ёдгорлиги ҳудудида бундан 2600–2300 йил аввал деҳқонлар ва хунармандлар маконига асос солинган ва у 15–20 га майдонни эгаллаган шаҳарнинг қадимий ўзагини ташкил этган. Сўзсиз, Андижонсой қирғоғида шаҳар марказининг вужудга келишида Сарвонтепа асосий вазифани ўтади ҳамда нафақат Андижон, балки водий тарихи учун муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчидан, мазкур ёдгорликни аниқлаш орқали шаҳарни сув билан таъминлаш масаласига ҳам ойдинлик киритилади (Машрабов З.З., 2009).

Олинган янги археологик материаллар Андижонсой сунъий суғориш иншооти сифатида эрамиздан аввалги I минг йиллик ўрталаридаёқ мавжуд бўлганлигини таъкидлаш учун асос беради.

Учинчидан, шаҳарнинг қадимий катламларини унинг шарқий қисмидан кидириш зарур дея сўнги вақтларга қадар таъкидлаб келинган нуқтаи назарга сезиларли тузатиш киритиш мумкин. Зеро, шаҳарнинг илк давридан хабар берувчи янги маълумотлар шаҳарнинг шимоли-ғарбий қисмида қайд этилди. Сарвонтепада икки бочкичда ривожланган янги мазкур комплекснинг очилиши Эйлтон шаҳар харобаси илк темир асрининг деҳқончилик маданиятидан дарак берувчи ягона ёдгорлиги эмаслиги тўғрисидаги нуқтаи назарни яна бир бор тасдиқлайди ҳамда Чуст маданияти соҳибларининг давом этиб келган қадимий анъаналари тўғрисидаги бизнинг тасаввурларимизни бойитади.

Андижон шаҳри қадимий ўзагининг Сарвонтепага боғланиши маълум асосга таянади. Қорадарё ўзанидаги суғорма деҳқончилик учун қулай шароитлар илк шаҳарлар водийнинг айнан шарқий қисмида вужудга келишида асосий омил бўлиб хизмат қилган.

Суғорма деҳқончиликни пайдо бўлиш билан боғлиқ ўта муҳим жараён сув иншоотлари ва сунъий каналларни қурилишидир. Булар йирик фарғонашунос ирригатор Б.А. Латинин фикрича қадимги суғорма деҳқончиликнинг учта босқичини босиб ўтади: **1-босқич энг оддий лиман** усулида суғоришни пайдо бўлиши ва ривожланиши. Бунда мавсумий сув тошишидан табиий суғориладиган ерларда деҳқончилик қилинган. **2-босқич:** табиий суғориладиган ерларда ҳосил олиш мобайнида деҳқонларда уларни тартибга солиш кўникмалари асосида дастлабки ирригация иншоотларини бунёд этилиши. Натижада ирригация тизимидан фойдаланиб сунъий суғоришга ўтилади ва дастлабки магистрал каналлар пайдо бўлади. **3-босқич:** расман энди каналлардан ариқ қовлаб сув чиқариш бошланади. Биз ўрганаётган Фарғона водийсида «панжаотган» (веерная система, яъни «елпиғичсимон») суғориш тизими кенг йўлга қўйилади (Латынин, 1962. С.26–28). Сўнги археологик қузатувларга кўра Фарғона деҳқончилик маданиятининг илк босқичларида одамлар мил. авв. XII асрдан бошлаб деҳқончилик асосан булоқ бўйларидаги, дарё соҳилларидаги пастқам, суғорилиши осон ерларда деҳқончилик қилишга ўтишган. Деҳқончилик ерни ҳайдаб, шудгорлаб қилинган. Буни тасдиқ этувчи билвосита археологик фактлар мавжуд. Бунга бошоқли (буғдой, арпа ва тарик) ва дукакли

Ҳаётини (нўхат) ҳайдама ерга экиб ҳосил олиниши мумкин бўлгани ва
 ҳайдаш манзарасини шу давр тошга солинган суратларида акс этгани
 ҳақиқат бўлади (булар Саймалитош (Фарғона тоғ тизими) ва Янгиариксой
 (Сўх яқинида) (Заднепровский Ю.А., 1962. С. 75, Ташбаева К.И., 1999;
 Луканазаров М., 1989; Матбабаев Б.Х., 2004А). Дехқончиликда, юқорида
 қўрилган, каир ва лиман (бунда дарё ва сойларнинг пастликка тушиб
 қолган) кўллаб ётган ерлардан фойдаланилган (Жалилов, 1977. С. 21) усулида
 сунъий суғориш амалга оширилган. Сўнгги бронза даврига оид ирригация
 иншоотлари бу давр ёдгорликларида яқинида ҳозиргача қайд этилгани йўқ.
 Факат Ю.А. Заднепровский, О.А. Рижковларнинг геолого-стратиграфик
 таътирларига асосан билдирган фикри мавжуд¹. Унга кўра сунъий каналлар
 1-миң йилда мил. авв. II миңг йиллик охири I миңг йиллик бошларида пайдо
 бўлган (Заднепровский Ю.А., 1962. С. 74–75). Лекин Ю.А. Заднепровский
 сўнгги йиллардаги ишларида Фарғонадаги сунъий каналлар бўлмиш
 Ўзган-Ариқ (узунлиги 37 км), Андижонсой (37 км), Шаҳрихонсойлар
 (100 км) мил. авв. I миңг йил ўрталарида барпо этилган деган хулосага
 келган (Заднепровский Ю.А., 1991. С.192–195). Бу хулосалар археологик
 ёдгорликлар ва улардаги қатламларга асосланган (Б.Абдулғозиеваннинг
 ушбу каналлар бўйида аниқлаган Султонобод шаҳар харобасидаги янги
 топилмаларига таянган ҳолда). Яна шарқий Фарғонадан бир гуруҳ каналлар
 аниқланган бўлиб, улар ҳам археологик далилларга асосан, мил. авв. I миңг
 йиллик ўрталарига тўғри келади. Булар Мирза-арик (узунлиги 15 км,
 кенлиги 6 м, чуқурлиги 3 м), Кумарик ва б. Мутахассислар фикрича,
 бу ирригация бўйидаги ёдгорликлар тизими уларни айнан шу каналлар
 ҳақиқатида бунёд этилганлини кўрсатмоқда. Қорадарё шаҳар харобасига сув
 факат Ўзган-арикдан олиниши мумкин. Шу воҳалардаги каналлардан
 аниқланган майда каналлар (ариклар) излари ҳам археологик қайд этилган.
 Булар Каман-арик, Атамакул-арик, Жон-арик, Хўжа-арик ва б. (Береналиев,
 1975). Ҳақиқатдан ҳам келтириб ўтилган каналлар кенлиги ва узунлигини
 ҳисобга олсак, уларни фақат бирор сиёсий уюшмага бирлашган одамлар
 жамоаси томонидан қўллаб фойдаланиши мумкин эди. Бундай сунъий
 суғориш иншоотларини, яъни магистрал каналларни пайдо бўлиши
 ирригациядаги олдинга силжиш ва жамият тараққиётининг муҳим белгиси
 эди. Булар Фарғона суғорма деҳқончилик тарихи учун муҳим аҳамиятга

¹ Шунга ўхшаш фикрни М.П. Грязнов Қирғизистон тарихида (1968) ҳам билдирган.

эга. Водийдаги сунъий каналларни мил. авв. I минг йиллик ўрталаридан пайдо бўлишини Андижон шаҳридаги археологик қазишмаларда аниқланган энг сўнгги топилмалар ҳам тасдиқлади. Ушбу шаҳар маданиятини келиб чиқишида роль ўйнаган археологик комплексларга тўхталадиган бўлсак бунга аниқ ва бир хил жавоб бериш мушкул. Сабаби, бу тўғрида фикрлар жуда кўп ва уларни икки катта гуруҳга бирлаштириш мумкин. **Бири** Фарғона қадимги деҳқончилик маданияти маҳаллий-азалий асосга эга, улар маълум босқичда жанубдаги илғор деҳқонлар таъсирида ривожланган деб қарайдилар. **Иккинчиси** водий чорвадор аҳолиси аста-секин деҳқончиликка ўтган деган фикр билдирадилар (Горбунова Н.Г., 1984. С.99). Бироқ кейинги текширишлар ва янги топилмалар водийда қадимдан деҳқончилик маданияти бирламчи бўлганини кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам умрларининг охирларида йирик фарғонашунослар Ю.А. Заднепровский ва Н.Г. Горбуновалар Чуст маданиятига ўхшаш жанубдаги комплекслар деҳқончилик узок ривожланган музофотларда шаклланган деган хулосага келганлар (Горбунова Н.Г., 1995). Албатта бу фикрда жон бор, буни айрим топилмалар (Хок, Афлотун, Сўх) ва Қирғизистонни Жалолобод вилоятидаги Шағим қабристонни материаллари кўрсатмоқда.

Сўнгги бронза ва илк темир асрларига оид илк шаҳарлар дарёнинг юқори ва ўрта оқими ҳудудида археологик жиҳатдан қайд этилган, эрамиздан аввалги VIII–VII асрлардан бошлаб эса воҳа давлатчилигининг унсурларини кузатиш мумкин. Булар жумласига Далварзин, Ашқалтепа, Ахшар (эрамиздан аввалги XII–VII асрлар), Эйлатон шаҳар харобалари, Сарвонтепа макони (эрамиздан аввалги VI–III асрлар) каби археологик ёдгорликлар киради. Аксарият тарихчи-археологлар эътирофига кўра, Андижон вилояти, Жалолқудук тумани, Ойим қишлоғининг шимоли-шарқий қисмида жойлашган Далварзин водийнинг энг қадимий шаҳри ҳисобланади. Бу хулоса 1980-йилларга қадар олиб борилган археологик қазишмалар яқунлари ҳамда биз томондан амалга оширилган 2003–2005 йиллардаги тадқиқотларнинг натижалари (хусусан, илк шаҳарнинг қатор аломатлари) билан тасдиқланади. Илк темир асри даврида (эрамиздан аввалги VI–III асрлар) бунёд этилган ва илк антик даврда мавжуд бўлган Эйлатон (майдони 200 га) ёдгорлиги водий шаҳарлашув жараёнининг кейинги босқичларида муҳим аҳамият касб этди. Сарвонтепа ва Эйлатон бир даврда мавжуд бўлган. Демак, Андижон ҳам Эйлатон билан бир даврда, ҳатто юқорида таъкид этганимиздек олдинроқ ҳам пайдо бўлиши мумкин.

Келтирилган барча маълумотлар Фарғона водийсида, айниқса, Қорадарёнинг юкори ва ўрта ўзанида шаҳарлашув жараёнлари жадал ривожланиб борганлигидан далолат беради. Айнан шу сабабли водийнинг шарқий қисмидаги мазкур ҳудудларда Далварзин илк шаҳри (эрамиздан аввалги IX–VII асрлар), бир оз ўтиб эса Эйлатон (эрамиздан аввалги VI–III асрлар), Қува (эрамиздан аввалги IV–III асрлар), Мингтепа (эрамиздан аввалги III–II асрлар) кўхна шаҳарлари пайдо бўлган. Демак, Андижон Фарғона водийсининг илк шаҳарлари вужудга келган ҳудудда жойлашган эди. Бу археологик маълумотлар билан ҳам тасдиғини топади. Замонавий Андижон жойлашган ҳудудда эрамиздан аввалги IX асрдан эътиборан маълум шаҳарлашув муҳити юзага келган. Бу ҳудудни биз шартли равишда «**шарқий Фарғона шаҳарлашув ҳудуди**», деб атаймиз.

II давр. Қадимий давр хронологик жихатдан эрамиздан аввалги сўнги тўртинчи асрини ва эрамизнинг дастлабки асрларини ўз ичига олади. Сарвонтепа, Чордона, Ганчтепа, Қўштепа каби ёдгорликлардан мазкур даврларга оид археологик топилмалар қайд этилган. Андижон ҳудудида ҳозирга қадар номаълум сабабларга кўра II–IV асрларга оид ашёвий маълумотлар деярли топилгани йўқ, гарчи айнан шу даврга келиб қадимги Фарғонанинг Давань давлати гуллаб-яшнаган бўлса-да. Зеро, Хитой манбаларига кўра, ушбу давлатда мудофаа деворлари билан ўралган 70 дан зиёд шаҳар ва йирик кишлоқлар мавжуд бўлган (уларнинг маълум қисмини истехкомли кишлоқ мавзелари ташкил этган бўлиши эҳтимолга яқин – муаллифлар изоҳи). Давань давлатининг пойтахти Эрши шаҳри (Андижон вилояти, Марҳамат тумани марказидаги Мингтепа харобалари) Андижондан 28–30 км жанубда жойлашган. Эрши шаҳрини Мингтепага нисбат берилиши аксарият фарғонашунос археолог ва тарихчилар томонидан эътироф этилади.

III давр. Илк ўрта асрларда (V–VIII) шаҳар атрофида йирик ер эгалари бўлган дехқонлар томонидан қасрларнинг қурилиши боис шаҳарга турк кабилаларининг янги гуруҳлари келиб жойлашади. Мазкур даврга оид ашёвий маълумотлар Сарвонтепа, Чордона ва Яккатепада қайд этилиб, ўрганилди. Кулолчилик ишлаб чиқариши маҳсулотларидан иборат бўлган илк ўрта асрларнинг моддий маданият комплекслари хронологик жихатдан икки босқичга, яъни, V–VI ва VII–VIII асрларга бўлинади. Фарғона археологиясида биринчи марта ўтиш даври комплекси (VI–VII асрлар) қайд этилди. Унинг таркибида қадим турк тамғаси туширилган кулолчилик маҳсулотларини алоҳида қайд этиш жоиз. Шундан келиб чиқиб, Андижон

аҳолисининг мазкур даврдаги таркибида туркий элат¹ вакиллари истиқомат қилганликлари, ҳудудда эса турк руник ёзуви тарқалганлигини ҳам айтиб ўтиш зарур. Демак, тарихий саҳнада Андижон заминидида кўхна турклар роли сезиларли бўлган деб хулоса қилишимиз мумкин. Афтидан, Фарғона водийси ҳам уларнинг таъсир доирасида қолган. Шунини ҳам қайд этиш жоизки, мазкур даврда Андижонга Кетмонтепа, Норин, Олабуқа ва бошқа ҳудудлардан кўплаб туркий қабилалар кўчиб келган эдилар (Жалилов С., 1989. 15-б). Давр охирига келиб, Қутайба ибн Муслим (94/712–13 йй.) Фарғона водийсига юриш бошлайди. Халифа Сулаймонга (715–717 йй.) қарши уюштирилган ҳамда тарихда «Қутайба кўзғолони» номи билан юритилувчи ходисалар натижасида Фарғонадаги араб ноибни 715 йилнинг август ёки сентябрь ойида ҳалок бўлади (Лившиц В.А., 1962. 90-б.; Хуршут Э., 1988. 22-б.). Айрим маълумотларга кўра Қутайба ибн Муслимнинг қабри (Бартольд В.В., 1965. 529–30-б.) Андижоннинг жануби-шарқидида, Жалолқудуқ туманининг «Пахтакор» фермер бирлашмаси ҳудудида жойлашган. А.К. Писарчик ёзишича, у халқ орасида «имом шайх Қутайба мазори» деб номланади. Ўйма терракота бўлагидаги битиклардан келиб чиқиб, мазор XII аср охирида бунёд этилган (Писарчик А.К., 1956. 172-б., 11–12-расмлар). Манбаларга кўра, ислом динини тарғиб этиш мақсадида араблар бир неча бор Фарғонага юриш қилганлар. Аммо водийни исломлаштириш босқичлари хусусида ягона бир тўхтамга келинмаган (Қожа М., 2009. 97–103-б.).

IV давр (IX–XV асрлар). Юқорида қайд этганимиздек, шаҳарнинг ўрта асрлар тарихини ёритувчи ёзма манбалар мавжуд. Уларда X асрдан эътиборан шаҳарнинг номи «Андукон», «Андугон», «Андигон», «Андикон» ва бошқа кўринишларда келтирилади (мазкур масала бўйича олиб борилган ишлар **III иловада** келтирилган). «Андукон» атамаси илк бор 930–933 йилларда ёзилган «(Китоб) масалик ал-мамалик ал-Истахрий» китобида учрайди. Мазкур ном Фарғонадаги Қуйи Нисья вилояти шаҳарларининг номлари қаторида келтирилади (**III илова**). IX–XII асрларга оид археологик материаллар айрим шурфлар ёрдамида ва эски шаҳар ҳудудидаги хўжалик

¹ Шу ўринда Андижон аҳлининг тили хусусидаги Бобур томонидан келтирилган маълумотларни ҳам айтиб ўтиш ўринли бўлади: «Андиджон барча аҳолиси турклардир; шаҳарда ва бозорларда туркчани билмаган бирон-бир одам йўқ. Халқ шеvasи адабий тилга монанд; Мир Алишер Навоий асарлари шу тилда (ёзилган), гарчи у Ҳиротда ўсиб, тарбия топган бўлса-да» (Бабур-наме., , 1993. 30-б; Бартольд В. В. 1963А. 262-б.).

ишлари жараёнида аниқланган. Арк ичи худудидан IX–X асрларга оид кулолчилик буюмлари топилганлигини юқорида қайд этган эдик. Тиббиёт институти қошидаги академик лицейнинг ўқув корпуси ўрнида ўтган асрнинг 50–60-йилларида олиб борилган қурилиш ишлари жараёнида очилган Қорахонийлар даври (942–1137 йй.) дан кейинроқ вақтга оид кулоллар маззаси комплексини (шиша ва кулолчилик маҳсулотлари) таъкид этиш мумкин. М. Е. Массон томонидан Жомеъ масжиди ёнида қайд этилган ва кейинчалик Алишер Навоий шоҳқўчасидаги Тиббиёт институти академик лицейи худудида биз томондан бурғаланган шурф ёрдамида аниқланган XIII–XIV асрларга оид нақшинкор ғиштларни ҳам шулар жумласига қўшиш мумкин. Арк деворлари остида очилган Қорахонийлар даврига оид қадимона қолдиқлари ҳам мазкур даврга тааллуқлидир. XIII аср бошига келиб, Андижон Мовароуннахрнинг йирик шаҳарларидан бири бўлган. У «Куббат-ул-ислом», яъни «Ислому куббаси (таянчи)» номини олган. Мўғул хонлари Хайду ва Тува (Дувахон) шаҳарни янада обод этганлар. Андижон Фарғона водийси пойтахти мақомини олади (Бартольд В.В., 1963а. 151–262-б.; 1965. 534-б.).

Мўғул истилосидан сўнг ҳам Андижон Фарғона водийсининг йирик шаҳри мақомини сақлаб қолган. Бу жараён, айниқса, Хайду ва Дувахон културонлиги даврида яққол кўзга ташланган. Дарҳақиқат, Дувахон даврида Андижонда сезиларли бунёдкорлик ишлари олиб борилган. Хандуллоҳ Қазвиний маълумотларига кўра Дувахон Андижонга Ўрта Осиё ва Хитойни бирлаштириб турувчи халқаро савдо йўлидаги муҳим стратегик шаҳар сифатида катта эътибор қаратган. Нумизматикага оид энг сўнгги маълумотларга кўра Хайду ва Дувахон тамғаси туширилган тангалар (86-расм) Андижонда зарб этилган (mongoliancoins., 2010). Дувахон даврида шаҳарда кўплаб масжид ва мадрасалар қурилган. С. Жалилов маълумотларига кўра Дувахон масжиди харобалари сўнгги вақтларга қадар сақланган эди. Шу даврда Андижонга айрим мўғул қабилалари кўчириб келинган. Чердонада тадқиқ этилган ўрта аср қабрлари айнан шуларга тегишли бўлган, дейишимиз мумкин, негаки, очилган қабрларнинг учтасидаги ҳолат бошқалардагидан тубдан ажралиб туради. Хусусан, маййитлар тобутга қўйилган бўлиб, турли ашёлар (темир ўқ-ёйлар, керамика идишлари, қумуш суви юритилган тангалар) билан бирга дафн этилган¹. А.Х. Атаҳаджаев фикрига кўра XIV аср охирида зарб этилган мазкур тангалар «Чигатой

¹ Бу ҳол ислому дини урф-одатларига тўғри келмас эди.

тангалари» гуруҳига мансуб. Бизнинг фикримизча, мазкур қабилалар шу жойда ўтроқ ҳолатда истикомат қила бошлаган, аммо ҳали эътиқоди тўла исломлашмаган кўчманчиларга тегишли. Ю. А. Заднепровскийга кўра, бу каби қабрларга кўчманчилар одати бўйича от абзалидан иборат анжомлар қўйилган ва мазкур маросим қипчоқлар билан боғлиқ. 1377 йилга келиб мўғул ҳукмронлиги якунлангач, Андижон тарихида янги босқич бошланади.

Андижон хунармандчилик ва савдо маркази бўлган. Амир Темур Андижон ва Ўзган шаҳарларини 12 та туман билан бирга ўғли Умаршайх тасарруфига беради. XIV асрнинг сўнгги чорагидан бошлаб XVIII асрга қадар Андижон ҳукмдорлар қароргоҳи ва Фарғонанинг бош шаҳри ҳисобланган (Абдулгазиева Б., 1990а. 70–71-б; Бартольд В. В., 1963а. 151-б.). Тадқиқотчилар шаҳарнинг таркибий қисми бўлган арк, шаҳристон ва рабоднинг жойлашувини аниқлашган. Шаҳристон ҳудудидаги майолика билан безатилган XIV–XV асрларга оид маҳобатли иншоот тадқиқ этилган. Кейинчалик Г. Дадабоев, Б. Абдулгазиева ва Б. Х. Матбобоев бошчилигидаги археологик гуруҳлар томонидан Андижон аркининг деворлари яна-да чуқурроқ ўрганилган. 1981–1982 йилларда аркининг жанубий деворида 40 метрли қисм очилган. Ташкилот кўчасидаги 41- ва 43-уйлар орқасида жойлашган қабристонда биз томондан амалга оширилган археологик казишмалар натижасида қалъанинг жанубий девори аниқланган. Деворнинг асосида қалинлиги 5,75 метрга, юқори қисми бўйича – 5,3 метрга тенг бўлиб, сақланиб қолган баландлиги 2,2 метрга тенг. Топилмалар асосида мазкур девор XIV асрда бунёд этилиб, XVIII асрга қадар фаолият кўрсатганлиги маълум бўлди. Бу хулоса ёзма манбалар билан ҳам исботини топади. Жумладан, ўрта аср тарихчиси Абд ар-Раззоқ Самарқандийнинг гувоҳлик беришича, Андугоннинг деворлари темурийзода Умаршайх томонидан 779 ҳижрий йилида (1377–1378 йй.) да бунёд этилган (МИКК., 1973. 153-б.). В.Д. Жуков фикрига кўра, мазкур девор Қорахонийлар даврига оид маданий қатламлар устида бунёд этилган. Бу ҳақда XIV асрларга оид археологик топилмалар далолат беради. Бобур даврига оид Андижон тўғрисидаги энг батафсил ва бебаҳо маълумот «Бобурнома»да келтирилган, негаки, унинг муаллифи шу шаҳарда туғилиб, вояга етган.

Кейинги пайтларда айрим хаваскор қаламқашларни чиқишларида (Исмоилов Ю., Рўзинов Б. 2013) Заҳириддин Мухаммад Бобур туғилган жой масаласи яна қўтарилмоқда. Таъкид жоизни бизларни Бобур номли Халқаро жамоа фонди раиси З. Машрабов билан кейинги пайтлардаги борадаги изланишларимиз кутилганданда яхши натижалар бермоқда. Бобур

Ўзи таваллуд топган шаҳар ҳақида ёзади: «Тангри таоло менга бир давлат берса, меҳмон ва мусофир бекларни, йигитларини ўз тарбиялаганларим ва андижонликлардан ортиқроқ яхшироқ кўрдим. Шунга қарамай, бу кизик бало эдики, хамиша эл мени «Ўзи ва андижонликлардан ўзгага эътибор қилмайди», деб ғийбат қиладилар. «Душман не демас, тушга не кирмас», «Шаҳар дарвозасини ёпиб бўлади, душман оғзини ёпиб бўлмайди», деган мақоллар бежиз эмасдир» (Заҳириддин Муҳаммад Бобур, 2008. 117-бет). Япониялик бобуршунос олим, профессор Эйжи Мано бу масалага янада чуқурроқ ёндашади ва унга куйидагича аниқлик киритади: «Бобурнинг туғилган жойи ҳақидаги масалага келсак, Бобур Андижонда туғилиб ўсган. **«Бобурнома»да ёзилганидек Бобурнинг зоду буди (туғилиб ўсган жойи) Андижон.** Дунё бобуршунос олимлари, жумладан, Бэке Громон, Рашид Раҳмати Арат, Азиз Қаюмов, Саидбек Ҳасан, мен ва бошқалар шак-шубҳасиз Бобурнинг туғилиб ўсган жойи Андижон эканлигини эътироф этишга ҳақлидир». (Эйжи Мано, Бобур «Вақоъев» («Бобурнома») танқидий матн, 33-бет, 17-қатор).

З.М. Бобур ғазалларининг бирида «Ғарибинга тараххум айлагилким **Андижонийдур**», деб ўзини Андижон фарзанди эканлигини намоён қилади.

XVI асрдаги яна бир манба – «Музккири Аҳбоб»да келтиришича Мирзо Иброҳим Жоний Бобур подшоҳнинг косонлик амирларидан бири бўлган. Подшоҳ Бобур андижонликларга кўпроқ эътибор қиларкан. Мирзо Иброҳим канчалик жон куйдирмасин хизматига яраша кадр-қиммат топмабди. Шунда йўналиш жоловини Ҳирот томонга бурибди ва йўлда мана бу матлаъни битиб, подшоҳга юборибди. Матлаъ:

Ёрга жон чектим, аммо ёр жони бўлмадим,

Айладим азми Ҳири чун андижоний бўлдмадим (Ҳасанхожа Нисорий, 1993. 120-с.).

Андижонда зарб этилган тангалар (85–88-расмлар) шаҳар тарихи билан боғлиқ бўлган яна бир муҳим манба ҳисобланади. Андуқонда зарб этилган энг кўҳна танга – бу 358–359 ҳижрий / 968–979 камарий йилга тўғри келади. Кейинроқ эса, XIV асрда шаҳарда Чиғатой типидagi тангалар зарб этила бошланган (Zambaur E., 1967. S 53). Шу билан бирга айрим нумизматларнинг маълумот беришларича, XIII асрнинг охирларида Фарғона шаҳарларидан фақатгина Андигон, Марғинон, Ўш ва Хўжандда кумуш тангалар зарб этилган (Давидович Е.А., 1972. 98–99 б.). Юқорида қайд этилган 2002 йилда Андижонда (Чордона) олиб борилган изланишлар давомида топилган (4 дона) кумуш тангаларни ҳам шу гуруҳга киритиш мумкин. XV асрда Андижон (Андигон) да тўлиқ қувват билан ишлаган йирик зарбхона мавжуд бўлган. Ҳозирда

нумизматлар Андижонда темурийларнинг тўрт типдаги тангаларини қайд этишади (Шпенева Л.Ю., 1991; 1997; 1997 а; шунингдек, VI иловада келтирилган).

V давр (XVI–XVIII асрлар). Темурийлар давридаги Андижон арки 1502 йилнинг июнида Шайбонийлар томонидан батамом вайрон этилган эди. Уйшун, сулдуз, дўрмон, арғин¹ ва бошқа ўзбек қабилалари шаҳар четига ўрнашадилар. XVI асрнинг йирик қомусий билим соҳиби Маҳмуд ибн Валий ёзишчи, ушбу қабилалар Андижонга яқин қишлоқларда қўним топди (Маҳмуд ибн Вали, 1977. 17–18-б.; Губаева С. С., 1991. 30–40-б.).

Мазкур даврга оид материаллар шаҳарнинг аксарият қисмидаги хўжалик ишлари давомида аниқланган. 2001–2003, 2007–2010 йилларда Олтинқўл, Тутзор, Иттифок, Сужоат, Қизил Шарк, Ўзбекистон ва бошқа кўчаларда бурғаланган шурфлар ёрдамида ашъвий далиллар орқали археологик жиҳатдан мустаҳкамланди. Комплекслардан сўнги ўрта аср сопол идиш намуналари, айрим ҳолларда Хитой ва рус усталари томонидан ишланган чинни буюмлар парчалари олинган. Тилга олинган даврда Андижон Марказий Осиёнинг йирик ижтимоий-иқтисодий ва маданий марказларидан бири ҳамда Фарғона водийсининг бош шаҳри бўлган. Ўзининг географияга оид «Олийжаноб жасорат хусусида уммон сирлари» («Море тайн» относительно доблестей благородных») асарида Маҳмуд ибн Вали Андижон тўғрисида қуйидагиларни баён қилади: «Андижон – Мовароуннаҳр шаҳарларининг бири бўлиб, Фарғона вилоятининг маркази ҳисобланади; бешинчи иқлим ва ажойиб об-ҳавога эга» (Маҳмуд ибн Вали., 1977. 17–18-б.). В.В. Бартольд таъкидлашчи, XVII асрда бош шаҳарнинг номи билан бутун вилоятни ҳам «Андижон» деб атаганлар («Фарғона» сўзи фақат китобларда келтирилган») (Бартольд В. В., 1965. 215-б.).

XVIII аср бошида ўзбекларнинг Минг қабиласи Фарғона водийсида йирик мулкка эгалик қилади, унинг асосчиси Шохрухбий бўлган (1709/10–1720/21). Эрдонабий ҳукмронлиги даврида (1751–1769) Андижон Қўқон хонлиги таркибига кирган.

VI давр (XIX–XX асрлар). Тадқиқ этилаётган даврда шаҳарнинг мудофаа деворлари фаолият кўрсатмаган. Бу хусусда Қўқонга 1813–1814 йилларда юборилган Алоҳида Сибирь корпусининг таржимони Филипп Назаровнинг эсдаликларида келтирилади: «Андиджан (Андижон) Қашғория билан чегарадош, атрофи қишлоқлар билан ўралган, турли мевалар бисёр; унинг аҳолиси ипак қурти боқиш, матоларга ишлов бериш ва

¹ Заки Валидий, 1992 й., 111-б.ни қаранг.

буғдой етиштириш билан машғулдир... Деворлар билан ўралган губернатор қасридан ташқари шаҳар бошқа ҳеч қандай истехкомларга эга эмас...» (Назаров Ф., 1968. 50-б.). Мазкур даврда барча Ўрта Осиё шаҳарлари каби Андижон таркибий жиҳатдан бир қанча ҳудудий бирликлардан иборат бўлган. Масалан, энг йирик Самарканд шаҳри тўрт қисмга (даҳа ёки қитъа) бўлинган. Ҳар бир даҳа эса 30 га яқин «гузар» деб номланувчи мавзелардан ташкил топган (Писарчик А. К., 1975.13–15-б.). Гузарлар маҳаллаларни бирлаштирувчи чорраҳаларда ўрнашган ва шаҳар тузилишида муҳим бўғин бўлган (Сайфиддин Жалилов, 2011). С. Жалилов домла рисоласида 10 гузар номи ва таърифи келтирилади. Бизни маълумотларга кўра улар сони 20 дан ортади (Матбабаев Б.Х., Машрабов З.З., 2011. С. 171. Илова V). Бир неча маҳалла бирлашиб даҳаларни ташкил этганлар. XIX аср охири – XX аср бошида Андижон ҳудуди тўртта даҳадан иборат бўлган: 1. Соё (Шимоллий қисм); 2. Уйлик – Ўйлик (ғарбий қисм); 3. Олайлик (Жанубий қисм); 4. Қирлик (Шарқий қисм). Тураржой мавзелари маҳаллаларга бўлинган. Уларнинг сони 146 та бўлган (Жалилов С., 1989. 42-б.). Ҳар бир маҳаллада¹ шунингдек юқорида айтганимиздек, гузарлар² мавжуд бўлиб, гузарларда: масжид (баъзан иккита), мадраса (мактаб), чойхона, мазор, дўконлар, унча катта бўлмаган бозор, савдо-хунармандчилик ишлаб чиқариши, ҳаммом, гоҳо карвонсарой, ҳовуз³, таҳоратхона.

Андижон шаҳрида XIX аср охири – XX аср бошларида қуйидаги даҳалар бўлган:

1. Соё даҳаси – шаҳарнинг шимолий қисмидаги 12 та маҳаллани бирлаштирган. Андижонсоё ўнг қирғок маҳаллалар, шарқда ҳозирга Каландархона, жануби-шарқда Тахта кўприк, жануби-ғарбда Девонавой масжиди, ғарбда

¹ Андижоннинг гузар ва маҳаллаларини ҳозиргача ҳеч ким махсус тадқиқ қилмаган.

² Этнограф А. К. Писарчикнинг ёзишича, Фарғона ва Тошкент ҳудудларида «маҳалла» ибораси аҳоли турар-жой мавзеини англатган. «Гузар» сўзи эса савдо расталари, бозорча мавжуд бўлган қўчаларнинг кесишган жойини билдирган (Писарчик А. К., 1975. 13-б.). Бухорода эса шаҳар кварталларга бўлинган (Сухарева О. А., 1966. 86-б.). Кўп жилдли ўзбек тили изоҳли луғатида ҳам «гузар» сўзи шундай талқин этилган (Ўзбек тилининг изоҳли луғати., 2006. 516-б.).

³ Бу каби ҳовуз А. К. Писарчик томонидан Тўқлик қўчасининг бошида (Трактор қўчаси томонидан) қайд этилган. Тўғрибурчак шаклидаги ҳовузнинг ҳар бир томони ўнлаб метрга тенг бўлган ҳолда, чуқурлиги 4–5 метрни ташкил этган (Писарчик А. К., 1956. 160-б.). Самаркандда лойқа сув йиғиб олишга мўлжалланган шу каби ҳовуз мавжуд бўлган (Абрамов М., 1989. 30-б.).

Қорабура маҳалласи билан чегараланади. «Коппон» дон бозори, «Арава бозори», «От бозори», «Буйра-бордон бозори» кабилар мазкур худудда ўрнашган эдилар.

2. Ўйлик (Уйлик) даҳаси – шаҳарнинг ғарбий қисми, уни шарк томони Девонавой маҳалласи, шимоли Қорабура, жануби ҳозирги темирчилик рас-таси (Аркка туташган), ғарби эса ҳозирги Ойшахоним маҳалласи билан чегарадош бўлиб 10 та маҳалла бирлашган.

3. Олайлик даҳаси – шаҳарнинг жанубий қисми кирган. С. Жалиловнинг хулосасига кўра унга Навоий номли маданият-истироҳат боги ўрни, шаркда Окгўр маҳалла» атрофлари, «Шахдогузар», «Мавлоно шайх Ҳусайн» маҳалласи, ғарбда «Тупрокхона» ва «Остонагузар»гача бўлган. «Кўй бозори» ва «Беда бозори» ҳам мазкур даҳа худудида жойлашган эди.

4. Қирлик даҳаси (яна бир номи «Экин-тикин») – шаҳарнинг шарқий қисми, ғарбий чегараси Қаландархона, шимоли ҳозирги «Кўчкорлик мазор» қабристони, жануби-ғарбий чегараси «Эскилик» маҳалласи, жанубий томони «Эйвойбува» маҳалласи билан чегараланган.

Даҳаларга 6 йилда бир марта амин (ёки даҳа оқсоқоли) ва тўртта қози сайланган (Сайфиддин Жалилов, 2011).

Археологик, этнографик ва топографик маълумотларга асосланиб хулоса қиладиган бўлсак, Андижонда шаҳар маданияти қуйидаги ривожланиш босқичларини босиб ўтган:

- I давр. Шаҳар қадимий ўзагининг вужудга келиши (эрамиздан аввалги VI–V асрлар);
- II давр. Антик шаҳар (эрамиздан аввалги IV аср – эрамизнинг IV асри);
- III давр. Илк ўрта асрлардаги шаҳар (V–VIII асрлар);
- IV давр. Ўрта асрлардаги Андижон (IX–XV асрлар);
- V давр. Сўнгги ўрта асрлардаги Андижон (XVI–XVIII асрлар);
- VI давр. Янги даврдаги Андижон (XIX–XX асрлар).

ХОТИМА

Андижонда 1975 йилдан бошлаб айрим узилишлар билан шаҳарнинг ёштини аниқлаш бўйича мақсадли археологик тадқиқотлар олиб борилмоқда. Айниқса, самарали ва тизимли изланишлар 2000–2012 йиллар мобайнида амалга оширилди. Бу давр ичида мавжуд материаллар жамланди, тизимлаштирилди, умумлаштирилди ва шаҳар тарихи билан боғлиқ баҳсли масалалар танқидий нуктаи назардан таҳлил этилди.

Олиб борилган тадқиқотларга яқун ясаб, айтишимиз мумкинки, Андижондаги археологик қазилмалар натижалари кутилганидан зиёда бўлди. Чунки, сўнгги вақтларга қадар антик ва илк ўрта асрларга оид материаллар шаҳар ҳудудида топилган энг дастлабки ашъвий маълумотлар ҳисобланар эди. Сарвонтепада эрамиздан аввалги VI–III асрларга оид археологик комплекснинг очилиши катта ютуққа айланди. Мазкур комплекс илк темир аври – Эйлатон маданияти ёдгорликлари гуруҳига киради. Бу кашфиёт Андижон шаҳри ҳаётининг дастлабки босқичлари саналарига ойдинлик киритишда муҳим аҳамият касб этади. Шаҳарнинг илк ўрта асрлар археологияси бўйича маълумотлар базаси чекланган, айрим археологик комплекслар эса ҳали фан учун умуман очилмаган эди. Булар қаторига IX–XI, XV–XVIII асрлардан дарак берувчи материалларни киритиш мумкин. Шулардан келиб чиқиб, айрим тадқиқотчилар шаҳар X асрдан сўнггина, Темурийлар давридаги арк ўрнида барпо бўлган, деган янглиш хулоса чиқарадилар. Биз томондан олиб борилган ва биздан аввалги археологик тадқиқотлар натижасида шаҳар тарихининг ўрганилмаган жиҳатларига ойдинлик киритилди.

Андижоннинг шаҳарлашув жараёнларини тарихий-археологик тадқиқотлари шаҳар ўз ривожланишида унча катта бўлмаган аҳоли истиқомат жойидан йирик шаҳарлашган марказга айланган узоқ муддатли эволюцион (тадрижий) йўлни босиб ўтганлигини кўрсатади. Албатта, юқорида келтирилган босқичлар шаҳар маданиятининг ривожланиши жараёнлари бир хил кечмаган. Ўрта Осиё Сирдарё ва Амударё оралиғининг аксарият шаҳарларида бу каби жараёнлар кузатилган ва моддий маданиятида из қолдирган. Хусусан, шаҳарнинг майдони ва ички таркибий тузилиши ва унда савдо-иқтисодий алоқаларининг ривожланганлиги бўйича ўрта аср

шаҳарлари куйидаги турларга бўлинади: йирик шаҳарлар, ўрта ва кичик шаҳарлар. Кўп хусусиятлари бўйича Андижон шаҳар марказларининг ўрта турига мансуб. Худудининг чекланганлиги ва аҳоли зичлиги каби хусусиятлари Андижоннинг кенгайиб боришига имконият бермаган. Натижада, IX–X асрлардан сўнг у Темурийлар даври арки ва шахристони ўрнида ривож топган. Яна шуни ҳам қўшимча қилиш керакки, шаҳарнинг юкори сейсмик худудда жойлашганлиги боис XVII–XIX асрларда бу ердаги кўплаб тарихий-меъморий ёдгорликлар вайрон бўлган. Чунончи, М.Е. Массон, В.Д. Жуков, А.К. Писарчик ва бошқа тадқиқотчилар IX–XIV асрларга оид моддий маданият қолдиқларини бот-бот тилга оладилар. Олиб борилган изланишлар куйидаги хулосаларни илгари суришимиз учун асос беради:

*Андижон водийнинг энг серҳосил, Чуст маданиятига оид илк деҳқончилик маконлари жойлашган худудларнинг бирида вужудга келди. Бунинг исботини Фарғонанинг энг қадимий шаҳри – Далварзин шаҳар харобаси (эрамиздан аввалги XII–VII асрлар) мисолида ҳам кўриш мумкин. Водийнинг илк деҳқончилик ва шаҳар маданиятига оид асосий ёдгорликлари ҳам Қорадарёнинг юкори ва ўрта ҳавзасида мужассам бўлган. Шаҳар худудидан топилган археологик материаллар ундаги тарихий-маданий жараёнлар эрамиздан аввалги VI–V асрлардан эрамизнинг XVI–XX асрларига қадар узлуксиз ривожланиб борганлигидан далолат беради.

*Шаҳар ривожланиши динамикасида Фарғонага хос бўлган шаҳарлашув жараёнларининг умумий ва маҳаллий аҳамиятга эга жиҳатлари кузатилади. Шаҳар Ўрта Осиёда кечган шаҳарлашув жараёнлари доирасида ривожланган. Мазкур илмий изланишда биринчи марта тарихий топографияга оид барча маълумотлар жамланди. Унда шаҳарнинг қадимги ва ўрта асрларда жойлашган жойи аниқ қайд этилди. Андижонсойдан сунъий ариқлар/каналлар ёрдамида сув ичган Сарвонтепа ва унинг атрофидаги ёдгорликлар Андижоннинг қадимий ўзагини ташкил этади. Бу ерда тахминан бир ярим минг йил мобайнида антик ва илк ўрта асрлар Андижони ривожланиб келган. Шаҳарни қадимги номи номаълум. Аммо хитойшунос А. Хўжаев манбаларда тилга олинган Юан-чэнг Андижон ўрнида бўлган бўлиши керак деб ҳисоблайди (Хўжаев Ф., 2011). Буни эски шаҳар (Сарвонтепа) археологик материаллари ҳам тасдиқлайди. Ҳозирда хусусий уйлар остида қолиб кетган беш метрга қадар қалинликдаги маданий қатламлар бундан дарак беради. Шу боис археологик тадқиқотларимиз асосан кўча ва ҳовлиларда олиб борилди. Ўрта асрларда Андижон жойлашган худуд топилди, у янги жой-

– шаҳарнинг қадимий қисмидан шарқ ва шимоли-шарқда қайд этилди. Қандай (экологик, ижтимоий, иқтисодий) сабабларга кўра, шаҳар янги жой- жойга бунёд этилганлиги масаласига ҳозирча ойдинлик кирита олмадик. Бу – шаҳарларнинг Фарғона водийсига босқини оқибати бўлиши ҳам мумкин. Назарда шаҳар буткул вайрон этилган. Ёзма манбаларнинг гувоҳлик бериши- чи Фарғонада, айниқса, водийнинг жанубида араблар маҳаллий аҳолининг қаттиқ қаршичилигига учраганлар. Бу қаршилик юз йилдан ортиқ давом этган. 1399 ва ундан кейинги йиллари Фарғона водийсини турк Арслон Тархон бошқарган (Матбабаев Б. Х., 2009. 93-б.).

*Шаҳар Бактрия, Суғд, Уструшона, Чочни Шарқий Туркистон ва Хитой билан боғлаб турувчи халқаро савдо йўлларининг стратегик муҳим қисмида жойлашган. Минг йил давомида шаҳар ҳунармандчилик ва савдо маркази бўлиб келган ҳамда трансконтинентал йўлда геосиёсий аҳамият касб этган. Буюк Ипак Йўли номини олган мазкур йўл эрампиздан аввалги II асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, яъни Хитой элчиси ва сайёҳи Чжан Цзянь¹ илк бор «Ғарб мамлакатлари» – Фарғона (Давань)ни Хитойга «расмий тарзда очиб» берганидан сўнг фаолият юрита бошлаган. Ўзининг географик жойла- шuvi бўйича Фарғона водийси ва Андижон Буюк Ипак йўлининг шимолий йўналишидаги муҳим транзит маскани ҳисобланган (Лубо-Лесниченко Е. И., 1985. 93-б.). Шу билан бирга, Қашғарни Фарғона билан боғловчи қарвон йўллари нисбатан кам ўрганилган. Қашғардан Фарғона водийсига, сўнгра ҳама ғарб давлатларига олиб борувчи йўл Иркештом дараси орқали – Сариг- тош – Ғулча – Ўш – Терак-Давань², Шарт ёки Талдик Даванлари орқали ўтган (Gorbunova N. 1986. P. 62). Мазкур йўл икки йўналишдан иборат эди. Биринчиси: Теракдовон–Ўш–Андижон; иккинчи ва энг машаққатлиси Анайку орқали Ўзган–Андижон йўналиши. Тау-Мурун ва Шарт доволари орқали ўтувчи қитъалараро йўлнинг яна бир тармоғи фақат ёздагина фаолият кўрсатарди (Заднепровский Ю. А., 1990а. 97-б.). Умуман олганда, Қашғар-Фарғона қарвон йўли жуда узоқ муддат давомида – XX асрнинг 20–

¹ Чжан Цзянь бошчилигидаги элчилар Ўрта Осиёга икки бор ташриф буюришган (эрампиздан аввалги 138–126 ва 115 (ёки 119) йиллар) (Боровкова Л. А., 1989. 18 – 21-б.). Фарғона Хитой билан муносабатлар ўрнатган дастлабки мамлакат ҳисобланади (Ртвеладзе Э. В., 1999. 163-б.).

² Мазкур номнинг бошқача варианты: Дарвоза–Довон–Терак (Риттер К., 1873. 217-б.).

30-йилларига қадар хизмат қилиб келган. Ундаги бозорлар¹ катта аҳамият касб этган. Карвон йўлларининг айрим тармоқларининг йўналишлари ва зиятга қараб ўзгариб турган. Масалан, 1419–1422 йилларда Ўрта Осиё ва Хуросонлик бир гуруҳ элчилар Хитойга ташриф буюришган. Элчилар таркибида бўлган Гиёсиддин Наккош Хитойдан Ўрта Осиё мулкларига олиб борувчи йўлни батафсил таърифлайди: Хонбалик (Пекин) – Пинлан – Канжо – Сукжо – Қоровул – Хўтан – Ёркент – Қашғар – Андижон довони² – Фарғона водийси. Шундан сўнг йўл икки йўналишга бўлинади: 1. Самарқандга. 2. Қоратегин ва Бадахшонга (Ўринбоев А., Бўриев О., 1991. 44-б. Харита (49-б.)). Фарғона водийси ва шу жумладан, Андижон қитъа аҳамиятидаги савдо йўлининг бутун тарихи давомида халқаро савдо-сотиқни амалга оширувчи асосий масканлар ҳисобланган. Қулай геосиёсий жойлашув, атрофмуҳитнинг бойлиги ва бошқа жиҳатлар бунга ҳар томондан ёрдам берган.

Шундай қилиб, сўнгги юз йиллик давомида Андижонда олиб борилган тарихий-археологик изланишларнинг натижалари алоҳида олинган шаҳарнинг ривожланиш тарихини гавдалантириш имконини берди. Шаҳар кичик бир аҳоли яшаш манзилгоҳидан йирик шаҳар мақомигача бўлган 2500 йиллик тадрижий йўлни босиб ўтди деган яқуний хулосага келиш мумкин. Ўтмиш тарихимизнинг тилсиз гувоҳлари – археологик топилмалар шундан далолат бермоқда.

¹ «Дипломатик савдо»дан ташқари савдонинг бошқа турлари ҳам мавжуд бўлган. Манбаларга кўра, улар уч турга бўлинган: «тўхташ масканидаги бозорлар», «чегарадаги бозорлар» (ажнабий бозорлар) ва оддий шаҳар бозорлари (Лубо-Лесниченко Е.И., 1985. 96-б.).

² Қашғар ва Фарғона ўртасидаги Андигон (Андижон) довони – бу Карвонқўл довони бўлиши мумкин (Ўринбоев А., Бўриев О., 1991. 54-б.).

Краткое содержание работы

Настоящая книга Б.Х. Матбабаева и З.З. Машрабова «История Андижана (с древнейших времен до начало XX века)» посвящена изучению урбанизационных процессов на территории Ферганской долины на примере отдельного взятого города.

За последние годы в исторической науке усилился интерес к исследованию проблем связанных с возникновением и развитием городской культуры этого края. В археологии Узбекистана достаточно хорошо разработаны критерии для выделения ранних городов в исследуемых памятниках. Существуют также отдельные разработки по этой проблематике, где представляются модели урбанизации Средней Азии, обусловленные экологическими и социально-экономическими особенностями. Учитывая последние данные истории этих строк делят археологические памятники Узбекистана, которые можно было бы охарактеризовать как «древний город», на две хронологические группы. Такие памятники зафиксированы почти в 50-ти её пунктах. Некоторые из них оказались под застройкой современных городов и сёл, и лишь часть дошла в виде отдельных археологических памятников.

Во многих городах республики проводятся археологические исследования по определению их возраста. В результате этих работ достигнуты определенные успехи, проведены торжественные юбилеи таких древних центров как Бухара, Хива, Термез и Шахрисабз, Маргилан и Самарканд. В Андижане. Джизаке, Хазараспе археологические работы по определению даты их основания только осуществляются.

До недавнего времени урбанизационные процессы на территории Ферганской долины долгое время оставались недостаточно изученными и в результате мы почти не имели данных по вопросам генезиса ранних городов этого региона. Основной причиной такого положения являлся особый подход в советское время к изучению данной территории: её рассматривали как периферию среднеазиатских цивилизаций и считали отсталой в историческом развитии. Иногда, существующие археологические комплексы необоснованно омолаживались и подвергалось сомнению наличие ранних городов. Благодаря работам видного археолога из Санкт-Петербурга Ю.А. Заднепровского, впервые был поставлен вопрос о раннем городе Фергане. Ещё в 70 – годы XX века этим автором было выделено пять археологических критериев для городов древней Ферганы, которые не утратили своего значения и важности по настоящее время.

Среди них отметим Андижан, расположенный в самой восточной части республики. По своему географическому расположению и экономическому потенциалу он имеет своеобразную и древнюю историю. В изучении его истории особо отмечены такие исследователи как Я. Г. Гулямов, М.Е. Массон, А.К. Писарчик, Б. Абдулгазиева, Г. Дадабаев, С. Джалилов, Б.Х. Матбабаев (раскопки в 2000–2012 гг.), Р.Т. Шамсутдинов, З.З. Машрабов, А. Шарафутдинов, Х. Нурмухаммедов и др. Так именно на основе их исследований были собраны ценные данные о структуре и истории развития города. Первые исследования по исторической топографии Андижана в 1938, 1944–1947 гг. были проведены этнографом А.К. Писарчик, результатом которых явилось создание исторического плана города с нанесением ворот и мечетей.

В настоящее время собрано достаточно данных о средневековом Андижане (IX–XIX вв.) и особенно по его истории XIV–XVI вв. В частности установлено местонахождение и разграничение цитадели и шахристана. По мнению С. Джалилова площадь первого составляла 215–220х450–460 м. или около 10 га, а второго, по мнению Б. Абдулгазиевой – 100 га. Однако на этой территории пока не выявлены более древние слои. В целом в изучении древней истории Андижана еще имеются ряд не решенных проблем. Среди последних особо выделяется – формирование ранние этапы и развитие городской культуры, решение которых в основном связано с археологическими исследованиями. Так, для изучения ранних этапов городской культуры отсутствуют письменные источники. Необходимо отметить, что в Андижане проводились археологические раскопки уже более 20 сезонов. Их результаты вплоть до 2000 г. выявили наличие ранних слоев, характеризующихся поздней античностью и ранним средневековьем. При этих работах предшествующими исследователями в основном обращалось внимание на территории вокруг средневековой цитадели и шахристана. Причиной этому, вероятно, было то, что как во многих древних городах Востока, археологические памятники Андижана были разрушены или находились под мощными напластованиями современных строений, что сильно осложняло проведение раскопок. Однако, с 2000 года происходят качественные изменения в археологических исследованиях Андижана, что явилось результатом сотрудничества Института археологии АН РУз. с международным общественным фондом им. З.М. Бабура и Центром науки и технологий при Кабинете министров Республики Узбекистан.

В результате 2000–2003, 2007 гг. при археологическом изучении Андижана основное внимание уделялось на определение расположения разрушенных и частично сохранившихся памятников на его территории. Для этого была привлечена историко-топографическая карта города 1893 и 1913 гг., с сопоставлением сохранившихся памятников и некоторыми приводимыми сведениями из письменных источников. Исходя из этого на территории города с начала XX века было зафиксировано 8 археологических объектов, 11 городских кладбищ, 39 мечетей. Формально эти памятники можно разделить на две группы:

1. Памятники с археологически – зафиксированными культурными слоями. Сюда входят Чордона (ул. Т. Келдиева), Сарвантепа (ул. Суджоат и Тутзор), Коштепа I, II (ул. Шахриханская), Яккатепа (ул. Дальверзинская), Ганчтепа-Уграёр (территория домостроительного комбината), Культепа (разрушена в XVIII–XIX вв., находилась примерно на месте здания областной администрации) (на пересечении ул. К. Яшина и А.Фиграта), территория средневекового арка и шахристана;

2. Памятники, где не проводились археологические раскопки, но обнаружены подъемные фрагменты керамики разных эпох – Каракурбан (на месте базы областного управления народного образования), Авганбаг, Окгур (ул. Н. Хакимова), Мушктепа, Уразантепа (ул. Мехнат, дом № 156).

3. Памятники (мазары и кладбища), которые часто упоминаются среди населения и связанные с легендами и преданиями (Шодмонбува мозори, Шигоусун-Ата, Бобо Сааддин, Кочкорлик мазар, Бобо Таваккал и др.).

На памятниках первой группы как Чордона, Сарвантепа (на перекрестке ул. Суджоат, дом № 19, Тутзор между домами № 29 и 33; Иттифок), Яккатепа (между домами № 67 и 69 ул. Дальверзинская), Коштепа I (в нач. улицы Шахриханская со стороны домов с четными номерами), Арк ичи (между домами № 41–42 ул. Ташкилот), Шахристане (ул. Хакикат дом № 13) проведены археологические работы. В результате исследований были получены новые материалы, особенно по древнему периоду истории города. На основании материалов предшествовавших археологических работ и новых исследований можно выделить следующие периоды в истории возникновения и развития города Андижана.

I период. Материалы наиболее раннего периода получены из нижних слоев Сарвантепа и представлены археологическими комплексами эйлатанской культуры. Этот комплекс выявлен со стороны ул. Тутзор на глубине четырех метров от дневной поверхности, мощностью до одного метра, на

небольшой по площади территории. Этот комплекс названный нами **Сарвантепинским** (Андижанским) разделен на два этапа – Эйлатан I и II. Ранний этап представлен в основном лепной, иногда расписной керамикой и редко станковой, но при отсутствии красноангобириванной станковой керамики. Этот комплекс датируется VI–V вв. до н.э. Во втором этапе (Эйлатан II) при сохранении лепной керамики, где отсутствует расписная, увеличивается количество станковой керамики. Эти находки датируются IV–III вв. до н.э. По археологическим наблюдениям Сарвантепинский комплекс распространен на площади 15–20 гектаров. Подобные ранние культурные слои пока еще не обнаружены под напластованиями ни у одного другого современного исторического города долины. Выявление в Андижане археологических комплексов VI–III вв. до н.э. дают возможность сделать три важных вывода: **Во-первых**, с археологической точки зрения обосновывается, что на территории памятника Сарвантепа 2600–2300 лет тому назад было основано древнее ядро города в виде поселения земледельцев и ремесленников. **Во-вторых**, выявление данного памятника проясняет проблему водообеспечения города, так-как новые археологические материалы позволяют утверждать, что Андижансай функционировал как искусственный канал уже в VI–III вв. до н.э. **В третьих**, можно внести существенную корректировку на доминировавшее до последнего времени мнение о необходимости искать древние слои города в его восточной части. Так как новые материалы показывают, на их расположение на **его северо-западном участке**.

Необходимо отметить, что расположение древнего ядра – Андижана, на месте Сарвантепа имеет под собой определенную основу. Нам представляется, что главным импульсом в возникновении ранних городов именно на этой – восточной части долины являлись удобные условия для древнего земледелия Карадарьи. Именно в указанных бассейнах верхнем и среднем течении археологически отмечены ранние города эпохи поздней бронзы и раннего железа, а с VIII–VII вв. до н.э. элементы оазисных государств. Сюда входят такие археологические памятники как Дальверзин, Ашкалтепа, Ахшар (XII–VII вв. до н.э.), городище Эйлатан, поселение Сарвантепа (VI–III вв. до н.э.). Дальверзин, расположенный на северо-восточной части села Аим Джалакудукского района Андижанской области, по заключению большинством историков-археологов признано древнейшим городом долины. Этот вывод подтверждается результатами археологических раскопок, проведенными предшествовавшими исследователями до 1980х годов и так же нашими исследованиями, проведенными в 2003–2005 гг. где выявлено

признаков раннего города.

Городище Эйлатан (площадь 200 га), возведенное в период раннежелезного века (VI–III вв. до н.э.) и функционировавшее в раннеантичный период, сыграло активную роль на последующем этапе урбанизации долины. Время существования Сарвантепа и Эйлатана соответствует одной эпохе. Следовательно, Андижан территориально располагался в зоне «ранних городов Ферганы».

II период. Древний период хронологически охватывает IV век до нашей эры и первые века нашей эры. Археологические материалы этой эпохи зафиксированы на памятниках Сарвантепа, Чордона, Ганчтепа, Коштепа. Однако, по не ясным причинам, на территории Андижана пока незначительно выявлены материалы II–III вв. н.э. В то время, как этот период является расцветом **Даванского** государства, где по китайским источникам было более 70 городов различной величины (возможно какую-то часть из них составляли укрепленные сельские поселения – прим. авт.). Столица этого государства Эрши (руины Мингтепа в центре современного Мархаматского района) расположено в 28–30 км южнее Андижана и его местонахождение признано большинством ученых фергановедов.

III период. В раннесредневековый период (V–VIII вв) территория города была расширена, вследствие строительства в пригородной части замков крупных землевладельцев – дехкан. Материалы этого периода зафиксированы и изучены на Сарвантепа, Чордона и Яккатепа. Раннесредневековые комплексы состоят из изделий гончарного производства и хронологически делятся на два этапа – V–VI и VII–VIII вв. Среди них отметим керамику с древнетюркской тамгой и подобная находка для Андижана не является первой. Так еще академиком Я. Гулямовым здесь был обнаружен фрагмент керамики с тюрко-рунической надписью, который хранится в Ташкентском музее истории народов Узбекистана. Все это еще раз подчеркивает что в Андижане с этого периода присутствовал тюркоязычный пласт населения.

IV период (IX–XV вв.). Имеется несколько письменных источников, освещающих средневековую историю города. В них его название после X века представлено как «Андукан», «Андуган», «Андиган», «Андикан». Самый ранний источник, где упомянут термин «Андукан» зафиксирован в книге «(Китаб) масалик ал-мамалик ал-Истахри», написанный в 930–933 гг. Это название было отмечено при перечислении городов Нижней Нисьи области Ферганы. У Якута ал-Хамави (1179–1229) он также встречается в форме «Андукан». Позже в XV в. в источниках название города зафик-

сировано как «Андаган/Андагон». Существуют различные мнения по топонимике Андижана. По мнению С. Джалилова, долгие годы проводившего в этом плане исследования, название города связано с термином «адок». Это связано с книгой «Луғати Чигатои ва турки усмони», где зафиксировано что «Адок – есть древнее название города Андижан». Следует добавить что Махмуд Кашгари в своем произведении «Девону луғатит-турк» также отмечал, что «Азгиш (Адғиш)» есть название местности. Все перечисленные термины имеют общий корень «ад», который происходит от древнетюркского названия одного из 92 узбекских родов «адок, адгиш». Видимо, к корню «Ад» позже добавлено «н» и в результате фонетических изменений он принял форму «А(н)дган» или «А(н)диган». Такие изменения в топонимике встречаются часто: Рушидон-Риштан, Баб-Паб-Пап и т.д. Однако, среди 92 узбекских родов не встречается название близкое к топониму Андижан. По авторитетному заключению академика А.Р. Мухаммаджонова в топониме Андижан, первая часть «анди(анду, анда) – «андиёхи анда» считается тюркомонгольским термином и означает «близкий», «недалекий». Здесь следует отметить, интересный факт, что до сих пор употребляется выражение «куда-анда», которое на узбекском языке подразумевает «якин кариндош булмок (стать близкими родственниками). Вторая часть «гон, кон, жон» является гидронимом и имеет смысловую нагрузку «сай, река». Следовательно, название города означает местность «у реки (сая)» или «близкий к воде (реке-саю)». Нам представляется что последняя версия наиболее обоснованна и близка к истине.

Археологических материалов IX–XII вв. представлены незначительно и выявлены при хозяйственных работах на территории современного старого города. Так при строительстве медицинского института (сейчас академический лицей) обнаружены стеклянные изделия и остатки квартала керамистов. Сюда же можно включить декоративные облицовочные кирпичи XIII–XIV вв., обнаруженных М.Е. Массоном возле мечети Джамии, при археологических наблюдениях во время строительства Большого Ферганского канала. Видимо к этому периоду относятся и остатки помещения Караханидского периода, обнаруженные под стенами арка.

После монгольского завоевания Андижан продолжает сохранять статус как крупного города Ферганской долины. В.В. Бартольд писал: «Упоминается (Андижан) уже в IV/X в. как Андукан; в конце VII/XIII в. по видимому, вновь отстроен монгольскими правителями Тувой (Дува – прим. авт) и Хайду (XIII в)». Действительно, при Дувахане сыне Кайду-Сахина, в Андижа-

были осуществлены заметные созидательные работы. Дува-хан обращал особое внимание Андижану как стратегическому пункту на международной торговой трассе соединяющей Среднюю Азию с Китаем. В «Анониме Александра» Муин ад-Дин Натанзи о Дува-хане имеется следующее сообщение: «Был очень умным, добродетельным, могущественным, прозорливым и обладающим большими достоинствами государем... он построил несколько больших городов, в том числе область купола ислама-Андугон» (Куббат-ул-Калим – прим. авт.). При Дува-хане в городе было построено много мечетей, медресе и он вновь сделал его столицей Ферганы. По сведениям С. Джалялова, до недавнего времени сохранялись руины мечети Дувахана. В этот период в Андижан были переселены отдельные монгольские роды. В частности Абд ар-Раззак Самарканди в своём произведении сообщает, что в город прибыли тысячи представителей монгольского рода кадак. В результате, в Андижане появилось множество махалла и кварталов (даха) связанные с ними. Об этом свидетельствуют некоторые названия, сохранившиеся на территории современного Андижана, например: Кирлик, Чувалачи (Жубалачи), Кунжи (Кўнжи), Бугра, Сарой, Найман. Возможно, что исследованные нами средневековые погребения на Чордона принадлежало именно этим жителям города. Так как в трех из исследованных могил обряд захоронения резко отличается от погребений этого периода. В указанных могилах захоронение производилось в гробах и с сопроводительными материалами (железные наконечники стрел, керамический сосуд, посеребрянные монеты). По мнению сотрудника ИА АН РУз, нумизмата А.Х. Атахаджаева, эти монеты отчеканены в конце XIII – начале XIV вв. и относятся к группе «монет чагатаидов». Мы считаем, что эти захоронения принадлежат к осевшим кочевникам, а сопроводительный материал указывает на то, что они еще не исламизировались. В этом плане интересны результаты предыдущих работ на Чордона археолога Б.Абдулгазиевой, которая обнаружила погребения в деревянном гробу. Обычно такие захоронения, по мнению Ю.А. Заднепровского сопоставлялись с инвентарем состоящим из конской упряжи положенной в могилу по погребальному обряду кочевников и, видимо, связано с кипчаками.

С завершением монгольского господства в 1377 г., в истории Андижана начался новый этап – период империи Темуридов. Амир Темур передал во владение своему сыну Омаршейху города Андижан и Узген с двенадцатью туманами. В этот период Андижан являлся резиденцией правителя. Исследованиями определены расположения цитадели, шахристана и рабада, являющихся составными частями города. На территории шахристана изучено

11-қатлам – сопол парчалари ва ҳайвонларнинг суяқларидан иборат зич жигарранг тупроқ. Қатлам 180 см қалинликкача шимолдан жануб томон нишаблаб кетган. Бу қатламнинг куйи чегарасида тошдан ёрғучок ва ҳовонча аниқланган. Қатламда 16 та ёлма қўлда тайёрланган ва 14 та кулолчилик чархида тайёрланган сопол парчалари қайд этилган. Ёлма қўлда тайёрланган коса, қозонлар ва товалардан иборат. Топилмалар орасида куйдириб тайёрланган ва пирамидасимон шаклга эга бўлган предметлар алоҳида ажралиб туради (22-расм). Уларнинг биридан айлана ёки бошқасидан «саккиз» шаклидаги тамға аниқланган. Лойига йирик шамот аралаштирилган. Мазкур ашёларнинг қандай вазифа бажариши ноаниқлигича қолмоқда.

12-қатлам – пахса ва гувала аралашган оч-жигаррангдаги зич тупроқ. У *11-қатлам* билан бир хил ёки унга яқин бўлган даврга эга бўлиши мумкин. Қатламда 38 та сопол парчаси қайд этилган (29 таси кулолчилик чархида тайёрланган, 9 таси ёлма қўлда тайёрланган). Ёлма қўлда тайёрланганлари орасида сопол ичкари томонидан мато андозанинг излари борлари учрайди.

13-қатлам – майда кул ранг юпқа қатламларга эга бўлган кулранг-жигаррангдаги зич тупрок. Юпқа қатламлар орасида гувала терилган бўлақлар топилган (шурфнинг шимоли-шарқий қисмида икки қатори очилган). Қатламда идишлар деворининг парчалари тўпланган. Фақат юпқа деворли ва кулолчилик чархида тайёрланган сопол буюмлари ангоб билан қопланган (оч-жигарранг ва қизил рангда). Топилмалар ичида 11-катламдагисига ўхшаш пирамидасимон лойдан ясалган буюмни алоҳида кўрсатиш мумкин.

13а-қатлам – сопол парчалари ва баъзида учрайдиган ҳайвон суяқларидан иборат бўлган жигарранг зич тупрок. Бу қатлам ёпма қўлда тайёрланган коса, қозон ва манқалдон деворлари ва гардишлари билан ифодаланган. Коса қизил ангоб билан қопланган, қолган идишлар ангобсиз. Битта парчада матоли андозадан қолган излар мавжуд.

14-қатлам – куйдирилган тупрок, ёғоч куйиндилари ва сопол парчаларидан иборат кул қатлам (пепел серога цвета). Шарқий томондан қатлам сомонли лойдан қурилган оч-кулрангдаги девор билан чегараланган (тураржойники бўлса керак). Ғарбдан *15-қатлам* билан, пастдан эса пол билан чегараланган. Бу ерда идишларнинг парчалари, тупроқнинг куйдирилган бўлақлари ва хом ғишт аниқланган.

14а-қатлам – жигаррангда бўлган ўрта зичликдаги тупроқдан иборат. Бу қатламда сополнинг 65 та парчаси аниқланган. Асосан, ёпма қўлда тайёрланган, фақатгина иккита парчаси кулолчилик чархида ясалган. Ёпма қўлда тайёрланган идишлар орасида иккита парчанинг ички томонида матоли андозанинг излари мавжуд.

Сополнинг асосий қисмини идишларнинг парчалари ташкил этади – қозон, коса ва това (манқалдон)нинг қисмлари. Бутун мажмуадаги сопол лойининг таркибига шамот – майдаланган сопол (?), айрим парчаларда қисман кум ва оҳак қўшилган. Қозонлар танаси эса ясси, айрим ҳолларда юмалоқ шаклда эди. Ангоб билан (одатда қизил рангда) косалар (икки томонидан) ва тувақлар эса, одатда ташқи томондан қопланганди. Қозоннинг босиб ҳосил қилинган ҳол-ҳол безаклари парчалари бор. Кулолчилик чархида тайёрланган сопол парчалари ангоб қоплами мавжуд эмасди. Лой қоришмасига кум аралашганди. Қалин деворли идишнинг ранги кулранг. Ингичка деворлиси эса оч-жигарранг. Юмалоқ шаклдаги ва гардиши ичкарига қайрилган косаларни алоҳида белгилаб ўтиш жоиз. Одатда улар бир томонлама ёки икки томонлама ангоб билан қопланган. Ёпма қўлда тайёрланган қозонлар куббасимон дастакка эга ва юмалоқ шаклда, гардиши тўғри ва уларнинг чеккаси ясси.

15-қатлам – яшаш поли, текис юпка қатламларга эга. Айрим жойларда алоҳида куйдирилган жойлар мавжуд (ўчоқ доғлари), унинг ёнида гуваладан терилган девор парчаси аниқланган (31-расм).

16-қатлам – кул аралашган ва топилмалар аниқланмаган тўқ кулрангдаги қатлам.

17-қатлам – қора рангли дарё (?) куми, ундан ер ости сувлари чикди.

18-қатлам – сизот сувлар сатҳи. Қазиш ишлари шу ерда тўхтатилди.

Шу тариха мазкур шурфда ҳам бошқалари каби туташ маданий қатламлар ва камида уч даврга мансуб (илк (мил. авв. VI–III асрлар), қадимги (эрамиздан аввалги сўнгги асрлар – эрамизнинг биринчи асрлари), илк ўрта асрлар (V–VIII асрлар) археологик материаллари аниқланган.

Шурф–7/2007 (2 x 2 м) ҳозирда қурилиши охирига етмаган мехмонхона ҳовлисидан ўрин олган. Дунё томонларига қараган. Юқори қатламлар қурилиш чоғида кучли тарзда бузилган. Кексаларнинг сўзларига қараганда, бу ҳудудда ўтган асрнинг 70–80-йилларига қадар кабристон мавжуд бўлиб, ҳозирда ундан фойдаланилмайди. Шурфда бешта маданий қатлам аниқланган. 4,2 метр чуқурликда ер ости сувлари сизиб чиқа бошлади. Шунга қарамасдан маданий қатлам янада чуқур кетган.

Шурфда бир неча ўнлаб жуда майда сопол парчалари аниқланган. Улар орасида шакл ҳосил қиладиган парчалар кам ҳисобланади. Бу, ўзига хос бўлган гардишга эга юмалоқ шаклдаги тувак. Унинг ички томонида копкок учун бўртиқ ҳосил қилинган. Ташқи томонидан қизил ангоб билан қопланган. Гардишнинг ички томони ангоб тасма билан безатилган. Эйлатон даврига мансуб ёшма қўлда тайёрланган идишни алоҳида айтиб ўтиш жоиз. Умуман олганда, куйи қатламдаги сопол (**4–5 қатлам**) ўзининг ингичкалиги, ялтироқ қоплами, зич ангоби билан ажралиб туради, у эрамиздан аввалги охириги ва милодий биринчи асрларга мансуб.

Шурф–8/2007 (2 x 4 м) Сарвонтепадан 20 метр ғарброкдаги Тутзор кўчаси, Иттифоқ тор кўчасининг 33-уйи орқасида солинди. Шурфнинг бошланиши репердан 7,39 м чуқурликка мос келади. Шурф 4,5 м чуқурликда чиққан ер ости сувларигача қазилган. Олтига маданий қатлам очилган. Юқори қатламларда вайрон қилиш натижасида аралаш топилмалар аниқланган. 3–4 қатламларда эса сўнгги ўрта асрларга оид сирланган сопол қайд этилган. У оқ ва оч ҳаво ранг фон билан тавсифланади. У йўл-йўл ва кўк ҳамда жигаррангдаги геометрик чизиклар шаклида безак берилган.

5-қатламда қизил ангоб билан қопланган ва қадимги даврга оид майда сопол парчалари топилган. Саналар: эрамиздан аввалги биринчи асрлар – ўрта асрлар.

Шурф–9/2007 (2 х 3 м) Сарвонтепадан 50 м ғарброкда, Тутзор кўчасининг ўнг томонида, 34-уйнинг ёнида жойлашган. Шарқдан ғарб томонга қараб кетган. Шурфнинг бошланиши репердан 10 м чуқурликка мос келади. Бу ерда ҳам олгита маданий қатлам очилган. Дастлабки уч қатлам (1–3-қатламлар) сўнгги ўрта аср даврига оид сопол материаллари аниқланган (оқ ёки ҳаво ранг фондаги йўл-йўл ва кўк ҳамда тўқ жигаррангдан қора рангга ўтиб кетувчи ўсимлик шаклидаги безаклар). Кейинги 4–5-қатламлар қадимга ёпма кўлда тайёрланган ва кулолчилик чархида ясалган сополлар кам учрайдиган тўқ кулранг ва жигаррангдаги тупроқдан иборат. Улар ёпиқ шаклдаги идишлардан иборат (кўза, тувак ва хум). 12,6 м чуқурликда ер ости сувлари сизиб чиқиши билан ишлар тўхтатилди. Материаллар эрамизнинг биринчи асрлари ва ўрта асрларга оид.

Шурф–10/2007 (2 х 3 м) Сарвонтепадан жануброкда Сужоат кўчасининг 26-уйидаги экинзорда ташланди. Шимолдан жануб томонга йўналган. Шурфнинг бошланиши репердан 7,29 м нуқтага мос келади. Шурф материк қатламигача етказилган. Бешта кетма-кет қатлам аниқланган.

1-қатлам – бўз жигаррангдаги шудгорланган тупроқдан иборат, топилмаларсиз.

2-қатлам – у қадар қалин бўлмаган (7–10 см) тупроқдан иборат. Қатламда ёпиқ шаклда бўлган оч фондаги идиш парчаларининг бир нечтаси аниқланган. Улар кулолчилик чархида тайёрланган.

3-қатлам – тўқ кулрангдаги, баъзи жойлари эса қизил-жигарранг тусдаги тупроқдан иборат.

Шурфнинг жанубий томонида қатлам кул ва ёпма кўлда тайёрланган сопол парчалар билан биргаликда давом этади. Парчаларнинг бири ҳар икки томонида қизил ангоб билан қопланган. Аммо ташқи томонида қурум сақланиб қолган.

4-қатлам – жигаррангдаги соф сариқ тупроқ, қалинлиги 80–130 см. Бу қатлам остида материк келади.

5-қатлам – материк, тўқ рангдаги дарё куми, унинг очилиши билан ишлар тўхтатилди. Санаси: эрамиздан аввалги биринчи асрлар – эрамизнинг биринчи асрлари.

Шахристон ва унинг ташқарисидаги археологик қазинмалар.

Шурф–1/2002 (Қўштепа ёдгорлиги, Шахрихон кўчасида). Қўштепа максимал диаметри 54 м, энг кичик диаметри эса 45 м бўлган, баландлиги 4,5 метрли тепадан иборатдир. У кабристон сифатида фойдаланилади. Ёдгорлик Андижон шахрининг ғарбий қисмида Шахрихон кўчаси бўйлаб жойлашган ва эски Андижон-Шахрихон йўналиши томон қараб кетган (12-расм). 11-ўрта умумтаълим мактаби олдида. Ёдгорлик ҳар икки томонида 334-сонли ва 332-сонли уйлар жойлашган. Қўштепадаги кабрларнинг зич жойлашгани туфайли 2 х 3 м. ўлчамдаги стратиграфик шурф ёдгорликнинг асосида кабристоннинг ташқи томонида (Шахрихон кўчасининг пиёдалар йўлкаси) жойлаштирилди. Санок/репер нуқтаси сифатида тепаликнинг баланд қисми олинди. Қатламлар яруслар бўйлаб қайд этилган ва улар VI ярусдан бошланади. VI–VII яруслар аралаш қатламлардан иборат. IX ярус оч-жигарранг юмшоқ тупроқ қатламига эга. Ундан қизил ангоб қопланган ва ангобсиз сопол буюмларининг парчалари топилган. Уларга кулолчилик чархида шакл берилган. Шунингдек, ёпма қўлда тайёрланган идишнинг парчалари ҳам аниқланган.

IX ярус охиридан XII яруснинг 40 см гача ўрта зичликда бўлган тўқ кул рангдаги қатлам мавжуд. Ундан ҳайвонларнинг суяклари ва сопол буюмлар топилган.

X ярусда топилмалар аниқланмаган. XI ярусдан ёпма қўлда тайёрланган идишларнинг парчалари аниқланди.

XII ярусдан бошлаб тупроқ жуда нам бўлиб боради. Топилмалар мавжуд эмас. XIII ярус – қизил-жигаррангдаги қатлам. Шу ерда ер ости сувлари си-зиб чиқа бошлади. Шурфда қурилиш қолдиқлари аниқланмаган.

Шурфдаги топилмалар.

IX ярусда қўлда тайёрланган ва кулолчилик чархида тайёрланган сопол буюмларнинг 10 та парчаси қайд этилди.

Қўлда тайёрланган товоқ – ҳар икки томонидан оч-жигарранг ангоб билан қопланган, қоришмаси ўрта зичликда, оҳақ аралаштирилган, пишитилиши бир текисда эмас. Танасининг деворлари вертикал шаклда, гардиши бир оз ташқарига қайрилган.

Қўлда тайёрланган идишнинг гардиши – ангобнинг излари аниқланмаган, лойининг ранги оч-жигарранг, қоришмаси ўрта зичликда, пишитилиши бир текисда эмас, деворлари вертикал шаклда, гардишнинг чети бир оз ташқарига қайрилган.

Қўлда тайёрланган косанинг тағлиги – ангобсиз, лойнинг ранги тўқ сариқ – қизил, қоришмаси ўрта зичликда, пишитилиши бир текисда эмас, дискли яхлит тағликка эга, юмалоқсимон шаклда (57, 2-расмлар).

Идишнинг тағлиги – кулолчилик чархида тайёрланган, ангобсиз, лойнинг ранги тўқ сариқ – жигарранг, қоришмаси ўртача зичликда, пишитилиши яхши, тағликнинг асоси яхлит, юмалоқ шаклда.

Қолганлари кулолчилик чархида тайёрланган. Барчаси ташқи томонидан қизил ангоб билан қопланган. Қоришмаси зич, пишитилиши яхши.

X ярусда сопол аниқланмаган.

XI ярусда қўлда тайёрланган идишларнинг парчалари топилган – иккита гардиш ва деворлар.

Қўлда тайёрланган товоқ – ҳар икки томонидан зич жигарранг ангоб билан қопланган. Лой қоришмасининг зичлиги ўрта даражада, майдаланган сопол аралаштирилган бўлиб, пишитилиши кучсиз, юмалоқ шаклда, гардиши тўғри, юқори чеккаси ясси ва ичкарига бир оз оған (57, 5 расмлар).

Қўлда тайёрланган товоқ – ангобнинг излари аниқланмаган, лойнинг ранги оч-жигарранг. Қоришмаси ўрта зичликда, майдаланган сопол аралаштирилган, пишитилиши бир текисда эмас. Юмалоқсимон шаклда, гардиши тўғри, унинг чеккалари ўткирланган, ички томони ясси (57,4-расмлар).

Қўлда тайёрланган идиш девори – оч-жигаррангдаги ангоб, қоришмаси ўрта зичликда, оҳак аралаштирилган бўлиб, пишитилиши кучсиз.

Қўлда тайёрланган қозон – гардиши остида тешиги бор. Лойнинг ранги бўз-жигарранг. Лой қоришмаси серғовак ва унга шамот аралаштирилган бўлиб, кучсиз пишитилган (57, 3-расмлар).

XII ярус қўлда тайёрланган идишларнинг учта парчаси топилган, қизил ангоб билан қопланган. Қоришмаси серғовак, майдаланган сопол, тош ва оҳак аралаштирилган бўлиб, пишитилиши кучсиз.

Умуман олганда, Қўштепадан аниқланган материаллар кўп эмас. Лекин улар ёдгорликнинг санаси ҳақида тушунчани ҳосил қилишга ёрдам беради. Уни эрамиздан аввалги IV–III – эрамизнинг биринчи асрларига тааллуқли, дейиш мумкин.

Шурф–1/2002 (Яккатепа ёдгорлиги, Далварзин кўчасида). Яккатепа ёдгорлиги Далварзин кўчасида жойлашган ва ости тўғри тўртбурчак бўлган олти метр баландликдаги 48 x 45 метр ўлчамда сақланиб қолган тепаликдан

иборат. Озгина четга чиқиш билан дунё томонларига қаратилган. Айни пайтда тепалик замонавий кабростон сифатида банд қилинган (13-расм). 4 x 2 м ўлчамдаги шурф тепаликнинг жанубий этагида кабростон деворининг ички қисмида жойлаштирилди. Ёдгорлик устида қадимги ва ўрта асрларга мансуб сопол учради.

I ва қисман II яруснинг бошланишини юмшоқ тупроқ ташкил қиларди.

II ва III яруслар ўрта зичликдаги аралашган тупроқ, қабрлар ҳам учрайди.

III яруснинг охири ва IV яруснинг охиригача ўрта зичликда бўлган тўқ рангдаги тупроқ қатлами очилди.

Шундан кейин VI яруснинг 40 см гача тўқ бўз рангдаги нам қум қатлам аниқланган.

V яруснинг охиридан VI яруснинг 30 см гача оч-жигаррангдаги маданий қатлам аниқланган. Кейинчалик қалинлиги 10 см бўлган нам қум қатлами келади.

VI яруснинг 40 см дан VIII ярус бошлангунга қадар ҳам қизил-қўнғир рангдаги тупроқ қатлами очилди, VIII яруснинг 15 см дан ер ости сувлари сизиб чиқа бошлади.

Яккатепа топилмалари.

I ва қисман II ярусларда замонавий пишиқ ғишт бўлаклари аниқланган. II ва III ярусларда тупроқ баъзи жойларда қайта қовланганди, II яруснинг охиридан бошлаб сопол парчалари топилди. Улар орасида учта гардиш: цилиндрсимон гардишга эга бўлган ёпма қўлда тайёрланган тувак, қозон ва тувак таглиги ва идиш деворларининг бир неча парчалари (улардан иккитаси ёпма қўлда тайёрланган).

Тувак – кулолчилик чархида тайёрланган, ташқи томони тўлалигича ангоб била қопланган, ички томонида гардиш атрофи ҳошия тарикасида қопланган. Ташқи томонида бўғзи бўйлаб ўйилган чизиқ кетган. Лой қоришмаси зич, пишитилиши яхши. Тувак танаси гардишга бир текисда ўтиб боради. Гардиш сезиларли равишда қайрилган (57, 4-расмлар).

Қўлда тайёрланган идиш – цилиндрсимон бўғизга эга. У ўткир чети билан яқунланади. Лой қоришмаси ўрта зичликда ва оҳак аралаштирилган. Пишрилиши яхши.

Қўлда тайёрланган қозон – лой қоришмаси ўрта зичликда, унга оҳак аралаштирилган. Лойнинг ранги оч-жигарранг. Гардиши сезиларли равишда қайрилган, юқори қисми ясси (57, 6-расм).

Тувакнинг таглиги – кулолчилик чархида тайёрланган, яхши сақланиб қолмагани учун ташқи томонидан шаклини аниқлаб бўлмайди.

Кулолчилик чархида тайёрланган *кўзаларнинг парчалари*. Қора ва қизил рангдаги ангоб билан қопланган. Лой қоришмаси зич, пишитилиши яхши. Идиш деворларида тарам-тарам чизик кўп учрайди, қолган иккитасида эса кам. Қолганлари чизикларсиз. Ёпма кўлда тайёрланган кўзаларнинг иккита парчаси, қоришмаси ўрта зичликда, майдаланган сопол аралаштирилган. Битта парчаси ташқи томондан кулранг, ички томондагиси эса оч-жигарранг ангоб билан қопланган. Идишнинг шаклини аниқлаш қийин.

III ярусда иккита гардиш аниқланган (ёпма кўлда тайёрланган ва кулолчилик чархида тайёрланган), 20 таси идиш деворларидан иборат (улардан учтаси ёпма кўлда тайёрланган).

Товоқ – кулолчилик чархида тайёрланган, ташқи томондан қизил-жигаррангдаги ангоб билан қопланган, ичкари қисми эса қорамтир рангдаги ангоб билан қопланган. Лой қоришмаси зич, пишитилиши яхши. Танасининг девори ингичка, гардиши ташқарига қайрилган (57, 5-расмлар).

Кўлда тайёрланган қозон – ангобсиз, лойнинг ранги оч-жигарранг, қоришмаси серғовак, шамот аралаштирилган бўлиб, кучсиз пишитилган. Танасининг девори вертикал шаклда, гардиши ташқарига қайрилган.

Кулолчилик чархида тайёрланган идишларнинг парчалари. Коса икки томондан қизил ангоб билан қопланган. Лой қоришмаси зич, пишитилиши яхши. Ташқи томонидан қизил ангоб билан қопланган тувак, лой қоришмаси зич, пишитилиши одатий.

Ёмон ҳолда сақланиб қолган кўза парчалари. Ташқи томондан қизил ва жигарранг ангоб билан қопланган. Қоришмаси ва пишитилиши одатий.

Кўлда тайёрланган коса – ҳар икки томонидан қизил ангоб билан қопланган, қоришмаси ўрта зичликда, яхши пиширилган. Ёпма кўлда тайёрланган қозоннинг иккита парчаси, лойнинг ранги оч-жигарранг, қоришмаси серғовак, оҳак ва шамот аралаштирилган, кучсиз пиширилган.

IV ярус сополнинг 15 та парчаси билан кўрсатилган (гардишлар ва қозон учун таглигининг бўлаклари), улардан олти парча ёпма кўлда тайёрланган ва тўққизтаси кулолчилик чархида тайёрланган.

Тувак – кулолчилик чархида тайёрланган, гардишнинг юқори четида ҳар икки томондан қизил ангоб тасмаси билан қопланган. Ташқи томондан оч рангдаги, кейинчалик тўлалигича қизил ангоб билан қопланган. Қоришмаси

зич, пишителиши яхши. Шарсимон шаклда, бўғзи алоҳида ажратилган, гардиши қайрилган (57-расм).

Коса (?) – кулолчилик чархида тайёрланган. Ҳар икки томондан ангоб билан қопланган. Қоришмаси ва пишителиши одатий.

Кўза – кулолчилик чархида тайёрланган. Ташқи томонидан гардишдан елкаларигача суяқ қизғиш-жигаррангдаги ангоб билан қопланган. Ички томонидан юқори чети бўйлаб нотекис йўл билан қопланган. Қоришмаси ва пишителиши одатий. Танаси сферик шаклда. Бўғзи алоҳида ажратилган, гардиши бир оз қайрилган (57-расм).

Кўлда тайёрланган коса – ангобсиз, лойнинг ранги жигарранг. Лойнинг қоришмаси ўртача зичликда. Пишителиши бир текисда эмас. Косанинг деворлари вертикал шаклда, асосида бир текисда эгилган. Гардишнинг юқори қисми ясси (57-расм).

Кўлда тайёрланган коса (?) – ангобсиз, лой оч-жигарранг, лойнинг қоришмаси ўрта зичликда, пишителиши бир текисда эмас. Гардишнинг чеккаси ичкарига бир оз қайрилган ва ўткир бўлмаган бурчак остида тугайди.

Идиш парчалари кулолчилик чархида тайёрланган. Биттаси юпка деворли (*коса ?*), қолганлари қалин деворлари (*кўзалар ?*). Биринчиси ҳар икки томондан ёрқин қизил рангдаги ангоб билан қопланган. Қолганлари фақат ташқари томондан хира қизил ангоб билан қопланган.

Ёрғучоқ (тош) – юқори ишчи қисми ясси, у чеккадан кўтарилади. Сақланиб қолган узунлиги – 12,5, кенглиги – 12,5 ва қалинлиги – 5 см.

1/2008-шурф – Жомеъ масжиди ва мадрасаси ҳовлисида солинди (Фитрат кўчаси) энг сермахсули бўлиб чиқди (73а, 74, 75, 80, 94-расмлар). Шурф бино пештокидан 12 м шарқда солинди. Ўлчамлар 4 х 3 м ва жанубдан шимол томон қараб кетган. У 3,2 м чуқурликда аниқланган материк қатламгача қовланди. 8 та маданий қатлам аниқланган:

1-қатлам (73а, 1-расм) – оч-жигаррангдаги бостирма тупроқ билан ифодаланган, қалинлиги 40 см.

2-қатламда (73а, 2-расм) – XX асрга мансуб қурилиш чиқиндилари (қалинлиги 0,65-0,7 м) бўлиб масжид ҳовлисининг қисман қайта таъмирланишидан сўнг ташланган. Бу қатлам кўп бўлмаган сопол парчаларининг аралаш ҳолдагисидан иборат. У сўнгги ўрта асрларга мансуб, шунингдек, XIX аср рус чиннилари топилган.

3-қатлам – бутун шурф бўйлаб бир метр чуқурликда тош териб чиқилган. Тошларнинг ўлчам 20–25 x 10–15 x 8–12 см, ғарбий томондан лойсифат коришма билан чегараланган (73а, 3-расм]. Терилган тош йўлак ғарбдан шарқ томонга 3–5 см қияликка эга. У тозаланган донадор кум қатлами устига ётқизилган. У 20–25 см қалинликдаги лой (73а, 4-қатлам) устида бўлган (4-қатлам). Тилга олинган сўнгги қатлам майдон бўйлаб шағал териш учун текисланган. Бу қатламдан ҳам сўнгги ўрта асрларга (XVII–XIX асрлар) оид оз сонли аралаш сопол материаллар топилган. Битта тоғора шаклини ҳосил қилувчи парча мавжуд. У 3 ва 4-қатламлар орасидан аниқланган.

5-қатлам (73а, 5-расм) – 0,3–0,6 м қалинликдаги бўз-жигаррангдаги қатламдан иборат. Унда сўнгги ўрта аср даврига оид сирланмаган сопол парчалари аралашган (80-расм). Шунингдек, сирланган сополни пишириш учун сепоя аниқланди. Бу сатҳда ахлат ташлайдиган бадраб аниқланган. Унинг диаметри 1,6 м, у 6-қатлам сифатида қайд этилган (73а, 6-қатлам). Бироқ бадрабнинг шарқий ярмида, унинг этагида, жанубга қараб кетган қия ёнбағирлик (кенгайиш) аниқланган. Бу қатламда XIV–XVI асрларга оид сопол буюмларнинг мажмуаси аниқланган. Бундай мажмуа Б.Абдулгазиева томонидан бундан аввал ҳам учратилган. Арк ичи ҳудудида қайд этилган мажмуа XV–XVI асрларга мансуб деб аниқланган [Абдулгазиева Б., 1990. 91–96-бет.] Улар шу даврга оид Арк ичи шурфидан олинган артефактлар билан ҳамоҳанг (Матбобоев Б. Х., Абдуллаев Б., Раҳимов К., Машрабов З. З., 2003).

7-қатлам (73а, 7-расм) – 0,6–0,7 м қалинликдаги маданий қатламдан иборат. Унда XIII–XIV асрларга оид сирланган ва сирланмаган сопол материаллар топилган (80-расм). Шунингдек, 0,7 м қалинликдаги бино деворларининг қолдиқлари топилган. У кесимида 28–32 x 8–10 см ўлчамдаги хом ғиштдан қурилган. Улар ғарбий деворнинг қолдиқлари эканини айтиб ўтиш жоиз. Унинг шарқий томонида юмшоқ тупроқ аниқланган. Унда бинони тўлдириш мақсадидаги ишлатилган бўлиши мумкин бўлган кул ва кўп миқдорда сопол парчалари топилган. Ғарбий томондан девор сирти шағал билан қопланганди. Бу уни ёмғирлар таъсиридан сақлаган бўлиши мумкин. Алоҳида топилмалар – сепоя сопол идишлар ишлаб чиқариш мавжудлигидан далолат беради.

8-қатлам (73а, 8-расм) – сарик рангдаги материк тупроғидан иборат.

**Сўнги бронза – антик даврларидаги Фарғона водийсининг шахар
мақомидаги асосий археологик ёдгорликлари**

	Ёдгорлик ва унинг жойлашган худуди	Майдони (га)	Арк	Санаси
1	2	3	4	5
Шимолий, шимоли-ғарбий қисми				
1.	Ахсикет	30–70	+	эр. ав. III – I асрлар, XIII аср бошлари
2.	Баландтепа (Боб-Поп)	9	+	эр. ав. II– I, XIII аср бошлари
3.	Мунчоктепа (Тўрақўрғон)	100 (?)	+	эр. ав. III–II асрлар, эрамининг биринчи асрлари
Шарқий қисми (шимоли-шарк, жануби-шарк)				
1.	Далварзин (Қорадарёнинг юқори оқими)	25	+	эр. ав. XII–VIII–VII (?) асрлар, мил. авв. IX–VII асрларда эса шахар мақомида эди
2.	Эйлатон (Норин–Қорадарё оралиғи)	200	?	эр. ав. VII (?) – VI– III асрлар
3.	Эскиқўрғон (Тўрткўл) (Норин–Қорадарё оралиғи)	13	+	эр. ав. сўнги асрлар –эрамининг биринчи асрлари
4.	Шўрабашот (Ўзган воҳаси)	70	+	эр. ав. V (?) – IV асрлар – эрамининг биринчи асрлари
5.	Мингтепа	150–160 га, ундан 40 га ички шахар	+	эр. ав. IV(?) – III–II асрлар – эрамининг биринчи асрлари
6.	Қорадарё (Ўзган воҳаси)	10	+	эр. ав. III–II асрлар
7.	Жиланди (Ўзган воҳаси)	7	+	эр. ав. III–II асрлар – эрамининг биринчи асрлари
8.	Қўрғонтепа	8	+	эр. ав. III асрлар – эрамининг IV асрлари

9.	Янгибозор (Новқат воҳаси)	10	+	эр. ав. II–I асрлар
10.	Учқўрғон I (Норин–Қорадарё оралиғи)	12–24	+	эр. ав. III–II – эрамизнинг биринчи асрлари
11.	Қайнавог (Норин–Қорадарё оралиғи)	15	+	эр. ав. III–II асрлар – эрамизнинг биринчи асрлари
12.	Дунбулок (Ўзган воҳаси)	8		эр. ав. II–I асрлар
13.	Мозортепа (Аравон дарёси соҳилида)	12		эр. ав. II–I асрлар
14.	Ҳаққулобод ёнидаги Оқтепа (Норин–Қорадарё оралиғи)	12	+	эр. ав. II–I асрлар
15.	Шимолий Қуршоб	5	+	эр. ав. III–II асрлар – эрамизнинг биринчи асрлари
16.	Туртқул	5	+	эр. ав. III–II асрлар – эрамизнинг биринчи асрлари
17.	Қува (Қубо)	12	+	эр. ав. IV–III асрлар – эрамизнинг XIII асрлари
Марказий қисм				
1.	Қаламиштепа	12–16	+	II–III асрлар

Андижон шаҳри ҳақида манбалардаги маълумотлар¹

1. Ёзма манбалар

Андукан (*Андукон*) – (*Китоб*) *Масалик ал-мамалик ал-Истаҳри*² («Давлат йўлларининг китоби») (Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад ал-Истаҳри) 930–933 йилларда тузилган. Ал-Истаҳри кўп марта саёҳатда бўлган ва хусусан Мовароуннаҳрга саёҳат қилган. «**Қуйи Ниса шаҳарлари: Маргинан, Зедерамш, Неджренг, Устикан, Андукан**³» [[Китаб] масалик ал мамалик ал-Истаҳри, форс тилидан З. Н. Ворожейкина таржимаси // Материалы по истории киргизов и Киргизии. Вып 1. М., 1973. с 31].

Андукан – *Нусхат ал-муштак фи хтирак ал-афак ал-Идриси* («Дунё бўйлаб саёҳатга чиқишга интилаётганлар учун тасалли»). Китоб муаллифи Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн ал-Ҳаммуди ал-Идриси (1100–1165 й.) – араб географи ва саёҳатчиси. Ал-Идриси Курдобада (Испания) таълим олган. «**Қуйи Ниса у ва унинг шаҳарлари – Маргинон, Зандарамш, Наджренг, Устикан, Андукан (Андижон) ва Хали билан боғланган**» [Нусхат ал-муштак фи хтирак ал-афак ал-Идриси, араб тил. О.Б. Фролова таржимаси] // Материалы по истории Средней и Центральной Азии X–XIX вв. Ташкент. 1988. С. 59].

Андукан – *Муджам ал-Булдан* («Мамлакатлар луғати») Якута ал-Ҳамави. «Мамлакатлар луғати»нинг муаллифи Якут (Йакут) ибн Абдуллоҳ ар-Руми ал-Ҳамави (тах. 1179–1229) – машҳур энциклопедиячи олим, саёҳатчи. [Муъжам ал-Булдан Йакут ал-Ҳамави (араб тилидан О. Б. Фролова ва Б.Вахобова таржимаси // Материалы по истории Средней и Центральной Азии X–XIX вв. Ташкент. 1988. С. 83. Қаранг: Бўриев О., Вахобова Б. Ёзма манбалар ал-Фарғоний ҳақида. Тошкент, 1998. Б.46)].

¹ Қаранг: Андижан (Андиджан, Андукан). [Бартольд В. В. 1965. 212–215, 326, 359, 464, 531, 532, 534–537-бет.].

² Асар шунингдек, «Китоб сураг ал-арз» номи билан ҳам машҳур («Ер тасвири») [Қаранг: материаллар, 1998].

³ Шу ерда ва бундан кейин курсив муаллифларники (М. Б., З.М).

Андуган – Зафарнома («Зафарлар китоби») Низом ад-Дин Шами (Табриз шаҳри атрофи Шамб-и Газани). Зафарнома – Амир Темурнинг дастлабки тўлиқ расмий тарихи. 760/1358 рамазон ойининг 806/ март 1404 йиллар. **«Камар ад-Дин қўшинни олиб, Андуганга кириб борди»** [Зафар-наме Низом ад-дин Шами форс тилидан О.Ф. Акимушкин таржимаси // Материалы по истории киргизов и Киргизии. Вып. 1. М. 1973. С1 105].

Андуган – «...Темур Али бекни Андуганга хибсга жўнатди...» [Низомиддин Шомийнинг Зафарномасидан парча // Материалы по истории туркмен и Туркмении. Том I. VII–XV вв. Арабские и персидские источники. Труды Института востоковедения. XXIX. М., – Л., 1939. С. 522–523].

Андуган – Шарофиддин али Яздийнинг «Зафарномаси». Амир Темур хукмронлиги тарихини ўз ичига олади. Муаллиф – таниқли олим ва адабиётчи Шарофиддин Али Яздий (858/1454 йилда вафот этган). Асар 828/1424–25 йилларда тугалланган. **«(Шундан сўнг) у амирзода Умаршайхни Андуганни бошқариш учун жўнатди»**. [Зафар-наме Шараф ад-Дин Али Йазди, пер. с персидского О. Ф. Акимушкина // Материалы по истории киргизов и Киргизии. Вып. 1. М., 1973. С. 132, С. 135, 142, 143, 146–148].

Андиган – [Бу манбанинг бошқа нашрига ҳам қаранг: Зафар-наме Шараф ад-Дин Али Йазди пер. с персидского Е. А. Поляковой] // Материалы по истории Средней и Центральной Азии X–XIX вв. Ташкент, 1988. С. 153].

Андуган – «Аноним Искандара» – Умаршайхнинг ўғли ва Амир Темурнинг набираси Искандарга бағишланган асар, икки тахрирдагиси маълум (816–817/1413–1414 йиллар). Муаллиф Муийн ад-Дин Натанзи, Исфохон вилоятининг Натанз қишлоғида туғилган. **«Хамдаллах Қазвинининг [Нусхат ал-Кулуб] маълумот беришича, вилоят пойтахти – Андуганни Кайду ва Дува барпо этган»**. [«Аноним Искандара», форс тилидан О. Ф. Акимушкин таржимаси // Материалы по истории киргизов и Киргизии. Вып. 1. М., 1973. С. 116, 122, 126].

Андуган (Андугон) – Матлаъ ас-саъдайн ва мажмаъ ал-бахрайн Абд ар-Раззоқ Самарқандий (Асар 1470-71 йилларда тамомланган). **«Бундан аввал Ўзган вилоятига йўл олган амирзода Умаршайх Андуган атрофида девор қурди ва вилоятни гуллаб-яшнаш ҳолатига келтирди»**. [Матлаъ ас-саъдайн ва мажмаъ ал-бахрайн Абд ар-Раззака Самарқанди. Форс тилидан О.Ф. Акимушкин таржимаси // Материалы по истории киргизов и Киргизии. Вып. 1. М., 1973. С. 153. шуниндек, қаранг: С. 154, 157–58, 160–62, 164–65].

Анддган – «... Султон Умаршайхнинг 873/1469 йилга оид уйғур тилида ёзган хужжатида шахар *Анддган*, деб номланган» // [Баргольд В. В. Работы по исторической географии / Соч., М., 1965. Т. III. С. 534].

Андуган – Маджуму ат-тавориҳ – («Тарихлар мажмуаси») XVI асрда Фарғона вилоятида мулла Сайфуддин Ахсикендий томонидан ёзилган ярим тарихий, ярим афсонавий асар. («Минг-Джубаға йўл олди ва уни эгаллади, у ердан *Андуганга* бориб, босиб олиб, Косонга йўл олди»). [Маджуму ат таварих. Тожик тилидан В. А. Ромадин таржимаси // Материалы по истории киргизов и Киргизии. Вып. 1. М., 1973. С. 203; С. 206, 209].

Андикан (*Андикон*) – Зия ал-кулуб, XVI асрда яшаган ўрта осиелик машхур сўфий, шайх, Нақшбандия тариқати раҳнамоси Хўжа Исҳоқнинг тазкираси («кўзларимизни ёруғликка тўлдир», – Тошкент вилоятидан – Дарвишхон, Туркистон вилоятидан – Бобохон, *Андикан* вилоятидан – Харамшоҳ, Қошғар вилоятидан – Абдулкаримхон»). [Зийа ал-кулуб (Форс тилидан З. Н. Ворожейкина таржимаси) // Материалы по истории киргизов и Киргизии. Выпуск 1. М., 1973 С. 180].

Андиган, *Андуган*, *Андижан* – Мулхакат ас-Сурах («Ас-Сурах» лугатиға кўшимча) Жамолиддин Қарший. Муаллиф XIII–XIV аср бошларида яшаган ўрта осиелик олим Абу-л-Фадл ибн Муҳаммад Жамолиддин Қарший. [Мулхакат ас-Сурах Джамал Карши пер. с персидского Р. Ш. Шарафутдиновой // Материалы по истории Средней и Центральной Азии X–XIX вв. Ташкент. 1988. С. 124. Шунингдек, қаранг: Джамал ал-Карши. Ал-Мулхакат би-с-сурах. Введение, перевод с арабско-персидского, комментарии, текст, факсимиле Ш. Х. Вохидова, Б.Б. Аминова / История Казахстана в персидских источниках. Т. I. Алматы: Дайк-Пресс. 2005. С. 10, 16, 40, 58, 113, 115, 150, 152]. *Андуган*, *Андикан*, *Андиджан* – шунингдек, ушбу манбанинг бошқа нашрига қаранг: Джамал ал-Карши. Мулхакат ас-Сурах («Ас-Сурах» лугатиға кўшимча) «...Бу шайх ал-Марвази *Андуганда* ҳаётдан кўз юмди. Жамолиддин ал-Хирави ал-Иламиши... *Андиджанда*ги Иламиш қадамжосининг ёнида яшарди... У ўзи туғилган жойларни тарк этганидан сўнг *Андиканга* кўчиб борди, ...» // Джамал ал-Карши. Мулхакат ас-Сурах. Душанбе. 2006. Перевод с арабского и примечание Саидова Абдукаххора. С. 34, 84, 86. см. также: С. 108, 120.

Андиджан – З.М. Бобурнинг «*Бобурнома*» асари. С. А. Азимжанованинг кайд килишича, асар алоҳида китоб шаклида ҳижрий 913 ёки 1507–1508 йиллардан тайёрлана бошланган. «**Жанубий соҳилдаги ўртада жойлашган шаҳарлардан бири – Андиджан(Андиджон) Фарғона вилоятининг пойтахтидир**» Бабур-наме. Пер. М. Салье. Общая редакция и доработка С.А. Азимжановой. Ташкент. 1993. С. 29–49. См. также С. 50–371.

Андиджан (Андиджон) – Тарихи Рашидий («Рашидий тарихи») Мирза Муҳаммад Ҳайдар. Марказий Осиёнинг XVI асрдаги тарихи бўйича буюк ёдгорликнинг муаллифи Мирза Муҳаммад Ҳайдар дуғлат (905/1499-958/1551 йиллар) Бобурнинг онаси Кутлук Нигор хонимнинг қондош синглиси Хуб Нигор хонимнинг ўғли бўлади. [Мирза Муҳаммад Ҳайдар. Та`рих-и Рашиди. Ташкент. 1996 / Яна ўзбек тилида қаранг: Муҳаммад Ҳайдар мирзо. Тарихи Рашидий. Тошкент, 2010].

Андиджан (Андиджон) – Тарихи Қошғар (муаллифи ва яратилган йили номаълум) тахминан XVII асрда ёки XVIII асрнинг бошида ёзилган. «...Султон Халилсултон акаси – Мансурхоннинг ҳужуми туфайли тез орада **Жонибекнинг олдига Андиджонга қочди...**» Тарих-и Қашғар. Пер. с уйгурского Л. А. Покровской // Материалы по истории киргизов и Киргизии. Вып. 1. М. 1973. С. 217, 220, 221.

2. Нумизматик манбалар

Андукан – танга (фелъс), 358–59 / 968–70 йилларда зарб қилинган. Бироқ айрим мутахассислар ушбу танганинг ўқилишига шубҳа билан қарашади [Кочнев Б. Д., 1989. С. 53]. Яъни у нотўғри ўқилган бўлиши керак деб ҳисоблайдилар. Ягона бу танга биринчи ҳарфларга қараб (чунки қолган ҳарфлар яхши кўринмайди) Андхой ёки Анд билан бошланадиган географик маконда зарб этилган дейишади. Бироқ бизлар (муаллифлар – Б.М., З.М.) бу шубҳага қўшилмаймиз. Айнан Андикан/Андиконда зарб қилинган деб ҳисоблаймиз. Бу фикрни қуйидаги далиллар ҳам тасдиқлайди. Чунки 930–933 йилларда тузилган «*(Китоб) Масалик ал-мамалик ал-Истаҳри*» шаҳар номи *Андукан* кўринишида келтирилади. Бу тангада зарб этилган номнинг айнан ўзгинасидир. Танганинг 968/70 йиллари зарб этилганини ҳисобга олсак, зарбхонадагилар мазкур тангаларни зарб этишганида манба муаллифи ал-Истаҳрий Мовароуннаҳрга келиб кетган эди ва ул зотда Андижон тўтрисида етарли ва аниқ маълумот бор эди (**III илова** бошланиши). Қолаверса ён кўшни Ўшда дастлабки танга пуллар 284/897 йили зарб

этилган. Ўзгандда 312/924–925 йили зарб этилган (Атаходжаев А.Х., 1998). Буларнинг барчаси ўрганилаётган даврда Х асрнинг иккинчи ярмида Андижонда зарбхона бўлганига фактик далил бўлади.

Андиган – Андижон зарбхонасида зарб этилган Чифатой пул бирликларида учрайди [Массон М. Е., 1957. С 76-77; Давидович Е. А., 1972 С. 157. Таблицы 4, 6-9, 10а, 10б, 11, 19 и табл. 3; Бурнашева Р. З., Смагулов Е.А., Туякбаев М. К., 2006. С. 37–41. Каталог 1, монеты № 17 и № 267» Чагатайдские.. 2008. С. 15–32.; Zambauer E, 1968. S. 53; См. также монета 006QTT0090.3 / СН. Temp. Qaidu dirham. Andigan type. Obv. Tamga of Qaidu and Duwa / Rev: kalima // mongolian., 2010]. см. еще: Эдуард Хуршудян. Чагатайская монета XIII века (часть II) <http://eurasica.ru>

Андиган – Темурийлар даври тангалари ичида аниқланган: Тип 1-809/1414–1415 г. Тип 2-819/1416–17 г. Тип 3-832/1428–29 г. Тип 4-898-899/1492-94 г. [Давидович Е. А., 1983. С. 36; Шпенева Л. Ю., 1997. С. 6; 1991 С. 207–211; Кочнев Б. Д., Шпенева Л. Ю., 1984. С. 238–265, табл. 1–3); Тип 3-832/1428–29 г. Бобо Саъддин қабристонига қабр қовлаш чоғида аниқланган сопол идиш ичида 3000 тадан ортиқ танга бор эди. Улардан 2933 таси музейда сақланмоқда [Абдулгазиева Б., 2002а, С. 12–13; шунингдек, Андижондан топилган бошқа хазинага ҳам қаранг: Абдулгазиева Б., 2002б. С. 128–130].

Андиджан – 896–916/1491–1512 йилларда зарб этилган тангаларда қайд қилинган (Е. А Давидович бўйича II хронологик гуруҳ [1983. С. 248, 259; Шпенева Л. Ю., 1991; 1997; 1997а].

Андигон – хижрий 918 йили зарб этилган Хўжанд хазинасидаги тангалар орасида топилган (Давладхожа Довуди, 1998. С. 49–50; Рис. 16, табл. 17, 19, 26, 27].

Қирлик даҳасидаги маҳаллаларнинг рўйхати
(XIX аср охири – XX бошлари) (С. Жалилов бўйича)

Т/р	Маҳалланинг номи	Т/р	Маҳалланинг номи
1.	Абдуҳолик маҳалла	14.	Қаландархона
2.	Орзуқулбек	15.	Қора бугра (Қўрабура)
3.	Аълам	16.	Тош мозор
4.	Арава бозор	17.	Тахтақўприк
5.	Алача боб	18.	Шиговул
6.	Оқ масжид	19.	Худоёр қози
7.	Бақақуруллок	20.	Ўрда
8.	Бўра	21.	Чиноргаги
9.	Дарвоза оғзи	22.	Чувалачи
10.	Девонавой	23.	Чўхрак
11.	Майдон	24.	Юмалоқ мозор
12.	Маҳдумхон қози	25.	Яккақўргон
13.	Кўтак тегирмон		

Ўйлик даҳасидаги маҳаллаларнинг рўйхати
(XIX аср охири – XX бошлари) (С. Жалилов бўйича)

Т/р	Маҳалланинг номи	Т/р	Маҳалланинг номи
1.	Ойшахоним	10.	Сарвонтепа
2.	Бордон бозори	11.	Қозабоғ хўжа
3.	Ботирхўжа	12.	Қўштепа
4.	Дурвахон масжид	13.	Шолдирама
5.	Биринчи найза қайрағоч	14.	Ҳакимбек
6.	Иккинчи найза қайрағоч	15.	Чуқурмасжид
7.	Учинчи найза қайрағоч	16.	Эски каппон
8.	Рустам қози	17.	Сарой кўча
9.	Ўрда таги		

1893 ва 1913 йиллардаги хариталардан аниқланган гузарлар рўйхати
(Ер ўлчовчи/танобчи А. Стариковнинг материаллари асосида)

Т/р	Гузарларнинг номи	Т/р	Гузарларнинг номи
1.	Жомеъ гузари	13.	Бақақуруллоқ гузари
2.	Қўштепа гузари	14.	Шолдирама гузари
3.	Топлан гузари	15.	Янги Чек бўёкчи гузари
4.	Гумбаз гузари	16.	Чувалачи гузари
5.	Чор гузари (Чоргузар)	17.	Эски Қўрғон гузари
6.	Ниёз (Найза) Қайрағоч гузари	18.	Қора Бура гузари
7.	Яланғоч Қўрғон гузари	19.	Тўқмоқ гузари
8.	Шарифбой гузари	20.	Тақабой гузари
9.	Қўшариқ гузари	21.	Умарбек гузари
10.	Қора Қўрғон гузари	22.	Орзукулбек гузари
11.	Сой гузари (Сойгузар)	23.	Остонагузар
12.	Қаландархона гузари		

21–23-гузарлар кўрсатилган харитада учрамайди.

V(A) илова

Меъморий ва зиёратгоҳ ёдгорликлари ҳақида маълумот¹

Андижон бошқа Ўрта Осиёдаги кўхна шаҳарлар каби кўплаб моддий маданият ва бошқа ёдгорликларга эга бўлган Шарқнинг маъмур шаҳарларидан бири. Минг афсуски, ёдгорликлар турли сабабларга кўра деярли сақланмаган, фақат улар даракчилари – моддий маданият ашёлари қатламлар орқали бизгача етиб келган. Қуйида халқ оғзидан ёзиб олинган, кейинги археологик изланишларни айрим ёзма манбаларга қиёслаш орқали қўлга киритилган маълумотлар илк марта берилмоқда².

¹ Маълумотлар Андижон шаҳри тарихининг чуқур билимдони домла С. Жалилов билан муаллифлар томонидан бирма-бир юриб текшириб чиқилди.

² Бу қисм баёнида Андижон ўлкашунослик музейи ходими М. Абдурахмонов ҳамда Андижон адабиёт ва санъат музейи фонди (Д.Юсупов) материал ва маълумотларидан фойдаланилди.

Бобо Таваккал – кадамжой, қаландарлар тўпланадиган жой (лангар) бўлган. Соё даҳасига қарашли «Майдон» маҳалласи «Яхши» кўчасига жойлашган. Илгари бу ерда масжид ва қаландархона бўлган. Катта қабристон «Бобо Таваккал Азиз» деб юритилади. Бобо Таваккал тарихий шахс бўлиб «Бобурнома»да жой номи сифатида тилга олинган!

Ганчтепа¹ (Уграёр) – шаҳарнинг шимоли-шарқ томонида, уйсозлик комбинати (собиқ ДСК) ҳудудида, Андижонсой ўнг томонида жойлашган миллоддан аввалги III–II – миллоднинг III–VI асрларига оид ёдгорлик. Аҳоли деҳқончилик, боғдорчилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланган. Майдони 1 гектарга борган. 1982 йили хўжалик ишлари пайтида бузиб юборилган².

Девонабой (Девонавой) **масжиди** Андижон шаҳри Олтинкўл кўчасида жойлашган. Девонабой Жомеъ масжиди тарихчи олим Сайфиддин Жалилов маълумотига кўра 1870-йиллар бошида бунёд этилган. Девонабой Қорасувлик катта ер – сув эгаси бўлиб, такводор, саховатпеша, моддий ва маънавий бой инсонлардан бўлган. Девонабой Андижон ҳокими Насриддинбек розилиги билан шаҳар марказига масжид ва ҳаммом қуришга киришади. Масжид биттач унинг бунёдкори Девонабой номи билан юритилади.

Девонабой тарихий шахс бўлиб, уни қабри Қорасувдан Султонободга етмай, чап томондаги адирликда «Юнуспайғамбар» зиёратгоҳида жойлашган. Масжид ўрнида 1928–1942 йиллари турли хил ҳунармандлар фаолият кўрсатганлар. 2008–2009 йиллардан бошлаб янги минора билан қайта қурилди.

Дувахон масжиди – мўғул хонлари Хайду (1230–1301) ва Дува (ёки Тува 1307 йили вафот этган) исломни қабул қилганларидан сўнг Андижонни ободонлаштиришга киришдилар. Дувахон маҳалласида катта масжид ва уни яқинида ҳаммом қурилган (ҳозирги ҳунармандлар расталари). Ҳаммом масжидга вақф қилиб берилган. Тахминан шу жойдан аниқланган материаллар, хусусан гулдор безак ғиштлари XII–XIII аср билан белгиланишини ҳисобга олсак, бу масжид Дувахондан олдинроқ қурилган бўлиши керак. У жойлар ҳозирги «темирчилик»даги сарой ичига тўғри келади, ҳаммаси 1937 йили бузилиб кетган.

¹ Иловада устки қисми сақланмаган, бироқ аҳамиятли археологик ёдгорликлар тўғрисида изоҳ берилмоқда.

² Абдугазиева Б. Андижон Бобур даврида. Андижон. 1993. Б. 12–13.

Жомеъ комплекси – мадраса, масжид ва минорадан ташкил топган. Умумий майдони 2,5 га бўлган мажмуа тўртбурчак шаклда қурилган бўлиб, тўртта бурчагида гумбаз, ғарбий томонида хонакоҳ, минора ва 122 та хужрадан иборат бўлган. Кириш қисми икки қаватли, қолган томонлари бир қават. Иккинчи қават хужраларининг эшиклари кўча томонидан очилган бўлиб, юқорига кириш майдончасидаги 2 та айланма зиналар орқали чиқилади.

Бино 1884–1894 йиллари халқ ҳашар йўли билан қурилган. 1894 йилдан бошлаб мадраса фаолият олиб борди. Мадраса бурчакларида гумбазли дарсхоналар, улар орасида икки қаватли хужралар жойлашган. Комплексининг ғарбий томонида водийдаги энг йирик иншоот масжид жойлашган. Водийдаги энг баланд минора (32 м) саккиз қиррали асосда тикланган¹. 1902 йилда Андижонда бўлиб ўтган қаттиқ zilзила оқибатида бино пештоқи ҳамда минора мезонаси шикастланган. 1906 йил меъмор Исахоннинг укаси устазода Юсуфали (баъзида Юсуф-Али Мусаев) Мусаев (ЎЗР ФА фахрий аъзоси) бошчилигида таъмирланган. Мадраса олий диний мактаб мақомида фаолият кўрсатган. Кейинчалик бозор (1930 йил), тураржой (1941–1945 йй.) сифатида фойдаланилган.

1974 йили бино таъмирланиб Ўзбекистон РФА Адабиёт институтининг Адабиёт музейи ташкил этилди. Ҳозирда меъморий комплексда Андижон адабиёт ва санъат музейи ва бозор жойлашган.

Култeпa – эрамиз бошларига оид археологик ёдгорлик. Шаҳристон қисмининг вилоят театри, вилоят ҳокимлик бинолари, Тиббиёт институти академик лицейи бинолари ўрамида жойлашган бўлиши керак. Бирок академик лицей ҳовлисидаги бизларнинг текширишларимиз XI–XII асрлар материалларни берди. У ҳозирги вилоят ҳокимлиги биноси ўрни ёки унинг яқин атрофида жойлашган антик даврга (эрамиз бошлари) тўғри келадиган кальа-кўргон бўлган. Бу ёдгорлик тўғрисида «Тарих-и Қошғар» асарида (XVI–XVII асрлар) ҳам маълумотлар учрайди. Хусусан, 1669–1670 йиллар воқеалари, яъни Андижон қалъасини қўлга олиш баънида ёзилишича Оқсу ҳокими Мирза Шохид-Чурас шаҳарнинг жанубидаги Хакан дарвозаси яқинидаги Култeпани қўлга киритиб, ўз ҳукмдори Қошғар хони учун у ерда чодир тикади². Лекин Култeпа XIX аср охирларида бутунлай бузиб юборилган.

Мир Пўстин (Бир Пўстин) ота зиёратгоҳи – бу ерга ташриф буюрган академик Я. Ғуломов ёдгорликни IX–XI асрларда бунёд этилган деб

¹ Азимов И. Фарғона водийсининг архитектура ёдгорликлари. Тошкент. 1986. Б.49–52.

² Тарих-и Қашғар // Материалы по истории киргизов и Киргизии. Москва. 1973. С. 221.

ҳисоблайди. Мозор номини берган шахсни халқ доим бир хил пўстин кийиб юргани учун Бир Пўстин деб номлаб келган. 1882 йили Маҳмудалибой бу ерга Дилшод исмли меъморни таклиф этиб мозорни янгидан тиклади ва ободонлаштирди. Бу ерда ҳозир зиёратгоҳ ишлайди.

Оқ масжид мажмуаси – Соё даҳасининг кунчиқар томонида жойлашган ва ўрта асрларга оид. 1936 йили истироҳат боғи қурилишида бузиб юборилган.

Оқ уй савдо маркази – XIX аср охирида Миркомил Мирмўминбоев, Юсуф Саркор, Аҳмадбекхожи Темирбеков каби маҳаллий ишбилармонлар сармоёси ҳисобига қурилган. 1978 йили шаҳарсозлик ишлари пайтида бузилиб кетган.

Отақўзи мадрасаси – Пахтаобод тумани Маданият қишлоғида жойлашган. Унинг бунёдкори Отақўзи ҳожи номи билан юритилади. Отақўзи ҳожи асли чўпон бўлган. Мадраса XX аср бошларида фарғоналик уста Қирғизбой ва уста Мамажонлар маҳорати билан қад ростлаган бетакрор миллий меъморчилик санъати намунасидир.

Меъмор И. Азимовнинг фикрича, бинонинг умумий кўлами ва тархий тузилиши ҳам ўзига хос. Бир ҳовлили, номутаносиб композицияга эга. Мадраса тарҳи кўп бурчакли бўлиб, пештоқ-гумбазли дарвозахона, масжид-айвон, икки қават қилиб қурилган ҳужралар ҳамда минорадан иборат. Ҳовли бўйлаб ҳужралар ва гумбазли дарсхона қурилган¹. Мадраса ҳовлиси тўртбурчак шаклида бўлиб, уч томони ҳужралар билан ўралган ва улар дарсхона вазифасини ўтаган. Обида қибла томонини маҳобатли масжид ташил этади. Мадраса юксак дид ва маҳорат билан эски усулдаги тўртбурчакли пишиқ ғиштдан қад ростлагани учун ички ва ташқи деворларини суваш учун ҳожат ҳам бўлмаган.

Понсод масжиди – Шаҳрихон шаҳри марказий дехқон бозори рўпарасида жойлашган. 1888 йилда Матиса (Муҳаммад Исҳоқ) Понсод Мирза Оғалиқ ўғли сармоёсига ҳашар йўли билан қурилган. Шу боис халқ орасида «Матиса понсод масжиди» номи билан ҳам юритилган. Айтишларича, Мирза Оғалиқ Қўқон хони Муҳаммад Алихоннинг маслаҳатчиси бўлган. Шунингдек, масжид қурилишига Матиса понсоднинг ўғли Муҳаммад Раҳим юзбоши ва набираси Мулла Камол мингбошиларнинг хизматлари ҳам катта бўлган.

Масжид тарҳи тўғри тўртбурчакли бўлиб, ёпиқ намозгоҳ ва айвондан иборат. Масжидсозлик қоидаларига асосан айвон шифтларига бетакрор

¹ Азимов И. Фарғона водийсининг архитектура ёдгорликлари. Тошкент. 1986. Б.53.

ховузакли¹ шакллар берилиб сир наккошлик санъати билан безатилган. Юксак маҳорат билан сайқал берилган шарафали ўймакор устунлари обидага алоҳида маҳобат ва гўзаллик бахш этади.

Шаҳрихон шаҳри марказида жойлашган Понсод масжиди XIX аср ўзбек анъанавий миллий меъморчилиги, Қўқон хонлиги (Фарғона водийси) мактабининг ўзига хос намунаси сифатида эътироф этилиб, республика аҳамиятида меъморчилик маданий мерос объекти сифатида давлат муҳофазасига олинган.

Рўшноий (Рўшноби) масжиди – «Мулҳакат ас-Сурах» номли манбада машҳур шайх Рўшноби ал-Марвазий ҳақида ажойиб фикрлар билдирилиб, у киши 699/1270-71 йй. Андугонга Нугулдаробдан кўчиб бориб ўша ерда вафот этади, Рўшноби масжиди яқинига дафн этилган дейилган². Устозларимиз С.Жалилов ва З. Машрабовлар фикрича, Арк ичи маҳалласи ҳудудида «Мадрасаи рўшноий» номли бузилиб кетган мадраса хужралари сақланган. Юқоридаги масжид ҳам мазкур мадраса яқинида жойлашган бўлиши керак.

Саъд ибн Абу Ваққос масжиди (Бобо Саъдиддин Қошғарий³ мозори яқинида) жуда катта ва маҳобатли бўлган. Саъд ибн Абу Ваққос саркарда бўлиб, уни мақбараси Тошкентда бунёд этилган. Бино йўл қурилиши муносабати билан бузилди ва атроф ерлар аҳолига уй-жой учун берилди.

Уйғур масжиди – Қашқардан кўчиб келганлар истиқомат қилган Эскилик даҳаси (шаҳарнинг шарқий теграси, Андижонсой чап қирғоғи) ҳудудида қурилган. Уни бунёд этишда Худоёрхон сарбози Юсуфжон Охунд хизматлари катта бўлган. Бино ҳозирда мавжуд.

Хартум кишлоғидаги зиёратгоҳ Меҳмони Валий – Балх шаҳридан келган машҳур тарихчи олим, файласуф ва тасаввуф номояндаси Маҳмуд ибн Вали 1620 йили шу жойни зиёратгоҳга айлантиради. 1612–1620 йиллари ул зот Андижонда яшади. Халқ уни севиб «Меҳмон Валий эди» деб улуғлаган. Ул зот 1620 йили Балх томон чиқиб кетади. Бу мўътабар инсонни улуғлаб шу жой номини Меҳмони Валий деб атаб келинган. Ҳозирда оромгоҳ ҳисобланади.

Хожар Ноиб мадрасаси – Андижон шаҳар Бозор кўчасида жойлашган (ҳозирги Бобур музейи биноси ўрнида), Нушур Вали масжиди ва қабристонни билан яхлит меъморий комплекс кўринишида бўлган. Арк ичи меъморий

¹ Ҳовузак – бино шифтнинг ароқи сарроблар билан бўлиниб, тўсин ташлаб вассалар терилган чуқур бўлаклари.

² *Джамал ал-Карши*. Мулҳакат ас-Сурах. Душанбе. 2006. С. 34.

³ Ҳиротда истиқомат қилган йирик тасаввуф олими.

ёдгорлигининг қурилган даври хақида аниқ тарихий маълумот сақланмаган. Бироқ мадраса ҳовлисида олиб борилган археологик қазилмалар пайтида Бобур даврига оид (XV–XVI асрлар) кулолчилик маҳсулотлари намуналари кўплаб топилган. Вилоят ўлкашунослик музейи илмий ходими, шарқшунос М.Абдурахмоновнинг XIV асрда яшаб ўтган олим Ҳамдаллоҳ Қазвинийнинг «Нусхат ул- қулуб» («Қалблар роҳати») асарига асосланиб берган маълумотига кўра мадраса XIV асрда Хожар Нойиб исмли шаҳар ҳукмдори томонидан қурдирилган. Мадраса Заҳириддин Бобурнинг отаси Умаршайх Мирзо арки ўрамида бўлиб, кейинги 7–8 аср давомида бир неча бор таъмирланган. Мадрасада ёш Заҳириддин Муҳаммад Бобур таҳсил олган, дейилади.

Мадраса тархи ўзига хос 6 томонли ёпиқ ҳовлидан иборат бўлиб, 27 та хужра, 3 та гумбазли дарсхона ва талабаларга мўлжалланган кичкина ёпиқ ва айвонли намозгоҳдан ташкил топган. Асосий кириш жанубий-ғарбий томонидан бўлиб, шарқий томонида ҳам кўшимча эшиги бор.

Чўнтак масжиди – Чуқурмасжид деган маҳалла ҳудудида (Ижтимоият кўчаси атрофи) ўтган асрнинг 20-йилларигача ишлаб келган ва кейинроқ хунармандлар артелига берилган. 1959–60 йиллари бузиб юборилган.

Якан (Ёрканд шайх) шайх мазори – Қорабура маҳалласи теграсида жойлашган. Шарқий туркистонлик сўфий уламулари фаолияти билан боғлиқ ҳолда юзага келган. Улардан бири Шамсидин Ёркандий 1648 йили Андижонга келган. Шу ерда узоқ хизмат қилган ва вафот этган (йили номаълум). Уни ўз хужрасига дафн этишган ва катта ҳурмат билан ёркендлик шайх деб номлашган. Халқ орасида Якан шайх бўлиб кетган.

Қлич Бурҳониддин ота мазори ўрта асрлар билан саналанади (XI аср). Қабр соҳиби Қлич Бурҳониддин ота (1010–1080) тарихий шахс бўлган. 1946–1947 йиллари мазор ўрнида «Ок гўр» номли масжид қурилган ва у ҳозир ҳам мавжуд.

Қутайба ибн Муслим ёдгорлиғи – йирик ислом фотиҳларидан бири бўлган, ҳарбий саркарда Қутайба ибн Муслим бинни Амр ал-Баҳилий (р.а.) (660–715) номи билан боғлиқ. Халқ орасида «имом шайх Қутайба мазори» деб ҳам аталади. Ёдгорлик Андижон–Хонобод йўли бўйида, Жалолқудук тумани «Гурунчмазор» (Қиличмазор) қишлоғи (Қатортол ҚФЙ) ўрамида жойлашган. Икки хонали мақбаранинг асосий хонаси ташқаридан квадрат асосида бўлиб, ичкараси саккиз бурчакли, томонлари чуқур меҳробсимон равоқлар билан кўтарилиб, диаметри 5,5 метрли «Шолғоми» гумбази билан ёпилган, ўртада оддий қабр. Мақбара ғарбидаги даҳлиз зиёратчилар учун мўлжалланган. Равоқлар орасига саккизта ёйсимон учбурчак шаклдаги колпоқи ганч ва гумбаз ости зардевorigа енгил нақш битилган.

Маҳаллий халқ билан бўлган 30 йиллик исломий жиҳод уруши тўлиқ натижа бермагач, 706 йилда халифа Юсуф Ҳажжож Абдумалик ибн Марвон фармони билан Хуросон амири лавозимига тайинланган ва унга Мовароуннаҳрни узил-кесил фатҳ этиш вазифаси юклатилган.

Ҳалифа Юсуф Ҳажжож вафотидан сўнг унинг ўғли Сулаймон ибн Абд ал-Малик тахт талашиб Қутайба (р.а.) кўшини орасида исён уюштиради. Лашкарбошиси Бакий ибн ал-Асвад¹ саркардани қатл қилади ва кесилган бошини Сулаймонга юбориб, танаси 11 нафар яқинлари ва фарзандлари билан шу жойга кўмилади.

Айтишларича, Соҳибқирон Амир Темур бу жойларни зиёрат қилиб, Самарқанддан меъмор жўнатиб Қутайба ибн Муслим (р.а) қабри устига кўркам ва маҳобатли мақбара қурдирган.

Қутайба ибн Муслим дафн қилинган жой ҳақида тарихчи Наршахий ёзди: «Қутайбанинг қабри Фарғонада машҳур бўлиб, у Работи Сархонг» деган жойда Коҳ деб аталадиган қишлоқда ўрнатилган, одамлар зиёрат учун ҳамиша у ерга бориб турадилар. XIII–XIV аср муаррихи Жамол Қарший ҳам айнан шу ҳақда ёзган. Академик В.В. Бартольд ушбу қишлоқни ҳозирги «Қилич мазор»нинг қадимий ўрни деб кўрсатади².

Бу мақбара 1935–1936 йилларда даҳрийлар томонидан бузиб ташланган. 1971–1976 йилларда вилоят раҳбари Бектош Раҳимов ташаббуси билан миллий меъморчилик анъаналари асосида қайта қурилган.

XI–XII асрлар ҳунармандлар маҳалласи³ – юкорида тилга олинган Култепанинг жануби-ғарб томонида шаҳристоннинг жанубий деворидан ташқарида жойлашган бўлиши керак. Яъни, ҳозирги кундаги Тиббиёт институти академик лицейининг бинолари ва спорт майдони остида ҳунармандлар маҳалласи ўрни жойлашган дейиш мумкин. Ўтган асрнинг 50–60-йилларидаги қурилиш ишлари пайтида, бизлар 2008 йили олиб борган археологик қазишмалар чоғида кулолчилик хумдонлари ва уларнинг маҳсулотлари (сопол буюмлар, сепоялар, тошқоллар ва б.) топилган. Ўлкашунослик музейи фондларида сақланаётган шиша буюмларга қараганда мазкур ҳудудда шишапазлар маҳалласи бўлганини исбот этмоқда. Бизнингча, ўрта асрларда ушбу ҳудудда, яъни рабод қисмида катта майдонда бир неча ишлаб чиқариш

¹ Джамал ал-Карши. Мулҳакат ас-Сурах. Душанбе. 2006. С. 37.

² Матбабаев Б.Х., Маишрабов 3.3. Древний и средневековый Андижан (историко-археологическое исследование). Ташкент, 2011. С. 94.

³ Шаҳар тарихий топографиясига муаллифлар (Б.М., З.М) томонидан биринчи марта алоҳида тавсиф берилмоқда.

билан боғлиқ устахоналар бўлган. Бу ҳолат тарихий жараёнларга зид келмайди. Андижон яқинидаги Кува рабодида ҳам хунармандлар маҳалласи қайд этилган. Аниқланган археологик комплексга (тангаларга) асосан XI–XII асрлар билан саналаниши мумкин. Тангалар Самарқанд, Ўзган ва Ўтрор шаҳарларида зарб этилган¹.

V(Б) илова

«Бобурнома»да тилга олинган тўққиз ариқ ва уларнинг жойлашуви²

*«Шаҳарга тўққиз тарнов сув киради.
Ажабки, бирор ердан ташқарига чиқмайди».*

1. Ҳокан ариғи³ – сувни Андижонсойдан олган. Тўққиз тарнов сувларидан фақатгина мазкур ариқ тилга олинади: «Ҳокан ариғи улуг шохжўйдир ва чуқур оқар, ҳар еридан кечиб бўлмас». Бу ариқ шаҳар қалъа деворларининг ташқи томонидан ўраб оққан.

2. Бурхоншайх ариғи (ёки Буранша) – тўғон бошиси Андижонсойнинг ҳозирги Нодира номли истироҳат боғидан 150 метр юқорида бўлган. Темир йўл кўприги остидан ўтиб, университет ётоқхонаси орқали «Шиғовулота» қабристонини айланиб, «Кирпичная» (ҳозирда Боқи Махмудий кўчаси) кўчасини кесиб ўтиб Наримонов кўчаси (ҳозирда Н. Охунов) бўйлаб ғарбга қараб оққан. Ариқ илгариги Октябрь (Абдурауф Фитрат) кўчасини кесиб ўтиб, Саноат маҳалласидан ўтгач, ғарбга томон оққан. Ариқ деярли йўқ бўлиб кўмилиб кетган.

3. Хўган ариғи – Бурхоншайх ариғи сув оладиган тўғондан сув чиқарилган. Уни бунёд этишда уйғур муҳожирлари қатнашганлар. Бобур давригача кичик ариқ бўлган, XVI асрда у кенгайтирилган ва ҳажмини яқин вақтларгача сақлаб қолган. Замонавий «Обиҳаёт» насос станцияси ишга солингач, ариқнинг аҳамияти камайган. Шаҳар ғарбига томон узайтирилиб ҳозирги Аэропорт томонгача давом эттирилган.

¹ Матбабаев Б.Х., Маирабов З.З. Древний и средневековый Андижан (историко-археологическое исследование). Ташкент, 2011. С.172. Прил. VI.

² Яна бу ҳақда С. Жалиловнинг «Бобур ҳақида ўйлар» (Тошкент, 2006) рисоласига қаранг.

³ Ҳокан ариғидан ташқари қолганларини номи ва ўрни С. Жалилов томонидан аниқланган.

4. **Жўйибозор ариғи** – Узумбозори ариғи ҳам деб аталади. Арк деворининг жануб томонидан оққан ва этаги ғарбда Далварзин ариғига қўшилган. Ҳозирги Ташкилот кўчасининг ўнг томонидан оқиб, 23-хонадонидан жанубга бурилган. Шу жойдан «Шарифбекгузар» томон йўналган.

5. **Бўғра ариғи** – Жўйибозор ариғидан бош олиб (собик 8-мактаб ёнидан) Шмитд кўчаси >> хонадонлари ичи билан >> Жомеъ мадрасаси орқасидан >> катта кўча >> Олтинкўл кўчаси ўнг томони билан ғарб томонга >> Умарбек гузарида Далварзин ариққа қўшилган. С. Жалилов кузатишларига кўра ариқнинг излари Шмитд кўчаси ва собик вилоят архиви орқасидаги ҳовлиларда сақланган.

6. **Далварзин ариғи** – катталиги ва чуқурлиги жихатидан Ҳокан ариғидан сўнг турган. Шунинг учун икки-уч жойида тегирмон бўлган. С. Жалиловнинг хотирлашича биргина «Чувалачи» (ҳозирги Ғайрат) маҳалласи худудининг икки ерида обжувоз¹ бўлган. Ариқнинг бошланиши Андижонсойнинг Тўққизариқ маҳалласидан оққан жойида бўлган. Ариқ шаҳар деворининг шимол томонидан >> Тўхтасин Келдиев кўчаси (Эски Куйбишев кўчаси) бўйлаб оққан. Ғарбда «Қорабура» маҳалласида девор билан жанубга бурилиб шу йўналишда давом этган.

7. **Оқработ ариғи** – Далварзин ариғи каби катта бўлган. Андижонсойдан сув олиб, ҳозирги «Чўлпон» кинотеатригача маҳаллалар орасидан ўтиб ғарбга томон оққан. Шаҳар ғарбидаги боғларни сув билан таъмин этган. Мазкур ариқ кичрайиб кетган бўлса-да, ҳозиргача мавжуд.

8. **Тўқмоқ ариғи** – бошланиши Оқработ ариғи бошланишига яқин жойда бўлган (шаҳарнинг ҳозирги 15-мактаби ёнидан ўтган). Оқработ ва Тўқмоқ ариқлари параллел равишда ғарбга томон оққан. Ўтган асрнинг 20–30-йилларида сув тегирмонлар ишлаб тургани унинг катталиги ва чуқурлигидан далолат беради. Асосан Тўқмоқ маҳалласини сув билан таъминлаган.

9. **Боботаваккал ариғи** (эски Қўшариқ деб нотўғри ҳисобланган) – Андижонсойнинг ҳозирги Қаландархона маҳалласига кириш қисмига яқин жойидан сув олган. Сўнгра қуйидаги йўналишда давом этган: Абдулхамид Чўлпон (Машинасозлик заводи истироҳат боғи) боғи >> Яхши маҳалласи хонадонлари >> Яхши кўчасидан ғарб томонга >> Бобур шоҳ кўчасига чиқиб этаги йўқ бўлиб кетади.

Юқорида таърифлари келтирилган Андижон ариқлари замонавий сув таъминоти боис ўз вазифаларини деярли бажармай қўйдилар. Улардан фақат учтасида – Жўйибозор, Оқработ ва Тўқмоқ ариқлари суви оқиб турибди.

¹ *Обжувоз* – сув кучи ёрдамида шולי оқлайдиган қурилма.

Андижон шаҳридаги археологик қазилмалардан топилган танга пуллар

Т/р	Шифр	Топилган жойи	Танганинг тавсифи	Ўлчами	Изоҳ
1.	Шурф-1 (Ш-1) 5-қатлам	Андижон, Навоий шоҳқўчаси, Тиббиёт институтининг академик лицейининг ҳовли қисми	Қорахонийлар сулоласига мансуб мис- кўрғошин дирҳам, XI аср охири	d=23 мм	
2.	Ш-1 5-қатлам, чуқурлиги 250 см	---	Қорахонийлар сулоласига мансуб кумуш қопланган мис дирҳам, Маҳмуд б., Муҳаммад (Самарқанд, 530–532 / 1135–1138)	d=22 мм	
3.	Ш-1, 5-қатлам, чуқурлиги 240 см	---	Ануштегинлар (Ҳоразмшоҳлар) сулоласига мансуб кумуш билан қопланган дирҳам, Муҳаммад б., Текиш, XIII аср боши	d=35–36 мм	
4.	Ш-1, 5-қатлам, чуқурлиги 240 см	---	Ануштегинлар (Ҳоразмшоҳлар) сулоласига мансуб кумуш билан қопланган дирҳам, Муҳаммад б., Текиш, XIII аср боши	d=35–36 мм	
5.	Ш-1, 5-қатлам, чуқурлиги 240 см	---	Қорахонийлар сулоласига мансуб кумуш қопланган дирҳам, Қодирхон (Ўзжанд)а XII аср охири	d=36 мм	

6.	Ш-1, 5-катлам, чуқурлиги 240 см	-//-	Қорахонийлар сулоласига мансуб кумуш қопланган дирҳам. Иброҳим б., Хусайн (Самарқанд, 577-580 / 1174-1185)	d=41-42 мм	
7.	Ш-1, 5-катлам.	-//-	Қорахонийлар сулоласига мансуб кумуш қопланган дирҳам, Қодирхон [Ўзжанд], XII аср охири	d=40-42 мм	
8.	Ш-1, 5-катлам, чуқурлиги 240 см	-//-	XII аср охирига тегишли	d=35 мм	Оксидланиш нағижасида парчаларга булинган
9.	Ш-1, 6-катлам, чуқурлиги 280-310 см	-//-	Қорахонийлар сулола- сига мансуб мис- кўрғошин дирҳам, XI асрнинг иккинчи ярми	d=22-24 мм	
10.	Чордона, юқори қатламлари, 2-қабр	Андижон, Т. Келдиев кўчаси.	Чиғатойлар сулоласига мансуб кумуш дирҳам, XIV аср охири	d=20-21 мм	
11.	Чордона, юқори қатламлари, 2-қабр	-//-	Чиғатойлар сулоласига мансуб кумуш дирҳам, XIV аср охири. [Ўтроп]	d=22 мм	(синган)
12.	Чордона, юқори қатламлари, 3-қабр	-//-	Чиғатойлар сулоласига мансуб кумуш дирҳам, XIV аср охири	d=21-22 мм	
13.	Чордона, юқори қатламлари, 3-қабр	-//-	Чиғатойлар сулоласига мансуб кумуш дирҳам, XIV аср охири	d=20-21 мм	

VII илова (104-расмдаги ёзув таржимаси)

Араб ёзувидаги қабртоши. Бўтакора кишлоғидаги Қорабашота қабристонини. Саййид Ҳасан ибн Маҳмуд ибн Муҳаммад Бухорий (1255–1312) қабртоши.

«1. Ушбу қабр (соҳиби).

2. Ёруғ ва машҳур саидлар улуғи, имомлар аълоси, дин олими.

3. Барча фанлардан хабардор, мақтовга лойиқ даҳо, ҳикматлар ва яхшиликлар соҳиби.

4. Фахрли инсонлар жамоасида пешқадам ва ўзини босиқлиги билан танилган, садоқатли.

5. Мустафо (алайҳиссалом) ва Али Муртазо авлоди, сўзи ва ишлари билан кишиларни гафлатдан уйғотувчи.

6. Мазмунли сўзи ва жисми, ишлари билан машойихлар шайхи.

7. Покиза мусулмон Саййид Ҳасан бин Маҳмуд бин Муҳаммад Бухорий. Аллоҳ у кишини яхшилар қатори ёдласин, ўз раҳматига олсин.

8. Ўли ва қудрати охирлаб, 19 сафар ойида кечаси.

9. 712-йили ул мақтовли зот.

10. Аллоҳ берган умрининг 57 йилида белгиланган муддатини ўтаб бўлди».

19 сафар 712 ҳижрий

6 апрель 1312 йил.

(Матннинг ўқилиши, таржимаси Андижон вилояти ўлкашунослик музейи катта илмий ходими Муҳаммадjon Абдурахмоновга тегишли.)


ФОТОСУРАТЛАР ВА ЧИЗМАЛАР ИЛОВАСИ






1-расм. Фарғона водийсининг XX асрнинг 30-йилларидаги ирригация тармоқлари харитаси.

Fig. 1. Map of the Ferghana Valley with the irrigational net. The 1930-s.




3-расм. Далварзин шаҳар харобаси. 2005 йилги режа.
Рим рақамлари 2003–2005 йиллардаги қазииш ишлари ўтказилган жойларни англатади.
1 – Ю. А. Заднепровский қазиишмалари; 2 – қабристон; 3 – мевали боғ.

Fig. 3. Dal'verz'in city-site. The plan of 2005. Roman numerals designate the numbers of excavations of 2003–2005. 1 – Yu. A. Zadneprovskiy's excavation pits; 2 – a gravethe yard; 3 – an orchard.




4-расм. Аидижон вилоятидаги Қорасув шаҳри худудидан топилган «тарози тоши». Тасодифий топилма. Милоддан авв. III–II минг йилликлар.

Fig. 4. Stone 'balance weight' from Karasu city in the Andijan province. Accidental find. 3rd – 2nd millennia BCE.




5-расм. Эйлатон шаҳар харобаси. Умумий режаси (Ю. А. Заднепровский бўйича).
I – ички шаҳар, II – ташқи шаҳар.

Fig. 5. Eylatan city-site. General plan (by Yu. A. Zadneprovskiy). I – inner city; II – outer city.




6-расм. Эйлатон шаҳар харобаси. Ички шаҳар режаси (Ю. А. Заднепровский бўйича).

Fig. 6. City-site of Eylatan. The plan of the inner city (by Yu. A. Zadneprovskiy).



7-расм. Тўрткўл шаҳар харобаси (Эски Кўрган):
1-2 – замонавий бинолар; 3 – қабристонга
кириш; 4 – ҳандак (арик?) (ров); 5 – кўча.

Fig. 7. Turtkul city-site (Iski Kurgan):
1-2 – contemporary constructions; 3 – entrance to
the gravethe yard; 4 – the ditch (canal?);
5 – the street.




8-расм. Мингтепа шаҳар харобасининг умумий режаси (А. Н. Бернштам бўйича).

Fig. 8. General plan of Mingtepa city-site (by A. N. Bernshtam).




9-расм. Мингтепа шаҳар харобаси. Ички шаҳар. Самодан олинган сурат.

Fig. 9. Mingtepa city-site. The inner city. Airview.




10-расм. Андижоннинг археологик ёдгорликлари туширилган харитаси.

Fig. 10. Plan of Andijan city with archaeological sites.




11-расм. Андижон шаҳрининг 1893 йилги харитаси. 2000–2012 йиллардаги археологик қазилмаларга асосан тузатишлар киритилган. Рақамлар билан гузарлар белгиланган: 1 – Жомеъ; 2 – Қўштепа; 3 – Топлан; 4 – Гумбаз; 5 – Чоргузар (Чор); 6 – Ниёз (Найза) Қайрағоч; 7 – Яланғоч Қўрган; 8 – Шарифбой; 9 – Қўшарик; 10 – Қўрақўрган; 11 – Соё (Соёгузар); 12 – Қаландархона; 13 – Бақақуриллоқ; 14 – Шолдирама; 15 – Янгичек Бўёкчи; 16 – Чувалачи; 17 – Эски Қўрган; 18 – Қўрабура; 19 – Тўқмоқ гузари; 20 – Такабой.

Fig. 11. Plan of Andijan city in 1893 with additions made in 2000–2011. The numerical symbols are used to denote *guzars*: 1 – Djami; 2 – Koshtepa; 3 – Toplan; 4 – Gumbaz; 5 – Chorguzar (Chor); 6 – Niyaz (Nayza)-Kayragach; 7 – Yalangach Kurgan; 8 – Sharifbay; 9 – Kosh-aryk; 10 – Kara kurgan; 11 – Say (Sayguzar); 12 – Kalantarkhana; 13 – Baka Kurlak; 14 – Shal'durman (Sholdirama); 15 – Yangi chek Buyakchi; 16 – Chualachi; 17 – Eski kurgan; 18 – Kora Bura; 19 – Guzar Tokmak; 20 – Takabay.




12-расм. Кўштепа (Шахрихон кўчаси). Режа. Шартли белгилар:
Ш – шурф; + замонавий қабрлар.

Fig. 12. Koshtepa (Shakhrikhanskaya str.). Plan. Designation indicators:
Ш – prospecting shaft; +-contemporary burials.



13-расм. Яккатепа (Далварзин кўчаси). Режа. Шартли белгилар:
Ш – шурф; + замонавий қабрлар.

Fig. 13. Yakkatepa (Dal'verzinskaya str.). Plan. Designation indicators:
Ш – prospecting shaft; +-contemporary burials.





14-расм. Археологик қазилмалар ва шурфлар туширилган Сарвонтёпа режаси (Тутзор ва Сужоат кўчалари). Араб рақамларидаги шартли белгилар – шурфлар, «X» – қадимги давр топилмаларига эга бўлган жойлар.

Fig. 14. Plan of Sarvontepa (on the crossroad of Tutzor and Sujoat streets.) with excavations and prospect holes. Designation indicator with Arabic numerals denotes prospect holes and «X» denotes the points of Antique finds.

15-расм. Сарвонтёпа. Юқори қатламлар ва илк ўрта аср даврларига оид иморатлар режаси.


Fig. 15. Sarvontepa. Plan of the Upper and Early Medieval constructions.





16-расм. Сарвонтепа. 1-Шурф: Кесими. 1 – чим босган қашлам; 2 – замонавий чиқиндилар; 3 – ғишт бўлақлари, сопол ва хайвонларнинг суяклари аралашган қатлам; 4 – оч рангдаги анча юмшоқ қатлам. 5 – зич, топилмалар кам учрайдиган шибаланган қатлам; 6, 8, 9, 13, 15, 17 – баъзи жойлари кулранг бўлган қора қатламлар; 7 – қора рангдаги қатламларга эга бўлган зич қатлам; 12 – қадимги даврга оид чиқиндилар ҳандаги; 18 – оч рангдаги қатлам, шурф томонларининг бутун кесими бўйлаб қайд қилинган; 19 – ўрта зичликда бўлган оч рангдаги қатлам; 20 – оч-жигарранг қатлам, айрим жойларида қум аралашган; 21 – қора рангдаги соф қум, ер ости сувлари сатҳи.

Fig.16. Sarvontepa. The prospecting hole 1: cross-sectional view. 1 – turf layer; 2 – modern dust; 3 – mixed layer of the fragmented bricks, pottery and animals' bones; 4 – light softer layer; 5 – dense rammed layer with rare finds; 6, 8, 9, 13, 15, 17 – black and grey layers; 7 – dense layer with black interlayers; 12 – ancient dust-hole; 18 – light layer revealed along the entire profile of the section; 19 – light layer of medium density; 20 – light-brown layer partly mixed with sand; 21 – pure black sand, the water level.




17-расм. Сарвонтепа. Шурф 4 ва унинг кесими: I – илк девор; II – иккинчи даврга оид девор; III – учинчи даврга мансуб девор; 1 – ўтган асрдаги қазиш ишлари давомида аралашган қатлам; 2 – чўқинди бўш қатлам; 3 – ўрта зичликдаги уюмланган қатлам; 4 – бўйлама тортилган айланма девор; 5 – тагкурсининг (платформа) юқори қисми (хом ғиштдан қурилган); 6 – тагкурсининг куйи қисми (пахсадан қурилган); 7 – кул қатлами; 8 – тўқ кул рангдаги тупроқ қатламининг оралиғи; 9 – кулранг-жигаррангдаги тупроқ қатлами; 10 – қум аралашган нам тупроқ қатлами; 11–12 – ер ости сувлари сатҳи.

Fig.17. Sarvontepa. Prospecting hole 4 and clearing-section above: I – early wall; II – wall of the second period; III – wall of the third period; 1 – layer of earth dump from excavations of the last century; 2 – loose layer of earthflow; 3 – layer of heap of medium density; 4 – longitudinal surrounding wall; 5 – upper part of platform made with mud bricks; 6 – lower part of platform made of *pakhsa*; 7 – ashy interlayer; 8 – dark-grey soil layer; 9 – grey-brown soil layer; 10 – layer of wet soil with sand admixture; 11–12 – groundwater level.



18-расм. Сарвонтепа. Тутзор кўчасидан қадимги мудофаа деворининг кўриниши.
Fig.18. Sarvontepa. Antique defensive wall viewed from Tutzor str.




19-расм. Сарвонтепа. 4-шурф. Платформанинг ғишт терилган қисми режаси.
Fig.19. Sarvontepa. Prospecting hole 4. Plan of the platform brickwork.




20-расм. Сарвонтепа. Юқори қурилиш горизонтининг кўриниши.

Fig.20. Sarvontepa. View of the upper constructive horizon.




21-расм. Сарвонтепа. Матолар изи қолиб кетган сопол парчаси
(милоддан авв. VI–V асрлар – Эйлтон I мажмуаси).

Fig.21. Sarvontepa. Pottery with imprints of textiles (6th – 5th centuries BCE – Eylatan I complex).




22-расм. Сарвонтепа. 6-шурф. Хумдонда тайёрланган пирамндасимон предметлар (милоддан авв. IV–III асрлар – Эйлатон II мажмуаси).

Fig. 22. Sarvontepa. Prospecting hole 6. Pyramidal objects made of fired clay (4th -3rd centuries BCE – Eylatan II complex).




24-расм. Сарвонтёпа. 1-шурф. Милоддан авв. IV–III асрларга оид бўлган сопол идишлар мажмуаси (Эйлатон II).

Fig.24. Sarvontepa. Prospecting hole 1. Ceramic complex of the 4th -3rd centuries BCE (Eylatan II).




25-расм. Сарвонтепа. 2-шурф. Милоддан авв. IV–III асрларга оид булган сопол идишлар мажмуаси (Эйлатон II).

Fig.25. Sarvontepa. Prospecting hole 2. Ceramic complex of the 4th -3rd centuries BCE (Eylatan II).



26-расм. Сарвонтепа. 2-шурф. Милоддан авв. IV–III асрларга оид бўлган сопол идишлар мажмуаси (Эйлатон II).

Fig.26. Sarvontepa. Prospecting hole 2. Ceramic complex of the 4th -3rd centuries BCE (Eylatan II).



27-расм. Сарвонтепа, 4-шурф. Милоддан авв. IV–III асрларга оид бўлган сопол идишлар мажмуаси (Эйлатон II).

Fig.27. Sarvontepa. Prospecting hole 4. Ceramic complex of the 4th -3rd centuries BCE (Eylatan II).



28-расм. Сарвонтепа. 1-шурф. Эйлтон маданиятига оид қўлда тайёрланган ва бўёк билан гул солинган сопол буюмлар (Эйлтон I).

Fig.28. Sarvontepa. Prospecting hole 1. Handmade and painted ceramics of Eylatan culture (Eylatan I).




28a-расм. Андижон сув омбори худудидан тасодифан топилган кўза.
Милоддан аввалги IV–III асрлар.

Fig.28a. Andijan water reservoir. Handmade painted ceramics.
Accidental find. 4th-3th centuries BCE.



28б-расм. Андижон сув омбори худудидан тасодифан топилган сопол идиш.
Милоддан аввалги IV–III асрлар.

Fig.28б. Andijan water reservoir. Handmade painted ceramic.
Accidental find. 4th-3th centuries BCE.



29-расм. Сарвонтепа. 1-шурф. Қуйи қатламлардаги қўлда тайёрланган нақшли сопол парчаси. Милoddан авв. VI–V асрлар (Эйлатон I).

Fig.29. Sarvontepa. Prospecting hole 1. Handmade painted ceramics from the lower layers. 6th -5th centuries BCE (Eylatan 1).




29а-расм. Қўлда ёлма усулда тайёрланган гулли сопол идиш.
Нижэботир қўхна мазори. Милоддан аввалги IV–III асрлар.

Fig. 29a. Handmade painted ceramic from burial ground Nijazbatyr. 4th–3th centuries BCE.



29б-расм. Ёлма усулда қўлда ясалган гулдор сопол идиш. Ғайраттепа.
Милоддан аввалги III–II асрлар.

Fig. 29b. Handmade painted ceramic. Gayrattepa. 3th–2th centuries BCE.




30-расм. Сарвонтепа. 1-шурф. Кулолчилик чархида тайёрланган идиш. Милоддан авв. IV–III асрлар (Эйлатон II).

Fig. 30. Sarvontepa. Prospecting hole 1. Wheel-made vessel. 4th – 3rd centuries BCE. (Eylatan II).



31-расм. Сарвонтепа. 6-шурф. Қуйи қатламлардан олинган гувала намунаси (Эйлагон I).

Fig.31. Sarvontepa. Prospecting hole 6. *Guvalyak* from the lower layers (Eylatan I).



32-расм. Чордона. Режа ва меъморий кесими.

Fig. 32. Chordona. Plan and architectural sectional view.



33-расм. Чордона. Қалъа деворларининг кўриниши.
Fig. 33. Chordona. View of the fortress wall. Photo.



34-расм. Чордона. VII–VIII асрларга оид қурилиш қолдикларининг умумий кўриниши.
Fig. 34. Chordona. General view of the construction remains from the 7th–8th centuries. Photo.




35-расм. Чордона. Гишт тахлаб тайёрланган яшаш жойи поли кўриниши.

Fig. 35. Chordona. Bricked floor in the dwelling. Photo.



36-расм. Чордона. Илк ўрта асрлар давридаги тураржой деворининг кўриниши.

Fig. 36. Chordona. Wall of the early medieval dwelling.





37-расм. Чордона. Илк ўрта асрларга оид хоналарнинг режаси: 1– VII–VIII асрларга оид девор; 2 – иккинчи даврга (VIII аср) оид девор (Б. Абдулгазиева бўйича).

Fig. 37. Chordona. Plan of early medieval rooms: 1– Early medieval wall (7th–8th centuries); 2– wall of the second (8th century) period (by B. Abdulgazieva).

38-расм. Чордона. 2001–2002 йиллардаги археологик казишмаларда очилган қурилиш қолдиқлари режаси.

Fig. 38. Chordona. Plan of excavation sites in 2001–2002.






39-расм. Чордона. 2-қазишма. Режа.

Fig.39. Chordona. Excavation site 2. Plan.




40-расм. Чордона. Шимоли-ғарб – жануби-шарқ бўйича кесим: I – III горизонт поли; 2 – поллар ўртасидаги оралик қатма; 3 – IV горизонт поли; 4 – пахса девор; 5 – ғишт билан тикланган платформа (тагкурси); 6 – илк платформа; 6a – платформа остидаги тенглаштирувчи қатлам; 6b – 6в – платформанинг давоми (6 – қатлам) ғишт териш ва пахса кўйиш билан бирга аралаш тикланган; 7–8 – кул қатламлари; 9 – оч жигарранг қатлам; 10 – мудофаа девори; 11 – кейинги давр девори; 12 – девор ва платформа ўртасидаги оралик қатлам; 13 – V қурилиш горизонти поли; 14 – қазиш ишлари чети.

Fig.40. Chordona. Section from NW to SE: 1 – floor of horizon III; 2 – infill between floors; 3 – floor of horizon IV; 4 – wall made of pakhsa; 5 – bricked platform; 6 – early platform; 6a – leveling layer under the platform; 6b-6c – platform extension (layer 6) with the combined brickwork and pakhsa; 7-8 – ashy interlayer; 9 – light-brown layers; 10 – defensive wall; 11 – wall of the later period; 12 – infill between the wall and platform; 13 – floor of horizon V; 14 – edge of excavation site.




41-расм. Чордона. 2-қазилма.
2 – ўчок (юқоридаги расм) ва
3 – ўчок. Режа ва кесими.

Fig.41. Chordona. Excavation site 2.
Hearth 2 (Figure above) and
hearth 3.
Plan and section view.



42-расм. Чордона. Платформа остидаги сопол
идишлар мажмуаси. Шимолий девор: 1–9–I–III
асрлари; жанубий девор: 10–14–I–II
асрлар.

Fig.42. Chordona. Ceramic complexes under the
platform. Northern wall: 1–9 (1st – 3rd
centuries);
Southern wall: 10–14 – (1st – 2nd
centuries).



43-расм. Чордона. 2-қазилма. III–IV асрлардаги сопол идишлар мажмуаси.

Fig.43. Chordona. Excavation site 2. Ceramic complex of the 3rd -4th centuries.




44-расм. Сарвонтепа.
Тирнаб нақш солинган
сопол идишлар парчалари
намуналари. Турли
шурфлардан олинган
материаллар.

*Fig.44. Sarvontepa. Samples
of ceramics with scratched
ornaments. Materials from
different prospecting holes.*

45-расм. Чордона. 2-қазилма. V-VI
асрларга оид сопол қадах.


*Fig.45. Chordona. Excavation site 2.
Beaker of the 5th -6th centuries.*






46-расм. Чордона. 2-қазилма. V–VI асрларга оид сопол идишлар мажмуаси.

Fig.46. Chordona. Excavation site 2. Ceramic complex of the 5th -6th centuries.




47-расм. Чордона. 2-қазилма (шимоли-шарқий қисми). V–VI асрларга оид сопол идишлар мажмуаси.

Fig. 47. Chordona. Excavation site 2 (north-eastern part). Ceramic complex of the 5–6th centuries.




48-расм. Чордона. 2-қазилма. VI–VII асрларга оид сопол идишлар мажмуаси.

Fig.48. Chordona. Excavation site 2. Ceramic complex of the 6th–7th centuries.




49-расм. Чордона. 2-қазилма (шимоли-шарқий қисми). VI–VII асрларга оид сопол идишлар мажмуаси.

Fig.49. Chordona. Excavation site 2 (north-eastern part). Ceramic complex of the 6th–7th centuries.




50-расм. Чордона. 2-қазилма (шимоли-шарқий қисми). VII–VIII асрларга оид сопол идишлар мажмуаси.

Fig. 50. Chordona. Excavation site 2 (north-eastern part). Ceramic complex of the 7th–8th centuries.



51-расм. Чордона. 2-қазилма. VII–VIII асрларга оид сопол идишлар мажмуаси.

Fig.51. Chordona. Excavation site 2. Ceramic complex of the 7th -8th centuries.



52-расм. Чордона. 2-казилма (шимоли-шарқий қисми). VII–VIII асрларига оид сопол идишлар мажмуаси.

Fig.52. Chordona. Excavation site 2 (north-eastern part). Ceramic complex of the 7th -8th centuries.




53-расм. Чордона. 2-казишма (шимоли-шарқий қисми). Қадимги турк тамғаси туширилган сопол парчаси.

Fig. 53. Chordona. Excavation site 2 (north-eastern part). Ceramic fragment with the old Turkic *tamga*.

54-расм. Дағаси ҳайвон кўринишига эга бўлган сопол идиш. Тасодифий топилма. Андижон сув омбори. V–VI асрлар.


Fig. 54. Ceramic vessel with a zoomorphic handle. Accidental find. Andijan water reservoir. 5th–6th centuries






55-расм. V–VI – асрлардаги Андижон сопол идишларининг умумий классификацияси жадвали.

Fig.55. Summary table of pottery from Andijan (5th -6th centuries).




56-расм. VII–VIII асрлардаги Андижон сопол идишларининг умумий классификацияси жадвали.

Fig.56. Summary table of pottery from Andijan (7th–8th centuries).



57-расм. Рабод. Қўштепадаги (1–5) ва Яккатепадаги (6–7 тасодифий топилган, 8–14-катламдан) шурфдаи олинган материаллар.

Fig.57. Rabad. Materials from prospecting holes of Koshtepa (1–5) and Yakkaktepa (6–7 – scattered and 8–14 – from the layer).




58-расм. Андижон рабодидан олинган Византия тилла брактеати.

Fig.58. Golden Byzantine bracteate from Andijan rabad.




59-расм. Тош хайкал. Қадимги тасодифий топилма. Андижон вилоят ўлкашунослик музейи.
VII–IX асрлар.

*Fig.59. Stone sculpture. Accidental find. Andijan provincial museum of regional studies.
7th –9th centuries.*



60-расм. Чордона. 2-қазилма. 2-қабр:
1 – ёғоч тобут; 2 – нақшинкор кўза; 3 – темир
михлар; 4 – кумуш қопланган тангалар;
5 – темир пайкон.

Fig.60. Chordona. Excavation site 2. Burial 2:
1 – wooden coffin; 2 – painted jar; 3 – iron nails;
4 – silvered coins; 5 – iron arrow heads.




61-расм. Чордона. 2-қазилма. 3-қабр:
1 – ёғоч тобут; 2 – кумуш қопланган
тангалар.

Fig.61. Chordona. Excavation site 2. Burial
3: 1 – wooden coffin; 2 – silvered coins.




62-расм. Чордона. 2-қабрдан олинган гулли кўза. XIII–XIV асрлар.

Fig.62. Chordona. Painted jar from the burial 2. 13th–14th centuries.




63-расм. Чордона. Юқори қатламлар. Ёғоч тобутдан олинган темир михлар (2-қабр). XIII–XIV асрлар.

Fig.63. Chordona. Upper layers. Iron nails from the wooden coffin (Burial 2). 13th–14th centuries.




63a-расм. Академик лицей ховлисидаги 1-шурф кесими. Қатламларнинг таърифини китоб матнидан қаранг.

Fig.63a. Prospecting hole 1 in the the yard of an Academic Lyceum. Cross section view. See the description of layers in the text.




64-расм. Сарвонтепа. Юқори қатламлар. Ўйма нақшли меъморчилик безаги бўлаги.

Fig.64. Sarvontepa. Upper layers. Carved architectural millwork.



65-расм. Андижоннинг Эски шаҳар қисмидан топилган ўрта асарларга оид сопол идишлар мажмуалари. 1–2 – Трактор кўчаси (IX–X асрлар); қолганлари Тиббиёт институтининг академик лицейи ҳовлисида ва Жоме мажмуасида жойлашган шурфлардан олинган.

Fig. 65. Medieval ceramic complexes from the old part of Andijan city. 1–2 – Traktornaya str. (9–10th centuries); the rest objects obtained from prospecting holes in the the yard of Academic Lyceum of Medical Institute and from Djami complex.



66-расм. Эски шаҳар. Сирланмаган кўзалар. Тасодифий топилма (Трактор кўчаси). IX–X асрлар.

Fig.66. Eski shakhar. Non-glazed jars. Accidental find (Traktornaya str.). 9–10th centuries.



67-расм. Тиббиёт институтининг академик лицейи ҳовлисида жойлашган I-шурф. Кулранг лойдан тайёрланган кўза. XI–XII асрлар.

Fig.67. Prospecting hole 1 in the the yard of Academic Lyceum of Medical Institute. Grey clay jar. 11th–12th centuries.



68-расм. Тиббиёт институтининг академик лицейи ҳовлисида жойлашган 1-шурф. Мурғоби. XII–XIII асрлар.

Fig.68. Prospecting hole 1 in the the yard of Academic Lyceum of Medical Institute. Water vessel – *murgobi*. 12th –13th centuries.



69-расм. Тиббиёт институтининг академик лицейи ҳовлисида жойлашган 1-шурфдан олинган ясси асосга эга бўлган тувак (5-катлам) (XII–XIII асрлар).

Fig.69. *Tuvak* with a flat base from Prospecting hole 1 (layer 5) in the the yard of Academic Lyceum of Medical Institute. 12–13th centuries.



70-расм. Тиббиёт институтининг академик лицейи ҳовлисида жойлашган 1-шурф. Сепоя (1), хумдон учун сопол «мих» (қозиқ) (2–4) ва сопол плита (5). XII–XIII асрлар.

Fig.70. Prospecting hole 1 in the yard of Academic Lyceum of Medical Institute. A stand-sipay(1), pins (2–4) and ceramic tile(5). 12–13th centuries.



71-расм. Жомеъ масжид ва мадрасасининг ховлисидаги шурф. Сув куйишга мўлжалланган сирланган коса. XIII–XIV асрлар.

Fig.71. Prospecting hole 1 in the yard of mosque and madrasah of Djami. Glazed bowl. 13th–14th centuries.




72-расм. 1-шурфдан олинган сопол идишлар мажмуаси (Тиббиёт институтининг академик лицейи). XI–XIII асрлар.

Fig.72. Ceramic complex from Prospecting hole 1 (Academic Lyceum of Medical Institute).




73-расм. Тиббиёт институтининг академик лицейи ҳовлисидаги 1-шурф. Шиша буюмларининг парчалари (5-қатлам). XII–XIII асрлар.

Fig.73. Prospecting hole 1 in the yard of Academic Lyceum of Medical Institute. Fragmented glass articles (layer 5). 12th–13th centuries.




73а-расм. Жомеъ масжид ва мадрасасининг ҳовлисидаги 1-шурф. Кесим профили. Қатламларнинг тавсифини китоб матнидан қаранг.

Fig.73a. Prospecting hole 1 in the yard of mosque and madrasah of Djami. Profile of section. See description of layers in the text.



74-расм. Жомеъ масжид ва мадрасасининг ҳовлисидаги 1-шурф. 5-қатлам (1–5); 6–вилоят травматология шифохонаси яқинидан аниқланган тасодифий сопол идиш («Болалар кишлоғи» биноси қурилиш ишлари давомида топилган). XIII–XIV асрлар.

Fig. 74. Prospecting hole 1 in the yard of mosque and madrasah of Djami. 1–5 – from layer; 6 – Accidental find from the rabad territory located in Provincial Accident Hospital (while digging the ditch for foundation of the Centre «Detskoe selo»). 13–14th centuries.



75-расм. . Жомеъ масжиди ва мадрасасининг ҳовлисидаги 1-шурф. Ҳаворанг сир ва оқ ангобга эга бўлган коса. XIII–XIV асрлар.

Fig. 75. Prospecting hole 1 in the yard of mosque and madrasah of Djami. A bowl glazed in blue and slipped in white. 13–14th centuries.



76-расм. Рабод, Хурмача. Тасодифий топилма. XIII–XIV асрлар.

Fig. 76. Rabad. Earthenware pot (*khurmancha*). Accidental find. 13th–14th centuries.




77-расм. Шахристон. Симобқўзача/сфероқонус. Тасодифий топилма (Олтинқўл кўчаси). XII–XIV асрлар.

Fig. 77. Shakhristan. Spherical-conical vessel. Accidental find (Altynkulskaaya str.). 12th–13th centuries.




78-расм. 1-шурф (Тиббиёт институтининг академик лицейи). Симобқўзачалар/сфероқонуслар. XII–XIII асрлар.

Fig. 78. Prospecting hole 1 in the yard of Academic Lyceum of Medical Institute. Spherical-conical vessels. 12th–13th centuries.




79-расм. Тиббиёт институтининг академик лицейи ҳовлисидаги 1-шурф. 5-қатлам (1-7) ва 7-қатламлардан (8-11) олинган материаллар. XII-XIII асрлар.

Fig.79. Prospecting hole 1 in the yard of Academic Lyceum of Medical Institute. Materials from layer 5 (1-7) and layer 7 (8-11). 12th-13th centuries.



80-расм. Жомеъ масжиди ва мадрасасининг ҳовлисидаги 1-шурф. 5-қатлам (1-8, 11) ва 7-қатламлардан (9-10) олинган материаллар. XIII-XIV асрлар. 12 - рабоддан (Бобо Сааддин ёки Бува Сааддин қабристон).

Fig.80. Prospecting hole 1 in the yard of mosque and madrasah of Djami. Materials from layer 5 (1-8, 11) and layer 7 (9-10). 13th-14th centuries. 12 - rabad (Bobo Saaddin or Buva Saaddin).




81-расм. Арк. Жанубий мудофаа деворида қазинмалар (2002 йил). (Ташкилот кўчаси, 41-уй ва Арк ичи кўчаси 42-уй оралигида). А – режа: 1–2-мусулмонча қабрлар; Б – кесими.

Fig.81. Ark. Southern defensive wall. Clearing of wall on the site between Tashkilot 41 and Ark-ichi 42 str. A – plan: 1–2 – burials; B – cross section view.



82-расм. 1947 йили А. К. Писарчик томонидан тузилган ўрта асрлардаги Андижоннинг режаси: 1 – қабристон; 2 – мудофаа деворларининг қолдиқлари; 3 – шахристон девори; 4 – арк; 5 – масжидлар.

Fig.82. Plan of medieval Andijan drawn by A. K. Pisarchik in 1947: 1 –graveyard; 2 – remains of defensive walls; 3 – wall of shakhristan; 4 – ark; 5 – mosques.




83-расм. Андижон. Темурийлар ва ундан кейинги даврга оид архитектура ёдгорликлари туширилган режа.

Fig.83. Andijan. Period of Timur and Timurids. Plan with insertion of later architectural constructions.



84-расм. 3. М. Бобур давридаги Намозгоҳ масжиди(?) пойустуни.

Fig.84. Column base of Namazgakh mosque (?) from Babur's period.



85-расм. Чордона. Юқори қатламлар. Ўрта асрлар даври қабри. Тангалар: 1 – Чиғатойлар сулоласига мансуб кумуш дирхам (2-қабр. XIV аср охири); 2 – Чиғатойлар сулоласига мансуб кумуш дирхам (2-қабр. XIV аср охири); 3 – Чиғатойлар сулоласига мансуб кумуш дирхам (3-қабр. XIV аср охири). Тиббиёт институтининг академик лицейи ҳовлисидаги шурф; 4 – Қорахонийлар сулоласига мансуб кумуш дирхам. Иброҳим б., Хусайн. [Самарқанд, 577–580/1174–1185].

Fig.85. Chordona. Upper layers. Medieval burials. Coins: 1 – silver dirham of Chagataid dynasty (burial 2, late 14th century); 2-silver dirham of Chagataid dynasty (burial 2, late 14th century); 3-silver dirham of Chagataid dynasty (burial 3, late 14th century). Prospecting hole in the yard of Academic Lyceum of Medical Institute: 4 – silver dirham of Karakhanid dynasty. Ibrahim b. Husain [Samarkand, 577–580/1174–1185].




86-расм. Кумуш дирхам. Чиғатойлар. Андиган, XIII аср охири.
(Andigan type, 22 mm, 2,0 g – Mongolians Coins.com).

Fig.86. Silver dirham. Chagataid dynasty. Andigan, Late 13th century.
(Andigan type, 22 mm, 2.0 g-Mongolian Coins.com).




87-расм. Кумуш дирхам. Чиғатойлар. Андиган, XIII аср охири (Е. А. Давидович бўйича).

Fig.87. Silver dirham. Chagataids. Andigan, late 13th century (according to E. A. Davidovich).



88-расм. Мис фулуслар. Андиган. XV– XVI аср бошлари.

Fig.88. Copper *fulus*. Andigan. 15th – early 16th centuries.




89-расм. Андижоннинг режа-схемаси (Зияев бўйича). XIX аср бошлари. А – арк, Б – бозор.
 1 – Чордона; 2 – Сарвонтепа; 3 – Қўштепа I; 4 – Қўштепа II; 5 – Култепа;
 6 – Ялангочқўрғон; 7 – Эски қўрғон; 8 – Қорақўрғон.

Fig.89. Schematic plan of Andijan (according to Ziyaev). Early 19th century. A – ark, B – market.
 1 – Chordona; 2 – Sarvontepa; 3 – Koshtepa I; 4 – Koshtepa II; 5 – Kultepa; 6 – Yalangach-
 kurgan; 7 – Eski kurgan; 8 – Karakurgan.




90-расм. Андижон. Андижонсойдан чиқарилган магистрал ариқлар.
XIX аср охири. А – ўрда; Б – бозор; В – Култепа.

Fig.90. Andijan. Main canals diverted from the Andijansai.
Late 19th century. А – urda; Б – market; В – Kultepa.




91-расм. Шахристон. Ҳақиқат кўчаси қисмидаги мудофаа деворининг кесими:
 1 – замонавий сатҳ; 2 – замонавий ер сатҳи; 3 – пахса; 4 – замонавий чиқиндалар қатлами;
 5 – кулрангдаги ер қатлами; 6 – сариқ рангдаги қатлам; 7 – материк.

Fig.91. Shakhristan. Section of defensive wall in Khakikat str.: 1 – contemporary level of the yard; 2- contemporary level of the yard; 3 – pakhsa; 4 – layer of modern dust; 5 – layer of grey soil; 6 – layer of yellow soil; 7 – subsoil.



92-расм. Шахристон. Мадраса ҳовлисидаги шурф. XV–XVI асрларга оид сопол буюмлар мажмуаси (Б. Абдулгазиева бўйича).

Fig. 92. Shakhristan. Prospecting hole in the yard of madrasah. Ceramic complex of the 15th–16th centuries (according to B. Abdulgazieva).




93-расм. Шахристон. Мадраса ҳовлисидаги шурф. XV–XVI асрларга оид сопол буюмлар мажмуаси (Б. Абдулгазиева бўйича).

Fig.93. Shakhristan. Prospecting hole in the yard of madrasah. Ceramic complex of the 15th–16th centuries (according to B. Abdulgazieva).



94-расм. Жомеъ масжиди ва мадрасаси ҳовлисидаги шурф. Сепоялар. XV–XVI асрлар.

Fig.94. Prospecting hole 1 in the yard of mosque and madrasah of Djami. stand-sipai.
15th–16th centuries.



95-расм. Сарвонтёпа. 1-шурф. Юқори қатламлар. Сирланган идиш парчаси.
XVII–XVIII асрлар.

Fig.95. Sarvontepa. Prospecting hole 1. Upper layers. Glazed dish. 17th –18th centuries.



96-расм. Эски шахар. «Тасвирий ойина» корхонаси ховлисидаги 1-шурф.
Чилим сархонаси. XVII–XVIII асрлар.

Fig.96. Eski shakhar. Prospecting hole 1 in the yard of the «Tasviriy oyina» enterprise.
Ceramic object. 17th–18th centuries.



97-расм. Эски шаҳар. Чилим сархонаси. XVII–XVIII асрлар
(Ўзбекистон кўчасидаги янги тураржой бинолари қурилиш хандаги).

*Fig.97. Eski shakhar. Ceramic object. 17th –18th centuries
(ditch for foundation of a house in Uzbekistanskaya str.).*



98-расм. Эски шахар. Мўъжаз қўза. XVII–XVIII асрлар
(Ўзбекистон кўчасидаги янги тураржой бинолари қурилиш ҳандаги).

Fig.98. Eski shakhar. Miniature jar. 17th–18th centuries
(ditch for foundation of a house in Uzbekistanskaya str.).



99-расм. Ўрта асрлар аркининг муҳофаа деворидаги қазил ишларининг умумий кўриниши
(Ташкилот кўчаси, 41-уй).

Fig. 99. General view of excavation site of defensive wall of medieval ark (Tashkilot str.).



100-расм. Ўрта асрлардаги Андижон аркининг шимолий муҳофаа девори (Ҳақиқат кўчаси, айни пайтда Арк ичи кўчаси). Неъматжон Сурнайчи уйининг ховлисидан кўриниши (собик Тандирчи маҳалласи). XX асрнинг 60-йиллари.

Fig.100. Northern defensive wall of medieval ark of Andijan (former Khakikat now Ark-ichi str.). View from the yard of Nematjon Surmaychi (former Tandirchi makhallya). 1960 s.




101-расм. Ўрта асрлар аркининг муҳофаа деворидаги қазиларнинг умумий кўриниши (Ташкилот кўчасидаги уйлarning ховлиси). XX асрнинг 70–80-йиллари.

Fig.101. General view of excavation site of defensive wall of medieval ark (Tashkilot str.). 1970s–80 s.



102 расм. Ўрта аср миниатюраси. Эсон Давлат бегим чорбағи ёки З. М. Бобурнинг
Андижондаги ўрдаси (?). (Румер Годен бўйича).

Fig.102. Medieval miniature. Depiction of Esan Davlat begim *chorbag* or *urda* (?) of Babur in
Andijan (according to Rumer Goden).



103-расм. Намунали чорбоғ режаси. XVI асрда ёзилган «Иршад аз-зираа» илмий асари ва қисман китоб миниатюраларига кўра Г.А.Пугаченкованинг реконструкцияси.

Fig.103. Plan of typical *chorbag*. Reconstruction by G. A. Pugachenkova based on the sixteenth-century treatise entitled «I'rshad az-ziraa» and partially on the data of bookish miniatures.



104-расм. Араб ёзувидаги қабртоши. Бўтакора қишлоғидаги Қорабашота қабристони. Саййид Ҳасан ибн Маҳмуд ибн Муҳаммад Бухорий (1255–1312) қабртоши (VII иловага қаранг).

Fig.104. Epitaph in Arabic script. Karabashata cemetery in Butakara village. Said Khasan bin Makhmud bin Mukhammad Bukhoriy (1255–1312) (Reading and translation by Abdurakhmanov M.).



Андижанъ. Минареть во дворѣ большой мечети.

105-расм. Жомеъ меъморий мажмуаси ховлисидаги минора.
XIX асрнинг охирида бунёд этилган.

Fig.105. Minaret in the yard of architectural complex of Djami.
Construction of the late 19th century.

**БОКИЖОН ХОШИМОВИЧ МАТБОБОВ,
ЗОҲИДЖОН ЗОКИРЖОНОВИЧ МАШРАБОВ**

АНДИЖОН ТАРИХИ

(Қадимги даврлардан XX аср бошларигача)


«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент – 2014

Мухаррир *Барнобек Эшпулатов*
Рассом *Толиқ Қаноатов*
Техник муҳаррир *Бекзод Каримов*
Саҳифаловчи *Лидия Цой*
Мусаххихлар *М. Зиямуҳамедова, Ш. Хуррамова*

Нашр лицензияси АІ № 201, 28.08.2011 йил.

Босишга 9.12.2013 рухсат этилди. Бичими 70x90 $\frac{1}{16}$
«Times New Roman» гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табоғи 20,47.
Нашриёт-ҳисоб табоғи 20,01. Адади 1000 нусха. Буюртма № 3312.

«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси.
100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.



ISBN 978-9943-26-056-6

